

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТ ҲУҚУҚИ

**Олий ўқув юртларининг магистрлик
мутахассислиги бўйича таълим олаётганлар
учун**

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент - 2006

Ўзбекистон Республикаси Парламент ҳуқуқи: Ўқув қўлланма/ Масъул муҳаррир: проф. А.Тулаганов. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. –286 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги, ТДЮИ.

Муаллифлар жамоаси:

доцент Д.Қ.Ахмедов – Кириш, 1, 9 боблар.

ю.ф.н., доцент, С.М.Хидиров – 2, 15-боблар.

ўқт. Ш.Х. Зулфиқоров -10, 12, 14 -боблар.

ўқт. И.Р.Беков – 3,4-боблар.

ўқт. Ш.Ғ.Асадов –5,6,17-боблар.

ўқт. А.М.Ҳошимхонов – 7,8-боблар.

ўқт. О.Турғунов-9, 18, -боблар

маг. У.Ш.Хусаинов –11,13, 16-боблар.

Такризчи: *юридик фанлар доктори О. Муҳаммаджонов*
юридик фанлари номзоди, доцент М.Ҳамедова

Мазкур ўқув қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Парламент ҳуқуқи фанининг тушунчаси, предмети, манбалари, уни ўрганиш услублари, парламентнинг ҳуқуқининг ривожланиш босқичлари, парламент фаолиятининг асосий принциплари ва функциялари, парламент аъзоларининг палаталардаги фаолияти, парламентлараро ҳамкорлик ва парламент назорати, шунингдек, парламент ислохотлари каби масалалар ёритилган.

Ўқув қўлланма магистрант, аспирант ва юридик олий ўқув юртлари ўқитувчиларига, мутахассисларга, шунингдек, давлат ҳуқуқи ва бошқаруви масалаларига қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

© Муаллифлар жамоаси.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2006 йил.

Сўз боши

Республикаимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, турли соҳалардаги туб ислохотлар жамият ҳаётини қамраб олди, бозор иқтисодиётига асосланган демократик-ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган интилишлар анча кучайди. Натижада қисқа давр ичида амалга оширилган ислохотлар ўз самарасини бера бошлади, Ўзбекистон дунёнинг барқарор ривожланаётган давлатига айланди.

Ҳозирги кунга келиб ҳам давлат ва жамият ҳаётини ислоҳ қилишга қаратилган фаолият давом этмоқда, буни Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қўрилиши соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси парламентини икки палаталига келтириш борасида референдумнинг ўтказилиши, парламент ислохотларига доир бир қатор қонунларнинг Олий Мажлис томонидан қабул қилинишини ҳам айнан давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохот сифатида баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28-январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” мавзусидаги сўзлаган нутқида ҳам, илк бор икки палатали парламентга ўтилиши Ўзбекистоннинг янги тарихида алоҳида, ғоят муҳим ўрин эгаллаганлиги, қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат деган фикрларни билдириб ўтган эди.

Ҳозирда биз демократизм тамойилларини ўзида янада кенгроқ мужассамлаштирган икки палатали парламент ташкил этмоқчи эканмиз, бу борадаги жаҳон тажрибасидан янада унумлироқ фойдаланишимиз зарурлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Маълумки, давлат ҳокимияти органлари тизимида парламент муҳим ўрин эгаллайди, сабаби давлат ва умуман бутун жамият тараққиётини белгилаб берувчи қонунлар айнан айнан парламент томонидан лойиҳа қўрилишида ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Бундан ташқари парламентга давлат ташқи ва ички сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш, халқаро шартномаларни ратификация қилиш, қонунлар ижроси мониторингини олиб бориш каби ўта муҳим ваколатлар берилганки, бу ҳолат парламент жамият ҳаётида қанчалик муҳим ўрин эгаллашини яна бир бор тасдиқлайди. Ўз-ўзидан юқорида қайд этиб ўтилган ўта муҳим вазифаларни амалга оширувчи давлат олий вакиллик органига шунга яраша масъулият юклатилади.

Ушбу ўқув қўлланма, парламент фаолиятининг назарий-ҳуқуқий асосларини, парламент фаолиятининг асосий принциплари ва ривожланиш босқичларини, парламент

аъзоларининг палаталардаги фаолиятини, парламентлараро ҳамкорлик ва парламент назоратини, хорижий парламентлар тажрибасини, шунингдек, парламент ислохотларининг барча мақсад ва вазифаларини ўз ичига қамраб олган.

Ушбу ўқув қўлланма магистратура йўналишида ўқиётганларнинг ҳуқуқий онгини оширишда, парламент фаолияти бўйича етарли тушунча олишига хизмат қилади.

1-БОБ. Парламент ҳуқуқи юридик фан ва ҳуқуқининг мустақил тармоғи сифатида.

1-§. Парламент ҳуқуқи предметининг тушунчаси ва хусусияти

2-§. Ижтимоий фанлар тизими ва ҳуқуқ тизимида парламент ҳуқуқининг роли, аҳамияти ва ўрни

3-§. Конституциявий ҳуқуқ ва парламент ҳуқуқи

4-§. Парламент ҳуқуқи ҳуқуқий тадқиқотларнинг мустақил йўналиши сифатида. Ўзбекистон Республикасининг парламент ҳуқуқи – янги махсус ўқув юридик фан

5-§. Парламент ҳуқуқи ўқув курсини ўқитишнинг мақсадлари ва асосий вазифалари. Парламент ҳуқуқи курсининг тизими. Юристарни тайёрлашда парламент ҳуқуқининг аҳамияти

1-§. Парламент ҳуқуқи предметининг тушунчаси ва хусусияти.

Парламент ҳуқуқи ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва методининг муайян хусусиятига эга. У ташкилий, процессуал муносабатларни тартибга солади. Агарда конституциявий ҳуқуққа императив негизларга асосланган методлар хос бўлса, парламент ҳуқуқига-авваламбор мувофиқлаштириш ва келишув негизлари хосдир. Парламент ҳуқуқи предметига бир қатор олимлар иккита шартли равишда фаркланадиган ижтимоий муносабатлар гуруҳини киритадилар. Бу моҳиятли деб аталувчи, яъни, моддий характердаги муносабатлар бўлиб, улар орқали вакиллик ва қонунчилик органи бўлган парламентнинг вазифаси ва ҳокимият манбаси-халқ билан алоқаси ва шунингдек, бўлинадиган ҳокимиятлар тизимида парламентнинг ўрнини аниқлаши керак бўлган муносабатлар аниқланади. Иккинчи гуруҳ муносабатлари ташкилий, процессуал аспектларни, парламент процедуралари, парламент жараёни ва х.к.ларни ўз ичига олган. “Парламент ҳуқуқи” тушунчаси юридик адабиётда яқинда пайдо бўлди. Уни парламент фаолиятини ва ташкил этилишини тартиб қилувчи баъзи бир мамлакатларда барқарор баъзиларида энди шаклланаётган ҳуқуқий актлар ва меъёрлар мажмуини олимлар томонидан асослашган интилиш деб тушуниш мумкин. Бунда бир қатор тадқиқотчилар тармоқ ҳақида эмас, балки конституцион ҳуқуқ тармоғи доирасида парламент ҳуқуқи институти ҳақида сўз юритмоқ лозим деб ҳисоблайдилар. Кўзга кўринган Россиялик юрист академик Б.М.Томорниннинг фикрича парламент ҳуқуқи шакллари кўриниб қолган конституцион ҳуқуқнинг шаклланаётган тармоғидир. Шу билан бирга мамакатимизда парламентаризм масалаларининг таниқли тадқиқотчиси ю.ф.д Э.Ҳ.Халилов конституцион (давлат) ҳуқуқи таркибидан ўзига хос бошқари предметига эга бўлган мустақил юридик фан – “Ўзбекистоннинг парламент ҳуқуқи”ни ажратиб кўрсатилишини таклиф этмоқда.

“Парламент ҳуқуқи” тушунчаси, унинг предмети қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи юқори давлат вакиллик органи, унинг ташкил этилиши ва фаолиятига оид конституциявий ҳуқуқ нормаларнинг бир қисмини ўз ичига олади.

Конституциявий ҳуқуқ манбалари – таркибий қисм ҳисобланган парламент ҳақидаги боб (бўлим)ни ўз ичига олувчи конституциянинг ўзи; конституциявий нормаларини ривожлантирувчи қонунчилик актлари; парламент (икки палатали парламент ҳар бир палатасининг) регламенти ҳамда ташкилий ва тартиб – таомил қоидаларини ўз ичига олувчи бошқа бошқа актлар; парламентаризм узок тарихга эга бўлган мамлакатларда эса айниқса кадрланадиган одатлар ва анъаналар муҳим ўрин тутди.

Парламент ҳуқуқининг умумий-биринчи қисми давлат ҳокимиятининг юқори органлари тизимида парламентнинг ўрни ва роли, унинг ваколатлари, агарда парламент икки палатали бўлган тақдирда ваколатларнинг палаталар ўртасида тақсимланиши, парламентнинг давлат бошлиғи ва ҳукумат билан муносабатлари, депутатлик мандатининг ҳуқуқий мақоми каби масалаларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳаммаси, одатда, конституция нормалари билан тартибга солинган унинг ажралмас таркибий қисмини ташкил этади ва агарда парламент ҳуқуқи шу муаммо билан чекланиб қолганда у мустақил фан сифатида умуман керак бўлмас эди.

Парламент ҳуқуқининг махсус қисмида биринчидан, парламентнинг ички тузилиши (бошқарув органлари ва уларни шакллантириш тартиби, доимий ва бошқа кўмита ва комиссияларнинг ташкил этилиши ва фаолияти, партия фракцияларининг ҳуқуқий мақоми ва ҳ.к); иккинчидан, қарорларни қабул қилиш тартиби ва энг аввало қонун чиқариш тартиби (қонун лойиҳасини киритиш, ўқишлар сони, муҳокама қилиш ва тузатишлар киритиш тартиби ва ҳ.к); учинчидан, парламент депутатларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; депутатларнинг ва палатанинг ёрдамчи хизматларини ташкил этиш ва фаолияти масалалари акс этади.

Парламент фаолияти қанча кенг бўлса, парламент ҳуқуқининг роли шунча катта бўлади.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг қуйидаги методологик қоидаларидан фойдаланиш мумкин. Биринчидан, турли мамлакатлар парламентларидаги умумийлик, алоҳидалик ва якка ҳолдаги масалалар ўрганиб чиқилади. Умумий тавсифлар кўпроқ абстракт ҳолда бўлиб барча ёки кўпгина парламентларнинг асосий хусусиятини акс эттиради. Алоҳидалик тавсифи бир гуруҳ парламентларга хос бўлган хусусиятларни билдиради ва уларнинг бир гуруҳга киритилиши бир хиллиги ёхуд ғоявий дунёқараш илдизлари (масалан, барқарор классик Европа парламентлари) билан ёки регионал сабаблар (Скандинавия мамлакатлари парламентлари) билан ёхуд умумий вазият сабаблари

(масалан Шарқий Европа мамлакатлари парламент ислохотлари) билан изоҳланади. Ҳаттоки монархия кўринишидаги давлатларда ҳам парламент институтларининг фарқланиши кузатилади. Улар Швейцария, Дания, Норвегия, Нидерландиядаги бу мамлактларга хос бўлган демократик концепциядалиги ва ҳуқуқ устуворлиги учун яхши ривожланган ва масалан, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликларида эса ривожланмаган. Парламентлардаги якка ҳолатлик конкрет тарихий ҳолатда ривожланаётган у ёки бу давлатга хос бўлган уларининг хилма хиллигини акс эттиради. Парламентларнинг номланиши ҳам турлича намоён бўлади. Қуйи ва юқори палата шаклланиши ҳам фарқланади. Қиёсий таҳлил объекти бўлиб парламентлар ҳисобланади. Қиёслашнинг объекти бўлиб унинг алоҳида элементлари – қонунчилик компетенциясининг ҳажми, қонунчилик жараёни, президент ва ҳукумат билан муносабатлари, парламент аъзолари (депутатларининг) ҳуқуқий мақоми, парламентлар аппарати (девокони) ва ҳ.к. ҳисобланади. Учинчидан, парламентларни қиёсий ўрганиш мамлакатдаги давлат ҳокимиятининг конституциявий тузилиши билан у ёки бу ҳажмда танишишни ўз ичига олган бўлиши керак. Бусиз парламентнинг бошқа давлат органлари билан муносабатининг ўзига хослигини тўлақонли тушуниб бўлмайди, бунда фойдали тўлдириш бўлиб юристлар ва сиёсатшуносларнинг “ўз” парламентлари ҳақидаги концепциялари ва илмий асарлари хизмат қилади.

Тўртинчидан, муҳим методологик мезон бу фойдаланилаётган тушунча ва ибораларнинг бир бирига яқин ва мос бўлишидир. Маданий анъаналар ва тил хусусиятлари юридик тушунчалар спецификаси билан биргаликда мумкин қадар аниқлик билан тайинланиши керак. Акс ҳолда парламент ҳодисаларининг ташқи ўхшашлиги ёки ўхшамаслиги ортида уларнинг асл табиатини кўра олмаслик мумкин. Айтилган гап масалан, турли маънодаги “қонун”, “акт”, “спикер” тушунчаларига тегишлидир ва ҳ.к.

Бешинчидан, парламентларни таққослаш улар ҳар бирининг ривожининг тарихий омилини ҳисобга олиш шарти билангина тўғри ва ҳаққоний бўлади. Бир мамлакатнинг парламенти учун ўз вақтида қўллаш самарали бўлган тажрибани узоқ вақтдан кейин бошқа давлатнинг тажрибасига қўллаш қийин.

Шундай қилиб, давлат ва жамият билан бирга тарихий вазиятлардаги уларнинг ривожланиш тендецияларини, иқтисодий, сийсий, ҳарбий соҳаларда ижтимоий кучлар нисбатини акс эттириб такомиллашиб борди. Халқаро муҳит таъсири дастлаб прогрессив давлатларда ва айниқса парламентлараро иттифоқлар ва бирлашмалар кўринишида бўлиб турди. Ривожланган парламент ҳуқуқи ҳокимиятлар бўлинишидаги мувозанатга риоя этишда катта рол ўйнайди. XIX асрнинг ўзидаёқ Б.Н.Чичерин “Парламент бошқаруви халқнинг сиёсий етуклиги белгисидир”, - деб ёзган эди.

Куйидаги шартларга риоя этиш ўта муҳимдир:

- парламент ўз вазифасини бажаришга лаёқатли бўлиши, ички низолардан ўзини сақлаш ва ўз регламентига аниқ риоя этиши керак;
- парламент давлатда бўлаётган ишлар ҳолати ҳақида ўз ихтиёрида катта ва кенг инфратузилмаси бўлган ижро этувчи ҳокимият эга бўлган даражада ҳар томонлама ахборотга эга бўлиши керак;
- парламент давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маданият, маориф, тиббиёт, энг янги технологиялар ва бошқа муаммолар бўйича парламент аъзоларини таҳлилий материаллар билан таъминлай оладиган тузилишга эга бўлиши керак.

2-§. Ижтимоий фанлар тизими ва ҳуқуқ тизимида парламент ҳуқуқининг роли, аҳамияти ва ўрни.

Парламент харакати дунёда янги ғоялар, принциплар, тузилиши ва фаолияти шакллари билан бойиб борди. Янги сиёсий тавсифларга эҳтиёж пайдо бўлди. Бунга бир жавоб тариқасида совет-америка «маданий ташаббус» фонди амалга оширган 1991йилдаги «Дунё парламентлари» китобининг нашри бўлди. Унинг мақсади-жамиятнинг кенг қатламларини хорижий-АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Австрия, Швейцария, Швеция, Финляндия, Португалия ва Япония парламентлари тажрибасига яқинлаштиридир. Юқоридаги ҳар бир парламент ҳақидаги маълумот умумий схема бўйича олиб борилади- ташкил этилиши, таркиби, ваколати, қонун қабул қилиш процедуралари, парламент кўмита ва комиссиялари, парламент дебатлари ва овоз бериш, парламентаризм тарихи ва Европарламент фаолияти ҳақидаги очерклар эса ўқувчи билимини кенгайтириш ва аввалги ва ҳозирги умумпарламент тематикаси билан яқиндан таништиради.

Парламентаризм муаммоларининг энг ёрқин фундаментал қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот бу «Қиёсий конституцион ҳуқуқ» китоби (ва унинг «қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг Конституцион моделлари» номли 9-боби) дир. Бу ерда бир қанча қатъий мезонлар ажралиб туради ва уларга амал қилиш турли мамлакатларнинг парламентларидаги умумийлик ва ўзгачалик (алоҳидалиқни) кўриш имконини беради: а) парламентлар ва уларнинг палаталари номланишидаги фарқ; б) парламентларнинг президентлик ва ижроия ҳокимияти билан ўзаро муносабатларининг модели; в) бир палатали парламентлар ўртасидаги фарқлар; г) парламентлардан юқори структураларнинг мавжудлиги; д) қонунчилик ва вакиллик функцияларининг ҳисобга олган ҳолда парламент функциялари ва ваколатлари турли хажм ва характердалиги; е) парламентлар ривожланишининг умумий тенденциялари.

Парламентлар ривожланишининг умумий қонуниятлари билан бир қаторда бир гуруҳ мамлакатлар ва регионларга ҳал бўлган специфик (ўзига хос) тенденциялар ҳам мавжуд. Алоҳида давлатларнинг парламент таркиблари муфассал илмий ва илмий-оммабоп адабиётларда ёритилади. Миллий парламентлар ривожланиши тенденцияларини гуруҳларга йиғиш мезони деб уларнинг ижтимоий-функционал ролининг барқарорлиги даражасини айтиш мумкин. Барқарор парламентлари бўлган мамлакатларни битта гуруҳга киритса бўлади. Уларнинг ичида АҚШ, Буюк Британия ва Францияни кўрсатса бўлади. Шунга асосан ҳуқуқ тизимида парламент ҳуқуқининг ўрни ҳақидаги масала ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Конституционал ҳуқуқ бўйича ҳозирги замон ўқув курсларининг муаллифлари (ҳам Россиялик ҳам хорижий мамлакатларнинг) парламент ҳуқуқини фаннинг мустақил тармоғи эканлигини тан олишга шошилишмаяпти, бу билан уни конституцион ҳуқуқнинг тармоқ ости деб белгилашмоқда. Парламент ҳуқуқи мақоми ҳақида тайинлироқ фикрни И.М.Степанов билдирди: «Парламент ҳуқуқини алоҳида тармоқ деб эълон қилиш қандай жозибали кўринмасин барибир унда конституцион ҳуқуқнинг тармоқ эканини, унинг ишончли «мен»ини кўришга кўпроқ асослар бор».

Парламент ҳуқуқига конституцион ҳуқуқнинг тармоқ ости сифатида нуқтаи назар вақт ўтиши билан А.С.Автономов, В.Д.Горобец конституцион ва парламент ҳуқуқи муаммолари билан шуғулланаётган бир қанча бошқа муаллифлар ишларида ҳам мустаҳкамланиб олди. Улар парламент ҳуқуқини конституцион ҳуқуқдан тўлиқ ажратиб олиш қийин деб ҳисоблайдилар, чунки, биринчидан, у конституцион ҳуқуқ ичидан келиб чиққан, унинг ривожини маҳсулидир, иккинчидан эса конституцион ҳуқуқ меъёрлари парламент ҳуқуқининг ажралмас қисмини унинг асос негизини ташкил этади. Шу билан бирга, бизнинг тасаввуримизча, парламент ҳуқуқини конституцион-процессуал ҳуқуқ деб ҳам айтиб бўлмайди, бунга сабаб шуки, парламент процедуралари юқори давлат органлари шаклланиб ўзаро ҳаракат қиладиган процедураларнинг бир қисмидир ҳолос; бу жинойий ва жинойий-процессуал, фуқаролик ва фуқаролик-процессуал ҳуқуқларнинг ўзаро нисбатидан умуман бошқа нарсадир. Шу билан бир вақтда парламент ҳуқуқи ҳақидаги тасаввур фақат процедурани, процессуал ҳуқуқ деб кўрилмаслиги керак чунки у конституцион ҳуқуқ меъёр ва принциплари таъсири остида шаклланади ва ўзининг асосида бевосита конституцион ҳуқуққа тегишли ва унинг таркибида бўлган моддий меъёрларга эгадир. Шунга асосан парламент ҳуқуқини мустақил кўриб чиқиш мазкур соҳадаги ҳуқуқий меъёрларни ўз ичига олган бўлак (бошқа) кодлаштирилган қонунчилик актинини яратиш мураккабликлари туфайли амалда қийинчилик туғдиради, чунки парламент ҳуқуқи турли даражадаги парламент-ҳуқуқий муносабатларни ҳам парламент ичидаги ва яна парламент ва давлатнинг бошқа юқори органлари ўртасида (М: Президент

билан, суд органлари, парламент ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органлари ўртасида, парламент ва сайлов корпуси ўртасида) муносабатларни тартибга солади.

Шундай бўлсада охириги 15-йилдаги ҳуқуқ тизими ривожининг умумий тенденцияси, тармоқ қонунчилигининг шиддатли ўсиши, ундаги кенг қамровли ўзгаришлар ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг янги йўналишлари пайдо бўлишига ёрдам берди, кодлаштирилган актлар, қонунчиликнинг янги тармоқлари пайдо бўлишига шароит яратди. Шунга асосланиб охириги пайтда авваллари фақат тармоқ ости ёки фақат ҳуқуқ институтлари ҳисобланган ҳуқуқий меъёрлар бирлашмалари ҳақида ҳуқуқнинг мустақил тармоқлари деб гапира бошлашди. Улар қаторига охириги йилларда ҳуқуқнинг мустақил тармоғининг барча сифатларини намоён қила бошлаган ва конституцион ҳуқуқдан тобора ажралиб бораётган парламент ҳуқуқини ҳам қўйса бўлади. Ўтган асрнинг 90-йилларининг биринчи ярмидаёқ В.Н.Топорнин парламент ҳуқуқини ҳуқуқнинг янги мустақил тармоғи деб атаган эди. Бу масала бўйича Ўзбекистон олимларининг ҳам фикрлари бордир. масалан Э.Х.Халилов:-«ўз предметига эга бўлгач, парламент ҳуқуқи мустақил ўқув фани бўлиш учун қонуний даъво қилмоқда. Ўзбекистоннинг ҳуқуқшунослик фанида янги мустақил ҳуқуқий фан-«Ўзбекистон Республикаси парламент ҳуқуқи» яратилишига зарурат пишиб етилди»-деб ҳисоблайди. Бундай фикрни А.Латифов ва бир қатор бошқа тадқиқотчилар ҳам қўллаб-қувватламоқдалар, чунки Ўзбекистонда ҳокимият бўлиниши принципи тан олингач, икки палатали парламент яратилиб бу янги қонун яратиш органининг сиёсий жараёндаги ва ҳуқуқий ҳаётдаги улкан аҳамияти анлангач ва бундан кейин юз берган парламент ҳуқуқининг ривожини билан қайси бир даражада ажралиб борди ва конституцион ҳуқуқда алоҳида ўрин эгаллайдиган бўлди.

Аммо, конституцион ҳуқуқ меъёрлари ўз табиати, спецификасига асословчи характердалигига кўра ҳар доим ҳуқуқнинг ҳар қандай тармоғи базиси эканлигини ҳисобга олмоқ керак. Бошқа томондан, парламент муносабатлари (ҳам ички, ҳам ташқи характердалиги) ўз негизлари конституцион ҳуқуқий муносабатларида бўлгач, асосан ташкилий хусусиятга эга бўлган ҳуқуқий муносабатларнинг анча кенг мустақил блоки сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, қатор олимларнинг фикрича, парламент ҳуқуқини мустақил кўриб чиқиш позицияси қўшимча аргументацияни талаб этади. Бу ерда С.А.Авакьяннинг-«ҳуқуқнинг бундай тармоғи мавжудлиги ҳақидаги масала анча мунозаралидир, кўпгина тадқиқотчилар Россия парламентаризми муаммоларини асосли равишда Россиянинг конституцион ҳуқуқи доираси ичида кўриб чиқмоқдалар»-деган фикрига қўшилса бўлади.

3-§. Конституциявий ҳуқуқ ва парламент ҳуқуқи

Парламент ҳуқуқининг кўпгина масалалари конституцион ҳуқуқ фани доирасида кўриб чиқилади. Бу ерда одатда парламентаризм моҳиятини қисқача тавсифи берилади, парламент мақоми давлат ҳокимиятининг юқори органлари тизимидаги ўрни, вазифа ва ваколатлари, таркиби, шаклланиш тартиби ва ички тузилиши, парламент аъзоси статусларини очиқ берилади. Парламент иш тартиби қонун чиқариш жараёни ва парламентнинг бошқа процедуралари баён этилади ва уларнинг орасида парламент ва давлатнинг бошқа органларининг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ бўлган процедуралар (сайловлар, тайинланишлар, назорат ваколатлари, импичмент, ҳукуматнинг сиёсий жавобгарлиги ва х.к.) энг муҳимлари бўлиб ҳисобланади. Анъанага кўра ҳуқуқий мақом, давлат олий органлари фаолиятининг шаклланиш ва ваколатлари асослари шу жумладан парламентаризм, конституцион ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинади. Шунга асосан эслатиб ўтамиз, ҳуқуқий тартибга солиш предмети остида ҳуқуқнинг муайян тармоғи томонидан тартибга солинувчи ижтимоий муносабатларнинг алоҳида гуруҳи тушунилади. Бу принцип ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Парламент ҳуқуқи бизнинг мамлакатимизда ва бошқа кўпгина давлатларда конституцион ҳуқуқнинг муҳим таркибий қисми деб ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият фаолияти ва шаклланиши асослари Ўзбекистонда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан тартибга солинади.

Унинг ривожланишига икки палатали парламент тузилиши билан боғлиқ бўлган сезиларли ўзгартиришлар ҳам киритилган, шунингдек конституцион қоидаларни оптимал амалга оширилишини таъминлашга қаратилган бир қатор норматив актлар қабул қилинди. Улар ичида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сайловлар тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Сенат тўғрисида”, палаталар регламентлари ва бошқа қонунлар алоҳида аҳамият касб этади. Фанда парламент ҳуқуқи манбаларининг учта асосий блоки ажратилади: Юридик (Конституция, қонунлар, қонун ости норматив актлар, палаталар регламенти, Конституцион суд қарорлари ва баъзи бир бошқалари), Тавсия-процедуралари (парламент анъаналари, одатлар) ва доктринал (илмий-назарий). Бунда қайд этилганидек, парламент ва конституцион ҳуқуқнинг тўғри «негизли» ўзаро боғлиқлик кузатилади ва мутаносиб равишда умумий илмий-назарий саволлар келиб чиқадилар. Парламент ҳуқуқининг хусусияти унинг икки поғоналигидадир ва парламент муносабатларининг ривожланиш жараёнларининг кўп қирралиги билан изоҳланишига эътиборни қаратмоқ лозим. Аммо

хуқуқнинг бошқа икки поғонали тармоқларидан фаркли ўларок, парламент хуқуқини тартибга солиш предметининг ўзига хослиги шундан иборатки, парламент ва маҳаллий вакиллик органлари Ўзбекистондаги каби бир бирига бўйсунмайди, ягона таркиблашган ва ташкилланган давлат механизмини ташкил этмайди. Шу билан бир вақтда давлат ҳокимияти бирлиги принципи ягона конституцион принциплардаги конституцион тузум асосларига мувофиқ функционал даражада ташкил этилишини тахмин этади. Булар ҳаммаси парламент хуқуқининг ривожланиш тенденцияларини унинг янги хислатларини тавсифлайди.

4-§. Парламент хуқуқи хуқуқий тадқиқотларнинг мустақил йўналиши сифатида.

Ўзбекистон Республикасининг парламент хуқуқи – янги махсус ўқув юридик фан

Ҳозирги пайтга келиб бизнинг юридик фанимиз парламент хуқуқи муаммоларини ишлаб чиқиш ва ҳал этиш зарурати билан тўкнашиб турибди. Хуқуқ ва фаннинг мазкур тармоғи концепциясини ишлаб чиқиш бошқа муаммолар тадқиқотларидан, жумладан конституцион хуқуқининг тадқиқотларидан анча ортда қолганлиги ҳақида бу муаммо тадқиқотчиларнинг ишларида ҳам қайд этилган эди. Мазкур институтнинг кўпгина масалаларни мунозарали ёки етарлича ечимини топмай қолмоқда. Юридик адабиётда нисбатан яқинда пайдо бўлган «парламент хуқуқи» тушунчасининг ўзи ҳам халигача ўзининг мустақил таърифини топганича йўқ ва «парламент процедуралари» каби хилдаги атамаларда «ўралиб» қолди, ваҳоланки парламентаризм ривожланишининг динамикаси нафақат унинг яратилиши, балки хуқуқ ва фаннинг мазкур тармоғининг ривожланиши ҳақида баралла гувоҳлик бермоқда.

Миллий парламент ва парламент хуқуқининг тобора такомиллашиб бориши илмий ва амалдаги ахборотларни англаш ва муфассал системалаштиришни (тизимлашни) парламентаризмга туташ бўлган ёки ўша масалаларни аммо бошқача назар билан қарайдиган фанлар ва илмий йўналишлар, ўқув дастурлари, конституцион хуқуқ билан жинс ҳолда парламент институтлари муаммоларини чуқур ўрганишни талаб этади.

Ўзбекистонда ўтказилаётган парламент ислохотлари ва парламент хуқуқи махсус ўқув адабиётини тайёрланиши сабабли парламент фаолияти бўйича ката тажриба тўпланган хорижий давлатлар олимларининг бу мавзуда охириги йилларда чоп этилган китоблари катта қизиқиш уйғотадилар. Мазкур муаммони тахлил этувчи ишлар, масалан Россия адабиётларида, одатда, парламентаризм ва парламент хуқуқининг умумий масалаларини ёритишдан бошланади. Парламент мақоми, ваколатли, шаклланиш тартиби, парламент структураси, палаталарнинг ички ташкил этилиши, уларнинг иш тартиби, қонунчилик жараёни, давлат органлари тизимида парламентнинг ўрни ва у органлар

билан ўзаро ҳамкорлик, депутат, сенаторнинг ҳуқуқий мақомлари кўриб чиқилади. Парламентлараро ҳамкорлик ва парламентнинг халқаро-ҳуқуқий фаолияти ва шунингдек унинг палаталари ишининг техник таъминоти ва ташкилий-ҳуқуқий масалалар кўшимча тарзда ёритиб берилди. Ўзбекистонда парламент ҳуқуқи муаммолари бўйича ҳали кам бўлган китоблардан профессор Э.Х.Халиловнинг 2001-йилда босилган китоби эътиборга лойиқ бўлиб, унда мамлакатимизнинг давлат ҳокимиятининг қонунчилик органи шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ масалалар ўқув-услубий тарзда кўриб чиқилади. Бироқ, юқорида номи зикр этилган адабиёт Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент тизимига ўтиши ва миллий парламентнинг ҳуқуқий базаси тубдан янгиланганлиги сабабли мазкур фанни ўрганишдаги ўсиб бораётган эҳтиёжни тўлақонли қондира олмайди, бироқ ҳозирча ўқув китоблари ва махсус қўлланмалар тузилмаганлиги учун бу нашрлардан конституцион ҳуқуқ кафедраларида алоҳида фан сифатида ўқув режаларига киритилган мазкур фан тармоғи бўйича дарс беришда маълум меъёрга фойдаланилмоқда. Ҳозирги вақтга келиб икки палатали парламентга тааллуқли кўриб чиқиладиган муаммолар бўйича Ўзбекистон олимларининг жумладан О.З.Муҳаммаджонов, Х.Т.Одилқориев, А.Латифов ва бир қатор бошқаларнинг янги монографиялари пайдо бўлди.

Ижтимоий ҳаётни ва давлат қурилишини демократлаштириш парламентаризм, вакиллик демократияси институтларини ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилиши билан давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини ривожлантириш муаммоси дастлабки вазифалардан бўлиб ҳисобланди.

Парламент ҳуқуқи концепциясини ишлаб чиқиш ва уни мамлакатимизда ўқитиш бошқа илмий муаммоларни тадқиқ этишдан орқада қолмоқда ва бу аввало парламент тажрибаси учун зарур бўлган, ушбу фан тармоғи ривожлантиришнинг илмий-методологик асосларининг энди шаклланаётган муайян парламент аънаналари ворислигининг мавжуд эмаслигидир.

Амалиётдан кўриняптики, бу масалалар ҳам чуқур ва кўптомонлама ўрганилмаяпти, нафақат бизда, балки бошқа ривожланган демократик давлатларда ҳам. Парламентаризм муаммоси ҳозирги вақтда долзарб ҳисобланади ва ҳам илмий тадқиқотнинг, ҳам таҳлилий ўрганишнинг муҳим предметига айланмоқда. Парламент ҳуқуқининг кўпгина масалалари мунозарали ёки етарли даражада ўрганилмаганлигича қолмоқда.

Шунинг учун парламентаризм муаммосини илмий, ўқув фани, амалий жабхаларда чуқур ва кўптомонлама ўрганиш бугунги кунда долзарб вазифа ҳисобланади.

Парламент ҳуқуқи фанини ўрганишда парламентларни қиёсий таҳлил этишда тўғри методология алоҳида аҳамиятга эга. Чет элда XXI асрда парламент институтларида умумий, алоҳида ва ягона муаммо янада уларни ўрганиш шундай юзаки механик тарзда эмас, балки таҳлилий қиёслашни талаб этади. Охирги ўн йилликда, бизнинг назаримизда, дунёнинг 55 мамлакатадаги вакиллик муассасаларини фаолияти ва тузилишининг қиёсий таҳлил этилиши анча қизиқ бўлди, уни парламентлараро иттифоқ парламент хужжатлаштиришнинг Халқаро маркази сифатида миллий парламент гуруҳларига сўров-саволномаларни жўнатиб ўтказган. Олинган маълумотлар 1963 йил 1-июл ҳолатига кўра доктор М.Амеллер томонидан қайта ишланган ва 1967 йилда улар асосида тайёрланган «Парламентлар» номли китоб нашр этилди. Ушбу ишнинг кириш қисмида нашрнинг мақсади тушунтирилган-улар ўз тизимини бошқа мамлакатлар тизими билан солиштира олиш имконига эга бўлишлари ва ўзгараётган шароитларга парламентлар мослашишини енгиллаштириш учун парламентларни объектив тавсифлаш. Китобнинг биринчи қисми парламентнинг тузилишига бағишланган, иккинчи, унинг ишини ташкил этиш, учинчиси, қонунчилик функцияси, тўртинчиси, унинг молиявий ваколатлари, бешинчи, қисм-ижро ҳокимияти устидан парламент назорати.

Вақт ўтиши билан парламент ривожланиши янги фикрлар тамойиллар, ташкил этиш ва фаолиятнинг замонавий тажрибалари билан бойиди. Натижада парламентларнинг янги қиёсий таҳлиliga эҳтиёж туғилади, булардан бири 1991 йилда нашр этилган «Дунё парламентлари» китоблари бўлди, у совет-америка фонди «Моддий ташаббус» томонидан қўлланди. Китобнинг мақсади кенг жамиятчилик қатламини эътиборини АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Австрия, Швейцария, Швеция, Финляндия, Португалия ва Япония тажрибаларига қаратиш иборат. Улар ҳақидаги гап умумий схема тарзида кетади: ташкил этилиши, тузилиши, ваколатлари, қонун қабул қилиш тартиби, парламент кўмиталари ва комиссиялари, парламент мунозаралари ва овоз бериш, парламентаризм тарихи ва Европарламент фаолиятига оид очерклар ўқувчи дунёқарашини кенгайтириш ва уни ўтган ва ҳозирги умум парламент тематикасига киритишга қаратилган.

Анчагина фундаментал бўлган, бизнинг назаримизда парламентаризм муаммоларини қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этган китоб «Қиёсий конституциявий ҳуқуқ» бўлди. Унинг «Қонунчилик ҳокимиятининг конституциявий модели» номли IX бобида бир қанча қатъий мезонлар ажралиб туради ва уларга амал қилиш турли мамлакатларнинг парламентларидаги умумийлик ва ўзгачалик (алоҳидаликни) кўриш имконини беради: а) парламентлар ва уларнинг палаталари номланишидаги фарқ; б) парламентларнинг президентлик ва ижроия ҳокимияти билан ўзаро муносабатларининг модели; в) бир палатали парламентлар ўртасидаги фарқлар; г) парламентлардан юқори структураларнинг

мавжудлиги; д) қонунчилик ва вакиллик функцияларининг ҳисобга олган ҳолда парламентфункциялари ва ваколатлари турли ҳажм ва характердалиги; е) парламентлар ривожланишининг умумий тенденциялари. Умуман парламентларни ёки қонунчилик ҳокимиятини қиёсий таҳлил этиш турли нуқтаи назардан, қарашларда олиб борилади.

Юридик фанда қиёсий тавсифлар давлат ва ҳуқуқ назарияси бўйича 22 давлат ёки конституцион ҳуқуқ бўйича ишларда ҳам мавжуддир. Қиёсий фан парламентларга уларни шунчаки фақат таққослаш учун эмас, балки парламент институтларининг типик хусусиятларини солиштириш йўли билан умумий тавсифлар беришга ўз эътиборини қаратади. Бундай илмий ёндоқишлар парламентларнинг турли қирраларини кўриш имконини беради, берганда ҳам, у ёки бу ижтимолий контекстда, бироқ уларни аралаштириб юбориш, таққосланишига йўл қўйиш мумкин эмас.

Бизнинг фикримизча қиёсий ҳуқуқшуносликнинг қуйидаги услубий қоидаларига амал қилса бўлади.

Биринчидан турли мамлакатлар парламентларидаги умумийлик, алоҳидалик ва яқка ҳоллиги масалалари ўрганиб чиқилади. Умумий тавсифлар кўпроқ абстракт ҳолда бўлиб, барча ёки кўпгина парламентнинг асосий типи (ўзига хос) ҳислатларини акс эттиради.

Алоҳидалик тавсифи бир гуруҳ парламентларга хос бўлган хусусиятларни билдиради ва ёларнинг гуруҳга киритилиши бир хиллиги ёхуд ғоявий дунёқарашлик илдизлари (мас. Барқарор классик Европа мамлакатлари) билан, ёхуд регионал сабаблар (Скандинавия мамлакатлари парламентлари) билан, ёхуд умумий вазият сабаблари (масалан, Шарқий Европа мамлакатлари парламенти ислохотлари) билан изоҳланади. Ҳаттоки монархия кўринишидаги давлатларда ҳам парламент институтлари фарқланиши кузатилади.

Улар Швейцария, Дания, Норвегия, Нидерландияда бу мамлакатларга хос бўлган демократия концепциядалиги ва ҳуқуқ устиворлиги учун яхши ривожланган масалан, мусулмон ҳуқуқи ва дин устивор бўлган Саудия Арабистони.

Парламентлардаги яқка ҳолатлик конкрет-тарихий ҳолатда ривожланаётган ё ёки бу давлатга энг юқори даражада хос бўлган уларнинг хилма-хиллигини акс эттиради.

Масалан қонун чиқарувчи органларнинг номлари турлича ва ўзига хосдир: “Парламент”, “Конгресс”, “Национальное собрание”, “Сенат”, “Федеральное Собрание”, “Государственная Дума”, “Верховный Совет», «Народный хурал», «Меджлис», «Бундестаг», «Генеральные картессы», «Сейт», «Стортинг», «Альтинг», «Жокоргу Кенеш», «Олий Мажлис», «Генеральный Конгресс», «Хорвотский Собор» ва ҳ.к. бўлиб улар юқори ва қуйи палаталарининг шаклланиши усуллари ва ваколатлари билан фарқланадилар.

Иккинчидан парламентларнинг қиёсий таҳлили объекти парламентларнинг ўзларидир. Кўпинча қиёслаш объекти бўлиб уларнинг алоҳида элементлари кўрилади: қонунчилик ва назорат қилиш ваколатлари ҳажми, қонун чиқариш жараёни, прецедент, ҳукумат билан ўзаро муносабатлар, парламентлар аъзолари (депутатлар) мақоми, парламентлар аппарати ва ҳ.к.

Қиёслаш объектларининг торайиши (аниқроқ бўлиши учун) алоҳида қизиқиш, масалан парламентларнинг бюджет ваколатларини таққослаш туфайли бўлиши мумкин.

Учинчидан, парламентларни қиёсий ўрганиш у ёки бу ҳажмда мамлакатдаги давлат ҳокимиятининг конституцион қурилмаси билан танишишни ўз ичига олган бўлиши керак. Бусиз, масалалар, парламентнинг бошқа давлат органлари билан муносабатларининг ўзига хослигини тўлиқ билиб бўлмади ва бунга фойда қўшимча (тўлдирувчи) бўлиб ҳуқуқшунос-олимлар, сиёсатшуносларнинг “ўзларининг” парламентлари ҳақидаги илмий ишлари ва концепциялари хизмат қилади.

Тўртинчидан муҳим методологик (услубий) мезон бу фойдаланилаётган тушунча ва ибораларнинг бир бирига яқин ва мос бўлишидир. Маданий аънаналар ва тил хусусиятлари юридик тушунчалар спецификаси билан биргаликда мумкин қадар аниқлик билан тайинланиши керак. Акс ҳолда парламент ҳодисаларининг ташқи ўхшашлиги ёки ўхшамаслиги ортида уларнинг асл табиатини кўра олмадик мумкин. Айтилган гап “акт”, “процесс”, “спикер”, “сенат”, “палата” ва бошқалари каби Ўзбекистон қонунчилигида қўлланиладиган турли маънодаги тушунчаларга тааллуқлидир.

Бешинчидан парламентларни таққослаш уларнинг ҳар бири ривожланишининг “тарихий факти”ни ҳисоб олган ҳолдагина тўғри ва ҳаққоний бўлади. Бир мамлакатнинг парламенти учун ўз вақтида яхши бўлган нарсани, анча йилдан сўнг бошқа мамлакатнинг (ўхшаш бўлган тақдирда ҳам) амалиётига “кўчириш” қўллаш қийиндир.

5-§. Парламент ҳуқуқи ўқув курсини ўқитишнинг мақсадлари ва асосий вазифалари. Парламент ҳуқуқи курсининг тизими. Юристарни тайёрлашда парламент ҳуқуқининг аҳамияти

“Ўзбекистон Республикасининг Парламент – ҳуқуқи” курсини (фанини) ўрганишга киритиш, парламент ҳуқуқининг пердмети ва услуби; парламент ҳуқуқи манбалари, бунда парламентнинг, унинг органларининг ижтимоий-сиёсий мақоми, ваколати, ташкил этилиши ва фаолиятининг бошқа ҳуқуқий аспектларини тартибга солувчи асосий ва қўшимча ҳуқуқий актлар тизими баён этилади;

Парламент моделлари, бунда уларнинг умумий тавсифи ва хусусиятлари берилади;

Парламентларни тузиш тартиби, парламетларни шакллантиришнинг асосий тамойилларини кўшган ҳолда;

Парламент ҳокимиятлар бўлиниши тизимида, бунда қонун чиқарувчи ҳокимият ва ҳокимиятлар бўлиниши тизимидаги унинг ўрнини аниқлаш масалалари ёритилади;

Парламет ва унинг органларининг асосий ваколатлари ва функциялари (вазифалари), бунда палаталар, кўмиталар ва бошқа органларнинг шаклланиши принциплари (тамойиллари), уларнинг қонунчилик, назорат, молия-бюджет, вакиллик, таъсис этиш ва бошқа функция (вазифа)лари очиқ берилади;

Парламет аппаратининг, вакиллик ҳокимиятининг маҳаллий органлари фаолияти.

Ўзбекистонда давлатчиликнинг келажакдаги ривожланиши парламентаризм ғояси ва амалиёти билан, Қонунчилик органининг ўзи- Олий Мажлиснинг такомиллашиши билан узвий боғлиқдир.

Шунинг учун мустақилликка эришгач бизнинг фанимиз конституцион ҳуқуқнинг бошқа муаммоларидан анча ортда қолган, ҳуқуқ тизимида, фаннинг бошқа тармоқлари орасида ўзининг муносиб ўрни топа олмаётган парламент ҳуқуқи муаммоларини ҳал этиш заруратига дуч келди.

Янги “Ўзбекистон Республикасининг Парламент ҳуқуқи” ўқув курси Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва миллий давлатчиликнинг тикланиши ва ривожланиши давридаги мамлакатнинг қонунчилик органи фаолиятига асосан, мустақилликка эришгандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, биринчи ва иккинчи чақириқ Олий Мажлис қонунларига, шу жумладан, бизнинг мамлакатимизда тузилган янги икки палатали қонунчилик органини регламентларига ва шунингдек бу муҳим соҳада тўпланган тажриба ва илмий-амалий муаммоларни урганишдан иборат.

Тан олиш керак парламент ҳуқуқи концепциясини ишлаб чиқиш, боз устига уни ўрганиш бизнинг тадқиқотларидан анча ортда қолмоқда.

Бу, бир томондан, бизда ўз миллий парламентимиз бўлмаганлиги, зарур бўлган тажриба, йўқлиги, эндигина шакллана бошлаган маълум анъаналар йўқлиги билан боғлиқдир. Бошқа томондан, миллий давлатчиликни ривожлантиришнинг ўз демократик йўлидан бораётган Ўзбекистонда, парламент иши муттасил такомиллашиб бормоқда, бошқа мамлакатларда уни қўллаш тажрибасини ва ҳуқуқи фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда янги икки палатали моделга ўтиш амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг ўқув юртларида 2002 йилдан бошлаб парламент ҳуқуқи фани ўқитилиш фақти бунинг исботи бўла олади. Олий ўқув юртларида янги ўқув курсини ўқитиш илмий – амалий кўринишда бўлиши керак ва студентларни (тингловчиларни) шаклланаётган парламент ҳуқуқи асослари, парламент, давлат ҳокимиятининг маҳаллий

органлари, барча даражадаги сенаторлар ва депутатлар фаолияти билан таништиришга мўлжалланган.

Ўқув курсини иккинчи ва учинчи йил ўқитилаётган студент (тингловчи)ларга, улар давлат ва ҳуқуқ назарияси курсини ўрганганидан сўнг ва конституцион ҳуқуқ курсининг умумий қоидаларини тушуниб етишгач дарсларни ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Парламент ҳуқуқидаги мавзуларни ўрганишда магистрлар парламент ҳуқуқи тушунчаси ҳақида, парламент ўзи, турли мамлакатларнинг ва айниқса бизнинг мамлакатимиз қонунчилик органларининг тарихи ва ҳуқуқий ҳолати, асосий вазифаларини амалга ошириши, бу олий вакиллик органининг шаклланиши принциплари (тамойиллари), унинг сенатор ва депутатларининг мақоми ҳақида маълум билимларга эга бўлиш имконини беради, ахир оқибатда олинган билимлар қонунчилик ҳокимиятининг давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари орасидаги ва, умуман жамиятдаги ўрни ва ролини англашда билим ва қуникмаларга эга бўлади.

Парламентаризм ғоялари ҳозирги замон ижтимоий ва ҳуқуқий онгда тобора мустаҳкамланиб бормоқда ва бу ўз ўрнида парламентнинг ҳам ички муносабатларини ҳам ташқи фаолиятини, давлат ҳокимиятининг бошқа субъектлари билан муносабатларини регламентлашга йўналтирилган норматив-таъминловчи, юридик-ҳуқуқий мажмуани (массивни) ривожланишига шароит туғдирди.

“Юриспруденция”, Давлат таълим стандартларига мувофиқ “Парламент ҳуқуқи” махсус курсининг ўқув программаси парламентаризмни илмий англашнинг услубий асосларини тарихий ҳаракатнинг қонуниятлари ва парламент ҳуқуқининг ривожланишини магистрлар томонидан ўрганилишини назарда тутди; парламент ҳуқуқининг манбалари; замонавий давлатлар шакллари (уларнинг ҳуқуқий тизимнинг) нисбати ва парламентнинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ўрни (роли);

“Парламент ҳуқуқи” махсус курсининг мақсади аксарият замонавий давлатларнинг асосий вакиллик қонун чиқарувчи органи сифатидаги парламентнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ҳозирги замонда амалга қилишининг умумий ва специфик (ўзига хос) қонуниятлари ҳақидаги билимларни ўзлаштириш, фуқаролик жамиятининг ривожланган институтларига эга замонавий демократик ҳуқуқий давлат мавжуд бўлишининг зарурий элементи (бўлаги) сифатидаги парламентаризмнинг тўлиқ англай олишларини шакллантиришдир. Курс(фан)нинг вазифаси хорижий мамлакатларда парламентаризм тузилиши ва ривожланишининг умумий принципларининг ва шунингдек уни Россия парламентаризми билан қиёсланиши, парламентнинг ва у билан боғлиқ бўлган конституцион – ҳуқуқий институтларнинг замонавий дунёдаги ўрни ва ролининг студентлар томонидан ўзлаштиришдир.

“Парламент ҳуқуқи” махсус курсини ўрганиши натижасида студентлар куйидагиларни билишлари керак:

- хорижий мамлакатларда парламент ҳуқуқининг асосий манбалари;
- Парламентнинг замонавий конституцион моделлари;
- хорижий мамлакатлар парламентларининг қонун ишлаб чиқиш функциясини амалга ошириш шакли;

“Парламент ҳуқуқи” махсус курсини ўрганишлари натижасида студентлар куйидагиларни бажара олишлари керак:

- парламент ҳуқуқ тушунчаси ва предметини, парламентаризмнинг асосий тоифа (категория)ларини таърифлай олиши;
- Хорижий мамлакатлар парламентларнинг шаклланиш тартиби ва фаолиятини бошқаришдаги (тартибга солишдаги) ўхшашлик ва фарқланишларни аниқлай олиши;
- Хорижий мамлакатлар парламентлари фаолиятининг асосий принципларини ажрата олиши (фарқлай тамойилларини).

2- БОБ. Парламент ҳуқуқи: асосий тушунчалар

1-§. «Парламент» тушунчаси. Парламентни тавсифловчи асосий хусусиятлар. Парламентнинг асосий вазифалари. Парламент фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

2-§. Парламентаризм тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Парламентаризм назарияси ва амалиёти. Давлат тузуми шакллари ва парламентаризм. Бошқарув шакллари ва парламентаризм.

3-§. Парламент республикаси

1-§. «Парламент» тушунчаси. Парламентни тавсифловчи асосий хусусиятлар. Парламентнинг асосий вазифалари. Парламент фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

Парламент французча «Parler» сўзидан олинган бўлиб, «гапирмоқ», «сўзламоқ» маъноларини англатади. Парламент деганда қонунчилик ҳокимиятини амалга оширувчи олий вакиллик органи тушунилади. Давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органини белгилашда парламент атамаси Буюк Британия, Франция, Бельгия, Канада, Италия, Молдова, Қозоғистон каби давлатларда ишлатилади. Баъзи мамлакатларда эса «Мажлис» «Кенгаш» «Ассамблея» каби атамалар кенг қўлланилади. Бундан ташқари, давлатлар ўз тарихий тажрибасидан келиб чиқиб парламентларни шунга мувофиқ номлайдилар, масалан, Латвия ва Литвада қонунчилик органи «Сейм» деб номланса, Туркияда «Буюк Миллат Мажлиси» деб аталади. Америка Қўшма Штатларида ва аксарият Жанубий Америка мамлакатлари парламентлари «Конгресс» деб номланади.

Замонавий парламент бу юқори турувчи орган бўлиб, халқ хоҳиш-иродасини ифода этадиган, қонун чиқариш йули билан жамиятдаги барча ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган, ижроия ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслар устидан умумий назорат олиб борадиган марказий орган ҳисобланади.

Бундан ташқари парламент бошқа давлат органларининг фаолиятини ҳам ташкил қилади. Парламент ваколатларининг ҳажмига қараб унинг қуйидаги уч хил турини белгилаш мумкин:

1. Чекланмаган ваколатли парламент;
2. Мутлақ чекланган ваколатли парламент;
3. Нисбатан чекланган ваколатли парламент.

Парламентар бошқарув шаклига эга бўлган аксарият давлатларда парламент ваколатлари чекланмаган ҳисобланади. Бунга Буюк Британия парламенти классик мисол

бўлиши мумкин. Инглиз ҳуқуқшунос олимларининг таъкидлашича, Парламентнинг устиворлиги қуйидагиларни назарда тутати:

1. Қонун қабул қилиш соҳасидаги устунлик. Қонун фақат парламент томонидан қабул қилиниши мумкин, ўз навбатида қонун норматив ҳуқуқий актлар иерархиясида биринчи ўринни эгаллайди;
2. Давлат бюджетини тасдиқлаш ва солиқларни жорий қилиш ҳуқуқи;
3. Ҳукуматнинг парламент олдидаги жавобгарлиги;
4. Судяларни ўз лавозимига тасдиқлаш ҳуқуқи;
5. Парламент ваколатларига ўхшаш ваколатларни амалга оширувчи рақобатчи ҳокимиятнинг мавжуд эмаслиги.¹

Ҳуқуқшунос П. Бромхед мутлақ ваколатли парламент ғоясини ёқлаб чиқади. Унинг таъкидлашича, қонун мазмунига доир ҳеч қандай чекловлар, уни қабул қилишга ҳеч қандай тўсиқлар мавжуд эмас.²

Парламентни давлат ҳокимиятнинг олий вакиллик ва яқка қонунчилик органи сифатида белгилаган Япония Конституциясида парламент ваколатлари аниқ санаб кўрсатилмайди. Бу эса, ўз навбатида, Япония Парламенти чекланмаган ваколатли парламент органи эканлигини тасдиқлайди.

Парламентнинг қонунчилик соҳасидаги ваколатларининг муайян доирага киритилиши, уни мутлақ чекланган ваколатли парламент сифатида эътироф этиш имконин беради. Франция Конституциясининг 34, 35, 49-моддалари парламентнинг қонунчилик йўли билан ҳал қилиши мумкин бўлган масалалар рўйхатини белгилаб беради. Қолган масалалар билан асосан ҳукумат шуғулланади. Франция парламенти ўз ваколоти доирасидан четга чиқиб қонун қабул қиладиган бўлса, бу ҳужжат Конституциявий Кенгашнинг хулосасига асосан ҳукумат декрети билан бекор қилиниши мумкин.

Ривожланаётган давлатлар парламентлари ваколатларини ҳам кўп ҳолларда мутлақ чекланган ваколатлар сифатида қайд этиш мумкин. Сенегал, Габбон каби илгари Франция мустамлакаси бўлган давлатларда парламент, айнан, француз модели асосида жорий қилинган.

Нисбатан чекланган ваколатли парламентлар кўпроқ учраб туради. Бу каби парламентлар асосан федератив ёки марказлашмаган унитар тузилиш шаклига эга бўлган мамлакатларга хос. Сабаби бундай давлатларда марказий ҳокимият органларининг

¹ Уэйд Е., Филлипс Г. Конституционное право. М., ИЛ, 1950, стр- 70.

² Бромхед П. Эволюция Британской конституции. М., ЮЛ, 1978, стр- 199 .

ваколатлари федерация субъектлари ҳуқуқлари билан чекланади, шунга асосан парламент фақат маҳаллий ҳокимият органлари ҳуқуқи билан чекланган доирадагина ўз фаолиятини юритиши мумкин. Масалан АҚШ Конгресси фақат Конституцияда аниқ кўрсатиб кўйилган ваколатларнигина амалга ошириши мумкин.

Испания Конституциясида ҳам шунга ўхшаш тартиб ўрнатилган бўлиб, унга биноан, Конституцияда бевосита давлат ваколоти доирасига киритилмаган масалалар, Автоном уюшмалар ихтиёрига уларнинг Низомларига асосан берилади.

Умуман олганда, парламент қандай турдаги ваколатларга эга бўлиши кўп жиҳатдан унинг тузилиш ва бошқарув шаклига, сиёсий тартибига боғлиқ. Бундан ташқари парламент ваколатларига бевосита давлатнинг демократиявийлик даражаси, у юритаётган сиёсат ҳам таъсир этиши мумкин. Масалан, Президентлик республикаларида парламент ҳукуматни шакллантиришда деярли иштирок этмайди, ижроия ҳокимияти устидан назорати ҳам у қадар кенг эмас. Парламентар Республикаларда эса парламент ижроия ҳокимиятини шакллантиришда фаол иштирок этади, ҳукумат раҳбарини сайлайди, фаолияти устидан кучли назорат олиб боради. Тоталитар сиёсий тизим шароитида Конституция ва жорий қонунларда парламентга кенг ваколатлар берилиши мумкин, бироқ амалда уларда қийинчилик билан ҳаётга тадбиқ қилинади.

Парламентнинг энг муҳим ваколатлари сифатида қонун қабул қилиш, молиявий функцияларни амалга ошириш, халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш, давлат органларини шакллантиришда иштирок этиш кабиларни эътироф этиш мумкин.

Молиявий ваколатлар қаторига давлат бюджетини тасдиқлаш, солиқларни жорий қилиш киради. Давлат бюджети, одатда, қонун ҳужжати кўринишида қабул қилинади. Франция, Германия, Россия каби давлатларда айнан шундай тартиб ўрнатилган. Бироқ, Япония, Буюк Британия, АҚШ каби давлатларда давлат бюджети дастур сифатида ишлаб чиқилади ва бир қанча қонунлардан таркиб топади.

Парламентнинг солиқларни жорий қилиш ваколоти ниҳоятда муҳим сиёсий аҳамиятга эга. Айнан шу ваколат орқали давлатнинг бутун иқтисодий ҳаётига таъсир кўретиш мумкин. Кўп ҳолларда бу ваколат бевосита конституцияда кўрсатиб ўтилади. Масалан, Болгария Конституциясининг 60-моддасига биноан, солиқ ва йиғимлар, бу соҳадаги имтиёз ва мажбурловлар қонун билан белгиланади, уларни жорий қилиш Халқ мажлиси мутлақ ваколотига киритилади.

Халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ниҳоятда муҳим парламент ваколатларидан бири ҳисобланади. Ратификация - у ёки бу шартномага қўшилишда давлатнинг сўнги розилигидир. Муайян вақт давомида халқаро

шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ваколати анъанавий тарзда давлат бошлиғига берилган. Бироқ вақт ўтиши билан халқаро шартномалар тобора чуқурроқ давлат ички ҳуқуқ тизимига кириб борди, халқаро шарномани имзолаган давлатга ўз ички қонунчилигини унда кўрсатилган қоида ва тамойилларга мувофиқлаштириш мажбурияти юклатилди. Ҳозирда халқаро шартномалар Германия ва Австрия Федерал Конституцияларига мувофиқ федерал ҳуқуқнинг таркибий қисим сифатида эътироф этилади. Франция Конституциясига кўра эса, давлат томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар давлат чиқарган қонунлардан устун ҳисобланади.

Халқаро шартномаларнинг ички қонунчилик тизимига бу қадар кучли таъсири, парламентнинг халқаро шартномаларга қўшилиш борасидаги ваколатни амалга оширишда иштироки заруратини келтириб чиқарди. Акс ҳолда, давлат раҳбари бу борадаги мутлақ ваколатидан фойдаланган ҳолда, ҳатто, парламент қабул қилган қонунларни халқаро шартномага қўшилиш орқали ўзгартириши ёки умуман бекор қилиши мумкин бўлиб қолар эди.

Парламентнинг давлат механизмида тутган ўрни ҳақида гапирадиган бўлсак, Ж. Локк ва Ш. Монтескье каби давлат ҳокимиятининг бўлиниши ғояси тарафдорлари унинг ваколатларини асосан қонун ижодкорлигини амалга ошириш билан чеклашга интилишган. Ж. Ж. Руссо эса давлат ҳокимиятининг яхлитлиги ҳақида сўз юритади ва қонунчилик органининг ижроия ҳокимиятни назорат қилиш ғоясини илгари суради.

Замонавий парламент бу - қонун қабул қилиш функциясини амалга оширувчи давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи. Бу функция ўз навбатида бир қатор молиявий ваколатларни, жумладан, давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш ваколатини ҳам қамраб олади. Давлат бошқарув тизимига қараб, у ёки бу даражада парламент ҳукуматни назорат қилиш ваколатига ҳам эга ҳисобланади. Масалан, Испания Конституциясига мувофиқ, Генерал Кортеслар (Испания Парламенти) қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади, давлат бюджетини қабул қилади ва ҳукумат фаолиятини назорат қилади. Бироқ жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, баъзи ҳолларда парламентнинг ўзи ҳукумат сиёсати таъсири остида қолиб кетиши ва нисбатан мустақиллигини йўқотиши мумкин. Бу жараёни собиқ Совет давлатлари парламентлари мисолида яққол кузатиш мумкин. Қолаверса айрим ривожланаётган Африка ва Осиё мамлакатлари олий вакиллик органлари гарчанд ривожланган араб мамлакатлари модели асосида шакллантирилган бўлсада, амалда реал ҳокимиятдан маҳрум ҳолда фаолият юритадилар.

Парламентнинг вакиллик хусусияти шундаки, у бутун миллат, фуқаролар номидан иш юритади. Шу сабабли кўп ҳолларда парламентни номлашда “Миллий”, “Халқ” атамаларидан кенг фойдаланилади.

VII- XIX асрлардаёқ вужудга келган миллий вакиллик концепцияси қуйидаги тамойилларнинг мажмуи сифатида эътироф этилиши мумкин:

1. Миллий вакиллик конституция воситасида жорий қилинади;
2. Суверенитетнинг мутлақ эгаси сифатида миллат парламентга ўз номидан иш юритиш ваколатини беради;
3. Парламент аъзоси уни сайлаган фуқароларнинг эмас, балки бутун миллатнинг вакили ҳисобланади, шу сабабли ўз сайловчиларига қарам ҳам бўлмайди.

Л. Дюги ва М. Прело каби олимларнинг таъкидлашича, парламент бутун миллат ўз номидан иш юритиш ваколатини берган орган, у халқ иродасини мустақил тарзда англаб етади ва конституция доирасида фаолият юритади, яъни парламент ҳеч кимга, шу жумладан, фуқароларга ҳам бўйсунмаган тарзда миллат манфаатидан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб боради, унинг миллийлик хусусияти ҳам айнан шунда.¹

Баъзи олимлар парламентнинг вакиллик хусусиятига бу каби ёндашувни қоралаб чиққанлар, уларнинг фикрича бу ҳолат парламентнинг демократик табиатини бутунлай йўққа чиқаради ва парламентни фуқаролар таъсири доирасига тушириш имкониятидан маҳрум қилади.

Бироқ тажриба шуни кўрсатмоқдаки, амалда парламентни тўлалигича фуқаролар таъсири доирасига тушириш жуда мушкул. Бу ҳолат, айниқса, икки палатали тизимга эга давлатлар мисолида яққолроқ кўринади. Жумладан, Франция Конституциясига асосан, Парламентнинг юқори палатаси - Сенат маъмурий-худудий бирликлар вакилликни таъминлайди. Сенаторларнинг маъмурий-худудий бирликлар - департаментлар аҳолиси томонида сайланишини ҳисобга олиб, бу вакилларни парламентда тегишли департамент аҳолисининг бевосита манфаатини таъминлайди деб ҳисоблаш мумкин эди. Аммо айнан департамент фуқаролари, сенаторга бевосита таъсир ўтказиш, уни назорат қилиш конституциявий имкониятидан маҳрум ҳисобланади. Бу ҳолат парламент аъзосини сайловчиларнинг доимий таъсир доирасида ушлаб туриш имкониятини йўққа чиқаради.

Истисно тариқасида Германия парламентининг юқори палатаси - Бундесратни келтириш мумкин. Бундесрат аъзолари Германия ерлари ҳукуматининг расмий вакиллари ҳисобланадилар ва ўз ҳукуматларига бўйсунмишга мажбур ҳисобланадилар.¹

¹ Дюги Л. Конституционное право. М., 1908 й., 416 б. Прело М. Конституционное право Франции. М., 1957 й., 436 б.

¹ Государственное право Германии. М., ИГП РАН, 1994, стр-51 .

Парламентнинг юридик нуқтаи назардан аҳоли таъсири доирасидан четда бўлиши, унинг демократиклик хусусиятини фактик жиҳатдан истисно қилмайди. Сабаби парламентни шакллантиришда партиялар муҳим ўрин эгаллайди. Ўз навбатида партия рўйхати асосида депутатлик ўринларига эга бўлган парламент аъзолари аксарият ҳолларда партия кўрсатмаларида четга чиқмайди, ўз навбатида партиялар келажакда парламентдаги ўз ўринларини сақлаб қолиш мақсадида, сайловчиларнинг фикри, иродаси ва манфаатлари билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар. Бу ҳолат миллат иродаси ва депутат фаолияти ўртасидаги узвий боғлиқликни келтириб чиқаради.

Хорижий мамлакатлар парламентлари ўз ваколатларини амалга оширишларида бир қанча назорат функцияларини амалга оширадилар. Жумладан, Парламентлар маълум даражада суд тизимини шакллантиришда ҳам иштирок этади. Масалан, яна ўша АҚШ Конституциясига мувофиқ, Президент сенат билан бамаслаҳат ва унинг розилги билан Олий суд судьяларини тайинлайди. Франция Парламенти Президентнинг давлатга хиёнати билан боғлиқ ишларни кўриб чиқувчи Одил судловнинг Юқори Судини ва мансабдорлик жиноятлари бўйича ҳукм чиқарувчи Республика Одил судлов Судини сайлайди. Германия Федерал Конституциясига мувофиқ, Парламент Конституциявий суд судьяларини ва Судьяларни сайлаш бўйича кўмита аъзоларини сайлайди.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан назорат олиб бориш ваколати ҳам айнан парламентга берилади. Бу борадаги Япония Парламенти фаолияти анча яхши йўлга қўйилган. Япония парламенти ўз ваколати нуқтаи назаридан ҳукуматга юқори даражада таъсир этиш имкониятига эга ҳисобланади, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, парламент ҳукумат фаолияти устидан назорат олиб боради.

Парламент назоратининг одатий шакли бу ҳар сессиянинг бошида Бош Вазирнинг ҳукумат сиёсати борасидаги ҳисоботиغا асосан ҳукумат сиёсатини умумий тарзда муҳокама қилиш ҳисобланади. Бироқ Япония парламентаризми тажрибасида анча кенг қўлланиладиган назорат шакли интерпелляция ҳисобланади. Назоратнинг бу кўринишини Вакиллар палатасининг аъзолари қўллаш ҳуқуқига эга. Интерпелляция ёзма тарзда палата раисига тақдим этилади, раис сўровни рад этиш ҳуқуқига эга, у бу ҳуқуқдан фойдаланган тақдирда сўров муаллифи палата пленумига мурожаат қилиши мумкин. Маҳкама етти кунлик муддат ичида депутат сўровига ёзма ёки оғзаки тарзда жавоб бериши лозим.

Парламентнинг муҳим назорат шаклларида бири бу парламент тергови ҳисобланади. Япония Конституциясининг 62-моддасига мувофиқ, ҳар бир палата давлат бошқарувига доир терговларни юритиши, тергов давомида гувоҳларни жалб қилиш мумкин. Бундан ташқари у ёки бу юридик жараён қонун талабларига асосан амалга

оширилганини текшириш мақсадида тегишли баённомаларни талаб қилиш ҳар бир палата ваколат доирасига киритилган.

Японияда парламент тергови анча кенг қўлланиладиган жараён эканлигини қайд этиб ўтиш лозим, кўп ҳолларда парламент тергови натижаси ўлароқ ҳукуматнинг йирик мансабдор шахслари жавобгарликка тортилган.

Маҳкамага ишончсизлик билдириш резолюциясига ҳам парламент назоратининг натижаси сифтида қараш мумкин. Ишончсизлик резолюцияси, одатда, парламентарийлар ташаббусига кўра киритилади ёки ишончсизлик Бош Вазир томонидан тақдим этилган ҳукуматга ишонч билдириш резолюциясини рад этиш асосида амалга оширилади. Вакиллар палатаси томонидан ишончсизлик билдириш тўғрисидаги резолюция қабул қилинган ёки ҳукуматнинг ишонч билдириш тўғрисидаги резолюцияси рад этилган тақдирда, Маҳкама тўлиқ таркибда истеъфога чиқиши лозим. Бу тартиб ўн кунлик муддат ичида вакиллар палатаси тарақатиб юборилмаган тақдирдагина қўлланилади.

Судлов ваколатларининг парламент томонидан амалга оширилиши ноодатий ҳол, сабаби парламентнинг бу ваколоти ҳокимиятлар тақсимланиш тамойилига бир қадар раҳна солиши мумкин. Бироқ жаҳон мамлакатларининг баъзи парламентлари бевосита судлов функцияларини амалга ошириш имкониятига эга эканлигини кўриш мумкин.

Баъзи парламентларга амнистия эълон қилиш ваколоти берилади. Амнистия эълон қилиш гарчанд судлов ваколоти бўлмасада, у ёки бу даражада суд ҳокимиятини амалга оширишга қаратилган. Парламентга муайян давлатнинг бошқарув шакли, ҳудудий тузилиши нуқтаи назаридан бошқа ваколатлар ҳам берилиши мумкин.

2-§. Парламентаризм тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Парламентаризм назарияси ва амалиёти. Давлат тузуми шакллари ва парламентаризм. Бошқарув шакллари ва парламентаризм.

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ — вакиллик қонун чиқарувчи орган — парламентнинг бошқа давлат органлари муносабатида расмий устувор бўладиган шароитда қонун чиқарувчилик ва ижро этувчилик вазифаларининг аниқ тақсимланиши билан ифодаланадиган бошқарув тизими. Парламентаризмда ҳукуматни парламент тузади ва бу ҳукумат парламентга ҳисобдор бўлади. Ҳокимиятлар тақсимланиши принципига кўра олий қонунчилик ваколоти эга ва давлат органлари тизимида юқори ўринга эгадир. Парламентаризмда ҳукумат парламент томонидан тузилади ва унинг олдида жавоб беради. Парламентаризм тарихи эса Англияда 1215 йилда қабул қилинган “ Буюк озодлик Хартияси” дан бошланади.

Парламентаризмнинг бугунги кундаги ўрнини ва аҳамиятини қуйидаги хусусиятларда ифодалашимиз мумкин:

Биринчидан, парламентлар қонун қабул қилиш вазифасини бажаради. Бу билан инсон, жамият ва давлатнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда бирламчи қатламни яратишга имкон вужудга келади. Аксарият мамлакатларда қонун ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланиб, фуқаролар, давлат органлари, хўжалик ташкилотлари ва демократик институтларнинг қонунга риоя қилиши ўзига хос қатъий ижтимоий талабга айланиб бормоқда.

Иккинчидан, давлатнинг барча институтлари орасида парламент халқ вакилликнинг ягона органи сифатида намоён бўлди. Бу парламентни фуқаролар назарида барча учун демократик институт тарзида, партиялар ва ижтимоий ташкилотларга эса мақсад тарзида кўрсатади.

Учинчидан, ҳокимиятни учга бўлинишида парламент асосий институт сифатида намоён бўлиб, ҳар бир давлат органига ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Ижтимоий манфаатларнинг жамланиши ва уларни очиқ билдириш имконияти парламентни давлат ҳокимияти ва бошқа идоралари, «марказ» ва «жойлар» ўртасидаги тафовутни йўқотиш йўлида ҳамкорлик майдонига айлантиради. Аксарият давлатлар парламентларининг доимий вазифаси ўз ваколати доирасида манфаатлар мувозанатини таъминлашдир

Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви натижасида парламентлар олдида янги вазифалар пайдо бўлди. Ижтимоий манфаатларни акс эттирувчи марказ сифатида унинг аҳамияти сезиларли даражада ортди. Ижтимоий эҳтиёжларни аниқлаш, плюралистик давлатда манфаатларнинг кўпқирралигини акс эттириш, давлат қарорларини бажариш, умумий жараёнга сезиларли таъсир кўрсатиш, айtilган анъананинг ўсаётган таъсирини кўрсатади. Парламентлар фаолияти ва уни ташкил этиш даражасини атрофлича ошириш зарурияти тобора ортмоқда. Шунинг учун, парламентни ахборот билан таъминлаш, депутатларнинг касбий даражасини ошириш, қонун яратиш жараёнини, парламент назоратининг шакллари-ни, ижтимоий фикрни жамлаш воситаларини такомиллаштириш каби вазифалар парламентаризм тажрибаси нисбатан кўп бўлмаган ҳукуматларнинг кун тартибида турибди.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси тушунчалари тизимида «давлат шакли» категорияси билан «давлат моҳияти» категорияси бевосита боғлиқдир. Гапни «давлат шакли» тушунчасига оид турли нуқтаи назарлар мавжудлигидан бошлаш ўринли, деб ўйлаймиз. Жумладан, бир хил муаллифлар уни фақат тор маънода изоҳлайдилар. Уларнинг фикрига кўра, бу - фақат бошқарув шакли холос. Бошқа бировлар бу тушунчани

кенг маънода талкин этади. Зеро, улар мазкур тушунчага бошқарув шакллари билан давлат тузилиши шаклини киритадилар.

Бироқ, нуқтаи назарлар фарқи шу ёндашувлар билангина чекланмайди. Давлатнинг ички ва ташқи шакллари фарқловчи муаллифлар ҳам бор. Ички шакл деганда, демократия, ташқи шакл дейилганда эса, сиёсий ҳокимиятнинг аниқ ташкилоти тушунилади (Д.А.Керимов). Ушбу нуқтаи назар нималарга асосланганлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин: модомики, демократия сиёсий тартибнинг бир кўриниши экан, уни давлатнинг ички шакли сифатида тушуниш зарур, бошқарув ва давлат тузилиши шакллари мажмуи эса, ташқи шаклини ташкил этади.

Айрим давлатшунослар давлатга ҳаракатдаги динамик ва ташкилий статик тизим сифатида қарашни таклиф этадилар. Шу таклифдан қелиб чиққан ҳолда улар динамик жиҳатдан сиёсий (давлат) тартибни, статик жиҳатдан эса, бошқарув шакли ва давлат тузилиш шакллари давлат шакли деб ҳисоблайдилар.

Яна бир гуруҳ ҳуқуқшунослар давлат шаклига қуйидагича таъриф берадилар: давлат шакли — давлат органларининг пайдо бўлиш тартиби, уларнинг структураси, хусусан, давлатнинг олий органлари структураси, улар ўртасидаги ўзаро муносабат, хусусан давлатнинг марказий органлари билан таркибий қисми органлари ва маҳаллий органлари ўртасидаги ўзаро муносабат, шунингдек, уларнинг жамиятга раҳбарлик қилиш шакли¹.

Бу таъриф узун бўлса ҳам, унда давлат шакли тушунчасининг мазмунини очиб беришга ҳаракат қилинган. Қисқача сўз билан айтганда, давлат шакли — давлат ҳокимиятининг тузилиш шаклидир.

Давлат шаклига, шунингдек, мамлакатнинг тараққиёт даражаси, унинг маданияти мамлакатда таркиб топган тарихий анъаналар, урф-одатлар ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, Англияда давлат шакллари ўрта асрларда таркиб топган бўлиб, улар ҳозирги кунга қадар ҳурмат қилинмоқда.

Юқоридагиларнинг ҳаммаси юридик адабиётларда давлат шакли бўйича ягона тушунчанинг йўқлигидан далолат беради. Айни пайтда, ушбу тушунчанинг анъанавий ҳисобланган таърифи мавжуд бўлиб, уни аксарият олимлар маъқуллашади, биз ҳам уни асос қилиб олишни тавсия этамиз. Шундай қилиб, давлат шакли деганда, уч таркибий қисми (ёки томони) -бошқарув шакли, давлат тузилиши шакли ва сиёсий идора усули бирликда олинган сиёсий ҳокимият ташкилоти тушунилади (С.А.Комаров).

Яна бир жиҳатни таъкидлашни истардик. Биз юқорида давлат шакли унинг мазмуни билан узвий боғлиқлигини айтиб ўтгандик. Шу фикрни батафсилроқ

¹ А. Саидов, У. Тожионов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2 жилдли, ИИВА. Т.: Адолат, 2001, 1-жилд, 154-бет

тушунтирамиз. Мазмун давлат ҳокимиятининг кимга тегишлилигини, унинг субъектини (эгасини) аниқлаш имконини беради, шунингдек, уни ким амалга оширади, деган саволга жавоб беради. Зикр этилганлар асосида, давлат шаклининг уч жиҳати мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз. Булар:

- бошқарув шакли, яъни давлат ҳокимияти ва бошқарувни тузиш ва ташкил этишнинг муайян тартиби;

- давлат тузилиши шакли, яъни давлатнинг ҳудудий тузилиши, марказий, минтақавий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг ўзаро муносабатлари муайян тартиби;

- сиёсий (давлат) идора усули, яъни сиёсий (давлат) ҳокимиятни амалга ошириш усул ва услубларидир.

Лекин шуни таъкидлаш жоизки, булар ҳозирча давлат шаклини тушунишга умумий ёндашув, энг илк танишувдир. Уни батафсилроқ тушуниш учун давлат шаклини ташкил этувчи уччала жиҳатни диққат билан ўрганиш, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, ўзаро таъсирини кузатиш ҳамда назарий, сиёсий-ҳуқуқий тафаккур юз йилликлар давомида давлатни ўрганар экан, давлат шаклининг айнан шундай мазмунини нега алоҳида ажратиб кўрсатганлигини тушунишга ҳаракат қилиш керак.

Узоқ вақт давомида давлат шакли бошқарув шакли ва давлат тузилиши шаклидан (биз келтирган таркибда дастлабки иккитасидан) иборат деб ҳисоблаб келинганди. Кейинчалик унга сиёсий идора усули кўшилди. Машҳур рус олими В.Е.Чиркин ўз дарсликларида давлат шакллариининг алоҳида турларга атрофлифа тўталиб ўтган. Унинг фикрича, давлат шаклини учта турга ажратиб ўрганиш лозим:

1.Поликратик (кўп ҳокимиятли) давлат шакли. Бунга кўра ҳокимиятилар бўлиниши принципининг амал қилиши, яъни турли давлат органлари ўртасида давлат ҳокимиятининг бўлиб олиниши; ҳокимиятлар бир-бирини ўзаро назорат қилиши ва мувозанатда ушлаб туриши; давлат режимининг демократик эканлиги; давлат бошқарувида халқнинг бевосита ёки билвосита иштирок эттиши каби муносабатлар асосий ўринни эгаллайди.

2. Монократик (якка ҳокимиятли) давлат шакли. Бунга кўра маълум бир орган ёки мансабдор шахснинг ҳокимиятга якка эгалик қилиши билан ажралиб туради. Бундай давлат шаклида мувозанатда ушлаб туриш ва бир-бирини назорат қилиб туриш тизими йўқ. Бундай давлат шакли бўлган давлатларда ягона давлат мафкураси ўрнатилган бўлади.

3. Сегментар давлат шакли. Сегментар(лотинча “Segmentum”-бўлак) давлат шаклининг хусусияти шундаки, унда давлат тузуми яхлит, аммо бир нечта хил бўлаклардан ташкил топган бўлади. Бундай давлат шаклида қисман демократия,

авторитаризм ва ҳаттоки тоталитаризм белгилари ҳам бўлиши мумкин. Сегментар давлат шаклида ҳокимиятнинг бўлиниши тамойили конституция билан тан олнини мумкин, лекин ҳақиқий тизимда тийиб туриш, мувозанатда сақлаш ва қарама-қарши ва қарама қарши таъсир этиш учрамайди ².

Давлат шаклларига жуда кўп омиллар таъсир этиши мумкин. Масалан давлатни ташкил этиш (АҚШдаги территориал - сиёсий давлат тузилишининг федерал формаси), тарихий анъаналар (Буюк Британиядаги монархия), ички сиёсий курашлар (бир қанча Африка давлатларида), жамиятда муҳим ўрин тутган диний анъаналар (Эрондаги теократик Ислом Республикаси) ва ҳоказо. Давлат шакллари Конституциявий бошқарувнинг объектлари ҳисобланади.

Бошқарув шакли - конкрет давлатда давлат ҳокимиятини ташкил этиш усулларининг мажмуидир. Агар ушбу таърифни янада аниқроқ ифодалайдиган бўлсак, у олий ҳокимиятни, боз устига унинг олий ва марказий органларини, уларнинг таркиби, ваколатларини, шу органларнинг ташкил этилиш тартибини, шунингдек, унда оддий халқ иштироки даражаси, бу органлар ваколати муддатларини кўзда тутишини айтишимиз керак бўлади.

Бошқарув шакли – бу Конституцияда ўрнатилган тартибда давлат бошлиғининг белгиланиши ва Олий қонунчилик ҳамда ижроия ҳокимият органлари муносабатларининг ташкил этиш усуллари.

Ҳозирги даврда икки хил давлат бошқарув шакллари мавжуд: республика ва монархия. Улар давлат бошлиғининг мақоми билан бир-биридан фарқ қилади.

3-§. Парламент республикаси

Бундай давлат бошқарув шакли, парламентар монархия шаклига мос тушади фақат давлат бошлиғи масаласи билан ажралиб туради. Парламентар республикасида президентнинг конституциявий вакилларини белгиланиши, тартиб бўйича ҳукумат томонидан амалга оширилади, яъни президент бошчилигида ҳукумат унинг вазифасини бажаради.

Парламент республикада Бош Вазир лавозими алоҳида ҳол этилиши лозим бўлган масаладир. Фақатгина Бош Вазир ҳукуматга бошчилик қилади монарх унинг ишига аралашмайди. Бош Вазир фақат парламент олдида сиёсий маъсулдир, парламент унга ишончсизлик билдириши ёки ўз ишончини қайтариб олиши мумкин.

² В.Е. Чиркин. Конституционное право зарубежных стран. Москва, « Юрист», 2001, стр-154.

Парламентар республиканинг асосий белгиси - худди парламентар монархияга ўхшаш, ҳукуматнинг парламент олдида сиёсий жавобгарлигидир. Ҳукуматнинг бир аъзосига билдирилган ишончсизлик асосан Бош Вазирга бутун таркиби билан истеъфога чиқиш оқибатини келтириб чиқаради. ҳукумат ҳам қуйи палатани тарқатиб юбориш ҳақида президентга мурожаат этиши мумкин ва сайлов кунини белгилайди.

Парламентар республика давлат бошқарув шаклида ҳам худди парламентар монархия сингари иккита давлат режими; парламентнинг ва ҳукуматнинг фаолияти асосий рол ўйнайди. Ҳақиқий парламентар республика шаклидаги давлатлар жаҳонда жуда кам учрайди. Бунга фақат Германия, Венгрия, Италия, Ҳиндистон, Чехия, Словакия, Эстония давлатларини киритиш мумкин. Бу давлатларнинг ўзига хос хусусиятларини кенгроқ ўрганиш учун давлат ҳокимиятини ташкил этиш асосларини қараб чиқиш зарур бўлади.

Парламентар республикасининг иккинчи кўринишида Бош Вазир ва бошқа вазирларнинг лавозимига қўйилишида президент парламентдан розилик олиши лозим бўлади. Парламентар республикасида қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимиятнинг ажратилиши уларнинг ўзаро келишувида назоратчилик фаолияти президентлик (дуалистик) республикасига нисбатан жуда ҳам мукамал ва чуқур жараёнларни ўз ичига олади.

Давлат режими парламентар монархия каби парламентар республикасида сиёсий партияларнинг фаолиятини қанчалик даражада давлат ҳокимияти органларида тутган ўрнига қараб белгиланади. шунинг учун ҳам парламентар шаклидаги давлат бошқарувида демократик сиёсий режим давлат ҳокимиятини ташкил этиш бобида шунчалик кучли ҳисобланадики, амалда парламент ёки ҳукумат томонидан уни ўзгартиришнинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Демак парламентар давлат бошқарув шакли инсоният ривожининг энг юқори даражада такомиллашган хоҳиш иродасини ифода этади. Германия, Буюк Британия 1789 йилги инкилобдан бошлаб Франция мана шундай жамият кургунича қанча вақт кетган".

Президентлик ва парламентар давлат бошқарув усулини таҳлилий ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, улар орасидаги асосий фарқ ҳукумат жавобгарлик масалаларининг ҳал этилиши тартибининг белгиланишидир. Агар ҳукумат Президент олдида жавобгар бўлса, бундай давлат бошқаруви усули президентлик, агар парламент олдида жавобгарлиги белгиланган бўлса. парламентар республика деб аталади. Жавобгарлик маъноси, кўп жихатдан ҳукумат аъзоларининг истеъфога чиқарилиши ким томонидан ҳал этилишга боғлиқ масалаларни камраб олади. Президент олдида жавобгарлик масаласининг кўриниши асосан, ҳукумат фаолияти президентни хоҳиши

билан боғлиқ бўлиб, у хоҳлаган вақтда ҳукуматни ёки алоҳида вазирни истеъфога чиқариши мумкин.

3-БОБ. Парламент ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланиши.

1-§. Парламент ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва унинг манбалари.

2-§. Парламент ҳуқуқи ривожланишини даврларга бўлиш.

3-§. Антик дунёда вакиллик муассасалари тўғрисидаги ғояларнинг ривожланиши.

1-§. Парламент ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва унинг манбалари.

“Парламент” тушунчаси инглизча “Parliament”дан келиб чиқса-да, аслида у французча феъл – “parler” – “гапирмоқ”дан ҳосил бўлган. Айтиш жоизки, француз революциясигача у ерда чекка ўлкалар даражасидаги судларгина парламент деб юритилган ва шунинг оқибатида у инглизчада эквивалент сифатида қабул қилинган.

Парламент Ватани Англия ҳисобланади. У ерда XIII асрдан Қирол ҳокимияти йирик феодаллар (лордлар), олий руҳонийлар ва шаҳарлар ҳамда графликлар вакилларининг йиғилишини чеклаган эди. Бундай катламларга кўра ташкил этилган муассасалар кейинчалик Польша, Венгрия, Франция, Испания ва бошқа мамлакатларда пайдо бўлди. Оқибатда улар ҳозирги типдаги ҳукумат муассасаси кўринишигача ривожланди ва шу орқали танилди.

Парламентларнинг давлатлар механизми ва функцияларида тутган ўрнига келсак, ҳокимиятни бўлиш назариётчилари Ж.Локк ва Ш.Монтескье уларнинг роли кўпроқ қонунчилик функциясини амалга оширишда дея чеклаган.

Ж.Ж.Руссо юқори ҳокимият бирлиги ғоясини асослаб берди ва шундан қонунчилик ҳокимиятининг ижро ҳокимиятини назорат қилиш ҳуқуқи келиб чиқди. Ушбу ғоялар бошқарувнинг дуалистик ва парламентар шакллари асосига қурилганлигини кўриш қийин эмас.

Замонавий парламент – бу умумдават ваколат органи бўлиб, унинг асосий функцияси ҳокимиятни ажратиш тизимида қонунчилик ҳокимиятини амалга оширишдан иборат.

Ривожланаётган мамлакатларда, айниқса Африка ва Осиёда, парламентлар расмийлик учун ривожланган Ғарб мамлакатлари модели бўйича қурилса-да, амалда одатда ҳокимиятсиз бўлиб, ҳақиқий ҳокимиятнинг парламентдан ташқари марказлари қарорларини рўйхатга олади, холос.

Парламент - халқ номидан устувор бошқарув қарорларини қабул қилишга қонуний ваколатли мазкур давлатнинг бутун фуқароларининг манфаати ва эркини ифодаловчидир. Унинг миллий ёки халқ вакиллиги сифатида аҳамияти шундан келиб чиқади.

XVIII-XIX асрлардаёқ юзага келган миллий (халқ) вакиллиги концепцияси қуйидаги принциплар мажмуи сифатида баён қилиниши мумкин:

- 1) миллий (халқ) вакиллиги Конституция билан таъсис қилинади;
- 2) миллат (халқ) суверенитет тарғиботчиси сифатида парламентни ўз номидан қонунчилик ҳокимиятига вакил қилади (кўпинча адабиётларда суверенитетни амалга оширишга вакил қилинган деб ноаниқ изоҳланади);
- 3) шу мақсадда миллат (халқ) парламентга ўз вакилларини (депутатлар, сенаторлар ва ҳоказо) сайлайди.
- 4) парламент аъзоси – уни сайлаганларнинггина эмас, бутун миллат вакилидир ва чунки улар сайловчиларга боғлиқ эмас, сайловчилар уларни чақириб олиши мумкин эмас.

Конституциявий ҳуқуқ бўйича француз классиги Леон Дюги таъкидлаган эдики: “парламент миллатнинг вакиллик мандатидир”. Бунда шунинг назарда тутиш керакки, вакилликнинг баён этилган конструкцияга нисбатан муносабати миллатлар ўртасида ва умуман парламентлар ўртасида мавжуд.

Бироқ бу муносабатлар “мандат” ва “вакиллик” сўзининг маъносидан келиб чиқилса, улар мўлжалланганидан бошқачароқ бўлиб чиқади. Л.Дюгидан ярим асрдан сўнг француз конституциячиси Марсель Прело бу ҳақда шундай ёзган эди: “Сайловчининг иродасини ифодалашини у ёки бу шахсни сайлаш билан чекланади ва сайланган шахснинг ҳолатига ҳеч бир таъсир кўрсата олмайди. У фақат Конституция ва қонунлар билан

аниқланади. Шу билан бирга “мандат” атамаси 1789 йил доктринада эълон қилинган мазмунда тушуниш лозим. “Вакиллик” сўзи унга лингвистик нуқтаи назардан мантиқ бериш мумкинлигига қарама-қарши маънода тушунилади. Бевосита ва эркин ҳолда миллат истагини яратувчи сайланган шахс, тўлиқ мустақилликка эга бўлади”.

Бошқача айтганда, парламент миллат (халқ) нимани хоҳлаётганлигини аниқ билади ва унинг қонунлардаги ҳам бошқа актлардаги эркини ифодалайди. Бунда у ҳеч кимнинг назоратида бўлмайди (албатта, ўзи кўпинча ўзгартириши мумкин бўлган Конституция доирасида). Парламент эрки миллат (халқ) эркидир. Вакиллик бошқаруви ғояси мана шундан иборат. Уни XVIII аср француз революция арбоби Э.Ж.Съейесдан тортиб М.Прелогача бўлган француз назариётчилари нодемократик деб ҳисоблашган. Чунки у фуқароларга ўз эркини парламентга боғлашни рад этади.

Нисбатан ёши катта бўлган парламентлар қаторига Испаниянинг кортесини ҳам қўшишимиз мумкин. Энг қадимги парламент туғилган мамлакат роли учун кўп мамлакат мусобақалашмайди. Исландия пойтахти Рейкьявик яқинида жойлашган бир нечта кўпол ва катта тошларга ишора қилиб бу ерда очик осмон остидаги дастлабки парламент бўлган деб айтишади. У ҳозир ҳам олдинги номи билан Альтинг деб аталади. Исландияликлар бу ерда қадимги викинглар уз ишларини муҳокама қилишган ва хал қилишган деб ҳисоблайдилар.

Парламентаризм боскичлари. Парламент ва парламентаризм тарихи бир неча асрларни босиб келмоқда. Агар биринчи парламент XIII ёки XIV асрларда шаклланган деб ҳисобласак, парламент ва парламентаризм тарихини тўрт боскичга булиш мумкин.

Биринчи, бошлангич, боскични *парламентаризм институтининг урнатилиши* деб аташ мумкин. Бу боскичда парламент давлат органи сифатида урнатилди бошланганди: парламент уз урни ва ролини кидира бошлаган, биринчилик учун курашган; уни шакллантириш учуллари ишлаб чиқилад бошланганди. Бу боскич етарли узок давом этган (XIV - XIX асрлар).

Иккинчи боскич - парламентаризмнинг олтин даври - парламент ва парламентаризмнинг гуллаб-яшнаш даври деб аташ мумкин.

Бу боскич айтарли давомий булмаган (XVIII аср охири ва XX аср бошлари), аммо парламентаризм тарихида ёркин из қолдирган. Бу даврда парламент сайлов цензи асосида шакллантирилган булиб, фақат бир синфнинг - тугилиб қелаётган буржуазиянинг манфаатларини ифодалаган.

Фактик жихатдан факат бир гуруҳ узларининг ичларидан энг маъқўлларини танлаб олганлар. Айнан шу даврда парламент аёлни эркакка айлантиришдан ва эркакни аёлга айлантиришдан бошқа ҳар қандай ишни амалга ошира олади деб айта бошлаганлар. бу ибора унинг уша вақтдаги куч кудратидан далолат беради.

Бу даврда аёллар сайлаш ҳуқуқига эга булмаганлар ва парламент сайлаш ҳуқуқига эга булган шахслар гуруҳининг ун - ун беш фоизи томонидангина сайланган.

Учинчи босқични шартли равишда *парламентаризмнинг инкироз даври* деб аташ мумкин. XX асрнинг бошларида тараккий этган давлатларнинг кўпчилигида ҳолат узгарди: бошқа ижтимоий катламлар ҳам сиёсий ҳаётда қатнашишни талаб қила бошладилар, ушбу катламлар ва гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи партиялар ташкил топа бошлади, цензли сайлаш ҳуқуқи анахронизм деб санала бошланди. Парламент олдингидек қарорлар қабул қилишда тезкор эмас эди, энг муҳими, у бир катлам манфаатларини ифодалашдан тўхтади.

Парламент ўз ўрнини ижро ҳокимиятига бўшатиб бериши кераклиги талаб қилинди ва ҳақиқатда ҳам ижро ҳокимияти лидерлик позициясини эгаллади. Илмий - тадқиқотчилар бу ҳолни маъқулладилар. Масалан, англиялик профессор Дженингс парламентнинг вазифаси мамлакатни бошқариш эмас, балки жамоатчилик фикрини шакллантиришга таъсир кўрсатиш ва ҳукумат ҳатти - ҳаракатларини назорат қилиш деб ҳисоблайди.

«Парламент инқирузи» деярли узок вақт ҳукм сурди. Охириги йигирма йилликда эса парламент ўзининг *парламентларнинг қайта туғилиши* деб аталувчи янги босқичига кўтарилди деб айтиш мумкин. XX асрнинг 70 - 90 - йилларида парламент халқ йиғилишининг фаол ва вакиллик органига айланди.

2-§. Парламент ҳуқуқи ривожланишини даврларга бўлиш.

Давлат ва жамиятни ҳаётини эркинлаштириш ҳамда демократиялаштиришни чуқурлаштириш натижаси ўларок бутун жаҳон мамлакатларида давлат ҳокимиятининг барча тармоқларини, шу жумладан, қонунчилик соҳасини такомиллаштиришга доимо эътибор қаратилмоқда. Парламент фаолиятини такомиллаштириш замонавий демократик давлатни барпо этиш ва ривожлантиришнинг ажралмас хусусиятидир. Шунинг учун ҳам дунёда турли демократик тизимларда парламент фаолиятини такомиллаштириш йўллари ва усулларини шакллантириш, самарадорлигини ошириш, ҳокимиятнинг ижроия

тармоқлари фаолияти билан бўладиган ишларни уйғунлаштириш борасида фаол изланиш олиб борапти. Замонавий парламентаризмнинг муҳим масалаларидан бири қонунчилик органи таркибидаги палаталар микдоридир. Айти пайтда қонунчилик ҳокимиятининг бир палатали ва икки палатали шакли нисбатан кенг тарқалган. У ёки бу шаклни танлаш кўп жихатдан мамлакатнинг тарихий анъаналари, миллий хусусиятлари, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасига боғлиқдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда дунёнинг етакчи ва ривожланган давлатларида асосан икки палатали парламентлар фаолият кўрсатади. Бундай ҳолатни ҳам федерал, ҳам унитар давлатлар мисолида кузатиш мумкин. АКШ, Британия, Франция, Италия, Испания, Бельгия, Голландия, Чехия, Польша, Япония, Швеция, Руминия каби унитар давлатлар ана шулар жумласидандир. Агар XX асрнинг 70-йилларида икки палатали парламентлар 45 та давлатда амал қилган бўлса, XXI асрнинг бошига келиб уларнинг сони 70 га етди. Бундан ташқари ўнлаб давлатларда икки палатали парламент тузишга тайёргарлик кўрилмоқда.

2000- йилнинг ўзидаёқ аҳоли сонини 600 млн. одам ташкил қилган 19 та Европа мамлакатларида икки палатали парламент фаолият кўрсатди. Бу эса жаҳонда асосан икки палатали парламент тузиш анъанаси таркиб топаётганидан далолат беради.

2000 - йилнинг 14- мартда Парижда булиб ўтган ҳуқуқий давлат куриши ва демократияни мустаҳкамлашда икки палатали парламентнинг ролини таҳлил қилишга бағишланган дунё сенаторларининг махсус форумида икки палатали парламент ҳудудлар, майда ташкилотлар ҳамда давлатнинг алоҳида қисмларининг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиради, деган хулосага келинган.

«Парламент» сўзи универсал ва деярли дунёнинг ҳар бир мамлақатида тушунилади. Аммо, ҳар хил давлатларда бу органни бошқача қабул қилинган номи мавжуд. «Парламент» сўзининг ўрнида, масалан, «конгресс» сўзи фойдаланилади. Биринчи бўлиб бу терминни америкаликлар қўллаганлар, кейинчалик бу сўз Лотин Америкаси ва баъзи бир Осиё давлатларида «анъанага айланди». Масалан, Венесуэла ва Филиппинда парламент конгресс деб аталади, Чилида эса парламент миллий конгресс деб аталади. Яна Депутатлар Палатаси (Люксембург), Миллий йиғилиш (Португалия, Иордания, Жанубий Корея, Панама, Покистон ва бошқалар), Федератив йиғилиш (федератив мамлакатларда) деб аталишлар ҳам мавжуд.

Бошқача айтишларнинг орасида мажлис (кенгаш) сўзи таниқлидир. Масалан, Европанинг майда монархия-давлатларида парламентлар мажлис деб

аталади, Андорада - Бош (генеральный) мажлис, Сан-Маринода - Катта бош (генеральный) мажлис, Монакода - миллий мажлис.

3-§. Антик дунёда вакиллик муассасалари тўғрисидаги ғояларнинг ривожланиши.

Айтиб утиш жоизки, бир хил парламентларнинг номланиши таржимада қўлланилади, баъзилари эса маҳаллий номланишга эга. Масалан, гап Швеция парламенти ҳақида бораётган бўлса ҳар доим *риксдаг* сўзи ишлатилади, Исландия парламентиغا нисбатан эскирган сўз альтинг, Данияникига - фолькетинг, Норвегияникига - стортинг қўлланилади.

Ирландияда ўзининг миллий тили айтарли муомаладан чиқиб кетган ва деярли барча инглиз тилидан фойдаланади, аммо бир қатор давлат органлари ирландча номланишга эга. Масалан, *доили* деб номланувчи миллий парламент икки палатадан иборат - *доил эйран* (куйи палата) ва *шинод эйран* (юкори палата).

ГФР сиёсати ва ҳукукини эски адабиётларда талқин қилишда *бундестаг* ва *бундесрат* атамалари қўлланилган. Эрон парламентини одатда *мажлис*, Исроилникини эса *кнесет* деб номлайдилар. Баъзида эскича сўзлардан фойдаланишда улар хато қўлланадилар. Мана масалан, эски адабиётларда Финландия парламентини сеймо деб аташади, аммо у сеймо деб умуман аталмаган. Польшада қонунчилик органи *сеймо* деб номланади ва аналогик ҳолатда Финляндия парламентини ҳам худди шундай номлашган, бироқ Финляндия парламенти доимо *Эдускунт* (Халк вакиллиги) деб номланган.

4-БОБ. Парламент ҳуқуқи манбалари.

1-§. Парламент ҳуқуқи манбаи тушунчаси ва турлари

2-

§. Парламент ҳуқуқининг асосий ва қўшимча манбалари

1-§. Парламент ҳуқуқи манбаи тушунчаси ва турлари

Агарда "манба" терминини умумтарқалган аҳамиятидан келиб чиқиб ўрганадиган бўлсак, унда ҳуқуқ доирасида уни ҳуқуқни яратувчи куч сифатида тушуниш мумкин. Бундай кучга авваламбор давлат ҳокимияти эга бўлиб, у жамият талабларига ва ижтимоий муносабаларнинг ривожланишига эътиборини қаратувчи ва тегишли ҳуқуқий қарорларни қабул қилувчи бўлиб юзага чиқади.

Ҳуқуқнинг ушбу манбалари билан бир каторда давлатнинг ҳуқуқий қарорларини ўзида мужассамлаштирувчи, унинг иродасини ифода этувчи шаклларини ҳам тан олиш даркор бўлади. Чунки ҳуқуқ шакллари ёрдамида давлат ўзининг ажралмас характери ва белгиларини эгаллайди (умум- мажбурийлик, умумтаниқлик ва х.).

Одатда назарияда парламент ҳуқуқининг иккита манбаи ҳақида тўхталади:

- норматив ҳуқуқий акт;
- Норматив шартнома
- ҳуқуқий одат.

Норматив ҳуқуқий акт - бу ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти акти бўлиб, унинг асосида ҳуқуқ нормалари ўрнатилади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади.

*Норматив ҳуқуқий акт*нинг куйидаги белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- норматив акт белгиланган тартибда ваколатли давлат органи томонидан ишлаб чиқилади;
- норматив акт давлат ҳокимиятининг характерига эга;
- норматив акт давлатнинг мажбурлов кучи орқали қўриқланади;
- норматив акт юридик кучга эга бўлиб, реал ҳаракат қилиш хусусиятига, юридик оқибатларни келтириб чиқариш қобилиятига эга;
- норматив акт ҳужжат сифатида расмийлаштириб, белгиланган шакл ва реквизитларга эга.

Норматив шартнома - бу икки ва ундан ортиқ томонларнинг ўзаро келишуви бўлиб, унинг натижасида ҳуқуқ нормалари ўрнатилади, ўзгартирилади ва бекор қилинади.

Халқаро шартномалар конституциявий муносабатларни тартиб-га солишда иштирок этади. Халқаро муносабатлар хоҳ сиёсий, иқти-содий ёки маданий бўлсин,

фақатгина Халқаро шартномалар асосида-гина тартибга солинади. Халқаро шартномалар фақатгина ёзма шакл-да тузилади. Халқаро шартномаларда давлатлар асосий томонлар ҳисобланади. Халқаро шартномалар хорижий давлатлар ёки Халқаро бирлашмаларнинг ўзаро келишуви натижасида ёзма равишда тузилади. Халқаро шартноманинг асосий манбаи Халқаро ҳуқуқ ҳисобланади.

Халқаро шартномада ўзаро келишув асосида шартнома тузаёт-ган давлатларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган.

Ҳар бир давлатнинг миллий ҳуқуқи улар қабул қиладиган халқа-ро ҳуқуқ нормалари мазмунига таъсир кўрсатади: бирон-бир давлат ўзининг ғоя ва дастурларига зид келувчи халқаро мажбуриятларни зиммасига олмайди. Шу билан бирга, миллий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқ-нинг миллий ҳуқуқий тизимга кириб келиши ҳуқуқи даражаси ва шартларини белгилайди ва бунда давлатларнинг асосий қонунлари бўлмиш конституциялари ҳал этувчи аҳамият касб этади. Халқаро ҳуқуқнинг биронта нормаси Конституцияни четлаб ўтган ҳолда миллий ҳуқуққа кириб келиши мумкин эмас.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуққа кириб келиш қоидалари турли мамлакатларда турличадир. Айрим давлатларнинг конституцияларида халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устун туриши ва унинг мамлакат ичкарисидаги бевосита таъсири тўғрисида сўз боради. Аслида бу ҳам халқаро ҳуқуқнинг Конституция бўйича кириб келиши ҳуқуқи тўғрисидаги қоидадир.

Дунёнинг аксарият мамлакатларида халқаро ҳуқуқнинг, бир томондан, одат нормалари, иккинчи томондан шартномавий норма-ларнинг киритилиши тартиблари ўртасида фарқлар мавжуд. Масалан, АҚШ да халқаро одат ҳуқуқи мамлакат миллий ҳуқуқининг узвий қисми саналади ва ижро ёки қонун чиқарувчи ҳокимиятга мансуб халқаро шартнома ёхуд бошқа бирон-бир норматив ҳужжат ёки суд қарори мавжуд бўлмаган тақдирда, судлар ундан муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солишда фойдаланиши кўзда тутилади.

Европа мамлакатлари ҳуқуқий тизимларида бу масала бошқача-роқ ҳал этилганини кузатиш мумкин. Масалан, Германияда умумий халқаро ҳуқуқ нормалари мамлакат миллий ҳуқуқига қўшилибгина қолмай, айна чоғда қонунлар олдида устувор кучга ҳам эгадир. Голландияда эса халқаро одат ҳуқуқининг барча нормалари қўллани-ши шартлиги назарда тутилган.

Халқаро шартномаларга ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро муносаба-тига келсак, бу масаланинг қуйидаги иккита ечими маълум:

биринчидан, халқаро шартнома қоидалари махсус қонун чиқа-риш эвазигагина миллий ҳуқуқ кучига эга бўлади (Буюк Британия, Ҳиндистон, Нигерия);

иккинчидан, тегишли тартибда ратификация қилинган ва расмий тарзда чоп этилган халқаро шартнома қоидалари тўғридан-тўғри миллий ҳуқуқ нормалари кучига эга бўлади. Кўпинча бундай ҳоллар-да миллий ҳуқуқда халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг мамлакат ҳуқуқий тизимидаги устунлиги ўрнатилади (Франция, Греция, Испания).

Европадаги аксарият мамлакатларда конституцияга зид бўлган халқаро шартноманинг имзоланишига фақат конституцияга тегишли ўзгартиш киритилганидан кейингина йўл қўйилади.

Норматив шартномалар халқаро миқёсда (асосий ҳуқуқ манбаи сифатида), конституциявий, парламент ҳуқуқи, фуқаролик, меҳнат ва бошқа ҳуқуқ соҳаларида кенг қўламда ўз ифодасини топган.

Улар ҳар хил номланишлари мумкин, жумладан: "контракт", "битим", "келишув" ва ҳоказо кўринишида бўлиб, уларнинг барчаси ҳужжат сифатида ҳуқуқ нормаларини ўзаро мужассамлаштиришлари зарур.

Ҳуқуқий одат - бу узоқ муддат давомида қўлланиб келинаётган расмий ҳужжатларда ўз ифодасини топмаган давлат томонидан тан олинган (санкцияланган) ҳуқуқ қоидаларидир.

Ҳуқуқий одатнинг асосий хусусиятларига қуйидагилар киради:

- 1) узоқ муддатда амал қилиши;**
- 2) унга доимий амал қилиниши;**
- 3) унинг давлат томонидан санкцияланиши (тан олинниши);**
- 4) унинг локал характерга эгалиги (нисбатан кам гуруҳ кишилар ёки ҳудудлар доирасида қўлланиши).**

Одат давлатларнинг умумий амалиёти бўлиб, кўп йиллар давомида қўлланилиши зарур ва у ҳуқуқий томондан риоя қилиниши зарур деб тан олинмайди. Бу билан одатга халқаро-ҳуқуқий нормала-ридан ажралиб туради. Жумладан, одатга давлат ва ҳукумат раҳбар-лари учрашувининг элчилик маросими ва Халқаро ахлоқ нормала-рини мисол қилиш мумкин. Одат Халқаро-ҳуқуқий русумлар ёки ҳуқуқнинг шартнома меъёрига айлантирилгандан кейингина халқаро-ҳуқуқ нормаси, яъни халқаро музокараларнинг барча қатнашчилари учун зарур бўлган ахлоқ қоидалари деб тан олинниши мумкин.

Одат ҳуқуқи маълум давлат, жой ёки этник ва ижтимоий гуруҳ-да такрорий қўлланиши натижасида юзага келган жамоат муноса-батларини бошқарувчи ёзилмаган ахлоқ қоидалари мажмуи. Одатдаги ҳуқуқ, давлатлар пайдо бўлишидан аввалги жамиятдаги урф-одатлар натижасида шаклланади.

Конституциявий одат бу давлат органларининг бир хил фаолият-и амалиётида вужудга келган, оғзаки характерга эга бўлган, муно-сабат қатнашчиларининг келишувига

суянадиган, бузилган тақдирда суд ҳимоясидан фойдалана олмайдиган қоидалардир. Бу одат асосан конституцияси йўқ бўлган давлатларда тарқалган. Конституциявий одатни баъзи ҳолларда, конституциявий келишув, конвенцион норма, конституциявий ахлоқ каби номлар билан ҳам аташади. Конституциявий одат англо-саксон ҳуқуқий тизими мавжуд давлатларида кенг тарқалган. Бундай давлатларга, АҚШ, Англия ва бошқалар киради. Масалан, конституциявий одатга кўра, Англияда юридик жиҳатдан юқори ижро этувчи ҳокимият монархга тегишли бўлса-да, амалда эса у ҳукуматга тегишлидир. Конституциявий одатга биноан, қирол Англия парламентининг Жамоалар палатасида энг кўп ўрин эгаллаган партия лидерини Бош вазир лавозимига тайинлаши мумкин.

2-§. Парламент ҳуқуқининг асосий ва қўшимча манбалари

Парламент ҳуқуқининг асосий манбаси бўлиб, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларининг Конституциялари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-давлатнинг Асосий Қонуни сифатида олий юридик кучга эгадир, шунинг учун ҳам унда ифодаланган тартиб-қоидалар парламент ҳуқуқи нормалари тизимида бош ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Конституцияси парламент ҳуқуқининг предметига алоқадор бўлган ҳамма ижтимоий муносабатларни умумлаштирувчи ягона манба бўлиб ҳисобланади.

Конституция нормалари энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Бошқа ҳуқуқ манбаларида ифодаланган нормалар эса Конституция нормаларини ривожлантиришга ва ҳаётга татбиқ этишга қаратилган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-моддасида Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкинлиги белгиланган бўлса, 11-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланишини белгиловчи нормалар акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-боб 76-88-моддалари бевосита Олий Мажлиснинг конституциявий –ҳуқуқий мақомини белгиловчи нормалар мавжуд.

Парламент ҳуқуқининг манбалари қаторига парламент фаолиятига оид нормалари акс эттирилган конституциявий қонунлар ва қонунлар ҳам киради. Масалан: “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунлари ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов

тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар. Парламент ҳуқуқининг манбаларидан бўлиб, олий вакиллик органлари томонидан қабул қилинадиган иш юритиш тартиблари; йўриқномалар, регламентлар ҳам манбалар ҳисобланади.

Вакиллик органлари томонидан қабул қилинган Низомлар ҳам Парламент ҳуқуқи манбаси бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Парламент ҳуқуқи фанининг манбалари тўғрисида гап борар экан, унинг асосий манбалари сифатида Республика Президенти И.А.Каримовнинг рисоалари, нутқларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу асарларда давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган ва қилиниши керак бўлган вазифалар моҳияти тўғрисидаги илмий-назарий ғоялари муҳим ўрин эгаллаган.

Қонунлардан сўнг парламент палаталари регламентлари парламент ҳуқуқининг бир манбаи сифатида қаралади, унинг қонундан фарқи шундаки, регламент парламент палаталари фаолиятининг ички қонун-қоидаларини белгилайди.

Ўзбекистондаги ҳуқуқшунос олимларининг илмий асарлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари парламент ҳуқуқи фанининг манбаларидан бири ҳисобланади..

5 -БОБ. Парламентни шакллантиришнинг асосий принциплари ва тартиби

- 1-§. Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари ҳамда парламентни шакллантириш**
- 2-§. Сайлов тушунчаси ва унинг ижтимоий вазифаси**
- 3-§. Сайлов тизимлари: мажоритар, пропорционал, аралаш**
- 4-§. Сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш тартиби**
- 5-§. Сайловларнинг даврийлиги, актив ва пассив сайлов ҳуқуқи**

1-§.Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари ҳамда парламентни шакллантириш

Демократик ва ҳуқуқий давлат шароитларидагина парламент фаолиятининг асосий принциплари реал самара беради. Шунинг учун ҳам парламент фаолиятининг асосий принциплари кўп жihatдан демократик ва ҳуқуқий давлат умумий принципларидан келиб чиқади.Қонунчилик палатасини ташкил этиш ва унинг фаолияти замирида қуйидаги асосий принциплар ётади:

1. Халқнинг манфаатлари ва хоҳиш-иродасини ифода этиш принципи. Парламент – умумдавлат вакиллик органи. Парламентнинг вакиллик хусусияти, авваламбор, парламент ҳокимиятини, унинг ваколатларини қонунийлаштириши, шунингдек парламентда жамиятнинг асосий ижтимоий-сиёсий кучлари, аҳолининг турли ижтимоий табақалари вакиллигини кафолатлаши лозим бўлган сайлов билан таъминланади.

Ҳар қандай давлат органи, биринчи навбатда парламент фаолиятининг замирида халқнинг хоҳиш-иродаси ётиши лозим. Халқнинг хоҳиш-иродаси вақти-вақти билан бўладиган ва сохталаштирилмаган сайловда ўз ифодасини топади. Мазкур сайлов, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси (1948 йил)га мувофиқ, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенгма-тенг шакллар воситасида ўтказилиши керак» (21-модда, 3-қисм). Бунда сайловни халқ суверенитетининг парламентга ўтказилиши деб идрок этмаслик лозим. «Бирорта ҳам орган, хоҳ парламент бўлсин, хоҳ халқ томонидан сайланган президент, халқ суверенитетининг ташувчиси деб ҳисобланиши мумкин эмас. У фақат ўзи сайланган муддат мобайнида ўз конституциявий ваколатини амалга оширишга вакил қилинган, холос»³, деган фикрга қўшилиш лозим.

Муайян (мажоритар, пропорционал, аралаш) сайлов тизимини танлаш парламентнинг вакиллик хусусиятини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур танлаш жуда кўп (тарихий, миллий, сиёсий ва бошқа) омиллардан келиб чиқиб амалга оширилиши ва жамиятнинг асосий ижтимоий табақа ва гуруҳлари манфаатларини ифода этувчи парламентнинг вакиллик хусусиятини таъминлашга кўмаклашиши лозим. Илғор демократияларда бунга, авваламбор, парламент сайловининг асосий субъектлари – сиёсий партиялар ёрдамида эришилади. Сиёсий партиялар жамиятдаги турли ижтимоий-сиёсий кучларнинг жамоатчилик фикрини шакллантирадилар ва ифода этадилар.

Сиёсий партиялар – замонавий демократия тизимининг ажралмас қисми, сайлов компанияларининг асосий иштирокчиларидан бири. Эски демократик анъаналарга эга мамлакатларда сиёсий партиялар жамоатчилик фикри, халқнинг сиёсий иродасини демократик шакллантириш ва уни сайловда ифода этиш жараёнида етакчи марраларни эгаллайдилар. Кўп партияли барқарор тизим жамият ва давлатни ривожлантиришнинг ўта муҳим масалаларига доир муқобиллар, ортиқча қарашлар, фикр-мулоҳазаларни қисқартириш, сайловчиларга мазкур масалаларни ҳал қилишга нисбатан бир нечта асосий ёндашувларни таклиф қилиш ва шу тариқа муайян сиёсий партия, унинг номзодлари ва уларнинг дастурларига ўз овозларини бераётган сайловчилар энг самарали сиёсий қарорлар қабул қилишларига кўмаклашиш имконини беради.

Шу билан бирга, сайлов кампанияларида, халқнинг сиёсий иродасини шакллантириш ва ифода этишда партияларнинг роли доим ҳам бир хилда

³ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. В 4-х т. Тома 1-2. Часть общая. Учебник / Отв. ред. Б.А. Страшун. – 3-е издание. – М., 1999, с. 357.

баҳоланавермайди. Кўп партиялилик принципи партия рўйхатлари (фракциялари) бўйича сайланган депутатлар жумласидан сиёсий уюшмалар ташкил этишда ўз аксини топади.

Мазкур уюшмалар аҳоли турли табақаларининг парламентдаги сиёсий вакилликни таъминлабгина қолмасдан, балки бутун парламент ишининг ташкил этилишини яхшилашга ҳам кўмаклашади. Бунда, табиийки, жамиятнинг бир нечта кичик сиёсий партия ва гуруҳларга парчаланиши ва парламентда уларнинг анча тўлиқ вакиллиги парламент ишига салбий таъсир кўрсатиши: қарама-қаршиликлар натижасида (агар парламентда барқарор кўпчилик бўлмаса) парламентнинг ваколатлари жумласига киритилган муайян масалани ҳал қилишнинг иложи бўлмаслиги мумкинлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Муайян сайлов тизимини танлашда юқорида зикр этилган ҳолатни эътиборга олиш керак: кўпгина (пропорционал сайлов тизими амал қилувчи) мамлакатларда, масалан, парламент сайловида «тўсиқлар» жорий этилиши, улар парламентда асосий сиёсий кучларнинг вакилликни таъминлаш билан бирга, «ўнг» ва «сўл» кичик партияларни четга чиқариши бежиз эмас. Бу барқарор кўпчиликка эга бўлган ишга лаёқатли парламентни ташкил этишга кўмаклашади.

2. Ҳокимиятни тақсимлаш принциpidан келиб чиқиб, парламент функциялари ва ваколатларини амалга ошириш

Ҳокимиятни тақсимлаш принципига асосан парламент давлат ҳокимиятининг бошқа бўғинлари фаолиятига аралашиб ҳуқуқига эга эмас. Ҳокимиятни тақсимлаш принципи турли мамлакатларда ҳар хил амалга оширилади. Президент республикаларида мазкур принцип айниқса қатъий ва изчил амалга оширилади. Бу мамлакатларда ҳокимиятни тақсимлаш принципи ҳукуматни шакллантиришда парламентнинг иштирокини чеклайди ва, моҳият эътибори билан, унинг парламент олдидаги жавобгарлигини йўққа чиқаради. Аммо, шу билан бирга, парламентнинг президент томонидан тарқатиб юборилиши, шунингдек ҳокимиятнинг турли бўғинларида лавозимларнинг ўриндошлигига ҳам (депутат вазир бўлиши мумкин эмас ва ҳ.к.) йўл қўймайди.

Парламент республикаларида ҳокимиятни тақсимлаш принципи Президент республикаларидаги солиштирганда нисбатан «юмшоқ» амалга оширилади. Парламент республикаларида ҳукуматнинг парламент олдида жавобгарлиги эътироф этилади. Моҳият эътибори билан, парламент ҳукуматни шакллантиради (ҳукуматни, қоида тариқасида, парламент сайловида ғолиб чиққан партия раҳбари бошқаради; токи парламент кўллаб-қувватлар экан, ҳукумат ҳокимият тепасида қолади), депутат вазир лавозимини эгаллашига йўл қўйилади. Аммо мазкур мамлакатларда (масалан, ҳукуматга ишончсизлик

билдирилганида, ҳукумат инкирози содир бўлганида ва ҳ.к.) парламентнинг муддатидан илгари тарқатиб юборилишига йўл қўйилади.

«Тийиш ва қарама-қарши туриш тизими» доирасида ҳокимиятни тақсимлаш принципи нафақат ҳукумат, балки бошқа давлат органларини шакллантиришда ҳам парламент иштирок этиши мумкинлигини назарда тутлади: парламент мамлакат президенти иштирокида судьялар, Бош прокурор, инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ва бошқаларни тайинлаши мумкин.

ҳокимиятни тақсимлаш принципи парламентга кенг молиявий-назорат ваколатларининг берилишини назарда тутлади. Парламент давлат бюджетини ва унинг ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқади ва тасдиқлайди, у ҳисоб палатасини ёки бюджет маблағларининг сарфланиши устидан бошқа молиявий назорат органини ташкил этишга ҳақлидир.

Ҳокимиятни тақсимлаш принципининг амалга оширилиши даражаси бошқарув шаклининг хусусиятларига, давлат ҳокимияти бўғинлари ўзаро алоқа механизмининг конституциявий белгиланиши ва мазкур принципни амалга ошириш амалиётига кўп жиҳатдан боғлиқ. Буларнинг барчаси парламент ва ҳукумат, парламент ва президент, парламент ва суд органларининг ўзаро алоқа қилиш принципига, шунингдек депутатлик фаолиятига (депутат ўз ваколатлари даврида бошқа давлат фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмаслиги принципи) таъсир кўрсатади.

3. Парламент депутатлари (аъзолари) фаолиятини таъминлаш принциплари

Депутат – бу мустақил фикрли инсон. У қайси партияга мансуб бўлмасин, аввало халқ олдида жавоб беради. Шунинг учун ана шу халқ манфаатлари йўлида парламентдаги ғоялар, ёндашув ва қарашлар хилма-хил бўлгани яхши. Ҳокимиятни тақсимлаш принципи, депутат фаолиятининг профессионаллиги, шахсий манфаатларида ўз мавқеини суиистеъмол қилишининг тақиқланиши депутат ўз ваколатлари даврида маълум фаолият билан шуғулланиши мумкин эмаслиги принципини асослашни тақозо этади.

Мазкур принцип турли давлатларда ўз хусусиятларига эга: баъзи мамлакатлар (масалан, Италия) депутат ўз ваколатлари даврида бошқа фаолият билан шуғулланиши мумкин эмаслиги тўғрисида махсус қонунлар қабул қилиш йўлини танлаганлар, бошқа мамлакатлар (масалан, Австрия)да парламентлар депутат ўз ваколатлари даврида бошқа фаолият билан шуғулланиши мумкин эмаслиги масалалари билан шуғулланувчи махсус кўмиталар ташкил этадилар, учинчи мамлакатлар (масалан, Буюк Британия)да эса

депутатга парламент томонидан қабул қилинувчи ҳужжатлардан ўзининг ҳар қандай моддий манфаатдорлиги ҳақида маълумот бериш мажбурияти юкланади.

4. Сўз эркинлиги принципи (индемнитет)

Депутатларга парламент фаолиятининг барча масалалари юзасидан очик ва танқидий фикр билдириш имкониятини таъминлайди. Парламентдаги ўз чиқишлари учун депутат жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Жумладан, АҚШда Конгресс аъзолари конунчилик органида билдирган фикрлари учун ижро этувчи ҳокимият томонидан жазога тортилиши ёки суд органи олдида жавобгар бўлиши мумкин эмас. Шу билан бирга, Конгресс ўз аъзоларини нолайиқ хулқ-атвори учун жазолаш ёки ўз сафидан чиқариш ҳуқуқига эга¹.

Аммо, шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, парламент депутати сўз эркинлигининг юридик кафолатлари, мазкур эркинликни суистеъмол қилганлик учун жавобгарлик шакллари ва усуллари турли мамлакатларда ҳар хил белгиланади. Масалан, Финляндияда парламент депутати сўз эркинлиги ҳуқуқини суистеъмол қилганлиги учун сўз олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши, йиғилишлар залидан чиқариб юборилиши, Россияда эса – фақат сўз олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Баъзи бир парламентлар томонидан депутатлик ахлоқи масалалари бўйича парламент комиссияларининг ташкил этилиши, парламент йиғилишларида депутатлар хулқ-атвори қоидаларининг тасдиқланиши ва нафақат депутатнинг сўз эркинлигини ҳимоя қилиш, балки депутатнинг муносиб хулқ-атворини таъминлашга ҳам йўналтирилган бошқа чора-тадбирларнинг амалга оширилишини асосли деб ўйлаймиз.

5. Депутатнинг дахлсизлиги (парламент иммунитет) принципи.

Депутат ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини эркин ва мустақил амалга оширишини таъминловчи кафолатлардан биридир. Парламент иммунитет депутатларни жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида, уларга сохта айблар қўйилишидан ҳимоя қилиши лозим. Бу депутат умуман жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, деган маънони англатмайди. Депутат жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин, аммо бу алоҳида тартибда, парламентнинг депутатни жиноий жавобгарликка тортишга розилиги билан амалга оширилади. Депутат фаолиятининг мазкур кафолати барқарор демократик сиёсий тузум шароитларида парламент фаолияти анъаналари мавжуд бўлмаган мамлакатларда мақсадга мувофиқ ва зарурдир.

¹ Қаранг: Леттер Д. Принцип разделения властей и система сдержек и противовесов в Конституции Соединенных Штатов // Верховенство права. Сборник. – М., 1992, с. 114.

2-§. Сайлов тушунчаси ва унинг ижтимоий вазифаси

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири давлат вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидир (Конституциянинг 117-моддаси). Фуқаролар ушбу ҳуқуқ орқали давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали давлатнинг энг муҳим сиёсий масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал этишда фаол иштирок этадилар (Конституциянинг 32-моддаси).

Сайлов тушунчаси вакиллик органни овоз бериш йўли билан ташкил топтириш тартибидир. Вакиллик органларини сайлаш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар сайлов ҳуқуқи деб аталади. Сайлов ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқининг муҳим институтидир.

Сайлов ҳуқуқи тушунчасининг яна бир маъноси ҳам бор. Бу тушунча фуқаронинг сайловдаги иштироки, вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш каби субъектив ҳуқуқини таърифлаб бериш учун ишлатилади.

Бу борада актив сайлов ҳуқуқи билан пасив сайлов ҳуқуқини бир-биридан фарқ қилиш керак. Актив сайлов ҳуқуқи фуқаронинг сайлаш, вакиллик органларини сайлашда бевосита қатнашиш ҳуқуқини билдиради. Пасив сайлов ҳуқуқи –сайланиш ҳуқуқидир. Профессор А.Саидов таъкидлашича "Сайлов ҳуқуқи" тушунчаси ва ибораси икки маънода ишлатилади деб изоҳлайди. Биринчиси, бу сайлов ҳуқуқи сайлов қўйиладиган давлат органларини шакллантиришни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар тизимидир. Сайлов ҳуқуқининг манбалари Конституция, давлатнинг олий ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар ҳақидаги қонунлардир. Иккинчиси, бу сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг сайлаб қўйиладиган органларини тузишда қатнашиш, яъни унга ўзларининг сайланиш (пасив сайлов ҳуқуқи) ва уларнинг таркибини сайлаш (фаол сайлов ҳуқуқи) ҳуқуқларидир."¹

Давлат органлари ўзининг тузилиш тартиби жиҳатидан турли хусусиятларга эгадир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ давлатнинг баъзи органлари сайланади, бошқалари тузилади. Давлат ҳокимияти органларига ўтказиладиган сайловлар демократик асосда ўтказилади. Ўзбекистонда илдиз отиб бораётган демократия жаҳонда тан олинган демократик анъаналарни ўзида мужассамлаштиради. Бу демократия ҳеч қандай миллий, ирқий ва бошқа чеклашларни билмайди. Шу билан бирга, давлат органларини сайлаш ва тузиш тартиби уларнинг ҳар қайсисининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

¹ Саидов А.Х. Қиёсий конституцияшунослик. Т., 1993, 52-бет.

Ўзбекистон Республикаси давлат вакиллик органларига сайловлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлар ташкил қилинади ва ўтказилади.

Давлатдаги энг муҳим масалаларнинг фуқаролар хоҳиш-иродаси билан ҳал этилиши демократиянинг яққол намоён бўлишидир. Давлат ҳокимиятини шакллантиришда сайловлар ва демократик тамойиллар муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда энг муҳим масалаларнинг асосан референдум йўли билан ҳал этилиши бевосита демократия намунаси. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистонда барча давлат органларини демократик асосларда тузиш тартиби ва чинакам халқчиллиги билан ҳам ажралиб туради. Халқчиллик шу нарсада ўз ифодасини топадики, бутун давлат аппаратининг негизини ташкил этган давлат органлари унинг халқ депутатлари бевосита сайловчилар томонидан умумий сайлов йўли билан сайланадилар.

Ўзбекистонда сайловлар очиқлиги, ошқоралиги сайлов тизимининг энг муҳим тамойилларидан бўлиб ҳисобланади.

Вакиллик органларининг умумий сайлов йўли билан ташкил этилиши алоҳида ва кўп қиррали аҳамиятга эга. Умумхалқ сайловлар давлат ҳокимиятини амалга оширишда фуқаролар иштирокининг энг муҳим шакллари билан биридик.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXIII бобида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатланиши алоҳида мустаҳкамланган. Конституциянинг 117-моддасида шундай дейилади: "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек овозликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов

хуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади."

3-§. Сайлов тизимлари: мажоритар, пропорционал, аралаш

Сайлов тизимини танлаб олиш демократик йўлга қадам қўяётган ёки бу йўлдан бораётган ҳар бир давлат учун муҳимдир. Шу ерда бир ўринли савол туғилиши табиий. Сайлов тизими деганда сайлов ўтказишга тааллуқли барча ҳуқуқий ҳужжатлар, сайлов тизими тамойиллари, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ўз ичига олган сайлов ўтказиш тартиблари ҳамда уларни ўрнатувчи ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндиси тушунилади.

Умуман олганда, сайлов тизими умумий сайловда олинган овозларнинг ғолиб партия ва номзодлар томонидан қўлга киритилган ўринларга нисбатини билдиради.

Сайлов тизими сайлов округлари ва участкаларини ташкил қилиш, номзодларни кўрсатиш, сайловчиларни рўйхатга олиш, сайловларни ўтказишдаги маъсул органлар (шахслар) маъсулияти каби муҳим бўлган масалаларни ҳам ўз ичига олади. Сайлов тизимининг ўзига хослиги кўп жиҳатдан сайлов округларининг қандай ташкил этилганлигига боғлиқ. Сайлов округлари ҳудудий бўлиниш асосида ташкил этилиб, уларда белгиланган миқдордаги депутатлар ёки сайлашга вакил қилинган кишилар сайланади.

Сайлов округлари бир мандатли, кўп мандатли ва умуммиллий бўлиши мумкин:

бир мандатли сайлов округларида ҳар бир округдан бир депутат ёки сайлашга вакил қилинган киши сайланади;

кўп мандатли сайлов округларида эса бир неча номзодлар сайланиб мандатларга эга бўладилар.

Умуммиллий сайлов округлари давлат бошлиғини сайлашда ва пропорционал сайлов тизимларида ташкил қилиниши мумкин. Бунда номзодлар алоҳида бир ҳудуддаги сайловчиларнинг эмас, балки бутун

мамлакат сайловчиларининг кўллаб-қувватлашларига умид қилишлари мумкин.

Ҳозирги пайтда дунё мамлакатлари тажрибасида сайлов тизимларининг уч катта гуруҳи мавжуд. Бу мажоритар, аралаш ва пропорционал сайлов тизимларидир.

Мажоритар сайлов тизими - Энг кенг тарқалган сайлов тизимларидан бири бу мажоритар¹ сайлов тизими бўлиб, сайлов натижаларини аниқлашда кўпчилик овози тамойилига асосланади.

Бу тизим қоидаларига биноан, тегишли сайлов округида белгиланган кўпчилик овозни олган номзод ёки номзодлар сайловда ғолиб чиққан ҳисобланади. Мажоритар сайлов тизими ўз навбатида мутлақ кўпчилик, нисбий ва икки босқичдан иборат кўпчилик овозига асосланган сайлов турларига бўлинади.

Мутлақ кўпчилик овоз билан сайловларда ютиб чиқиш тизими қоидаларига биноан сайловда берилган овозларнинг ярмидан кўпини (50% + 1 та) олган номзодгина сайланган ҳисобланади.

Масалан, сайлов округида сайланиш учун 3 та номзод қўйилган дейлик (А,Б,В). Берилган 10.000 овоз қуйидагича тақсимланди: А- 3000, Б- 1990, В -5010. Бунда 5010 овоз олган В мутлақ кўпчилик овозини олганлиги учун сайланган ҳисобланади.

Мутлақ кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизимнинг ўзига хос камчилиги ва шу билан бирга афзаллиги ҳам мавжуд. Бу тизимнинг камчилигидан биринчиси шундаки, юқорида келтирган мисолимизда мутлақ кўпчилик (5010) овозини олган В номзод сайланади, қолган икки номзодга берилган (4990, салкам 50%) овоз эса «йўқолиб» кетади ва натижада А ва Б номзодларга овоз берган сайловчилар ўз вакилларини парламентга ўткази олмайдилар.

Хорижий давлатлар тажрибаларида пропорционал сайлов тизими асосида ташкил этилган ҳукуматнинг беқарорлигини бартараф этиш мақсадида бу тизимдан воз кечиб мажоритар сайлов тизимига ўтиш ҳоллари ҳам бўлган. Буни яна Франция мисолида кўриш мумкин. IV Республика даврининг сўнгги йиллардаги сиёсий беқарорликнинг асосий сабаби ҳукуматдаги келишмовчиликлар туфайли эди. Бу эса навбатдаги иқтисодий қийинчиликка, халқ турмуш даражасининг пасайишига олиб келганди. Бунга

¹ majorite француз тилидан «кўпчилик» деган маънони билдиради.

бархам бериш мақсадида ҳокимият тепасига келган Генерал де Голь пропорционал сайлов тизими ўрнига мажоритар сайлов тизимини киритди. Ўз вақтида ўтказилган бу сиёсий ислоҳот Францияда қисқа вақт ичида «сиёсий ва парламент барқарорлигини таъминлашга имконият яратди».

Сайлов натижаларини мутлақ кўпчилик овози асосида аниқлаш усулларидан бири, бу преференциал¹ овоз беришдир, У асосан Австралия ва унинг атрофидаги барча Океания давлатларига хос бўлиб, Ирландия ва Ҳиндистон каби давлатларда ҳам учрайди.

Бундай овоз бериш турининг натижаси жуда самарали бўлиб, иккинчи босқични ўтказишга ҳожат қолмайди. Бунда сайловчиларга рўйхатдаги номзодлар ўрнини ўз хоҳишлари бўйича ўзгартириш учун рухсат берилади. Сайловчи рўйхатдаги ҳар бир номзоднинг фамилияси олдига тегишли 1, 2, 3 рақамларини қўйиш билан номзодларга бўлган муносабатини билдиради, яъни сайловчи биринчи навбатда сайламоқчи бўлган номзод фамилияси олдига 1 рақамини, иккинчи навбатда сайламоқчи бўлган номзод фамилияси олдига 2 рақамини қўяди ва ҳоказо.

Бу сайлов тизими сайловчиларга ўз хоҳиш истакларини билдириб, ўзлари учун афзал билган номзодларни сайлаш имкониятини берганлиги сабабли ҳам уни «преференциал овоз бериш» деб аташади.

Мажоритар сайлов тизимининг Оддий (нисбий) кўпчилик овози асосида сайлов натижаларини аниқлаш учун номзод ёки номзодларнинг сайловчиларнинг оддий кўпчилик овозини тўплаши кифоя қилади, уларнинг неча фоиз овозга эга бўлганлигининг аҳамияти бўлмайди. Бу сайлов тури асосан бир мандатли сайлов округларида қўлланилиб, уни кўп мандатли сайлов округларида қўллаш ҳолатлари ҳам учраб туради. Сайлов натижаларини оддий кўпчилик овози асосида аниқлаш Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигида, Канада, Ҳиндистон, АҚШ ҳамда Буюк Британиянинг барча собиқ мустамлакаларида учрайди.

Мажоритар сайлов тизимининг яна бир тури бу, икки босқичли сайловлар ўтказишдир. Бунда биринчи марта ўтказилган сайлов натижаси мутлақ кўпчилик овози асосида аниқланади. Агар ҳеч бир номзод мутлақ кўпчилик овозини тўплай олмаса, у ҳолда қайта овоз бериш ўтказилади.

¹ Француз тилидан preference – «афзал кўриш» деган маънони билдиради.

Шунинг учун бу усулни қайта овоз бериш усули ҳам дейишади. Иккинчи босқичда ғолиб чиққан номзод сайланган ҳисобланади. Иккинчи босқични ўтказиш тартиблари турли давлатларда турлича бўлиши мумкин. Энг кўп тарқалган усуллардан бири бу биринчи босқичда бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган икки номзоднинг иккинчи босқичда қатнашиш усулидир.

Пропорционал сайлов тизимлари - сайловларда кенг омма вакиллигини таъминлаш мақсадида киритилган сайлов тизими бўлиб, Лотин Америкаси давлатларининг кўпчилигида, Африка давлатларининг учдан бир қисмида учрайди.

Европада Австрия, Бельгия, Норвегия, Нидерландия, Норвегия, Швеция, Швейцария каби давлатларда шу тизим амал қилади.

Бу тизимнинг асосий мақсади амалда сайловларда олинган овозлар билан парламентда эгалланган мандатлар мутаносиблигини таъминлашдир. Яъни, масалан, бир партия сайловда 30% овоз олган бўлса парламентда 30% мандатга эга бўлиши, сайловда 15% овоз олган партия эса тегишлича 15% мандатга эга бўлиши керак.

Пропорционал сайлов тизимларининг кўпчилик овоз тамойилига асосланган мажоритар сайлов тизимларидан асосий фарқи ҳам шунда.

Пропорционал сайлов тизимларида катта-катта сайлов округлари тузилиб, ҳар бир сайлов округидан бир нечта депутатлар сайланади. Сайлов округлари қанча катта бўлса, олинган овозлар ва эгалланган мандатлар шунга мутаносиб бўлади.

Бунга эришиш мақсадида бу тизимни қўллайдиган давлатларда бир нечта минтақалардан ва хатто бутун давлат ҳудудидан бир сайлов округи ташкил қилинади.

Бу тизимда ҳар бир партия ўз номзодлари рўйхатини тузади ва сайловчилар алоҳида олинган номзодга эмас, балки маълум партия рўйхатига овоз беради. Сайловчиларга баъзи ҳолларда номзодларга нисбатан ўз муносабатларини билдиришга ҳам имконият берилиши мумкин.

Сайловлар натижасини аниқлашда ҳар бир депутатлик мандатини олиш учун зарур бўлган овозлар миқдори белгиланади. Бу миқдор ҳар бир сайлов округи учун алоҳида қилиб белгиланиши ёки бутун давлат ҳудуди учун бир хил бўлиши ҳам мумкин.

Пропорционал сайлов тизимида мандатларни тақсимлашда олинган

овозларни санаб чиқиш усули жуда муҳим ўрин тутди. Овозларни ҳисоблаб чиқишда турли математик усулларни қўллаш билан боғлиқ бўлган бир нечта усуллар бўлиб, булардан энг осони инглиз олими Т.Хэр томонидан таклиф қилинган усулдир. Бунга кўра мандатлар ҳиссасини (квота-Q) аниқлаш учун сайловда берилган умумий овозни (X) сайлов округидаги мандатлар сонига (Y) бўламиз. Буни қўйидагича шартли ифода билан бериш мумкин:

$$Q \propto X : Y$$

Квотани аниқлаб олгач, ҳар бир партия томонидан тўпланган овозларни квотага бўламиз. Шунда ҳар бир партиянинг қанча мандатга эга бўлиши келиб чиқади. Агар шундан кейин яна тақсимланмаган мандатлар қоладиган бўлса, улар энг кўп овозлар қолдиғи бўлган партияларга тақсимланиб берилади ва шу тариқа барча мандатлар тақсимланади. Бу тақсимлашни қўйидаги мисолда кўрсатиш мумкин. Сайловда ўн бешта депутат сайланиши керак бўлган сайлов округида 5 та партия қатнашган дейлик. Сайловда жами 16.000 та овоз берилиб, партиялар қўйидагича овоз олдилар:

A-6100та, B-3300та, C-1400та, D-3000та, E-2200та.

Умумий овоз – 16.000 ни мандатлар сонига, яъни 15 га бўламиз ва натижаси 1066 бўлади. Демак, бир мандатга эга бўлиш учун 1066 та овоз олиш керак бўлади. Энди партиялар тўплаган овозларни 1066 га бўлиб чиқсак, ҳар бир партия кўлга киритган мандатлар аниқланади. Буни жадвалда қўйидагича ифодалаш мумкин:

Пропорционал сайлов тизимида сайлов натижаларига сайлов округларининг бўлишини ҳамда мандатларга эга бўлиш учун белгиланган чегараларнинг қанча фоиз бўлиши ҳам катта таъсир кўрсатади. Округлардаги вакилликнинг сони қанча кўп ва мандат олиш учун белгиланган фоиз чегараси қанча кам бўлса, овозлар ва мандатлар мутаносиблиги ҳамда кичик партиялар вакилларининг сайланиш имконияти шунча юқори бўлади.

Турли давлатларда мандатларни тақсимлашда қатнашиш ҳуқуқини олиш учун белгиланган овозлар фоизи чегаралари турлича белгиланган.

Германияда ва Парламентнинг қўйи палатасининг ярми пропорционал сайловлар асосида сайланадиган Россияда бу чегара 5% бўлса, Исроилда 1,5% Нидерландияда 0,67%, Сейшел Ороллари Республикаси (Ҳинд океани ғарби) Парламентининг 23 мандатини тақсимлаш учун 10% қилиб белгиланган. Жанубий Африка Республикасида ўтказилган 1994 йилги

сайловларда Африка Христиан Демократлар партиясининг 0,45% овоз билан парламентдаги 400 мандатдан иккитасига эга бўлганлиги ҳам мандат олиш учун зарур бўлган чегаранинг пастлиги сайловда олинган овозлар ва эгалланадиган мандатлар мутаносиблигига эришишга хизмат қилиши кўрсатиб турибди.

Мандатларнинг тақсимланишида қатнашиш учун белгиланган бу чегара дастлаб Германияда экстремистик гуруҳларнинг сайланишига чек қўйиш мақсадида киритилган эди. Лекин бу чегаранинг қатъийлигини камайтириш ва мутаносибликни таъминлаш мақсадида ҳар бир партиянинг камида 3та мандатга эга бўлиши таъминланади.

Мандатларни тақсимлашда партиясининг қатнашиши учун белгиланган чегаранинг мавжудлиги сайлов натижаларини аниқлашда кўпинча салбий камчиликларга сабаб бўлади. Қонун билан белгиланган бу чегара кичик партиясининг номзодлари учун берилган овозларнинг зое кетишига ва натижада овозлар ва мандатлар номутаносиблигига олиб келиши мумкин. Шунинг учун баъзи экспертлар бундай қонунни ортиқча ҳисоблаб, уни бекор қилишни тавсия этадилар.

Ўзбекистон сайлов Қонунчилигида ҳам бу борада ижобий ўзгариш содир бўлди. Юртимизда кўппартиявийлик тизимнинг ривожланиб бораётганлигини ҳисобга олиб, сайлов Қонунларига партиясининг вакиллигини таъминлашга кенгроқ имконият берувчи ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 46-моддаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 45- моддаларидан сиёсий партиясининг тегишли сайловларда овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 5%дан кам овозини тўплаганларида, уларнинг номзодлари депутат қилиб рўйхатга олинмаслигини назарда тутган талабнинг чиқариб ташланишидан иборат бўлди.

Республикамизда ўтказилаётган сайловларнинг демократия талабларига мос равишда ўтишини таъминлаш мақсадида, халқаро майдондаги тажрибани ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонунга ўзгартириш киритилиши мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ислохотларнинг изчиллигидан дарак беради.

Агар пропорционал тизимнинг асосий вазифаси овозлар ва мандатлар мутаносиблигини таъминлаш йўли билан озчиликнинг ҳам вакиллигини

таъминлаш бўлса, баъзи давлатларда ўтказилган сайловларнинг бундай натижага олиб келмаганлигини кўриш мумкин. Масалан, 1995 йил Россияда ўтказилган сайловларда сайловчилар овозининг қарийб ярми «йўқолиб кетган». Мутаносибликни кўзлаган пропорционал сайлов тизимининг мақсадига зид бўлган бу ҳолатга нисбатан Э.Х. Халилов ҳам ўз фикрини билдириб ўтган эди.

Пропорционал сайлов тизимида партия рўйхатлари бўйича овоз бериш бу рўйхатларнинг характериға қараб қатъий, қатъий бўлмаган ва ўзгарувчан рўйхатлари бўйича овоз беришга бўлиши мумкин.

қатъий рўйхатлар асосида овоз бериш пропорционал сайлов тизимини кўллайдиган давлатларда энг кўп тарқалган бўлиб, бунда сайловчилар муайян партия томонидан тақдим этилган рўйхатда кўрсатилган номзодлар ўрнини ўзгартиришга, яъни ўзлари афзал кўрган номзодни биринчи ўринга қўйишга ҳақли бўлмайдилар.

Баъзида сайлов бюллетениға депутатликка номзодлар фамилиялари киритилмай, фақатгина партия раҳбарининг фамилияси ва партия рамзи киритилиши мумкин. Бу усулда овоз беришга Жанубий Африка Республикасида 1994 йилда ўтказилган сайловлар мисол бўла олади. Бундай овоз беришда сайловчилар ўзлари танлаган партия рўйхатиға овоз бериш билан чекланадилар. Бу усулда овоз бериш бошқача тарзда сайланиши қийин бўлган озчилик вакилларининг ҳамда аёлларнинг сайланишиға имкон туғдирсада, депутатликка лойиқ бўлмаган номзодларнинг сайланиб қолишиға сабаб бўлиши мумкин.

Партия рўйхатлари бўйича овоз беришнинг иккинчи тури бу қатъий бўлмаган рўйхат асосида овоз беришдир. Бунда сайловчилар ўзлари танлаган партия рўйхатини ёқлаб овоз беришдан ташқари бу рўйхатдаги номзодлар ўрнини алмаштириш имкониятиға ҳам эгалар. Сайловчиларға номзодларни танлаш имкониятининг борлиги бу усулнинг афзаллиги бўлсада, бу партия ичида келишмовчиликнинг келиб чиқишиға сабаб бўлиши мумкин.

Баъзи давлатларда қатъий бўлмаган рўйхат асосида овоз беришға маълум ўзгартиришнинг киритилиши билан бу рўйхатларнинг мослашувчанлик хусусиятини олган тури қўлланилади. Буни панашаж¹

¹ Panachage – француз тилидан «аралашма» деган маънони билдириб юридик тилда бу сайловчи томонидан турли рўйхатда бўлган номзодларни бир сайлов бюллетениға киритиб овоз беришни англатади.

қилиш асосида овоз бериш ҳам дейишади.

Швейцарияда сайловчилар мандатлар сони қанча бўлса, шунча овозга эга бўладилар ва улар бу овозларни бир партия рўйхатидаги номзодларга берадиларми ёки турли партия рўйхатидаги номзодларга, уни ўзлари белгилайдилар. Бунда партия рўйхатидаги номзодлар сони кантондаги мандатлар сонидан ошиб кетмаслиги керак.

Сайловчилар овоз бериш чоғида қуйидаги уч йўлдан бирини танлашлари мумкин:

рўйхат қандай бўлса, шундай қолдиришлари, яъни бутун рўйхатга овоз беришлари;

бир номзоднинг номини икки марта ёзишлари;

рўйхатдан номзод номини ўчириб ташлашлари.

Швейцария сайлов тизими алоҳида номзодларга ўз муносабатини билдириш имкониятини берсада, сайловчилар кўпинча партия рўйхатларига овоз берадилар.

Панашаж қилиш усулида овоз бериш Франция Республикасининг маҳаллий вакиллик органларига сайловларда ҳам қўлланилади. Бу усулнинг қўлланилиши коммуналар аҳолисининг сонига боғлиқ бўлиб, агар коммуна аҳолиси 3500 кишидан кам бўлса, сайлов рўйхатларни панашаж қилиш имкониятини берувчи икки босқичли мажоритар тизим бўйича, аҳоли 3500 кишидан ортиқ бўлса, панашаж қилиш имкониятини бермайдиган икки босқичли мажоритар сайлов тизими ва қисман пропорционал тизим асосида ўтказилади.

Аралаш сайлов тизимлари - мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларини бирлаштириш тамойилига асосланган сайлов тизимларидир.

Бу тизим Япония, Гвинея, Албания, Жанубий Корея, Литва, Самали ва Тайван каби давлатларда, МДҲ доирасида эса Арманистон, Озарбайжон, Грузия ва Россия Федерацияси давлатларида амал қилади.

Россия сайлов тизими сиёсий партияларнинг рўйхатига асосланган пропорционал вакиллик ва мажоритар тизимнинг оддий кўпчилик овозига асосланган бирлашувидан иборат.

Давлат Думасининг 450 депутатидан 225 таси бир мандатли сайлов округларидан мажоритар усулда сайланса, қолган 225 депутат пропорционал вакиллик асосида сайланади. Бунда Россия Федерациясининг Россия

Федерал Кенгаши Давлат Думасига депутатларнинг сайлови тўғрисидаги федерал Қонуннинг 13- моддасига¹ биноан Федерация ҳудуди ягона сайлов округига айланади.

Ҳар бир партия ўз номзодлари рўйхатини тузади ва бу рўйхатга кирган номзод бир мандатли сайлов округида ўтказиладиган сайловда ҳам қатнашиши мумкин. Бунинг учун номзоднинг федерал сайлов округига ҳам, бир мандатли сайлов округига ҳам айнан бир сайлов бирлашмасидан ёки сайлов блокидан кўрсатилиши шарт қилиб қўйилган.

Натижада федерал округ бўйича пропорционал сайлов асосида ютиб чиққан партия яна бир қўшимча мандатга эга бўлади. Бунда мандатлар тақсимлашига бутун федерал округ бўйича 5%лик чегарага етган ва ундан ошган партияларгина қўйилади.

Аралаш тизимнинг қўлланилиши қатъий пропорционал тизимда мавжуд бўлган майда партияларнинг кўпайиб кетишини олдини олади. Ундан ташқари мавжуд кичик партиялар бир мандатли мажоритар тизимли сайловларда ютқазсаларда, пропорционал сайловлар билан бунинг ўрнини тўлдириб олишлари мумкин. Лекин, Россияда мавжуд бўлган 5% ли тўсиқнинг мавжудлиги бундай ҳолатни юзага келишига анча тўсқинлик қилади.

Аралаш тизимнинг қўлланилиши икки гуруҳдаги депутатларнинг сайланишига олиб келади. Биринчиси, сайлов округидаги сайловчилар билан анча боғлиқ бўлган депутат бўлиб, у сайловчилар олдида ўз масъулиятини сезади. Иккинчиси, партия рўйхати асосида сайланган депутат бўлиб, у маълум округ сайловчиларига унча таниш бўлмаслиги мумкин, чунки сайловчи овоз берганда алоҳида номзод учун эмас, балки партия рўйхати учун овоз беради. Натижада сайланган депутат ўзини муайян сайлов округи сайловчилари олдида эмас, балки уни рўйхатга киритган партия раҳбарлари олдида ҳисобдор сезади.

Аралаш сайлов тизимининг яна бир ягона овоз бериш шакли мавжуд бўлиб, у Иордания ва Вануату (Океания)нинг парламент сайловларида, Тайван парламентининг бир қисмини сайлашда қўлланилади. Бу усул 1948 йилдан 1993 йилгача Япония парламентининг қўйи палатасини сайлашда ҳам қўлланилган.

Сайловнинг бу шаклида сайлов округида бир неча мандат бўлсада, ҳар

¹ Қаранг: Собрание законодательства Российской Федерации, №26, 1999, с.5727.

бир сайловчи фақат бир овозга эга бўлади. Сайловчи партия рўйхатига киритилган ўзига маъқул бўлган номзодни ёқлаб овоз бериши мумкин. Бунда номзоднинг, масалан, 4 мандатли сайлов округида ютиб чиқиши учун 20% овоз тўплаши кифоя қилади.

Бундай овоз бериш кўп мандатли сайлов округларида мандатлар бўлишининг олинган овозларга мутаносиблигини анча таъминласада, сайловчи-депутат муносабатларини сусайтиради. Чунки сайловчининг фақатгина бир овозга эга бўлиши, партияларнинг сайловчилар эътиборини қозонишга унчалик ҳаракат қилмасаларда, осонгина мандатларга эришишини таъминлайди.

4-§. Сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш тартиби

2002 йил 27 январда бўлиб ўтган референдум натижасида Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимиятини амалга оширилишида муҳим ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II-чақириқ, саккизинчи сессиясида, "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимлари ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий Қонуни қабул қилинди. Бу эса юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон ҳаётида давлат бошқарувини амалга оширилиш борасида туб ислохотларни бошлаб берди.

Сайлов институти конституциявий ҳуқуқнинг асосий институти бўлиб, бевосита ва билвосита демократия шаклларида бири ҳисобланади. Халқ ўз ҳокимиятини ўзи шакллантирар экан, бу орқали ўз келажак тақдирини ҳам шу ҳокимиятга ишониб топширди. Ҳокимият ушбу ишонч ва орзу-умидларни рўёбга чиқишига масъулдир. Шунинг учун ҳам сайлов жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш сайловларни ўтказишдан кўзланган мақсадга эришишда муҳим воситадир.

Ўзбекистон Конституциясида белгиланган сайлов ўтказиш тамойилларни янада ҳаётга кенг ва чуқур тадбиқ этиш учун ҳам ушбу моддада акс этган қоида жуда ҳам муҳимдир. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов муддатлари бир пайтга тўғри келиб қолган тақдирда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ваколат муддати бир йилга узайтирилади."¹

Якшанба куни сайлов куни деб белгиланиши ҳам аксарият давлатларда маъқулланган. Масалан, Германия Федератив Республикаси қонунчилиги сайловни якшанба ёки иш куни ҳисобланмаган кунда ўтказишни тақазо этади.

Олий Мажлис Сенатининг ташкил этилиши Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг ҳар биридан вакил қилиб юбориладиган аъзолардан иборат ҳолда тузилади. Ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлик, тенглик тамойили асосида ўзларининг олти нафардан иборат вакиллари Сенат аъзолигига тақдим этади.

Сенатга сайланадиган аъзолар номзодини кўрсатувчи органлар, фақат ўз таркибига кирган депутатлар орасидан Сенат аъзолигига номзод танлаб олиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Демак, сайлов асосида сенатор бўладиган шахс, аввало тегишинча туман, шаҳар, вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати бўлиши лозим.

Сенат таркибини шакллантиришда тайинлаш принципи асосида ҳам ўн олти нафар кишини Сенат таркибига киритиш белгиланган.

Сенат таркибига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ушбу номзодликка талаблар шундан иборатки, номзодлар мамлакат аҳамияти даражасидаги амалий тажрибага эга бўлган, элу-юртнинг ҳурмати, эътибори ва ишончини қозонган, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан бохабар шахслар бўлиши лозим. Хорижий давлатларда тайинлаш усули орқали юқори палата таркибини шакллантириш ГФР, Канада, Иордания мамлакатларида мавжуд.

Сенат аъзоси бўлишлик учун номзодга нисбатан баъзи талаблар мавжуд. Бу эса сайлов кунига қадар 25 ёшга тўлган, шу билан бирга, Ўзбекистон ҳудудида камида 5 йил муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахсларгагина Сенат аъзоси бўлиш имкониятини беради.

Сенатнинг ваколат муддати – беш йил қилиб белгиланган. Олий Мажлис ваколат муддати беш йил қилиб белгиланганлиги, унинг ҳар икки палатасига ҳам тегишлидир.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этиладиган маълум мансабдор лавозимларига номзодларни тасдиқлаш, мамлакат ташқи сиёсий фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, шунингдек давлат муҳофафасига доир масалаларда айрим вазифаларни амалга ошириш функциялари ҳам мавжуд.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II-чакириқ саккизинчи сессиясида қабул қилинган:

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловни ўтказувчи сайлов округлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Сайлов округларининг чегаралари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланади. Сайлов округлари, қоида бўйича, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарори асосида сайлов округларининг рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатилган ҳолда сайлов тайинланганидан кейин кечи билан ўн беш кун ичида эълон қилади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунга асосан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун бир юз йигирмата сайлов округи тузилади.

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий халқ депутатлар кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонунга асосан халқ депутатлар вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларига депутатлар сайлашда - 60-тадан сайлов округлари тузилади. Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига депутатлар сайлашда - 30-тадан сайлов округи тузилади.

Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади. Ўзбекистон Республикасида сайловларни ташкил қилиш ҳудудий принципга асосланади, шунинг учун сайловлар сайлов округлари орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида сайловни ташкилий равишда ўтказиш учун қуйидагича сайлов комиссиялари ташкил этилди:

1. Марказий сайлов комиссияси;
2. Округ сайлов комиссияси;
3. Участка сайлов комиссияси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилади ҳамда у ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади.

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва фуқаролар кўрсатиш ҳуқуқига эгалар. Сиёсий партия, сайлов кампанияси бошлаганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига номзодлар кўрсатиш сиёсий партиялар томонидан сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди. Депутатликка номзод танлаш тартиби сиёсий партияларнинг ўзлари ҳал қилгани ҳолда, ҳар бир округдан битта депутат, яъни 120 депутат кўрсатишга ваколатлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун сайлаш ҳуқуқига эга эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида уч юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдоридан номзодни қўллаб – қувватловчи имзони тўплаши (имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт) керак.

Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлигига номзодлар кўрсатиш, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугалланади.

Ўзбекистон Республикасида сайловларда овоз бериш жараёни сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда очилади ҳамда сайлов куни соат 6 дан 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни кечи билан сайловга ўн кун қолганида хабардор қилади¹.

Агар сайловда сайловчилар рўйхатида киритилган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган ҳисобланади. Худди мана шундай сайлов натижаларини аниқлаш қондаси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказишда ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказиладиган сайловларда ҳам амалга оширилади.

Такрорий овоз бериш, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайлаш учун икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса ва номзодлардан ҳеч бири талаб қилинган миқдордаги овозни олмаган бўлса сайловчиларнинг овозини энг кўп олган икки номзод иштирокида такрорий овоз бериш ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларда Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис

¹ Қаранг. Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги янги тахрирдаги қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003, №9-10, 132-модда

Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Қенгашлари депутатлигига сайловларда округ комиссияси тегишинча вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси мазкур қарор ҳақида округ сайловчиларини хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолигига такрорий овоз бериш, агар овоз бериш чоғида белгиланган миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса, сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолиги учун овозларнинг зарур миқдорини тўпламаган номзодлар бўйича давлат ҳокимияти вакиллик органларининг (халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари) қўшма мажлисларининг ўзида ўтказилади.

Такрорий сайловлар. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига такрорий сайловлар сайлов ўтказилмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилса ёхуд агар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлаш учун иккитадан кўп номзод қўйилмаган бўлса ва улардан ҳеч бири сайловчиларнинг овозини зарур миқдорда олмаган бўлса, Марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов тайинлайди. Сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш ва такрорий сайлов ўтказиш қонунчилик билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Қенгашларига такрорий сайловлар қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- А) Башарти, сайлов округи бўйича сайлов ўтмаган ёхуд эмас деб топилган бўлса;
- Б) Агар такрорий овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имконини бермаган бўлса;
- В) Агар сайлов округи бўйича депутатликка кўпи билан икки номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган бўлса.

5-§. Сайловларнинг даврийлиги, актив ва пассив сайлов ҳуқуқи

Сайловларда даврийлик (Периодичность выборов). Сайловларнинг даврийлиги асосан вакиллик органларининг ваколат муддатлари билан белгиланади. Сайловлардаги

даврийлик сайловчиларга вакиллик органининг таркибини янгилаш ёки сақлаб қолиш имконини беради.

Сайловлар жамият сиёсий тизимининг вакиллик идораларининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган муҳим қисмидир. «Сайлов» атамаси қандайдир органнинг (давлат, жамоат, халқаро) овоз бериш йўли билан шакллантирилишини англатади. Шу боисдан сайлаш учун бир неча муқобил объект мавжуд бўлади ёки, ҳеч бўлмаганда, муқобил объектсиз сайловда сайлашдан воз кечиш имконияти кафолатланиши лозим.

Сайловларни демократик ўтказишнинг ўзига хос бўлган қуйидаги уч шарти мавжуд:

Биринчидан, муқобиллик;

Иккинчидан, сайлов кампаниясини ўтказишда эркинлик;

Учинчидан, сайловчилар хоҳиш ва иродаларининг эркин ифодаланиши.

Сайлов замонавий демократиянинг энг муҳим институтларидан биридир, халқ иродасининг ифодаланиши, сиёсий жараёнда иштирок этишининг асосий шакллари билан бири, шу билан бирга, вакиллик органлари (парламент, маҳаллий ўзини — ўзи бошқариш органлари) ташкил топиши ва бир неча олий мансабларни (масалан, президент) банд этиш усулидир.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ўз навбатида актив ва пассив сайлов ҳуқуқларига бўлиш мумкин.

Актив сайлов ҳуқуқи яъни сайлаш ҳуқуқи бевосита демократиянинг бир кўриниши бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришда ўз вакилларини сайлаш билан иштирок этишини кўзда тутаяди. Бу ҳуқуққа қонунда белгиланган маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли мамлакат фуқаролари эга бўладилар.

Ёш чегараси турли мамлакатларда турлича белгиланиши мумкин. Бразилия ва Эронда фуқаролар 16 ёшдан, Индонезияда 17 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлса, айрим мамлакатларда сайлаш ҳуқуқини олишга бўлган чегара ёш анча юқори қўйилган. Масалан, Малайзия, Марокаш, Боливияда фуқаролар 21 ёшга тўлганидан кейингина сайлаш ҳуқуқига эга бўлишади. Россияда 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган қонунга кўра сайлов кунигача 18 ёшга тўлган Россия фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Францияда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун белгиланган ёш 1974 йил 5 июлдаги қонун билан 18 ёш қилиб белгиланган. Қирғизистонда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун фуқароларнинг 18 ёшга тўлган бўлиши кераклиги 1999 йил 29 апрелда қабул қилинган «Қирғизистон Республикасининг сайловлар тўғрисида»ги кодекси билан белгилаб қўйилган.

Фуқаролик цензи барча давлатларда одатий шартга айланган бўлса-да, баъзи ҳолларда бундай цензнинг йўқолиб кетишини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ўзига хос тузилма бўлган Европа Иттифоқининг Парламентида сайловлар пайтида Францияда

бўлган Германия фуқароси Франциянинг Европа Иттифоқи Парламентига номзоди вакили учун овоз бериш ҳуқуқига эга. Бу қоида Европа Иттифоқига асос солган 1992 йилги Маастрихт Шартномасида кўзда тутилган.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар сайлаш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар яъни, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганларнинг сайлаш ҳуқуқи вақтинча тўхтатилади.

Пассив сайлов ҳуқуқига, яъни сайланиш ҳуқуқига ҳам маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли фуқаролар эга бўладилар. Турли давлатларда турли давлат органларига сайланиш учун белгиланган ёш чегараси турлича бўлиши мумкин.

Актив сайлов, яъни сайлаш ҳуқуқидаги ёш цензи турли давлатларда аҳолининг барча қатлами учун бир хил белгиланса, пассив сайлов ҳуқуқида ёш цензи номзоднинг қайси органга сайланаётганлигига қараб турлича белгиланиши мумкин. Масалан, Францияда Миллий Мажлис депутатлигига ва Европа Парламентига номзоди қўйилган шахс 23 ёшга тўлган бўлиши, Сенатга сайланиш учун эса 35 ёшга тўлган бўлиши шарт¹. Ундан ташқари барча номзодларнинг ҳарбий хизматни тўлиқ ўтаган бўлиши ҳам талаб қилинади.

Россияда 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган Қонуннинг 4-моддасига кўра Давлат Думасига депутат бўлиб сайланиш учун номзод сайлов кунигача 21 ёшга тўлган бўлиши керак.

Сайланиш ҳуқуқи ҳам баъзи мамлакатларда анча юқори бўлиши мумкин. Масалан, Италияда сенатор бўлиш учун номзоднинг 40 ёшга тўлган бўлиши талаб қилинади.

Сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун яна бошқа шартлар ҳам қўйилиши мумкин. Масалан, Европа Парламентига номзоди қўйилган француз фуқаросидан 1500 евро гаров суммаси талаб қилинади.

Сайлов ўтказиш жараёнида хорижий, ҳамда миллий кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши сайлов ўтказиладиган давлат учун сайлов жараёнининг обрўсини ошириши мумкин эканлиги халқаро ҳужжатларда эътироф этилган Бундай кузатувчилар сайлов жараёнига аралашмаган ҳолда маълум давлатда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг амалга оширишлари учун қай даражада шароит яратилганлигига ва бунинг натижаси ўларок мамлакатдаги демократик жараённинг қандай кечаётганлигига баҳо берадилар.

Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши фуқаролар ижтимоий фаоллигининг оширишига хизмат қилади. Бундай жамиятда фуқаролар турли соҳаларда давлат томонидан амалга оширилаётган сиёсий ислохатларга бепарк бўлмайдилар. Турли қатламдаги аҳоли манфаатларини ҳисобга олмасдан юритиладиган

¹ Қаранг: Droit constitutionnel et libertes, Edition SIREY, 1998, pp 50-52

давлат сиёсати салбий оқибатга олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида фуқароларнинг фаоллиги пасайиб, уларнинг сайловларда қатнашиши камайиб кетиши мумкин.

Қисқа ваколат муддати сайловчиларнинг эркини ва руҳиятини аниқлашда кенг қўл келса, ушбу ҳол сайланган шахсларга ўзларини бутунлай кўрсатишга имкон бермайди. Масалан, АҚШда Конгресс (парламент) нинг вакиллар палатаси икки йил муддатга сайланади. Бу жаҳондаги энг қисқа муддатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ва ушбу ҳол Америка юридик адабиётларида бир йил ўтар — ўтмас, яна Конгрессменлар сайловларга ҳозирлик кўриши эмас, ўзини кўрсатиши учун бироз вақт кераклиги лозимлиги таъкидланади.

6- БОБ. Олий қонун чиқарувчи органнинг конституциявий моделлари

1-§. Қонун чиқарувчи органлар умумий тавсифи

2-§. Парламентнинг тузилиши (структураси)

3- §. Парламент аъзолари

4-§. Парламентнинг асосий ваколатлари

1-§. Қонун чиқарувчи органлар умумий тавсифи

Ўзбекистон мустақиллик йиллари давомида умуминсоний кадриятлар ва бой миллий анъаналар билан йўғрилган ўзига хос ривожланиш йўлини аниқлаб олди. Шу асосда давлат-ҳуқуқий амалиётда жаҳон парламентаризмининг бой тажрибасидан унумли фойдаланилиб, республика конституциявий тузумида халқ ҳокимиятчилиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши принципларига мос давлат органлари тизимини шакллантирилди.

Инсоният ҳуқуқий тафаккурининг маҳсули ҳисобланган ҳамда жамиятнинг умуммиллий вакиллик муассасаси сифатида дунёга келган парламент узоқ йиллар давомидаги тарихга эга ва унинг илдизлари XII-XIII асрлардаги инглиз парламенти ва испан кортесларига бориб тақалади. Парламент сўзининг луғавий маъноси француз тилидан олинган бўлиб, "гапирмоқ" маъносини англатади. Парламентаризм катта тараққиёт босқичини босиб ўтди ва унинг чинакам тарихи буржуа инқилоблари давридан бошланади. Эндиликда аксарият мамлакатларнинг парламент институтига эга эканлигини

таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Ҳозир ер куррасидаги 200 га яқин давлатнинг қарийб 177 тасида олий қонун чиқарувчи вакиллик органи-парламентлар бор.

Ҳозирги замон парламентлари ўзларининг тузилиши, ваколатларининг ҳажми, ижтимоий таркиби, ўз мамлакатлари сиёсий тизимида тутган ўрни, сайланиш тартиби мавқеи билан бир-бирларидан ажралиб турадилар. Улар хатто номланиши, депутатларининг сони билан ҳам фарқ қиладилар, масалан: АҚШда 535 депутатдан иборат Конгресс, Хитой Халқ Республикасидаги Умумхитой Халқ вакиллари мажлисида 2979 аъзо, Россияда 626 депутатдан иборат Федерал Мажлис, Мисрда 454 депутатли Халқ Ассамблеяси, Исроилда 120 аъзодан иборат Кнессет, Исландияда 63 аъзодан иборат Альтнингни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Жаҳон парламентларининг кўпчилиги бир палатали тузилишга эга. Ер куррасидаги 65 та давлатда эса, икки палатали олий вакиллик органлари мавжуд. Одатда, икки палатали парламентнинг палаталаридан бири кўпинча "қуйи палата" деб юритилиб, у халқнинг ягона иродасини ифодалайди. (АҚШда - Вакиллар палатаси, Францияда - Миллат Мажлиси), бошқаси эса "юқори палата" деб аталиб, у давлатнинг таркибий қисм (худуд)ларининг манфаатларини ифодалайди. Парламентларнинг бундай тузилиши муқим демократик анъаналар ҳамда федератив давлат тузилишига эга бўлган мамлакатларга хосдир. Масалан, шу каби парламентлар АҚШ, ГФР, Бразилия, Франция, Буюк Британия, Япония ва бошқаларда фаолият юргизмоқдалар.

Жамият манфаатларининг ифодачиси бўлмиш парламентлар, аҳолининг турли ижтимоий қатламлари гуруҳларининг вакилларидан ташкил топадилар. Кўриниб турибдики, дунёдаги парламентлар ранг-баранг, аммо улар ўз мамлакатларида муқим ижтимоий вазифа-қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Конституциясининг 10-моддасида, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи – халқ номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб боришлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида айтилганидек, давлат ҳокимиятининг тизими-қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади. Унга кўра, давлат функциялари қонун чиқарувчи орган-Олий Мажлис, давлат ва ижроия ҳокимияти раҳбари–Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва суд ҳокимияти ўртасида тақсимланади. Ўзбекистон Олий Мажлиси эса давлатнинг бошқа идоралари билан ҳамкорлик қилиш билан бирга, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ҳокимиятлар тақсимланиши назариясида қонун чиқарувчи ҳокимият алоҳида ўрин тутаяди. Конституциямизда кучли қонун чиқарувчи ҳокимиятни ташкил этишга алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76- моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг X сессияси (2002 йил 12 декабрь) «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонунларнинг қабул қилиниши билан икки палатали парламент шакллантиришнинг асосий ҳуқуқий асосларини яратиш жараёни муҳим аҳамият касб этди.

2-§. Парламентнинг тузилиши (структураси)

Замонавий парламентлар, одатда, бир ёки икки палатадан иборат бўлади. Бироқ яқин ўтмиш шуни кўрсатадики, парламент палаталари сони иккитадан ҳам ошиши мумкин. Масалан, собиқ Югославия Социалистик Федерал Республикасида Парламент палаталарининг сони олтигача етган, 1984 йилда амалда бўлган Жанубий Африка Республикаси Конституциясига кўра эса, уч палатали тизимни ўрнатган.

Парламент институтининг ватани ҳисобланаган Англияда дастлаб Парламент феодаллар ва руҳонийлардан таркиб топган. Вақт ўтиши билан Парламент мажлисларига графликлардан ва шаҳарлардан вакиллар таклиф қилина бошлади. Феодал, руҳоний ва маъмурий-худудий бирликлар вақлларида ташкил топган Праламент йиғилишлари кўшма тартибда ташкил этилган. Вақт ўтиши билан йирик феодалларнинг Парламентдаги мавқеи ортиб борди, улар Парламент суд ваолатларини амалга оширишда ва Қирол томонидан юқори мансабдорларни тайинлашда кучли таъсир кучига эга бўла бошладилар. 14-асрнинг ўрталарига келиб, рафликлар ва шаҳарлар ваиллари йиғилиши алоҳида, феодаллар ҳамда руҳонийлар йиғилишлари алоҳида ўтказиладиган бўлди. Бу жараён бевосита кейинчалик мустаҳкам икки палатали тизимнинг қарор топишига олиб келди.

Европада 18-асрга келиб кенг тарқалган инқилоблар бир палатали тизимнинг вужудга келишига олиб келди. Сабаби, инқилобчилар, айнан, бир палатали прламент инқилобий ғояларни самарали в оператив тарзда амалга ошириш имконини беради деб ҳисоблар эдилар. Бироқ аксарият ҳокимият ваколатларининг бир орган ихтиёрига берилиши деспотик бошқарув вужудга келиш хавфини туғдирар эди. Шунга асосан, 1787 йил АҚШда, 1795 йилда Францияда икки палатали тизим жорий қилинди.

Икки палатали тизимнинг ижобий томони сифатида унинг фильтрация хусусияти эхтироф этилди. Кўпроқ консерватив хусусиятга эга бўлган юқори палата, қуйи палатанинг шошмашошарлик билан қабул қилган қонунларини ўзига хос чиғириқдан ўтказиш, ўйланмай амалга оширилган ислохотларнинг олдини олиш имконини берар эди. Ўз даврида Ш. Монтескье Англия икки палатали тизими ҳақида сўз юритиб, “Бу ерда бир-бирининг қарорларини бекор қилиш ваколати орқали ўзаро тийиб туриш механизмини вужудга келтирувчи Қонунчилик Мажлиси мавжуд ” деган сўзларни айтиб ўтган.¹ Америкалик олим Ж. Брайс ҳам икки палатали тизимда қуйи палатанинг шошмашошарлиги, қизиққонлиги ва лоқайдсизлигининг олдини олиш воситасини кўрган.²

Социалистик ёндашув бир палатали тизимни ёқлаб чиққан бўлиб, унга биноан унитар давлат шароитида икки палатали тизим халқ ҳокимиятчилигига таҳдид солиши, парламентнинг вакиллик хусусиятини йўққа чиқариши мумкин. Социалистик таълимот икки палатали тизим фақат федератив давлат шароитидагина бўлиши лозим деган ғояни илгари суради. Бироқ жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, унитар давлат шароитида икки палатали праламентнинг шакллантирилиши, демократик анъана ва қадриятларни янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқ соҳасини янада такомиллаштириш, парламентнинг миллийлик хусусиятини янада ошириш имконини юзага келтиради.

Аксарият федератив давлатларда ҳозирда икки палатали тизим жорий қилинган бўлиб, парламентнинг юқори палатаси федерация субъектлари вакилларида ташкил топади. Бундай тартиб АҚШ, Мексика, Австралия каби давлатларда ўрнатилган. Унитар давлатларда юқори палата, одатда, мақмурий-худудий бирлик вакилларида ташкил топади.

Америка қитъасининг аксарият йирик мамлакатларида икки палатали тизим амалда ва аксинча майда давлатларда бир палатали тизим кенг тарқалган. Бироқ Тринидад ва Тобаго, Ямайка каби давлатларда икки палатали тизим жорий қилинган. Тропик Африка ва авторитар бошқарув шаклига эга бўлган Осиё мамлакатларида узок муддатдан бери бир палатали тизим мавжуд.

Икки палатали парламентни шакллантириш бир неча усулларда амалга оширилади. Бунда қуйи палата асосан тўғридан-тўғри бевосита сайловлар асосида шакллантирилади. Юқори палата эса бир неча усулларда шакллантирилади. Улар қуйидагиларга бўлинади:

¹ Монтескье Ш. Избранные произведения. М., Политиздат, 1953 й., 298 б.

² Брайс Ж. Американская Республика, 1-исм, М., 1889 й., 120-б

1.Палатани билвосита бир неча босқичли сайловлар асосида шакллантириш. Бу вазиятда дастлаб маҳаллий вакиллик органларига сайловлар ташкил этилади. Шундан сўнг маҳаллий вакиллар ўз ораларидан парламентнинг юқори палатаси аъзоларини сайлаб оладилар.

2.Билвосита сайловлар асосида юқори палатани шакллантириш. Бу усулда қуйи палатага бўладиган тўғридан-тўғри сайловлардан бир оз фарқ қилиб, унда кўпроқ мажоритар тизим қўлланилади.

3.Юқори палатани тайинлаш асосида шакллантириш. Бу тизим тўлалигича Канадада ва қисман Италияда учрайди. Бунда парламентнинг юқори палатаси аъзолари давлат раҳбари томонидан тайинланади.

4.Анъанавий феодал усул ҳам юқори палатани шакллантиришда учраб туради. Бу усулга биноан юқори палата аъзолиги сайлов асосида эмас, балки дворянлик мақоми асосида қўлга киритилади.

5. Юқори палатани шакллантиришда аралаш усулдан ҳам фойдаланилади. Бу усул ҳам сайлов, ҳам тайинлов хусусиятларини ўз ичига қамраб олади.

Парламентга бўладиган сайловларда ҳам пропорционал, ҳам мажоритар тизим учраб туради. Япония парламентида бўлидиган сайловларда айнан шундай тартиб белгиланган. Конституция мувофиқ Япония парламенти икки палатали кўринишга эга бўлиб, палаталар бутун халқ манфаатларини ифода этувчи сайланган аъзолардан таркиб топади. Ҳар икки палатага тўғридан-тўғри сайловлар ўтказилади. Япония парламенти Вакиллар палатаси аъзолари 252 нафар бўлса, Маслаҳатчилар палатаси 500 нафар депутатдан таркиб топган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳар икки палата аъзолари фуқаролар томонидан тўғридан-тўғри сайланади. Сайлаш ва сайланиш тизими 1950 йилда қабул қилинган «Оммавий мансабларга сайлаш тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади. Бу қонун 1999 йилдан яна бир қарра ўзгартирилган бўлиб, қуйи палатага бўладиган сайловларнинг янги тартибини белгилади. қонунга мувофиқ ҳар икки палатага бўладиган сайловларда сайловчилар рўйхатига киритилган, 20 ёшга тўлган ва сайлов округида уч ой муқим яшаган фуқаролар актив сайлов ҳуқуқига эга ҳисобланадилар, пассив сайло ҳуқуқининг ёш цензи эса Вакиллар палатаси учун 25, Маслаҳатчилар палатаси учун 30 ёш қилиб белгиланган. Япония сайлов тизимининг ўзига ҳос томони шундаки, парламент аъзолигига номзоднинг гаров киритиши талаб этилади, агар номзод белгиланган минимал овозлар сонининг тўплай олмаса, унга гаров суммаси қайтариб берилмайди. Бу тартиб номзодлар сайловолди кампаниясининг бюджет ҳисобидан таъминланадиган қисмини бир қадар қоплаш имкониятини яратади.

Япония парламентиға бўладиган сайловларнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, сайлов тизими ўзида ҳам можаритар, ҳам пропорционал тизим унсурларни мужассамлаштиради. Масалан, 1996 йилга қадар парламент қуйи палатасига бўлган сайловлар ўрта сайлов округларини жорий қилиш тизими асосида ўтган бўлса, 1994 йилда «Кичик сайлов округлари тўғрисида»ги қонунга биноан сайлов округларининг аниқ чегараларини белгилаб олиш имконияти туғилди ва сўнгги бўлиб ўтган сайловлар янги сайлов тизимиға мувофиқ ташкил этилди, бунда Вакиллар палатасининг 300 нафар аъзоси бир мандатли округлардан, 200 нафари эса сиёсий партиялар рўйхатиға асосан 11 ҳудудий округлардан сайландилар.

Маслаҳатчилар палатасига бўладиган сайловлар ҳам анча мураккаб кўринишға эга. 125 нафар маслаҳатчи ташкил этиладиган 48 кўпмандатли округлардан сайланади, бунда ҳар бир округдан 2-8 номзод ғалаба қозониши мумкин. қолган юз нафар юқори палата аъзоси эса умуммиллий округдан сайланади, бунда сайловчи аниқ номзод учун эмас, балки тегишли сиёсий партия учун овоз беради. Сайловларда иштирок этган партиялар пропорционал тарзда олдиндан белгилаб қўйилган рўйхатға асосан тўпланган овозларға мувофиқ юз нафар номзодни юқори палатаға юборадилар. Бу каби сайлов тизимида ҳар бир сайловчи икки овозға эга бўлади. Бир овозни сайловчи аниқ номзод учун берса, иккинчисини сайловларда иштирок этаётган партиялардан бири учун беради.

Япония сайловолди тарғибот-ташвиқот кампаниясининг қатъий тартиб қоидалари белгилаб қўйилган, шунға мувофиқ бу кампания фақатгина 12 кун давом этиши мумкин (1994 йилги ўзгартиришларға қадар 2 ҳафталик муддат амалда бўлган). Ҳар бир номзод бюджет ҳисобидан таъминланадиган беш ярим дақиқалик телемуурожаат билан чиқиш ҳуқуқиға эга, сайловчиларни уйма-уй юриб ўз тарафиға оғдириш, бошқа номзодларға қарши тарғибот-ташвиқот ишларини юритиш эса ман этилади.

Маълумки, ҳукумат муайян ҳолларда парламентнинг қуйи палатасин тарқатиб юбориши мумкин, Конституция бундай ҳолат вужудға келганда парламент фаолиятини қайта ташкил этиш тартибини белгилайди. Конституциянинг 54-моддасига мувофиқ, Вакиллар палатаси тарқатиб юборилган тақдирда, тарқатиб юборилган кундан эътиборан 40 кунлик муддат ичида Вакиллар палатасига умумхалқ сайловлари ўтказилиши, сайлов кунидан бошлаб 30 кун ичида эса парламент чақирилиши лозим.

Жаҳон малакатлари парламентларида асосан юқори палатани шакллантиришда муайян фарқлар мавжуд ҳисобланади. Масалан Буюк Британи парламенти Лордлар палатасини шакллантириш тартиби умуман ўзига хос хусусиятға эга. Бу тартиб ўзида феодал тузумнинг қолдиқларини мужассамлаштирган. Лордлар палатасининг асосий қисмини сарой унвонларига эга пэрлар ташкил этди. Пэрлар анъанаға кўра

парламентдаги ўз ўринларини мерос асосида эгаллайдилар. Қиролича ҳукуматнинг тақдимига биноан янги пэрларни тайинлаши мумкин. Барбадос, Белиз, Иордания, Гренада, Таиланд каби давлатларда юқори палата бутунлигича тайинлаш асосида шакллантирилади. Малайзия Сенатининг жами 69 нафар аъзосидан 43 нафари тайинланади.

Германия юқори палатасини ташкил этиш артиби ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Бундесрат маъмурий худудий бирликлар - ерлар ҳукуматининг вакиллари ҳисобланади ва ана шу ҳукумат томонидан тайинланади. Маҳаллий ҳукуматнинг ўзгариши бевосита Бундесратнинг тегишли аъзоси алмашинувига ҳам олиб келади. АҚШ, Польша, Швейцария парламентларининг юқори палатаси тўғридан-тўғри сайловлар асосида шакллантирилади. Италида 315 нафар сенатор ҳам тўғридан-тўғри сайлов асосида сайланади, қолган 5 нафар эа Президент томонидан тайинланади.

Билвосита сайловлар Парламент юқори палатасини шакллантиришда анча кенг қўлланилади. Масалан, Францияда маҳаллий вакиллик органлари вакилларидан ташкил топувчи Сайлов коллегияси юқори палата аъзоларини сайлаш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Бельгияда парламент юқори палатасини шакллантиришда аралаш усулдан фойдаланилади. Шунга кўра, юқори палата аъзоларининг бир қисми тўғридан-тўғри сайловлар, яна бир қисми маҳаллий вакиллик органининг овоз бериши асосида сайланади.

Одатда, юқори палата қуйи палатага нисбатан узоқроқ муддатга сайланади. Масалан, Япония Конституциясига мувофиқ Вакиллар палатаси, яъни қуйи палата тўрт йилга, Маслаҳатчилар палатаси, яъни юқори палата эса 6 йилга сайланади. қуйи палата ваколат муддатини юқори палатага нисбатан қисқароқ қилиб белгилашнинг бир қатор сабаблари мавжуд, жумладан, кучли қуйи палатани узоқ муддатга сайлаб қўйиш салбий хусусият касб этиши мумкин, сабаби қуйи палата анча кенг ваколатларга эга бўлиб, кучли қуйи палата сифатида намоён бўлади (бу ҳолатни айниқса қонунчилик жараёнида яққол кузатиш мумкин), ижтимоий-сиёсий ҳаёт эса ўзгарувчан, шунга мувофиқ жамиятда сиёсий кучларнинг мувозанати ҳам ўзгариб туради, узоқ муддатли қуйи палата ана шу ўзгаришлар таъсиридан четда қолиб кетиши ва ўз фаолияти билан ўзгарувчан сиёсий ҳаёт талабларига, сиёсий кучлар манфаатларига жавоб бера олмаслиги мумкин. Бу эса жамиятда турли сиёсий ихтилоф ва низоларни хатто фожеаларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бундан ташқари қуйи палата узоқ муддатга сайланган тақдирда бу ҳолат ҳам қонунчилик органи, ҳам ижроия органи доирасида бир партия ёки сиёсий кучнинг яққаҳоқимлигига олиб келиши мумкин, сабаби сайловларда ғалаба қозонган партия парламентда кўпчилик ўринга эга бўлади ва ўз етакчисини ҳукумат раҳбари сифтида сайланишига эришади.

Куйи палатага нисбатан қисқа муддат давомида фаолият юритиш имкониятининг берилиши яна бир сабаб билан тавсифланади, гап шундаки Япония Конституция мувофиқ ҳукумат парламент куйи палатасини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга, одатда, ижроия ҳокимияти бу ҳуқуқдан парламентарийлар билан ихтилоф вужудга келганда фойдаланади, узоқ муддат фаолият юритиётган куйи палата шароитида ана шундай ихтилофнинг вужудга келиши эҳтимоли кўпроқ. Шу сабабли қонунчилик ижроия органларининг низоллашувини олдини олиш мақсадида Япония парламентаризмида қисқа муддатли куйи палата тизими жорий қилинган. Умуман олганда ҳам дунёнинг аксарият икки палатали парламентга эга давлатларида тўрт ёки беш йиллик ваколат муддати давомида фаолият юритади.

Маслаҳатчилар палатасининг олти йиллик узоқ ваколат муддати билан таъминланиши эса юқори палатанинг консерватив хусусиятидаги орган сифатида намоён бўлиши билан тавсифланади. Бироқ шунда ҳам Япония парламенти юқори палатасининг ярми ҳар йили янгиланиб туради.

АҚШда Вакиллар палатаси 2 йилга сайланади ва ҳар сафар бутунлигича янгиланади. Сенат эса 6 йилга сайланади, аммо ҳар икки йилда 3/1 қисмга янгиланади. Францияда Миллий Мажлис беш йилга сайланиб, тўлалигича янгиланади, Сенаторлар эса тўққиз йилга сайланади ва ҳар уч йилда 3/1 қисмга янгиланади.

3-§. Парламент аъзолари

Депутатлар деб асосан куйи палаталарнинг аъзоларини атаймиз, юқори палата аъзолари асосан сенатор деб аталади.

Парламент аъзолари махсус ҳуқуқ, - дахлсизлик ҳуқуқига эга ҳисобланади. Парламентнинг сайланадиган аъзоларининг ваколат муддати улар сайланган пайтдан бошланади, баъзан ушбу муддат Конституция ёки қонунларда тўғридан-тўғри белгилаб қўйилган бўлиши мумкин. Масалан АҚШда "3-январ кунининг тенг ярмидан бошланади"¹².

Парламент аъзосининг асосий вазифаси бўлиб қонун ижодкорлиги фаолиятида ва парламентнинг бошқа функцияларини амалга оширишда иштирок этиш ҳисобланади. Депутатлар давлат хазинасидан маош олишига тўхталадиган бўлсак, Бразилияда ҳар бир депутат бир йилда 150 минг АҚШ доллари, АҚШда 133 минг АҚШ доллари, Буюк Британияда 31 мингфунт стерлинг, Германияда 16 минг марка миқдорида маош олади. Депутатлар шунингдек пенсияга чиқишда ҳам

маълум бир имтиёзларга эга. Масалан, АҚШда депутатлар 50 ёшдан бошлаб пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга.

Тоталитар тузум мавжуд давлатларда профессионал парламентарийлар ҳақида сўз борадиган бўлса биз деярли уларни учратмаймиз. Улар асосий иш жойларидан ажралмаган ҳолда бироз рағбатлантириш эвазига парламентда фаолият олиб бордилар. Уларнинг иш жойидан ажралмаган ҳолда депутатлик фаолиятини олиб бориши гўёки уларни халқда яқинлаштиради ва уларнинг эҳтиёжларини билишга кўмаклашади. Демократик давлатларда ҳам депутат олдинги иш жойидан ажралмаслиги мумкин. Бунда унинг депутатлик маошидан маълум миқдор чеклаб қўйилади. Масалан, Австрияда 20 %.

Демократик давлатларда конституцияга кўра депутатлар халқ, вакиллари ҳисобланишади ва уларга ҳеч ким мажбурий кўрсатма бериш ҳуқуқига эга эмас. Улар фақатгина конституция ва ўз виждонларига боғлиқ ҳолда масаларни ҳал этадилар. Бу принцип эркин мандат деб номланади.

Кўпчилик давлатларда депутатлар иммунитет ҳуқуқига эга. Иммунитет — депутатнинг дахлсизлиги, яъни депутатлик фаолиятининг энг муҳим қафолатининг ҳуқуқий ифодасидир. Иммунитет депутатнинг жавобгарликка тортилмаслиги ва дахлсизлигини англатади. Яъни, депутат у аъзо ҳисобланадиган палатанинг рухсатсиз ушлаб турилиш, жиноят иши кўзғатилиши мумкин эмас. Фақатгина депутат жиноят жойида бевосита ушланганида истисно бўлиши мумкин. Германияда хатто парламент розилигисиз депутатга нисбатан фуқаролик даъвосини ҳам кўзғатишга йўл қўйилмайди. Иммунитет депутатга бутун сайланган муддати давомида берилади, масалан, Италия, Испания. Германия, ёки, фақатгина сессия давомида унга бундай ҳуқуқ берилиши мумкин. Масалан, Японияда.

Депутат шунингдек индемнитет ҳуқуқидан фойдаланади. Индемнитет деганда, одатда, депутатга парламентдаги иши учун турли моддий рағбатлар берилиши тушунилади, бунда, аввало, профессионал парламент фаолияти учун ҳақ-тўловлар ажратилиши назарда тутилади. Маълумки, депутатларнинг парламентдаги вазифаларини адо этишлари муайян харажатлар сарф билан боғлиқдир. Масалан, депутатлар ўз хизмат турар жойи учун, депутатлик фаолияти жараёнида мутахассисларни жалб этганлик учун, хизмат сафарлари, турли ёзишмалар ахборот манбаларидан (восталаридан) фойдаланганлик учун хилма-хил тўлов киритишга тўғри келади. Шу сабабли, уларга мазкур харажатларни қоплаш учун маълум миқдорда пул маблағлари ажратилади.

Депутатлар шунингдек парламент ишларида, унинг таркибий қисмларининг ишларида қатнашиш, давлат органларига ёзма ва оғзаки тарзда мурожаат этиш ва жавоб олиш ҳуқуқига эга. Депутатлар давлат ҳисобидан ёрдамчилар, котиблар олиш ҳуқуқига ҳам эга (АҚШ Конгресси 635 депутатга 31мингга яқин депутатлар ёрдам курсатишади). Депутат парламент муҳокамаларида, палаталарнинг Кенгашларида, комитетларнинг фаолиятида иштирок этиши лозим. Агар депутат парламент муҳокамасида узрсиз иштирок этмаса депутатлик мандатидан маҳрум этилади. (Намибияда 10 та муҳокамани ўтказиб юбориш ушбу ҳолатга олиб келади).

Грецияда Конституциянинг 63-моддасига кўра депутат бир ой мобайнида 5 марта узрсиз парламент муҳокамасида иштирок этмаса ҳар бир келмаган муҳокамасига 1/30 қием унинг маошидан кесиб олинади. Парламентарий агарда бошқа партиёга ўтса депутатлик мандатидан маҳрум этилади. Масалан, Ҳиндистонда Спикернинг хоҳиши билан депутат содир этган ҳуқуқбузарликлари ва этник қоидаларни бузганлиги учун ҳам депутатлик мандатидан озод этилади. Бунинг учун палата аъзоларнинг маълум миқдордаги овози талаб этилади.

4-§. Парламентнинг асосий ваколатлари

Умуман олганда, парламент қандай турдаги ваколатларга эга бўлиши кўп жиҳатдан унинг тузилиш ва бошқарув шаклига, сиёсий тартибига боғлиқ. Бундан ташқари парламент ваколатларига бевосита давлатнинг демократиявийлик даражаси, у юритаётган сиёсат ҳам таъсир этиши мумкин.

Масалан, Президентлик республикаларида парламент ҳукуматни шакллантиришда деярли иштирок этмайди, ижроия ҳокимияти устидан назорати ҳам у қадар кенг эмас. Парламентар Республикаларда эса парламент ижроия ҳокимиятини шакллантиришда фаол иштирок этади, ҳукумат раҳбарини сайлайди, фаолияти устидан кучли назорат олиб боради. Тоталитар сиёсий тизим шароитида Конституция ва жорий қонунларда парламентга кенг ваколатлар берилиши мумкин, бироқ амалда уларда қийинчилик билан ҳаётга тадбиқ қилинади.

Парламентнинг энг муҳим ваколатлари сифатида қонун қабул қилиш, молиявий функцияларни амалга ошириш, халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация

қилиш, давлат органларини шакллантиришда иштирок этиш кабиларни эътироф этиш мумкин.

Молиявий ваколатлар қаторига давлат бюджетини тасдиқлаш, солиқларни жорий қилиш киради. Давлат бюджети, одатда, қонун ҳужжати кўринишида қабул қилинади. Франция, Германия, Россия каби давлатларда айнан шундай тартиб ўрнатилган. Бироқ Япония, Буюк Британия, АҚШ каби давлатларда давлат бюджети дастур сифатида ишлаб чиқилади ва бир қанча қонунлардан таркиб топади.

Парламентнинг солиқларни жорий қилиш ваколоти ниҳоятда муҳим сиёсий аҳамиятга эга. Айнан шу ваколат орқали давлатнинг бутун иқтисодий ҳаётига таъсир кўрстиш мумкин. Кўп ҳолларда бу ваколат бевосита конституцияда кўрсатиб ўтилади Масалан, Болгария Конституциясининг 60-моддасига биноан, солиқ ва йиғимлар, бу соҳадаги имтиёз ва мажбурловлар қонун билан белгиланади, уларни жорий қилиш Халқ мажлиси мутлақ ваколатига киритилади.

Халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ниҳоятда муҳим парламент ваколатларидан бири ҳисобланади. Ратификация - у ёки бу шартномага қўшилишда давлатнинг сўнги розилигидир. Муайян вақт давомида халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ваколоти анъанавий тарзда давлат бошлиғига берилган. Бироқ вақт ўтиши билан халқаро шартномалар тобора чуқурроқ давлат ички ҳуқуқ тизимига кириб борди, халқаро шарномани имзолаган давлатга ўз ички қонунчилигини унда кўрсатилган қоида ва тамойилларга мувофиқлаштириш мажбурияти юклатилди. Ҳозирда халқаро шартномалар Германия ва Австрия Федерал Конституцияларига мувофиқ федерал ҳуқуқнинг таркибий қисим сифатида эътироф этилади. Франция Конституциясига кўра эса, давлат томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар давлат чиқарган қонунлардан устун ҳисобланади.

Халқаро шартномаларнинг ички қонунчилик тизимига бу қадар кучли таъсири, парламентнинг халқаро шартномаларга қўшилиш борасидаги ваколатни амалга оширишда иштироқи заруратини келтириб чиқарди. Акс ҳолда, давлат раҳбари бу борадаги мутлақ ваколатидан фойдаланган ҳолда, хатто, парламент қабул қилган қонунларни халқаро шартномага қўшилиш орқали ўзгартириши ёки умуман бекор қилиши мумкин бўлиб қолар эди.

7-БОБ. Парламентлараро ҳамкорлик

1-§.Халқаро парламентлараро ҳамкорлик ташкилотлари. Парламентлараро иттифоқ.

2-§.ЕХХТ Парламент ассамблеяси .Европа парламенти.

3-§. Халқаро парламентлараро ташкилотларнинг халқаро демократик институтлар тизимидаги ўрни.

1-§.Халқаро парламентлараро ҳамкорлик ташкилотлари. Парламентлараро иттифоқ.

Халқаро парламентлараро ташкилотлар бу давлатларнинг парламентлари ўртасидаги муносабатларини ривожлантириш ҳамда бу алоқаларни янгича тартибда такомиллаштириш бу ташкилотларнинг бош мақсадидир.

Парламентлараро халқаро ҳамкорлик ташкилотлари: Парламентлараро иттифоқ, Парламент ассамблеяси, ЕХХТ, Европарламент, Осиё парламентлари тинчлик учун кураш Ассоциацияси. Ғарбий Европанинг 12та мамлакатини бирлаштирувчи – Европа ҳамжамияти жаҳон сиёсатининг муҳим омили, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий-маданий воқелиги бўлиб қолмоқда. Иқтисодий интеграция жараёни Бельгия, Нидерландлар ва Люксембург ўртасида божхона иттифоқини тузишдан бошланди. 1951 йилда Бельгия,

Франция, ГФР, Италия, Нидерландлар ва Люксембург Европа кўмир ва пўлат бирлашмасини тузиш ҳақидаги Шартномага имзо чекдилар. 1957 йилда Рим шартномалари имзоланиб, уларга кўра Европа Кенгаши ташкилоти тузилди. Ушбу ташкилотнинг муҳим органи бўлиб, Европа парламенти ҳисобланади.

1989 йилда ўзининг 40-йиллигини нишонлаган Европа Кенгаши- биринчи умумевропа консултатив сиёсий ташкилоти ҳисобланиб, унга Ғарбий Европанинг 25 мамлакати- ҳам НАТО аъзолари, ҳам нейтрал давлатлар, “Умумий бозор” аъзолари ва бошқа Европа мамлакатлари кирди .

Ҳозирги кунда Европа давлатлари интеграциялашув жараёнини бошидан кечирмоқда. Айнан мана шу босқичда ҳамкорликни таъминловчи ташкилотларнинг тузилиши ниҳоятда аҳамиятлидир.

2-§.ЕХХТ Парламент ассамблеяси . Европа парламенти.

Европа Кенгаши органлари ичида 177та депутат ва 177 та депутат ўринбосаридан иборат Парламентлараро ассамблея ажралиб туради. Бу ассамблеянинг ҳозирги кундаги аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб ҳисобланади.

Бизга маълумки Европа узоқ давр мобайнида интеграциялашув жараёнини амалга ошириб бормоқда.Бу интеграциялашув самараси ўлароқ Европа ҳамжамияти вужудга келди . Европа ҳамжамияти ўз шартномасига эга. Бу шартномани аъзо давлатлар албатта имзолашлари зарур.Европа иттифоқи тўғрисидаги шартномага мувофиқ Европа парламенти вужудга келган. Европа парламенти аъзо давлатларнинг вакиллари асосида шаклланиб вакиллик органи сифатида фаолият юритади.

Европарламент Европа ҳамжамияти вакиллик органи ҳисобланади. 1976 йил сентябрда Кенгаш “Европа парламентлараро ассамблеясининг умумий тўғридан-тўғри сайловлар орқали сайлаш тўғрисида”ги Актни қабул қилди. У фақатгина бир неча қондани ўрнатиб, қолганини аъзо-мамлакатлар ихтиёрига қолдирди.

Европарламентнинг асосий раҳбарий органлари бўлиб, Раис ва Раис, унинг 14 ўринбосарлари ва квесторлардан (маслаҳат овохи ҳуқуқи билан) иборат Бюро ҳисобланади. Бюро аъзолари бўлиб, маслаҳат ҳуқуқига эга бўлган 5та квестор ҳисобланади ва улар парламентга тегишли маъмурий ва молиявий функцияларни бажаради. Квесторлар ҳайъати 1977 йилда депутатларнинг бевосита фаолиятига тегишли муаммоларни ҳал қилиш учун тузилди. Улар депутат корпусининг ўзига хос бошқарувчилари ҳисобланади.

Европа парламенти Европа ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар манфаатларини ифода этади. Депутатлари сони Ницца шартномасига мувофиқ 732 вакиллардан иборат .

Сайловлар беш йиллик муддат яъни ваколат муддати тугаши билан ўтказилади. Сайланадиган депутатлар Европа ҳамжамиятига аъзо давлатлар фуқаролари орасидан умумий ,тенг, ҳамда яширин овоз бериш йўли орқали шакллантирилади.

Европа парламентининг ялпи мажлислари одатда Страсбургда (Франция) ўтказилади. Депутатлар эркин мандат ҳуқуқидан фойдаланади. Аъзолар бирон-бир аъзо давлатларга ҳеч қайси жиҳатдан бўйсинмайдилар.

Бу парламент ўз иш фаолиятини белгиловчи регламентини ўзи қабул қилади. Европарламент Ҳамжамият тўғрисидаги шартномага мувофиқ Раис ҳамда ўн тўртта ўринбосардан иборат ўз раёсатини ташкил этади.(Европарламент Регламентининг 21-моддаси 1-қисми) Европарламент аъзолари ўзларининг сиёсий мансублигига қараб фракциялар ташкил этишлари мумкин. Европарламентнинг ваколатларига бюджет масалаларини ҳал этиш, ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятини амалга ошириш ,ҳалқаро ҳуқуқий шартномаларни тасдиқлаш юзасидан розилик беради, Ҳамжамиятга янги аъзолар қабул қилиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш ва ҳоказо.

Бундан ташқари Европарламент Европа ҳамжамияти ҳудудида ташқи сиёсат ҳамда ҳавфсизлик сиёсати масалаларини ҳам амалга оширишда бевосита иштирок этади .

Европа ҳамжамияти ҳудудида яшаётган барча фуқаролар, юридик ва жисмоний шахслар ўзларининг яшаш ва иш манзилига эга бўлса Европарламентга ёки Омбудсманга шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин.(Ҳамжамият тўғрисидаги шартноманинг 21,ва 195 моддалари). Айнан шикоят юзасидан Европарламент бирон-бир тўхтамга келади ва қарор қабул қилади.

Бир қатор мамлакатларда, айниқса Европа мамлакатларида халқаро ҳуқуқ нормалари бошқа қонунлар олдида афзалликка эга. Халқаро ҳуқуқ, шунингдек ўзидан орқада қолган ёки унга зид бўлган давлат ички ҳуқуқий нормаларининг барчасини бекор қилади. Бироқ, халқаро ҳуқуқ нормалари миллий ҳуқуқ ва давлатнинг ҳар бир ички хатти-ҳаракатини белгиловчи конституция олдида устунликка эга бўлмайди. Айнан Конституция шак-шубҳасиз устуворликка эга бўлганлиги сабабли халқаро ҳуқуқ нормалари ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари учун мажбурий ҳисобланади. Бундай мажбурият конституциявий йўл билан мустаҳкамланган бўлмаса, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлигини таъминлаш мушкул бўлади.

Анчагина яқин амалий алоқалар ўрнатилган Европа Парламенти билан муносабатларни чуқурлаштиришга катта эътибор қаратилди. 2000 йилнинг июнь ойида

Брюсселда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим доирасида тузилган Европа Иттифоқи Парламентлараро ҳамкорлик қўмитасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим кучга кирганидан кейин Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Европа Иттифоқи Парламент Ҳамкорлиги қўмитаси иккинчи мажлиси 2001 йил 18 июнда Тошкент шаҳрида ўтказилди. Мажлисида мазкур қўмитанинг Брюссель шаҳрида 2000 йил 5-6 июнда ўтказилган биринчи мажлиси баённомаси тасдиқланди, Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолати юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

1997 йилда Тошкентда Олий Мажлис ЕХХТ Парламент Ассамблеяси билан биргаликда нуфузли халқаро анжуман ЕХХТ Парламент Ассамблеяси Бюросининг кенгайтирилган мажлисини ҳамда «Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик ва сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда инсонпарварлик масалалари» мавзусидаги семинар ўтказганлиги муҳим воқелик бўлиб қолди. Хавфсизлик муаммолари бўйича ниҳоятда нуфузли анжуманнинг Тошкент шаҳрида ўтказилганлиги Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги юксак обрў -эътибори далили бўлиб қолди.

3-§. Халқаро парламентлараро ташкилотларнинг халқаро демократик институтлар тизимидаги ўрни.

Ҳозирда дунёда бир неча халқаро ташкилотлар дунё давлатларининг муштарак орзуларини рўёбга чиқариш мақсадида фаолият олиб бормоқдалар. Халқаро парламентлараро ташкилотларнинг ҳозирги кунда демократик институтлар тизимидаги ўрни ниҳоятда катта.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ташқи сиёсат соҳасидаги ваколатларини амалга оширишда халқаро парламентлараро ҳамкорлик масалалари муҳим ўрин тутди. Бу борада мамлакатимиз парламенти, хусусан унинг ҳар иккала палатаси томонидан Евросиё иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти, Шанхай ҳамкорлиги ташкилоти, Парламентлараро Ассамблея доирасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Шунингдек, Олий Мажлис томонидан бошқа давлатлар парламенти ўртасида икки томонлама ва кўп томонлама муносабатлар йўлга қўйилган. Буни Ўзбекистон Республикаси парламенти юқори палатаси томонидан ратификация қилинган қатор халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилигимиз мисолида исботлаш мумкин.

Халқаро шартномаларни ратификация қилишнинг умумий тартиби 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади. Мазкур қонун Венада қабул қилинган иккита конвенция - 1986 йил 21 мартдаги «Давлатлар билан халқаро ташкилотлар ўртасидаги ёки халқаро ташкилотлараро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида»ги Конвенция ҳамда 1969 йил 23 майдаги «Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида»ги Конвенцияга ҳамоҳанг тарзда яратилган.

1969 йил 23 майда қабул қилинган «Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида»ги Вена Конвенциясининг 14 -моддасига мувофиқ шартноманинг ўзи учун мажбурий эканлигига давлат томонидан розилик берилиши, агар шартномада куйидагилар назарда тутилган бўлса, ратификация тарзида ифодаланади:

Шуни таъкидлаш жоизки, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иш даврида 70 та халқаро шартномани ратификация қилди, халқаро Конвенцияларга қўшилиш тўғрисида 64 та қарор қабул қилди.³

Иккинчи чақириқдаги Олий Мажлис 2000 йилда 18 та, 2001 йилда 100та шартнома, битим ва Конвенцияни ратификация қилди.⁴

Ўзбекистон парламентида Германия, Туркия, Латвия, Покистон, Италия, Венгрия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Молдова ва Болгария давлатларининг бошлиқлари, Литва, Украина, Қозоғистон, Туркия ва Бельгия ҳукуматларининг раҳбарлари, Қирғизистон, Грузия, Латвия, Россия Федерацияси парламентларининг спикерлари, шунингдек Европа, Осиё, Африка ва Америка қитъаларининг 50дан ортиқ мамлакатларидан таниқли жамоат ва сиёсат арбоблари қабул қилинди. БМТ, ЕХХТ, НАТО, Парламентлараро Иттифок, ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг, Европарламентнинг, Европа Кенгаши ва бошқа йирик халқаро сиёсий, ҳарбий — иқтисодий ташкилотларнинг раҳбарлари ва намоёндалари Олий Мажлисга ташриф буюрдилар. Айниқса, Европа мамлакатлари Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир, юксак даражадаги ташрифларнинг ярмидан ортиғи ана шу мамлакатлар чекига тўғри келади.

Олий Мажлис делегациялари Парламентлараро Иттифок конференциялари ҳамда ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг ҳар йилги сессияларида иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистон вакиллари халқаро ташкилотларда маърузалар қилиб, ахборот ва таклифлар билан сўзга чиқиб, давлатимиз обрўси янада ошишига ҳисса қўшдилар. Республика

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. — 1999. №9. — 15 б.

⁴ Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта ва — килликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар//Масъул муҳаррирлар: Э.В.Воҳидов, М.М.Миролимов. . Т.:Ўзбекистон, 2001.. 258 . б.

парламенти фаолияти жаҳон ҳамжамиятида кенг қизиқиш уйғотмоқда. Олий Мажлиснинг бўлиб ўтган барча сессияларида дипломатия корпуси, халқаро ташкилотлар намоёндалари, республика оммавий ахборот воситалари вакиллари ва Ўзбекистонда аккредитация қилинган хорижлик журналистлар ҳозир бўлдилар.

Олий Мажлис депутатлари халқаро конференциялар, симпозиумлар ва семинарларда қатнашдилар, Олий Мажлис делегациялари 30 дан ортиқ мамлакат, шу жумладан Германия, Дания, Польша, АҚШ, Франция, Швеция, Ҳиндистон ва бошқа мамлакат — ларнинг парламент иши билан танишдилар. Бу ҳол депутатларнинг билим доирасини кенгайтириш, парламент фаолияти тажрибасини алмашиниш, ундан қонун ижодкорлиги билан боғлиқ амалиётда фойдаланиш имкониятларини берди.¹

8-БОБ.Олий Мажлис ташкил топишининг ҳуқуқий асоси

1-§.Мустақил Ўзбекистон Конституцияси демократик сайлов тизимининг ўзаги ,асоси сифатида. Олий Мажлисга ўтказиладиган сайловнинг асосий принциплари

2-§.Биринчи чақириқ Олий Мажлисга сайлов ва сиёсий кучлар манфаатларининг ҳисобга олиниши.Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши

3-§.Марказий сайлов комиссияси ваколатлари ва иш тартиби .Иккинчи чақириқ Олий Мажлисга сайлов –Ўзбекистоннинг янги қонун чиқарувчи органи ва унинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси..1999..№9,20-21.б.

доирасида юзага келган асосий партиявий сиёсий кучлар жойлашувининг ўзига хосликлари ва ғоявий сиёсий табақалашуви хусусиятининг мустаҳкамланиши ва янада ривожлантирилиши

1-§. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси демократик сайлов тизимининг ўзаги ,асоси сифатида. Олий Мажлисга ўтказиладиган сайловнинг асосий принциплари

Республикамиз мустақилликни қўлга киритиши муносабати билан сайлов ҳукуқини ривожлантиришнинг янги даври бошланди. Сайлов қонунчилиги ҳозирги кунда такомиллашув жараёнини бошдан кечирмоқда, унинг мукамал бўлиши учун етакчи демократик мамлакатларнинг тажрибасидан ижобий жиҳатлари олинмоқда. Ҳар қандай қонун учун энг асосий нарса уни амалиётга тадбиқ этиш механизmidир. Шунинг учун қабул қилинаётган қонунларнинг мазмуни билан бирга амалга киритиш механизмларини ҳам мукамал даражада такомиллаштиришимиз лозим. Бунда миллий давлатчилигимиз тарихий хусусиятлари ва сайловларни ўтказишда илгари тўпланган ижобий тажрибага суяниш, йўл қўйилган нуқсонларни такрорламаслик, илғор жаҳон тажрибаси ҳамда демократия тамойиллари устиворлигига эришиш ғоят маъсулиятли вазифадир.

Давлат ҳокимияти органларини шаклланишида бирламчи омил ҳисобланган сайлов усули орқали ҳокимият тизимини вужудга келтириш ва ривожлантириш қонуниятлари, уларнинг тадрижий ўзгариши ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш олимларнинг асосий диққат марказида бўлиб келган. Ҳар қандай мустақил давлатнинг ўзига хос тараққиёт йўли бўлади. Янгича жамиятни шакллантириш янгича тамойиллар асосида амалга оширилади. Юрт тақдири ва ҳалқ манфаатини устивор билган ҳолда тўғри йўл танлай билиш, мамлакатни ёрқин келажак сари етаклашдек улўғвор мақсад давлатимиз раҳбарияти олиб бораётган сиёсатини негизини ташкил этса, барча сиёсий фаолиятлар миллий давлатчиликни юксалтиришга қаратилган бўлса, эртанги кунда чинакам фаровон турмуш яратиш қўтлуғ ниятига айланса, жамият ўз-ўзидан янгиланиш томонга юз буради, ижтимоий ҳаётнинг барча жабаҳаларида ислохотлар жараёни бошланади. Муҳими, ёруғлик сари қадам ташлаш, оқилона сиёсат юргизишда.

Биринчи босқич собиқ Иттифоқ давридаёқ бошланган бўлиб, 1992 йилги Конституция қабул қилингунча давом этган. Бу босқичда илк бор Ўзбекистонда муқобил кўппартиявийлик асосида президентлик сайловлари бўлиб ўтди ва сайловлар тўғрисидаги бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Иккинчи босқич Конституция қабул қилинганидан бошлаб 1997 йилгача давом этди. Бу босқичда Конституцияда сайлов тизимининг асослари мустаҳкамланди,

сайловлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ, кўппартиявийлик асосида биринчи ўзбек парламенти–Олий Мажлис сайланди.

Учинчи босқич 1997 йилдан бошланди. Бу босқичда амалдаги сайлов қонунларига бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Бўлажак сайловлар учун зарур ҳуқуқий асослар яратилди. Ўзбекистонда сайлов тизими ҳар бир босқичда ҳуқуқий асосда амалга оширилди ва жамиятда, давлатда муайян институциявий ўзгаришлар билан давом эттирилди. Сайлов ҳуқуқининг ривожланиши ва қўлланилишига демократик ислохотларнинг таркибий қисми сифатида қаралмоғи лозим. Ўтган даврда нафақат сайлов қонунчилигимиз ўзгариб, ўсиб ривожланди, балки сайлов тизимининг асосий “фигураси” сайловчи онги, руҳияти ўзгарди.

Принцип деганда, жамият ва давлат ривожининг мақсад ва вазифаларини, бурч ва мажбуриятларини билдирувчи ижтимоий муносабатларида энг улуғ ҳисобланган умуминсоний қадриятларни ўзида ифодалаб берган ва инсон ҳаётининг тараққиёт мазмунини акс эттирувчи ғоялар йиғиндиси тушунилади.

Сайлов жараёни тамойиллари – бу сайлов қонунчилигининг шаклланиш жараёни, ривожланиши ва ҳаракатланишининг раҳбарий ғояси, ибтидо қондаси, етакчи меъзонидир. Ҳорижий мамлакатларда ва республикада сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари бўлиб бевосита конституцияда белгиланган умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш ҳисобланади. Мазкур тамойиллар қонунчилигимизда ўз аксини топган бўлиб, уларнинг амалга оширилишини ҳуқуқий механизмлари мамлакатимизда фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш имкониятини яратишга қаратилгандир.

Умумий сайлов ҳуқуқи тамойилида - ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатидан қатъий-назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бевосита 18 ёшга тўлганда сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Айрим фуқаролар суд томонидан муомолага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас.

Тенг сайлов ҳуқуқи тамойилида ҳар бир фуқаро-сайловчи бир овозга эга. Сайловда ҳамма тенг асосларда қатнашади. Ҳар бир сайловчи овоз бериш учун фақат битта рўйхатга киритилади. Сайловда ҳар бир мандат учун сайлочилар сони тенг асосда бўлинади. Сиёсий партия ва ташаббускор гуруҳларга сайлов олди ташвиқот юритиши тенг асосда ташкил этилади.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи тамойили бевосита сайловчилар томонидан сайланадиган номзодга овоз бериш тушунилади, бунда сайловчи ва номзод ўртасида ҳеч қандай воситачиларга йўл қўйилмайди. Фуқаролар ўз эрки-иродасини бевосита ўзлари ифодалашлари қонунчилигимиз билан қафолатланади.

Яширин овоз бериш тамойили - сайловчининг иродасини билдириш устидан назорат қилишга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларни ҳозир бўлиши тақиқланади.

Демократик давлатларда ҳамда мамлакатимизда юқорида таъкидлаб ўтилган, умумэътироф этилган тамойиллар асосида шаклланган ва амал қиладиган сайлов ўтказишнинг демократик принциплари қуйидаги тартибда уларнинг қонунларида ўз мазмун-моҳиятини ифода этади:

1) конституциявий давлат тузилишига мос бўлган сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг замонавийлиги принципи;

2) сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишда қонун устуворлигига эришиш принципи;

3) сайлов жараёнларида унинг иштирокчиларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиш принципи;

4) сайлов тизимининг халқчиллиги принципи;

5) сайловда барқарорлик, ҳаққонийлик, юксак маънавият ва инсон ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниш принципи;

6) сайловнинг уюшқоқлигига эришиш принципи;

7) сайлов тизимининг тежамли ўтказилишига эришиш принципи;

8) сайловни зиддиятларсиз ўтказилишида ошқоралик принципи;

9) сайлов натижаларига эришиш принципларидан иборатдир.

Ушбу принциплар жаҳон мамлакатлари ҳаётида, тарихий ривожланиш тажрибалари асосида табиий равишда вужудга келган бўлиб, бу принципларга тўлиқ амал қилган жамиятгина демократик ҳуқуқий давлат қуриш мақсадига эришиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда Олий Мажлисга ўтказиладиган сайловлар

-умумий

- тўғридан-тўғри,

- тенг

-бевосита иштирок этиш принциплари орқали амалга оширилади .

Демократик ҳуқуқий давлат шаклланишида, Конституциядан бошлаб, то барча қонунларда уларнинг мақсад ва вазифалари принциплар тарзида ўз ифодасини топган.

Ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатнинг Конституция ва қонунларининг яратилишида ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларини белгилаб берувчи принципларга таянади. Демак, Конституция ва қонунларнинг мақсад ва вазифаларини белгиланиши бошланғич моддаларида ўз ифодасини топган принциплари асосида бўлишлигини ғоявий мазмунида акс эттиради.

Янада кенгрок тушунча берилганда, дастлаб Конституциянинг асосий принципларида давлат тузилишининг шакли ва мақсади, келажак истиқболлари белгилаб олинади. Ундан кейинги бўлимларида давлат бошқаруви механизми унга мос равишда яратилади, қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида унга амал қилиниши таъминланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган асосий принциплар давлат бошқарувининг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамланишида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

2-§.Биринчи чақириқ Олий Мажлисга сайлов ва сиёсий кучлар манфаатларининг ҳисобга олиниши.Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши.

Ўзбекистон Республикасида олий вакиллик органи 1995-йилга қадар Олий Кенгаш деб аталди. 1994 йил декабрда ўтказилган сайловларда бу вакиллик органимиз Олий Мажлис деб номланди, ҳамда янгича тартибда фаолият олиб бора бошлади.

Бу сайловлар демократик тартибда амалга оширилган сайловлар бўлиб ҳалқнинг хоҳиш иродасини ўзида ифода этди. Бу сайловлар натижасида янги парламентимиз янгича руҳ ва янгича таркиб билан фаолият олиб бора бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов дейди: “Ўзбекистонда ўтадиган сайловлар мустақиллик йилларида тўплаган демократик тажрибамизнинг ўзига хос намойиши бўлиши лозим”⁵. Бунинг учун Ўзбекистонда ҳуқуқий ва сиёсий асослар яратилган. Сайловларни ўтказиш тажрибаси ҳам етарли албатта.

Сайловларда барча сиёсий кучларнинг манфаатлари ҳамда ҳуқуқлари тўлалигича таъминланди.

Сайловларни ўтказиш жараёнида ҳалққа тушунтириш ишлари ҳусусан ҳуқуқий онгни шакллантириш ишлари жадал равишда амалга оширилди.

Мустақиллигимиз йилларида сайлов тўғрисидаги қонунчилигимиз ниҳоят даражада такомиллаштирилди.

⁵ Каримов.И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” Т.: “Ўзбекистон”, 1999 Ватана-озодлиги Олий саодат. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.

Юртимизда бу борадаги ислохотларнинг қай даражада бораётганлигини 2002 йил 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси референдумида иштирок этиб, референдум жараёнини бевосита кузатган халқаро кузатувчилардан бирининг “Референдум келгусида Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларини кучайтиришда ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади” деган мулоҳазаларидан ҳам билиб олиш мумкин⁶.

2003-йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Референдум натижалари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Конституциявий қонун давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг ва халқнинг хоҳиш иродасини ифода этувчи ҳамда кафолатловчи муҳим қонундир.

Бундан ташқари амалга оширилган ислохотлардан яна бири ҳамда энг муҳими бу 2003-йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги” қонундир. Бу қонун янги ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ташкил этилишининг ҳуқуқий асосидир.

Бунда аввало ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий йўналишлари, принципларининг ишлаб чиқилганлиги тахсинга лойиқдир. Мутлақо янги шаклдаги жамият қуришнинг ижтимоий-сиёсий заминлари яратилди. Шу маънода Ўзбекистонда сайлов тизимининг ахамияти ҳам ҳар қачонгидан ортди.

Ўзбекистон Республикасини ҳозирги даврда амалга оширилаётган ислохотларининг бош мақсади – мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдир. Бу эса республикаимизда кечаётган сиёсий-ҳуқуқий жараёнларнинг шиддат билан ривожланиши шароитида ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва уларни ҳуқуқий тартибга солинишини тақазо этади.

Шунинг учун мамлакатимизнинг ҳуқуқий дастуруламали ҳисобланган Конституциямизда жамият ва давлат бошқаруви соҳасидаги барча демократик давлатлар томонидан эътироф этилган асосий принциплар мустаҳкамлаб қўйилган. Унинг мазмун ва моҳиятига чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, олий мақсадимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият сифатида тан олинishi орқали демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш эканлигини дадил таъкидлашимиз мумкин.

3-§. Марказий сайлов комиссияси ваколатлари ва иш тартиби .Иккинчи чақирик Олий Мажлисга сайлов –Ўзбекистоннинг янги қонун чиқарувчи органи ва унинг доирасида юзага келган асосий партиявий сиёсий кучлар жойлашувининг ўзига

⁶ «Ўзбекистон Республикаси референдуми хорижликлар нигоҳида», Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси 1-сон,36 бет.

хосликлари ва ғоявий сиёсий табақалашуви хусусиятининг мустаҳкамланиши ва янада ривожлантирилиши.

1998 йил 30- апрелда “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунда Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари фаолият доираси белгиланган. Ушбу қонунга биноан

Марказий сайлов комиссияси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссияларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш учун тузиладиган референдум ўтказувчи комиссияларнинг тизимига бошчилик қилади, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ва Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги қонунларнинг ижросини назорат қилади, уларнинг бир хил қўлланилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар юзасидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилади;

сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди, сайлов ва референдумни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, йўриқномалар чиқаради ҳамда низомларни тасдиқлайди ва тушунтиришлар бериб боради;

сайлов округларини, референдум округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради, чегараларини, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сонини кўрсатган ҳолда округлар рўйхатини эълон қилади;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкалари ва референдум участкаларини қайси округларга бirkитиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

округ сайлов комиссияларини ва референдум ўтказувчи округ комиссияларини тузади ҳамда уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди;

округ сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи округ комиссияларининг Қарорларини, агар бу қарорлар сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунларга зид бўлса, мустақил тарзда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади;

чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларига сайлов ва референдумга мандатлар беради;

сайловга ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишнинг харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, пул маблағларини сайлов комиссияларига ҳамда референдум ўтказувчи комиссияларга тақсимлайди, бу маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилайди, сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайлов ҳамда референдумни моддий-техника жиҳатидан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

сиёсий партияларнинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг кузатувчилари, матбуот, телевидение, радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва харажатларнинг кузатувчиларига мўлжалланган мандат намунасини белгилайди;

тақдим этилган ҳужжатлар асосида сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишига ижозат бериш юзасидан қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ва давлат ҳокимияти вакиллик органларидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олади, рўйхатга олинган номзодларнинг рўйхатлари ва улар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинишини уюштиради;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сайловда иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари сайловга доир сайлов бюллетенларининг, референдумда овоз бериш бюллетенининг, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шаклларини, овоз бериш қутиларининг ҳамда сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар муҳрларининг намуналарини, ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди;

сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

сайловнинг ва референдумнинг якуини чиқаради, Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз беришнинг умумий натижаларини аниқлайди ҳамда овоз беришда иштирок этган сайловчилар ёки референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сони тўғрисидаги, ҳар бир номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони тўғрисидаги, референдумга қўйилган масалани ёқлаб ёки унга қарши берилган овозлар сони тўғрисидаги ахборотни матбуотда эълон қилади;

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда такрорий овоз бериш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ёки Сенати аъзоларининг такрорий сайлови ва бўшаб қолган ўринларга сайлови ўтказилишини ташкил этади;

сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатларини, Сенатининг аъзоларини рўйхатга олади, шунингдек уларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

сайловдан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг, Сенатининг биринчи мажлисини Қонунда белгиланган тартибда чақиради;

сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати ва Сенатининг аъзосига тегишинча Қонунчилик палатаси депутатининг ҳамда Сенат аъзосининг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини беради;

сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари ҳамда хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлари жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига оширади;

сайловни ва референдумни ташкил этиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар архивга топширилишини таъминлайди;

Марказий сайлов комиссиясининг Регламентини тасдиқлайди;

Қонунларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Марказий сайлов комиссиясининг иш тартиб унинг регламентида белгиланади.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлисга ўтказилган сайловлар жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим сиёсий жараён бўлиб ҳисобланади.

Бунда парламентимиз икки палатали тизимда ташкил этилди .Қуйи палата Қонунчилик палатаси юқори палата Сенат профессионал тартибда ташкил этилди.

Қонунчилик палатаси бир юз йигирмата депутатдан иборат бўлиб умумийлик, тенглик, кўппартиявийлик асосида ташкил этилади.

Бу сайловлар жараёнида мамлакатимизда фаолият олиб борувчи бешта партия каттиқ курашлар оқибатида парламентда ўз ўринларига эга бўлишди.

Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлиснинг юқори палатаси – Сенат аъзолигига номзодлар ўз лавозимларига эгри сайловлар орқали эришадилар, яъни Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов Қорқалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли кўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сайловлар ўтказиш жараёнида хорижий ҳамда миллий кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши сайлов ўтказиладиган давлат учун сайлов жараёнининг обрўсини ошириши мумкин эканлиги халқаро ҳужжатларда эътироф этилган. Бундай кузатувчилар сайлов жараёнига аралашмаган ҳолда маълум давлатда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг амалга оширишлари учун қай даражада шароит яратилганлигига ва шунинг натижаси ўлароқ мамлакатдаги демократик жараённинг қандай кечаётганлигига баҳо берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига иккинчи чақириқ ўтказилган сайловлар жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим ходисалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда фуқароларнинг ўз хоҳиш ва иродалари бевосита фуқароларнинг ўзлари томонидан билдирилиб халқнинг ҳокимиятни шакллантириш борасидаги фаолияти амалга оширилди. Умуман олганда жамият ҳаётини бошқаришда сайловларнинг ташкил этилиши бу фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг биринчи ва бош гаровидир.Шу нуқтаи –назардан олиб қараганда Олий Мажлисга ўтказилган бу сайловлар том маънода ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда фуқаролик жамияти шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

9- БОБ. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳокимиятидаги изчил ислохотлар – икки палатали парламентга ўтиш зарурияти

1-§. Ўзбекистон Республикасида парламент ислохотларининг тарихий зарурияти

2-§. Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти - изчил ислохотлар самараси

3-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати – янги ҳуқуқий институт сифатида

4-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг шаклланиш тартиби. Парламент фаолиятининг ҳуқуқий асослари

1-§. Ўзбекистон Республикасида парламент ислохотларининг тарихий зарурияти

Парламентаризмнинг такомиллашиб ва мустаҳкамланиб бориши умумжаҳон тенденцияси ҳисобланади. Парламент ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучлари унинг олий Вакиллик ва қонун чиқарувчи орган сифатидаги табиатининг ўзида мавжуддир. Бугунги кунда деярли барча демократик мамлакатлар учун хос бўлган хусусият шуки, парламент ўз вазифасини қанчалик самарали бажарса ва ҳокимиятлар бўлиниши тизимида кучлироқ мавқега эга бўлса, ҳуқуқий давлат ва унинг қонунчилик тизими шунчалик самаралироқдир.

Икки палатали парламент ғояси ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳамда ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш тизимига жуда яқин туради, фарқ фақат шундаки, бунда гап вакиллик ва қонунчилик ҳокимиятининг олий органи сифатида парламентнинг ўз таркибий тузилиши ҳақида бормоқда. Амалиётда икки палатали парламентга эга бўлган мамлакатларнинг аксариятида иккала палатанинг ваколатлари ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш тизими асосида шакллантирилади. Қоида тариқасида, қуйи палата анча фаол, либерал, кўпинча сиёсий партиялар иштироқи туфайли радикал ҳамдир. Юқори палата консерватив посанги вазифасини ўтайди. Икки палатали тизимнинг асосий ғояси ана шу нисбатда тасаввур қилинади.

Икки палатали парламентда бошқача, масалан, давлатнинг федерал тузилиши билан боғлиқ хусусият ҳам бўлиши мумкинлигига қарамай, консерватизм элементига эга парламент ғояси анча узоқ тарихга эга. Э.Ҳ.Халилов таъкидлаганидек, «...икки палатали тизимни танлашнинг асосий сабаби - давлатнинг федератив тузилишидадир, дейиш тўғри бўлмайди. Икки палатали тизим федератив давлатлар пайдо бўлишидан бирмунча аввал

юзага келган ва унинг илдизлари узоқ тарихга эга»⁷. У XIII аср охирларида Лордлар палатаси таъсис этилган Англияни тарихий мисол тариқасида келтиради.

Аслида «юқори палата асло федерация субъектларини ифодалаш учун пайдо бўлмаганлигини»⁸ кўрсатиб ўтар экан, Л.В.Смирнягин ҳам айна шу фикрни билдиради. У ҳам Буюк Британиядаги Лордлар палатасини қуйи палата фаолиятига хос бўлган кескинлик ва шошма-шошарликни юмшатишга қаратилган аристократлар мажлиси сифатида юқори палатанинг тимсоли деб ҳисоблайди. Унинг ва бошқа кўпгина давлатшуносларнинг фикрича, юмшатиш - юқори палатанинг бош вазифасидир, ваҳоланки минтақавий ҳокимиятларнинг Вакиллиги келиб чиқиши бўйича ҳам, аҳамияти жиҳатидан ҳам иккинчи вазифадир. «Қонун ижодкорлигини секинлатиш, парламент аъзоларини муаммолар ичига чуқурроқ кириб боришга мажбур қилиш, узоқ йилларга мўлжалланган қонунларни қабул қилишда ўткинчи мулоҳазалар таъсирини камайтириш - бу юқори палатанинг минтақавий ҳокимиятлар Вакиллиги вазифаси билан унчалик умумийликка эга бўлмаган энг муҳим вазифасидир»⁹. Бу вазифа юқори палатани шакллантиришга бошқача ёндашишни ва депутатларга бошқача талаблар қуйилишини тақозо этади. Хусусан, юқори палатага тажрибали сиёсатчиларни, мамлакатнинг энг обрўли кишиларини, айрим мамлакатларда эса қуйи палатадагига қараганда анча узоқроқ муддатга сайлаш расм бўлган.

Икки палатали парламент юқори палата туфайли анча барқарор воситадир, деган фикр бикамерализмни тушунишда ҳамма томонидан қабул қилинган ва асосий фикр ҳисобланади.

Бундан ташқари, юқори палатанинг ривожланиш тарихига унинг ваколатлари кўлами камайиб бориши хусусияти хосдир. Масалан, Франция Республика Кенгаши 1946 йилги Конституцияга кўра ҳар нарсага қодир бўлган Сенат Учинчи республикада эга бўлган ваколатларидан маҳрум бўлди. Ёки Японияни олайлик: у ерда юқори палата сақлаб қолинганига қарамай, қуйи палатага юқори палатанинг - Маслаҳатчилар палатасининг ветосини бартараф қилиш имкониятини яратадиган ваколатлар берилган. Ҳукумат фақат қуйи палата олдида жавобгардир¹⁰.

Аристократик Вакиллик ёки молиявий намояндалар Вакиллиги йўли билан парламентнинг консерватив вазифаси таъминланиши ўзининг классик кўринишида фақат

⁷ Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. - Т.: Ўзбекистон, 2001 йил. 150 бет.

⁸ Совет Федерации: эволюция статуса и функций / Отв.ред. Л.В.Смирнягин. - М.; Институт права и публичной политики, 2003. - С.9.

⁹ Совет Федерации: эволюция статуса и функций / Отв.ред. Л.В.Смирнягин. - М.; Институт права и публичной политики, 2003. -С.9.

¹⁰ Қаранг. Конституции зарубежных государств. - М.: Издательство БЕК. -С.Х.

Буюк Британияда (Лордлар палатаси) ва қисман Канадада сақланиб қолган¹¹. Бироқ айтиш Буюк Британияда 1911 ва 1949 йилги иккита хужжат Лордлар палатасининг қонунчилик соҳасидаги ҳуқуқларини анча чеклаб қуйган¹². Яқинда Тони Блэр ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши билан ислоҳот ўтказилиб, бу, бир томондан, валиахд пэрлар сони камайишига, иккинчи томондан, Лордлар палатаси таркибида ҳам, юқори палата ваколатларида ҳам туб ўзгаришларга олиб келди¹³.

Ҳозирда юқори палата турғун (консерватив) элементининг таъминланиши кўпроқ демократик шаклга эга. Мазкур ҳолат юқори палатани шакллантиришнинг алоҳида тартибида, қонунчилик, назорат, ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширишда иштирок этиш соҳасида юқори палаталар ваколатини қонун йўли билан белгилашнинг асосий йўналишларида намоён бўлмоқда.

Қонунчилик соҳасида юқори палаталар, масалан, Россия, АҚШ, Швейцария ёки Италияда бўлгани сингари ўз мавқеи жиҳатидан қуйи палаталар билан тенглаштирилган ёхуд Германия, Австрия, Буюк Британия ва Ирландияда бўлгани сингари кечиктирувчи вето ҳуқуқига эга. Мисол учун, АҚШда Конгресснинг ҳар бир палатаси, қуйи палата ваколатига кирадиган айрим масалаларни истисно этганда, исталган масала юзасидан ҳар қандай қонун лойиҳасини унинг муҳокамасига киритиш ваколатига эга. Амалда палаталардан ҳар бири бошқа палата томонидан қабул қилинган қонунга қарши овоз бериши мумкин. Сенат Вакиллар палатаси таклиф этган у ёки бу қонун лойиҳасини тасдиқламаслик ҳуқуқига эга. Унга унинг хусусиятини ўзгартирадиган тузатишлар киритиш мумкин. Бу ҳолда иккала палата аъзоларидан иборат таркибдаги келишув қўмитаси қонун лойиҳасининг иккала томонни қаноатлантирадиган ўзаро муроасага келтирадиган вариантини ишлаб чиқиши шарт¹⁴.

Баъзи мамлакатларда, масалан Бельгия ва Японияда юқори палаталар қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида маслаҳат овози ҳуқуқида иштирок этишлари ёки, Нидерландияда бўлгани сингари, қуйи палата томонидан қабул қилинган қонунларнинг «сифатини назорат қилиш» деб аталувчи жараёнда иштирок этишлари мумкин. Кўпинча юқори палаталар қуйи палатада қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Айрим давлатларда юқори палатанинг ваколати соҳасига кирмайдиган қонунчилик соҳалари белгилаб қуйилган. Масалан, Ҳиндистон ва Австрияда юқори палаталар давлат молиясини тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этмайди¹⁵. Россияда

¹¹ Қаранг. Шамбек Г.К. К вопросу о значении двухпалатной парламентской системмы // Конституционное право: восточноевропейское обозрение. - 2003. - №1. - С.3.

¹² Қаранг. Конституции зарубежных государств. - М.: Издательство БЕК. -С.Х.

¹³ Қаранг. Шамбек Г.К. К вопросу о значении двухпалатной парламентской системмы // Конституционное право: восточноевропейское обозрение. - 2003. - №1. - С.3.

¹⁴ Қаранг. Қудратхўжаев Ш. АҚШда қонунчилик ҳокимияти// Халқ сўзи. - 2002 йил 7 март.

¹⁵ Қаранг. Шамбек Г.К. К вопросу о значении двухпалатной парламентской системмы // Конституционное

регламент қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга юқори палатани жалб этиш мажбуриятини қуйи палата зиммасига юкламайди. Агар бу амалиётда бўлса ҳам расмий мулоҳазалардан кўра, кўпроқ таркиб топган анъанага мувофиқ булади. Россиялик мутахассисларнинг ўз фикрига кўра, юқори палатага қуйи палатадан қонун лойиҳаси эмас, балки қонун келиб тушиш ҳолатининг ўзи (гарчи қонунга айланиш учун ҳужжат ҳали юқори палатада ҳамда мамлакат Президенти томонидан маъқулланиши керак бўлса ҳам) юқори палата учун хос ва одатий хусусиятдир: «Шу аснода Федерация Кенгашининг ҳам Президентининг ҳам қонунчиликдаги туган ўрни очикдан-очик пасаяди»¹⁶. Парламентларнинг аксариятида ижро этувчи ҳокимиятга нисбатан назорат қилиш вазифалари ва ҳукуматга ишончсизлик вотуми чиқариш имкониятлари, қоида тариқасида, қуйи палаталар тасарруфидадир. Шунга қарамай, юқори палаталар фаолиятида ҳам назорат қилишга оид вазифаларнинг кучайиши умумий йўналиш ҳисобланади. Бунинг учун юқори палаталарга сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқи, резолюция қабул қилиш ҳуқуқи, илтимоснома (ариза) билан чиқиш ҳуқуқи берилади, айрим мамлакатларда улар шунингдек текширув ўтказувчи комиссиялар тузиш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин. Масалан, Германия ва Австриянинг юқори палаталари текшириш ўтказувчи комиссияларни тузиш ҳуқуқига эга, айни пайтда Италия ва Испания сенатлари бундай ҳуқуққа эга эмас. «Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси» китоби¹⁷ тузувчилари парламент текшириши назоратнинг энг самарали шакли эканлигини қайд этганлар. Бундай ҳуқуққа иккала палата эга бўлган АҚШ мисол қилиб келтирилган. Конгресс томонидан тузилган қўмиталар ва комиссиялар зарур ҳужжатлар ва материалларни талаб қилишга, исталган шахсни, шу жумладан президентни ҳам, чақирув қоғози орқали ўтказиладиган эшитишларга жалб этишга, гувоҳ сифатида сўроқ қилишга ҳақлидир ва ҳоказо. Чақирув бўйича келмаслик суд таъқибига сабаб бўлиши мумкин. Сенат ёки Вакиллар палатасининг қарорига биноан муайян шахсларга тегишли иш судга оширилиши мумкин. Бюджет ажратмаларини қисқартириш санкция (жазо чораси) сифатида қўлланилиши мумкин. Мазкур китоб тузувчилари ёзганидек, парламент текшириши, бу ижро этувчи ва суд ҳокимияти, мансабдор шахслар устидан, конституция ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратнинг олий шаклидир¹⁸.

право: восточноевропейское обозрение. - 2003. - №1. - С.3.

¹⁶ Совет Федерации: Эволюция статуса и функций/ Отв. ред. Л.В.Смирнягин. - М: Институт права и публичной политики, 2003. - С.17-18.

¹⁷ Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси/ Р.А.Алимовнинг умумий таҳрири остида. - Т.: Шарк. 2002. 32-33-бетлар.

¹⁸ Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси/ Р.А.Алимовнинг умумий таҳрири остида. - Т.: Шарк. 2002. 32-33-бетлар.

Ишончсизлик вотуми асосан қуйи палата томонидан эълон қилинади. Бундан шундай ҳуқуққа эга бўлган Италия Сенати камдан-кам истиснодир. Юқори палаталар аксарият ҳолларда конституциявий судга сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ваҳоланки ҳисоб палатаси воситасида ҳисобварақларни ва молиявий ишлар юритилишини назорат қилиш ташаббуси асосан қуйи палата ваколатига тааллуқлидир. Юқори палаталар, масалан, Россияда бўлгани сингари, кадрларни тайинлаш билан боғлиқ ваколатларга ҳам эга. Юқори палатанинг судга оид ваколатлари фақат Буюк Британиянинг Лордлар палатасида бор. Америка Сенатида бундай ваколат фақат импичмент эълон қилишда намоён бўлади, яъни Вакиллар палатаси томонидан олий мансабдор шахсларга (шу жумладан Президентга) қарши айблар қўйилганда учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан уларни лавозимидан бўшатиш тўғрисида қарор қабул қилишдан иборат ваколатида ифодаланади¹⁹.

Юридик фанлари доктори А.С.Турсуновнинг ёзишича икки палатали парламентни қарор топтириш билан боғлиқ масалаларни қонуний тартибга солиш ва мазкур муаммолар юзасидан халқаро тажрибани ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Қатор илғор мамлакатларнинг икки палатали парламентлар тузиш тажрибаларига тўхталиб ўтиш лозим²⁰.

Юқори палатанинг белгиланган мақсадини замонавий маънода тушуниш парламентаризмнинг демократик моҳияти билан узвий боғлиқдир. Консерватив элемент ва ҳудудий Вакиллик қонунчилик ва Вакиллик ҳокимиятини самарали рўёбга чиқариш учун зарур бўлган ўзаро бир-бирини тўлдирувчи вазифаларга эга. Юқори палата, ўзининг барча вазифалари билан биргаликда, аслини олганда, икки палатали тизимнинг ажралмас элементигина эмас, балки бикамерализмнинг асосий ҳал қилувчи белгиси ҳам бўлиб, бусиз «икки палатали парламент» ўзининг ҳар қандай маъноси ва аҳамиятини йўқотади.

Шу жиҳатдан Ўзбекистондаги парламент ислохотларининг мантиқий кечиши парламентаризм ривожланишининг умумжаҳон тенденциялари билан тўла ҳамоҳангдир. Икки палатали тизимга ўтиш демократик ислохотлар сифат жиҳатидан янги босқичининг ўзига хос марраси бўлиб, бу ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти институционал негизининг ривож топиб бориш хусусияти билан ажралиб туради.

2-§. Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти - изчил ислохотлар самараси

Парламент ислохотининг мақсади Вакилликни кенгайтиришдан ва қонунчилик жараёнининг самарадорлигини оширишдан иборат эканлиги назарда тутилган. Хусусан,

¹⁹ Қаранг. Шамбек Г.К. К вопросу о значении двухпалатной парламентской системы // Конституционное право: восточноевропейское обозрение. - 2003. - №1. - С.3.

²⁰ Жамият ва бошқарув журнали. 2002 й. 2-сон. «Хориж парламентлари» 4-7-бетлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида қилган маърузасида парламент ислохотини ўтказиш ғоясини биринчи бўлиб илгари суриб, икки палатали парламентни шакллантириш зарурлигини асослаб берар экан, аввало, Вакиллик субъектлари ва усулларини кенгайтириш муаммоси ҳақида сўз юритган эди. Аслини олганда, гап умумхалқ (сиёсий) ва ҳудудий Вакилликнинг таркибий-функционал бўлиниши вақти келгани, парламентнинг қонунчиликка, назоратга оид ва сиёсий фаолиятини кучайтириш тўғрисида борган эди. Бу ғоя Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» деб номланган маърузасида белгиланган давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш йўли мантикидан келиб чиқади. Маърузада ҳокимиятнинг турли тармоқларини бир-биридан ажратишнинг конституциявий тамойилини амалда ривожлантириш ва кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш концепциясини рўёбга чиқариш мақсади долзарб қилиб қўйилди²¹. Бу фикрлар Президентнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги дастурий маърузасида ўз аксини топди²².

Президент иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида икки палатали парламентга ўтиш тўғрисидаги таклифни киритганда юқори палатани ташкил этишнинг бош мақсади ҳудудий Вакилликни жорий этиш зарурлигига асосланган эди. Хусусан, Президент юқори палата таркиби вилоятлар, шаҳарлар ва туманлардан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлардан иборат бўлишини тасаввур қилган. Юқори палатага сайланган депутатлар ўз вилояти манфаатларини ҳимоя қилишлари керак. Бу вазифа асосан қуйи палатада тайёрланган қонунларни кўриб чиқиш воситасида рўёбга чиқарилиши керак. Шунингдек юқори палатага ҳар қайси вилоятдан сайланган депутатларнинг сони бир хил бўлишини белгилаб қўйиш таклиф қилинди. Бунда Президент юқори палата фаолиятининг бош принципини шундай қайд этди - юқори палата давлат фаолиятининг барча соҳаларига тенг кўз билан қараб, халқ манфаатларини бир хилда ҳимоя қилиши керак²³.

Кейинроқ, икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги умумхалқ референдуми муносабати билан оммавий ахборот воситаларининг ходимларига берган интервьюсида Президент юқори палата

²¹ Қаранг. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. - Т.: Ўзбекистон, 1999. -386-387-бетлар

²² Қаранг. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. - Т.8. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -330-351-бетлар.

²³ Қаранг. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. - Т.8. -Т.: Ўзбекистон, 2000. - 483-484-бетлар.

зиммасига юклатиладиган вазифалар моҳиятини ойдинлаштирди²⁴. Биринчидан, юқори палатада маҳаллий депутатлар ваколатларининг ифодаланиши ғоясида уларнинг давлатни бошқариш жараёнига таъсир кўрсатишини кенгайтиришга интилиш акс этган. Чунончи, Президент таъкидлаганки, юқори палата бевосита қонунларни яратишда қуйи палата билан бир вақтда иштирок этмаслиги керак. Унинг асосий вазифаси вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар депутатлари Вакиллари орқали маҳаллий ҳокимият манфаатларини ифодалашдан ҳамда қуйи палата тақдим этган у ёки бу қонунни маъқуллаш ёки маъқулламасликдан иборат бўлади. Юқори палата «ўз ҳудудлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қонунчилик жараёнида иштирок этади»²⁵. Иккинчидан, олий Вакиллик органлари олий ҳокимият органларини шакллантириш билан боғлиқ сиёсий вазифаларини юқори палата қўлида мужассамлаштириш мўлжалланади. Бу хусусда Президент қайд этадики, «Демократик жамият сари яқинлашиб борар эканмиз, келажакда Ўзбекистон Президентининг айрим ваколатлари ҳам юқори палатага берилади. Тегишли равишда, ижроия ҳокимиятининг кўпгина йўналишлари Президентга эмас, юқори палатага бўйсундирилади».²⁶

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш вазифаларини инобатга олиб чет мамлакатлар тажрибасини, парламент ишининг самарадорлигини ошириш эҳтиёжларини ўрганиш асосида икки палатали парламентнинг тегишли қонунчилик негизини шакллантириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, юқори палатанинг асосий вазифалари «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги,²⁷ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги²⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунларида, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунда²⁹ Сенатнинг мутлақ ваколатларини қонунчилик йўли билан белгилаб қўйишда ўзининг ҳуқуқий ифодасини топди.

3-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати – янги ҳуқуқий институт сифатида

²⁴ Қаранг. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. -Т.Ю. -Т.: Ўзбекистон, 2002. -184-195-бетлар.

²⁵ Қаранг. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. -Т.Ю. -Т.: Ўзбекистон, 2002. -185-б.

²⁶ Қаранг. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. -Т.10. -Т.: Ўзбекистон, 2002. -188-бет.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. № 4-5. - 2002. - 60-модда.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. № 12. - 2002. - 213-модда.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. № 3 - 4. - 2003. - 27-модда.

Инсоният ҳуқуқий тафаккурининг маҳсули ҳисобланган ҳамда жамиятнинг умуммиллий вакиллик муассасаси сифатида дунёга келган парламент узоқ йиллар давомидаги тарихга эга ва унинг илдизлари XII-XIII асрлардаги инглиз парламенти ва испан кортесларига бориб тақалади. Парламент сўзининг луғавий маъноси француз тилидан олинган бўлиб, "гапирмоқ" маъносини англатади. Парламентаризм катта тараққиёт босқичини босиб ўтди ва унинг чинакам тарихи буржуа инқилоблари давридан бошланади.

Эндиликда аксарият мамлакатларнинг парламент институтига эга эканлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Ҳозир ер куррасидаги 200 га яқин давлатнинг қарийб 177 тасида олий қонун чиқарувчи вакиллик органи-парламентлар бор.

Ҳозирги замон парламентлари ўзларининг тузилиши, ваколатларининг ҳажми, ижтимоий таркиби, ўз мамлакатлари сиёсий тизимида тутган ўрни, сайланиш тартиби мавқеи билан бир-бирларидан ажралиб турадилар. Улар ҳатто номланиши, депутатларининг сони билан ҳам фарқ қиладилар, масалан: АҚШда 535 депутатдан иборат Конгресс, Хитой Халқ Республикасидаги Умумхитой Халқ вакиллари мажлисида 2979 аъзо, Россияда 626 депутатдан иборат Федерал Мажлис, Мисрда 454 депутатли Халқ Ассамблеяси, Исроилда 120 аъзодан иборат Кнессет, Исландияда 63 аъзодан иборат Альтнингни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Жаҳон парламентларининг кўпчилиги бир палатали тузилишга эга. Ер куррасидаги 65 та давлатда эса, икки палатали олий вакиллик органлари мавжуд. Одатда, икки палатали парламентнинг палаталаридан бири кўпинча "қуйи палата" деб юритилиб, у халқнинг ягона иродасини ифодалайди. (АҚШда - Вакиллар палатаси, Францияда - Миллат Мажлиси), бошқаси эса "юқори палата" деб аталиб, у давлатнинг таркибий қисм (худуд)ларининг манфаатларини ифодалайди. Парламентларнинг бундай тузилиши муқим демократик анъаналар ҳамда федератив давлат тузилишига эга бўлган мамлакатларга хосдир. Масалан, шу каби парламентлар АҚШ, ГФР, Бразилия, Франция, Буюк Британия, Япония ва бошқаларда фаолият юргизмоқдалар.

Жамият манфаатларининг ифодачиси бўлмиш парламентлар, аҳолининг турли ижтимоий қатламлари гуруҳларининг вакилларидан ташкил топадилар. Кўришиб турибдики, дунёдаги парламентлар ранг-баранг, аммо улар ўз мамлакатларида муқим ижтимоий вазифа-қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Конституциясининг 10-моддасида, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи – халқ номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб боришлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида айтилганидек, давлат ҳокимиятининг тизими-қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципи асосланади. Унга кўра, давлат функциялари қонун чиқарувчи орган-Олий Мажлис, давлат ва ижроия ҳокимияти раҳбари–Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва суд ҳокимияти ўртасида тақсимланади. Ўзбекистон Олий Мажлиси эса давлатнинг бошқа идоралари билан ҳамкорлик қилиш билан бирга, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ҳокимиятлар тақсимланиши назариясида қонун чиқарувчи ҳокимият алоҳида ўрин тутади. Конституциямизда кучли қонун чиқарувчи ҳокимиятни ташкил этишга алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76- моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати - беш йил.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг X сессияси (2002 йил 12 декабрь) «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонунларнинг қабул қилиниши билан икки палатали парламент шакллантиришнинг асосий ҳуқуқий асосларини яратиш жараёни муҳим аҳамият касб этди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонунга биноан "Қонунчилик палатаси" Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи палатасидир. Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат. Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади»³⁰.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланиши туфайли қонун чиқарувчи ҳокимият катта ваколатларга эга. Халқ ҳокимиятни айна сайлов асосида ўз вакиллариغا топширади ва ваколатли органларни давлат ҳокимиятини амалга оширишга вакил қилади. Бу ваколатли органлар

³⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» Конституциявий қонуни.-Халқ сўзи, 2002, 27 декабр.

давлат ҳокимияти механизмида бирламчи эканлиги, уларнинг устуворлиги ҳамда устувлиги тўғрисида фикр юритиш имконини беради.

4-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг шаклланиш тартиби. Парламент фаолиятининг ҳуқуқий асослари

А.П.Любимовнинг «Россия парламент ҳуқуқи» («Парламентское право России») ³¹ китобида палаталарни шакллантириш тартиби Федерал Мажлис тузилмаси масалалари билан биргаликда кўриб чиқилади. Хусусан, юқори палатани (Федерация Кенгашини) шакллантириш хусусиятлари, қуйи палатага (Давлат Думасига) сайловни ташкил этиш ва ўтказиш, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссиясини шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби батафсил очиқ берилди. Бошқа бир мисол - «Федерация Кенгаши: Мақом ва вазифалар эволюцияси» («Совет Федерации: Эволюция статуса и функций») монографиясида Федерация Кенгашини шакллантириш масалаларига алоҳида боб бағишланган бўлиб, унда 2000 йил 5 августда қабул қилинган «Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Федерация Кенгашини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Федерал қонун марказий масала бўлган алоҳида боб ҳамда Федерация Кенгашини шакллантириш ва алмашлаб туриш масалаларига бағишланган иккита бўлим бор ³².

Айрим ишларда, масалан, О.Н.Булаковнинг «Парламент ҳуқуқи» рисоласида ³³ ёки муаллифлар жамоасининг «Парламентское право России» китобида ³⁴ палаталарнинг мансабдор шахсларини янги сайланган депутатлар ёки юқори палата аъзолари томонидан сайлашнинг ички тартибини баён қилиш билан чекланилади.

Яна бир ўринли мисол. «Конституционное (государственное) право зарубежных стран» ³⁵ китобида «парламент ҳуқуқи тушунчасига таъриф беришда парламентларнинг ташкил этилиши ва улар фаолиятининг айрим томонларини тартибга солувчи нормалар ҳақида, парламентлар ва улар палаталарининг ички ҳамда муайян даражада ташқи муносабатларини тартибга солувчи регламентлари тўғрисида сўз юритилади. Шунингдек прецедентлари - парламентлар, палаталар ёки улар раисларининг бир марталик ва асосан тартиб-таомил хусусиятига (инглиз-саксон ҳуқуқ тизимидаги мамлакатлар учун) эга

³¹ Любимов А.П. Парламентское право России. -М.: Издательско-книготорговый центр «Маркетинг», 2002. - С.44-57.

³² Совет Федерации: Эволюция статуса и функций /Отв. ред. Л.В.Смирнягин. -М.: Институт права и публичной политики, 2003.-С.67-124, 124-154.

³³ Булаков О.Н. Парламентское право /Под ред. д.ю.н. проф. Ю.А.Дмитриева. -М.: Юриспруденция, 2002, С.25-33, 48-54.

³⁴ Совет Федерации: Эволюция статуса и функций /Отв. ред. Л.В.Смирнягин. -М.: Институт права и публичной политики, 2003.-С.67-124, 124-154.

³⁵ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. - В 4-х томах. -Т.2. -Отв.ред. Б.А.Страшун. -М: Издательство БЕК 1995. С.199-130.

бўлган қарорлари ҳақида баён қилинади. Бунда парламент ҳуқуқи палаталарни шакллантириш тартиби ҳақидаги қоидаларни ўз ичига олиши ҳам таърифда кўрсатиб ўтилмайди. Ваҳоланки, бу ҳақда бошқа контекстда - парламентнинг тузилиши ва унинг палаталарининг ташкил этилиши кўриб чиқиладиганда сўз юритилади³⁶.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини шакллантириш тартиби 2003 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонун билан тартибга солади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Конституция парламент депутатларининг ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида сайланишини муҳим конституциявий принцип сифатида мустаҳкамлайди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловини ўтказувчи сайлов округлари Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида сайловчилар сонига қараб тенг ҳолда тузилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас деб кўрсатилган.

“Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасида Депутатликка номзодларга қўйиладиги талаблар қўйилган: содир этилган

³⁶ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. - В 4-х томах. -1.2. -Отв.ред. Б.А.Страшун. -М.: Издательство БЕК, 1995. С.199-130.

жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;

сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Ҳозирда амалда бўлган Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунига 25 ёшга тўлган фуқаролар эга бўлиши мумкин. Ёш цензининг бундай белгиланиши шу билан изоҳланадики, депутат озми-кўпми маълум ҳаёт тажрибасига эга бўлиши, ўзини давлат ва жамоат фаолиятида кўрсата олиши лозим. Бу масала бир қанча хорижий мамлакатларнинг Конституциялари ва қонунчилигида ҳам деярлик шундай ҳал этилган. АҚШ Конституциясида 25 ёшга тўлмаган шахс Конгресснинг Вакиллар палатасининг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Япония парламентининг вакиллар палатасига 25 ёшга тўлмаган, маслаҳатчилар палатасига эса 30 ёшга тўлган фуқаролар пассив сайлов ҳуқуқидан фойдалана олишлари мумкин. Шунини ҳам айтиш жоизки, жаҳон тажрибасида пассив сайлов ҳуқуқининг бундан ҳам юқори цензлари маълум.

2004 йилнинг 26 декабрида мамлакатимизда илк бор Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламенти – Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловлар бўлиб ўтди. Мазкур сайловларда бешта сиёсий партия ва ташаббускор гуруҳлар ўзларининг депутатликка қўйган номзодлари учун кураш олиб бордилар.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялар ҳамда сайловчиларнинг мустақил ташаббускор гуруҳлари тақдим этган номзодларни Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олиш якунлари билан боғлиқ маълумотларни (жадвалларда) бериб ўтишни жоиз деб билдик³⁷:

1-жадвал. Депутатликка номзодларнинг партиёга мансублиги

№	Сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг мустақил ташаббускор гуруҳлари	Рўйхатга олинган депутатликка номзодларнинг сони	Умумий деп. номзодлар сонига фоишлардаги нисбати
---	--	--	--

³⁷ Ушбу маълумотлар Марказий Сайлов Комиссиясининг www.elections.uz расмий сайтидан олинган.

1.	Ўзбекистон Халқ Демократик партияси	118	22,8
2.	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	74	14,3
3.	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси	61	11,8
4.	Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси	89	17,2
5.	Ўзбекистон Либерал-Демократик партияси	119	23
6.	Сайловчиларнинг мустақил ташаббускор гуруҳлари	56	10,8
	Жами	517	100

Юқоридан кўриниб турибдики, сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар барча депутатликка номзодларнинг 89,2 % ини ташкил қилади.

2004 йил 26 декабр ва 2005 йил 9 январда такрорий овоз бериш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг барча 120 депутати сайланди ва рўйхатга олинди. Сайловда 489 депутатликка номзод, шу жумладан сиёсий партиялардан 435 ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлардан мустақил номзодлар 56 киши иштирок этди. 2004 йил 26 декабрдаги асосий сайловда 12197159 (85,1%) сайловчи, жорий йил 9 январда эса 5400000 дан ортиқ, киши ёки такрорий овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқига эга сайловчиларнинг қарийб 80% иштирок этди.

Қонунчилик палатасига номзод қўйилган хотин —қизлар жами 159 киши кучли интилувчанлик ва юксак профессионализмни намоиш этди, сиёсий етуклик, ақл заковат рақибларидан қолишмади. Натижада қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг қарийб 18 % ни хотин —қизлар ташкил этди, бу эса 1999 йилда Олий Мажлисга бўлган сайловларидагидан икки ярим баравар кўпдир.

Ташаббускор гуруҳлардан кўрсатилган 56 номзоддан 14 киши депутатликка сайланди, қонунчилик палатасига сайланган депутатлар орасидан улар 11,6%ни ташкил этди.

Сайланган депутатлар орасида 18,3% —юрислар, 21,7% —иқтисодчилар. Депутатларнинг 10% саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаси вакиллари, 7,5% қишлоқ хўжалиги вакиллари, 12,5% тадбиркорлар, 20% таълим, фан,

маданият ва соғлиқни сақлаш ходимлари, 16% нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари.

Бу ўзгаришлар энг аввало Қонунчилик палатасининг доимий, профессионал асосида иш олиб боришидир. Бу палатага аъзо бўлиш учун асосий даъвогарлар сифатида сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббус гуруҳлари майдонига чиқади», - деб кўрсатади И.А.Каримов.

Бу палатага сайланган депутат сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, профессионал нуқтаи-назардан мана шу қонун чиқарувчилик, қонун яратувчилик ва қонун ижод қилиш ишиги мукаммал етарли тайёргарликка эга бўлган шахслар бўлиши лозим.

Юқори-Сенаторлар палатаси эса территориал субъектлар - Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг ҳар биридан 6-тадан, ҳамда Президентнинг ўзи томонидан тайинланадиган ўн олти нафар эл-юрт обрў-эътиборини қозонган, кўзга кўринган кишилардан таркиб топади.

Президент И.А.Каримовнинг Сессияда сўзлаган нутқида кўрсатилганидек, «юқори палата аъзолари жойлардаги вазиятдан яхши хабардор, ...уларни сайланган кенгашлар билан узвий алоқа боғлиб турувчи», кўпроқ миннатдорлар манфаатларини ифода этадиган ва ҳимоя қиладиган депутатлардан иборат бўлади. «Сенат қўйи палата билан биргаликда бевосита қонун яратиш иши билан шуғулланмаслиги лозим», балки унга сайланган ҳар бир Сенатор Қонунчилик палатаси ишлаб чиққан ва тақдим этган қонунларни маъқуллаши ёки рад қилиш орқали, ҳам ўз минтақаси манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда бутун мамлакатимиз - Ўзбекистон тараққиёти манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қонунларни яратишда иштирок этади.

Ўзбекистон Парламентидаги Қонунчилик палатаси ва Сенат ўртасидаги оқилона мувозанат ана шундай конституциявий-ҳуқуқий назарий, ҳамда ҳуқуқ амалиёти асосига таянади. Бу эса бозор иқтисодиётига ўтиш, эркинлаштирилган «Очиқ демократик жамият» қуришнинг биринчи конституциявий ҳуқуқий асоси ва кафолати бўлиб хизмат қилади.

Сенат парламент ҳуқуқининг энг муҳим субъектларидан бири сифатида ўзининг қонунларда назарда тутилган принциплари ва нормалари мажмуига эга. Парламентнинг ташкилий тузилиши тизимида Сенат парламент ҳуқуқининг Сенат Раиси, Кенгаш, кўмиталар ва комиссиялар, сенаторлар сингари субъектларининг тузилиши ва фаолиятини тартибга солувчи нормаларни ҳуқуқий майдонида қамраб олган орган ҳисобланади.

Бунда Сенатни ҳуқуқий тартибга солиш асосларини парламент ҳуқуқи тизимида ажратиш фақат субъект жиҳатидан ёндашув билангина эмас, балки юқори палата бажарадиган вазифаларнинг ўзига хос хусусиятлари, мутлақ ваколатларининг хусусияти, унинг ишининг ўзига хос ташкилий шакли ва уни шакллантириш тартиби билан

боғлиқдир. Бизнингча, ушбу ўзига хос хусусиятлар тегишли принциплар ва нормаларни қонунчилик йўли би расмийлаштиришга алоҳида-алоҳида ёндашувга асос бўлди. Шу сабабли Сенатни ҳуқуқий тартибга солиш манбалари сифатида (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси³⁸, иккала палата хусусида сўз юритилган «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий Қонун, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун билан бир қаторда) алоҳида ҳолда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонун иштирок этади.

Конституцияда Сенат тўғрисидаги қоидалар моддаларда алоҳида-алоҳида ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги қоидалар билан бир қаторда жой олган. Охирги ҳолат Парламентнинг бирлиги принципи, олий Вакиллик ва қонунчилик органи сифатида унинг демократик табиати булинмаслиги, шунингдек юридик техника талабларидан келиб чиқади. Асосий Қонунга киритиладиган ўзгартишлар бошқа моддаларнинг умумий тузилиши ва тартибини бузмаслиги керак эди.

Конституция моддалари қуйидаги масалаларни тартибга солади:

- Парламентнинг таркибий тузилиши ва палаталар ваколатларининг муддати (76-модда);
- шакллантириш (77,97,117);
- биргаликдаги ваколатлар (78-модда);
- Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари (79-модда);
- Сенатнинг мутлақ ваколатлари (80-модда);
- палаталар ишини ташкил этиш ва унинг шакллари (81-модда);
- палаталар томонидан ҳужжатларнинг қабул қилиниши (82-модда);
- қонунчилик ташаббуси ҳуқуқлари (83-модда);
- қонуннинг қабул қилиниши (84-модда);
- Қонунчилик палатасининг Спикерини ва унинг ўринбосарларини сайлаш, унинг ваколатларини белгилаш (85-модда);
- Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш, унинг ваколатларини белгилаш (86-модда);

³⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ. ² Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда.

- палаталарнинг кўмиталари ва комиссияларини сайлаш, уларнинг асосий вазифаларини белгилаш (87-модда);
- депутатлик ва сенаторлик фаолиятининг мундарижаси, дахлсизлик ҳуқуқлари (88-модда);
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг палаталарни тарқатиб юбориш ҳуқуқи ва ундан фойдаланиш тартиби (95-модда);
- Олий Мажлис томонидан Президент вазифасини вақтинча бажарувчини фавқулодда сайлаш (96-модда);
- солиқларни белгилаш (123-модда);
- Конституцияни ўзгартиришлар киритиш тартиби (127-модда);
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар ва тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонунни қабул қилиш муддатларининг белгиланиши (128-модда).

Бунда палаталардан биттаси асосий субъект бўлган алоҳида-алоҳида моддаларда палаталарнинг фақат мутлақ ваколатлари (79, 80-моддалар), шунингдек Қонунчилик палатасининг Спикерини, Сенат Раисини сайлаш ва уларнинг ваколатларини белгилаш (85, 86-моддалар) масалалари мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати мақомининг анча батафсил таърифи, Сенат фаолиятининг ташкил этилишига, унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши бўйича муносабатларнинг тартибга солиниши «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунидан жой олган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонун Сенат томонидан ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш учун асос бўлади. Қонун тўққизта бўлимдан иборат. Қонунда: юқори палата фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси ва асосий принциплари, фаолиятнинг ташкилий шакли, Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш тартиби, шунингдек уларни муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш шартлари, Сенат Кенгашини тузиш ва унинг таркиби, кўмиталар тузиш тартиби ва уларнинг рўйхати, комиссияларни тузиш тартиби белгиланган. Қонунда шунингдек Сенат мажлисида масалаларни, қонунларни ва Сенат қарорларини кўриб чиқиш тартиби, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш, мансабдор шахсларни тайинлаш (сайлаш), Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш, назорат қилиш соҳасидаги ваколатларни амалга ошириш тартибга солинади. Шунингдек Сенатнинг

ҳалқаро алоқалар соҳасидаги ҳуқуқлари ҳамда Сенат фаолияти билан боғлиқ ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш тартиби кўриб чиқилади.

Бироқ палаталар мақоми, улар фаолиятининг ташкил этилиши, уларнинг ўзга давлат органлари билан ўзаро алоқаси ва бошқа шу сингариларни тартибга солувчи асосий қоидаларнинг қонунчилик йўли билан алоҳида-алоҳида мустаҳкамлаб қўйилишини ўринли деб бўлмайди.

Ушбу масалага қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан қаралса, тегишли қонунчилик тузилмасини тузиб чиқишнинг мақбуллиги билан боғлиқ муаммони пайқаш мумкин эмас. Аввало гап Парламент палаталари тўғрисидаги мазкур ҳужжатларнинг алоҳида-алоҳидалиги муносабати билан юзага келадиган такрорийлик ҳақида бормокда. Шунингдек парламент ҳуқуқининг принциплари ва нормаларини ҳуқуқий қўлланиш қулайлиги нуқтаи назаридан қийинчиликлар туғилади. Гарчи, аслини олганда, айти битта норма ҳақида сўз борса ҳам ҳар доим иккита ҳужжатга ишора қилиш зарурияти юзага келади.

Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонунларда палаталарнинг биргаликдаги тасарруфига тааллуқли ваколатлар (8-моддалар); палаталарнинг қўшма мажлислари (11-моддалар); парламент сўрови (12-моддалар); келишув комиссияси (тегишлича 25 ва 30-моддалар); қонунни имзолаш ва уни эълон қилиш (27 ва 32-моддалар) тўғрисидаги моддаларда ифодаланган мутлақо бир хил нормалар мавжуд.

Кўрсатиб ўтилган қонунларда шунингдек мазмунга путур етказмаган ҳолда тегишли норманинг субъекти сифатида бошқа палатани вергул қўйиб киритиш мумкин бўлган нормалар ҳам бор. Масалан, иккала қонуннинг 3-моддаси шундай таҳрирга эга: «Қонунчилик палатаси фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунлар билан белгиланади» ҳамда «Сенат фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунлар билан белгиланади».

Тегишлича агар ягона ҳужжат яратиш зарурати бор деб тахмин қилинса, унда ана шу иккала модда қўшилганда қуйидагича бўлади:

«Қонунчилик палатаси ва Сенат фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунлар билан белгиланади».

Ёки бошқа мисол - иккала қонуннинг 4-моддаси қуйидагича таҳрирда берилган: «Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун

хужжатлари билан белгиланади» ҳамда «Сенатни шакллантириш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади». Тегишлича қўшилганда қуйидагича бўлади: «Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш ва Сенатни шакллантириш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади».

Фақат субъектлари билан фарқланувчи бир хилдаги нормаларни ўз ичига олган ва бирлаштириш уларнинг асосий мазмунини ўзгартиришни талаб қилмайдиган шундай моддалар жумласига «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги қонунларнинг қуйидаги моддаларини киритиш керак бўлади:

1. Қонуннинг мақсадлари тўғрисидаги (иккала қонунда 1-моддалар³⁹);
2. Палаталар фаолиятининг ҳуқуқий асослари тўғрисидаги (3-моддалар);
3. Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш ва Сенат таркибини шакллантириш тўғрисидаги (4-модда);
4. Палаталарнинг ваколатлари муддати тўғрисидаги (5-моддалар);
5. Палаталарнинг ҳужжатлари тўғрисидаги (7-моддалар);
6. Қонунчилик палатаси Спикерининг ва Сенат Раисининг ваколатлари тўғрисидаги (14-моддалар);
7. Палаталар кенгашлари тўғрисидаги (16-моддалар);
8. Палаталар қўмиталарининг ишини ташкил этиш тўғрисидаги (19-моддалар);
9. Палаталар қўмиталарининг мажлислари тўғрисидаги (20-моддалар);
10. Палаталар қўмиталарнинг қарорлари тўғрисидаги (21-моддалар);
11. Палаталар комиссиялари тўғрисидаги (22-моддалар);
12. Қонунчилик палатаси ва Сенатни тарқатиб юбориш (34⁴⁰ ва 29⁴¹-моддалар);
13. Қонунчилик палатаси ва Сенат Регламенти тўғрисидаги (35 ва 30-моддалар);
14. Қонунчилик палатаси ва Сенат девони тўғрисидаги (36 ва 31-моддалар);
15. Қонунчилик палатаси ва Сенат фаолиятини молиявий таъминлаш тўғрисидаги (37 ва 32-моддалар);
16. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг матбуот органлари тўғрисидаги (38 ва 33-моддалар).

³⁹ Изох: бундан буён ҳам шу тартибда.

⁴⁰ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

⁴¹ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

Аслини олганда, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида 38 та моддадан фақат 17 таси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг моддаларига нисбатан мазмунан алоҳидаликка эга. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида бундай моддалар бор-йўғи 12 та бўлиб, бу ушбу Қонун моддалари умумий сонининг 36,4 фоизини ташкил этади. Шу тариқа, агар, умуман олганда, иккала қонун жами 71 та моддадага эга бўлса, улар битта қонунга бирлаштирилса, такрорланувчи нормалар истисно этилишини инобатга олганда, салкам 45 та модда бўлур эди.

Сенат фаолиятини тартибга солувчи кейинги ҳужжат «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидир. Қонун тўққизта бўлимдан иборат ва ўттиз тўртта моддани бирлаштиради.

Сенатга доир ҳуқуқий манбалар тизимида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни⁴² алоҳида ўрин тутди. Қонун учта бўлимдан иборат бўлиб, 65 та моддани қамраб олади. Сайловларни молиявий таъминлаш манбалари ва ушбу Қонунни бузганлик учун жавобгарлик учинчи бўлимда белгиланган.

Шу тариқа, Ўзбекистон Республикасида парламент ҳуқуқининг шаклланиш жараёни бормоқда. У ҳуқуқнинг умумий тизимидаги ўрни нуқтаи назаридан бир қатор объектив асосларга кўра конституциявий ҳуқуқнинг кичик тармоғи сифатида тавсифланади.

Сенатнинг ҳуқуқий асослари мазкур тизимда юқори палата парламент ҳуқуқий муносабатларининг асосий субъектлари жумласидан бўлганлиги боис ҳам, Сенатнинг ҳуқуқий майдонида парламент ҳуқуқи субъектларининг талай қисми тартибга солиниши сабабли ҳам энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Бундан ташқари, Сенат бажарадиган вазифаси, мутлақ ваколатларининг фаркланиб турадиган табиати, ишнинг ташкилий шакли ва шакллантирилиши тартиби жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Референдум яқунлари ва давлат жамияти ташкил этишнинг асосий принциплари”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга сайловлар тўғрисида”ги Конституциявий Қонунлар ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий

⁴² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. - 1994. - №1. - 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 1998. - №3. - 38-модда; 1999. - №9. 206-модда; 2000. - № 5-6, - 153-модда.

Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида” ги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида” ги Қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб турувчи манбалардир. Қонунчилик шаклланиши жараёни давом этаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисидаги бир қатор янги қонунлар такомиллаштирилиб, янги қонун лойиҳалари ишланиши бу табиий жараён бўлиб ҳисобланади.

**10–БОБ. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг конституциявий-
ҳуқуқий мақоми**

**1-§. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Конституциявий ҳуқуқий
мақоми**

2-§. Қонунчилик палатаси Спикери ва ўринбосарлари ваколатлари

3-§. Қўмита ва комиссияларни сайлаш тартиби ва ваколатлари

**4-§. Сиёсий партия фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг
Қонунчилик палатасидаги иштироки**

1-§. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Конституциявий

хукукий мақоми

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76- моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати - беш йил.

Иккинчи чақирқ Олий Мажлиснинг X сессияси (2002 йил 12 декабрь) «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонунларнинг қабул қилиниши билан икки палатали парламент шакллантиришнинг асосий хукукий асосларини яратиш жараёни муҳим аҳамият касб этди. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонунга биноан "Қонунчилик палатаси" Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи палатасидир. Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат. Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади». Мазкур қонунга асосан Қонунчилик палатасининг ваколат муддати беш йилга белгиланди.

Шунингдек, сайлов цензи ҳам демократик давлат мезонлари асосида амалга оширилди: "Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қонунчилик палатасининг депутати бўлиши мумкин. Айти бир шахс бир пайтнинг ўзида Қонунчилик палатаси ва Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмас..." (6-модда).

Қонунчилик палатасининг ваколатлари ҳам фуқаролик жамияти ва хукукий давлат барпо этган етук хорижий давлатлар тажрибаси асосида ифодаланди. "Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 8-моддасига биноан, Қонунчилик палатасининг Сенат билан биргаликдаги қуйидаги ваколатлари қуйидагича белгиланди. Шунингдек, шу Қонуннинг 9-моддасида Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари кўрсатилган. Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқилади.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тегишли таклиф киритилганидан кейин олти ой ичида унинг кенг муҳокамасини инобатга олган ҳолда

кўриб чиқиши мумкин. Агар Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилмаса, уни кўриб чиқиш бир йилдан кейин қайта бошланиши мумкин", деб белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг алоҳида-алоҳида қилиб белгиланган мутлақ ваколатлари Конституциянинг 79-80 моддаларида мустақамлаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов иккинчи чақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида таъкидлаганидек: "Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги ваколатларнинг тақсимланиши уларнинг мувозанатини таъминлайди. Ҳокимият тармоқларининг ҳар бирига Конституцияда белгилаб берилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил ҳолда амалга ошириш учун зарур шарт-шароит ва кафолатлар яратилади, қонунчилик ҳокимиятининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада ортади. Олий Мажлисининг ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат қилиш, хусусан Бош Вазир номзодини тасдиқлашдаги роли ва ваколатлари кучаяди. Президент ваколатларининг бир қисми, биринчи галда, давлат, суд тизими ва махсус хизматларнинг раҳбарларини, чет эллар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш масалалари янги ташкил этиладиган юқори палата – Сенатга ўтказилади¹.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлислари сессиялар даврида ўтказилади. Сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охиригача иш кунига қадар ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари, агар улар ишида барча депутатлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Конституциявий қонунларни қабул қилишда барча депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлисларида, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди раислари, Бош прокурори, Марказий банк бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

¹ "Халқ сўзи" газетасининг 2003 йил 25 апрелдаги сони.

Сенати ва унинг органлари мажлисларида Қонунчилик палатаси Спикери иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин".

Қонунчилик ташаббусига эга бўлган субъектлар сони қуйидагича ифодаланди: "Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади".

2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ Конституцияга киритилган тузатиш ва қўшимчалардан сўнг 84-моддага кўра: "Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилинган, юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак" деб белгиланди.

2-§. Қонунчилик палатаси Спикери ва ўринбосарлари ваколатлари

Қонунчилик палатаси ишини ташкил қилишнинг муҳим жиҳатларидан бири – бу депутатлар ўртасида вазифаларнинг тўғри тақсимланишидир. Одатга кўра, бошқа давлатларда ҳам вазифалар қуйи палата таркибидаги раҳбар шахслар ва девон ходимлари борлигини назарда тутган ҳолда тақсимланади. Палатанинг юқоридаги таркиби чет давлатлар тажрибасига хос бўлиб, унинг ишини унумли ташкил этишда раиснинг роли айниқса муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси Спикери:

Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

- Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларни маъқуллаш учун Сенатга юборади;

- Қонунчилик палатаси қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

- Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси хужжатларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

- Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

- парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

- Қонунчилик палатаси матбуот органларининг уставларини ва таҳрир ҳайъатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;

- Кенгаш билан келишилган ҳолда Қонунчилик палатаси матбуот органларининг бош муҳаррирларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади;

Қонунчилик палатаси матбуот органларининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

- Сенат, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш кўради;

- Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди;

- Қонунчилик палатаси девони фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, депутатлар ва Қонунчилик палатаси девони ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди ва ҳ.к.

Қонунчилик палатаси Спикери ўзининг ваколатига тааллуқли масалаларни Кенгаш муҳокамасига киритишга ҳақли. Қонунчилик палатаси Спикери ваколатларининг кенглиги унинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларини тўғри тақсимлашни тақозо қилади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси Спикерининг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва Қонунчилик палатаси Спикери йўқлигида ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариб туради деган қоида мустаҳкамланган. Умуман, қонунчилик палатаси, унинг органлари ва депутатларининг вазифаларни бажариш Қонунчилик палатаси девони ходимлари томонидан қатор тадбирларни амалга оширишини тақозо қилади.

3-§. Қўмита ва комиссияларни сайлаш тартиби ва ваколатлари

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига кўра Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

Миллий қонунчилигимизда бу вазифаларни амалга ошириш учун қўмиталар ташкил қилинса, бир қанча хорижий мамлакатларда (Япония, Франция, Италия) бу вазифалар комиссиялар томонидан амалга оширилади¹.

Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партия ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарор билан белгиланади.

“Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуни 7-моддасининг учинчи қисмига кўра Қонунчилик палатасида регламент; Бюджет, банк ва молия масалалари; Иқтисодий масалалар ва тадбиркорлик; Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари; Меҳнат ва ижтимоий масалалар; Мудофаа ва хавфсизлик масалалари; Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари тузилиши шарт. Қонунчилик палатасида бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкинлиги кўрсатилиб, уларнинг умумий сони, қоида тарихида, ўнтадан ошмаслиги кераклиги мустаҳкамланган.

Мазкур қоидага асосан Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Меҳнат ва ижтимоий масалалар, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар, Саноат, қурилиш, ва савдо масалалари, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари тузилган¹.

Ўз зиммасига юкланган вазифаларни самарали бажариши учун Ўзбекистон қонунчилигида қўмиталарга кенг ваколатлар берилган. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддасига кўра Қонунчилик палатаси қўмиталари:

¹ Конституции зарубежных государств. Учебное пособие. Москва: “Бек”, стр.50-55, 60-61.

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг қўмиталари тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 14-И-сонли қарори.

Ўз ташаббуси билан ёки Қонунчилик палатасининг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳамда ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан Қонунчилик палатаси бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади;

қонун лойиҳаларининг дастлабки тарзда кўриб чиқилишини ва уларни Қонунчилик палатасида кўриб чиқишга тайёрлашни амалга оширади;

қонунларнинг лойиҳалари юзасидан хулосалар беради, қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг мажлиси кун тартибига киритиш, унинг устида ишлашни давом эттириш ёки асослангирилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар беради;

Қонунчилик палатасининг топшириғига ёки палата Кенгашининг тавсиясига биноан муайян қонун лойиҳаси ёки палата ваколатларига кирадиган бошқа масала юзасидан масъул бўлади;

киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузади, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакилларини, мутахассислар ва олимларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этади;

қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари вакилларининг улар томонидан киритилган қонун лойиҳасига тааллуқли масалалар юзасидан фикрларини эшитади;

киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

Ўзбекистонда қонун матни кўриб чиқиш учун қўмитага берилганидан сўнг, у ўз таркибидан маърузачини тайинлайди. Маърузачи ушбу қонуннинг моҳиятини кўриб чиқувчи қўмита мажлисида маслаҳат овози билан қатнашиши ва қўмита томонидан киритилган тузатишларни ҳимоя қилиши мумкин. Тайинланиши биланоқ маърузачи матн устида ишлашни бошлайди. Унга палата девонининг ходимлари салмоқли ёрдам кўрсатади. У матн муаллифлари, шунингдек, лозим деб топган бошқа мансабдор ва жисмоний шахсларни эшитади. Булар давлат мансабдор шахслари, хусусий сектор, касаба ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари бўлишлари мумкин. Зарур бўлган барча

ахборотларни тўплаб, қонун матнининг ҳар бир моддасини таҳлил қилиб, маърузачи ўз фикрини тақдим қилади, шундан кейин масала қўмига кун тартибига қўйилади.

Умумий муҳокамани бошлашдан олдин, одатда, қўмига мажлисида манфаатдор шахс ўз фикрини баён қилади ва депутатлар саволларига жавоб беради. Кейин маърузачининг нутқи ҳар бир аъзо ўз фикрини баён қилиши мумкин бўлган умумий муҳокамани очиб беради. Муҳокамадан сўнг доимий қўмига матнни модда-модда ўрганишга ўтади. У маърузачи ва доимий комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан билдирилган таклифлар бўйича қарор қабул қилади. Якунида матн овозга қўйилади ва қўмига қарори қабул

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин. Комиссиялар таркиби асосан Қонунчилик палатаси мажлисида Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тузилади. Комиссияни тузишда биринчи навбатда комиссия олдида турган вазифа ва ваколатлар белгиланиб олинади. Комиссия ўз фаолияти зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан кейин ёки Қонунчилик палатасининг қарорига биноан муддатидан олдин тугатилади. Комиссиялар тузиш тартиби, фаолиятининг асосий йўналишлари, Қонунчилик палатаси Регламентида белгилаб қўйилади.

4-§. Сиёсий партия фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг Қонунчилик палатасидаги иштироки

Ҳар қандай давлат органи, биринчи навбатда парламент фаолиятининг замирида халқнинг хоҳиш-иродаси ётиши лозим. Илғор демократияларда бунга, авваламбор, парламент сайловининг асосий субъектлари – сиёсий партиялар ёрдамида эришилади. Сиёсий партиялар жамиятдаги турли ижтимоий-сиёсий кучларнинг жамоатчилик фикрини шакллантирадилар ва ифода этадилар.

Сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловчиларнинг энг кўп овозини олди, бу партиядан депутатларнинг 34,3% сайланди, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан депутатларнинг 23,3% сайланди. Шунингдек, Фидокорлар партиясининг 11 аъзоси, "Адолат" партиясининг 10 аъзоси сайланди. Ташаббускор гуруҳлардан кўрсатилган 56 номзоддан 14 киши депутатликка сайланди, Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар орасидан улар 11,6 фоизни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, икки палатали парламент тизимида фақат Қонунчилик палатасигина сиёсийлашган хусусиятга эга бўлгани боис, депутатлар бирлашмалари-фракция ва депутатлар гуруҳлари айнан мазкур палатада тузилади.

“Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасига кўра, Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин.

Демак, мамлакатимиз парламенти фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ, депутатлар бирлашмаларининг икки шакли-фракциялар ва депутатлар гуруҳлари мавжуд.

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партиа манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир. Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар тузиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, Қонунчилик палатасининг камида 9 нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга. Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин. Лекин, бундан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳар бири фракция ёки депутатлар гуруҳи аъзоси бўлиши керак, деб хулоса қилиш керак эмас. Бинобарин, сайланган депутат ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳам ҳақли.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасига биноан Қонунчилик палатасида бугунги кунга қадар бешта сиёсий партиа фракциялари тузилди. Булар Ўзбекистон Либерал-демократик партияси – 40 кишидан иборат, Ўзбекистон Халқ демократик партияси – 27 кишидан иборат, Фидокорлар миллий-демократик партияси – 18 кишидан иборат, Миллий тикланиш партияси – 11 кишидан иборат, "Адолат" социал демократик партияси – 10 кишидан иборат фракцияларидир.

Қонунчилигимизнинг эътиборга лойиқ жиҳатларидан яна бири шуки, Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳларининг ваколатлари доираси сиёсий партиалар фарқиялари ваколатлари доирасига тенглаштирилди. Айни чоғда, уларнинг фракциялар билан бир қаторда ва улар билан тенг равишда иш юрита олишининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Булар, хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик

палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 25-моддасида муфассал ифодасини топди. Унга кўра, фракция ва депутатлар гуруҳи:

1) Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади;

2) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланади;

3) келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисида масала қўяди;

4) Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этади;

5) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида тарқатади;

6) палатанинг Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари ишида иштирок этади;

7) Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритади;

8) ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиш тўғрисида масала қўяди;

9) фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олади;

10) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партияга ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарори билан белгиланади. Убшу қоидага асосан Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси - Меҳнат ва ижтимоий масалалар, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталари; Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси – Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Саноат, қурилиш, ва савдо масалалари қўмиталари; Фидокорлар миллий-демократик партияси - Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари, “Миллий тикланиш” партияси фракцияси – Ахборот ва

коммуникация технологиялари масалалари, “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси – Бюджет ва иқтисодий ислохотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари учун – Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари раислари лавозими тақсимланди¹.

Парламент ишчи органларини шакллантириш ва таркибини белгилашда партиялар иштирокини таъминлаш уларнинг фаолиятини ташкил этишда муҳим ўрин тутди. Мисол учун, Франция қуйи палатаси регламенти билан доимий комиссиялар аъзоларининг сони турлича белгиланган. Маданият, оила ва ижтимоий муаммолар ҳамда ишлаб чиқариш ва айирбошлаш бўйича комиссияларда Миллий Мажлис таркибининг тўртдан бири, яъни 145 та депутат, қолган тўрттасида эса унинг саккиздан бир қисми фаолият юритиши мумкин.

Одатда, уларнинг таркибини сиёсий партиялар белгилаб, парламентдаги аъзоларининг тўртдан бирини иккита комиссияга, қолганларини бошқа комиссияларга тенг тақсимлашади. Яъни, парламент сиёсий партиялар гуруҳларининг раҳбарлари қуйи палата раисига ўз номзодларини тақдим қилишади. Депутатларнинг исми-шарифлари «Journal Officiel»да нашр қилиниши билан улар тайинланган деб ҳисобланади. Ушбу қоида ҳар бир сиёсий партия, яъни турли ижтимоий табақалар манфаатларини рўёбга чиқариш учун қулай шароит яратади. Бундай йўл билан шаклланган комиссияларда иш жадал олиб борилади.

Шунингдек, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибини тузишда иштирок этиш;

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига кафолатланган сўз берилиши;

тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикерига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, вазирларга, шунингдек бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўров билан мурожаат этиш;

Қонунчилик палатасининг қўмиталари ва комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш;

Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилинаётган масала бўйича фракция фикрини депутатлар орасида тарқатиш;

Қонунчилик палатаси депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг қўмиталари тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 14-И-сонли қарори.

Сиёсий партия фракциясининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши таркибига киради.

Фракцияларнинг фаолиятига ташкилий, техникавий жиҳатдан ва бошқа хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг девони томонидан таъминланади. Фракция ва депутатлар гуруҳи ўз ташаббуси билан, Қонунчилик палатасининг ваколат муддати тугаганда, улар таркибига кирувчи депутатлар сони уларни тузиш учун зарур бўлган миқдор чегарасидан камайиб кетганда тугатилиши мумкин.

11- БОБ. Олий Мажлис Сенатининг конституциявий – ҳуқуқий мақоми

1-§. Олий Мажлис Сенатининг ҳуқуқий асослари. Олий Мажлис Сенати - янги ҳуқуқий институт сифатида

2-§. Олий Мажлис Сенати ваколатлари ва ташкилий шакллари. Сенат раиси ва ўринбосарлари ваколатлари

3-§. Сенат Кенгаши иш тартиби. Сенат қўмита ва комиссияларни сайлаш тартиби ва ваколатлари

4-§. Олий Мажлис Сенатининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатлари. Олий Мажлис Сенатини тарқатиб юбориш тартиби. Олий Мажлис Сенати девони ва матбуот органлари фаолияти

1-§. Олий Мажлис Сенатининг ҳуқуқий асослари. Олий Мажлис Сенати - янги ҳуқуқий институт сифатида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҳуқуқий асослари албатта биринчи навбатда асосий қонунимиз Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида акс эттирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига асосан тузатиш ва қўшимчалар киритилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддаси Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари мисолида палата раҳбариятини шакллантириш тартибини, Раиснинг ваколатларини белгилаб беради. Сенатнинг муҳокамага киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига сенаторлар орасидан қўмиталарни сайлашини (шакллантиришни) тартибга солади. Сенат зарур ҳолларда муайян вазифаларни бажариш учун сенаторлар орасидан комиссиялар ҳам тузиши мумкин.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни бу тузилмага яна бир Кенгаш каби органни илова қилади ва Сенат қўмиталарининг ваколатларини янада аниқлаштиради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Регламенти тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенатининг Регламенти билан тартибга солинган.

2-§. Олий Мажлис Сенати ваколатлари ва ташкилий шакллари. Сенат раиси ва ўринбосарлари ваколатлари

Юқори палаталар фаолиятининг жаҳон тажрибаси палаталар фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида тузилган асосий ва қўшимча органларнинг турли кўринишларини намойиш этади. Ушбу муносабат билан айрим россиялик олимларнинг

парламентлар олдида турган вазифалар уларни ўз функцияларини амалга оширишга доимий кўмаклашувчи махсус ҳайъатий органлар ва муассасаларни тузишга, шунингдек, палаталар аъзолари орасидан махсус мансабдор шахсларни тайинлашга (сайлашга) мажбур этиши ҳақидаги хулосаларига қўшилмай бўлмайди. Ушбу органлар ва муассасалар ўзларининг вазифалари, ваколатлари, шакллантирилиши ва фаолият тартиби, жавобгарлик принципларига кўра ниҳоятда хилма-хилдир. Аксарият ҳолларда улар Конституциявий мақомга эгадирлар ва уларнинг конституциялашув анъаналари тобора кенг қамров касб этаяпти.⁴³

Турли мамлакатлар парламентларига назорат функцияларини амалга оширишга кўмаклашувчи органлар орасида аввало Вакиллар институти ҳамда ҳисоб палатасини тилга олиб ўтиш лозим бўлади (у турли мамлакатларда ҳамма вақт ҳам парламентга боғлиқ бўлавермаган ҳолда турлича номланиш ва мақомга эга).

Ҳисоб палатаси ҳақида гап кетганда унинг «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 июндаги Фармони⁴⁴га мувофиқ баҳо беришда мустақил ва ҳолис бўлган орган ҳисобланиб. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси, давлат активлари ва пасивларининг ҳолати ҳамда ҳаракати, қимматбаҳо металлар ва тошлар билан операциялар амалга оширилиши, олтин-валюта захираларини бошқариш, хорижий капитални республика иқтисодиётига жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш. Давлатнинг ташқи қарзи ўз вақтида қайтарилиши доимий мониторинги ва назоратини таъминлаш мақсадида ташкил қилинганлигини таъкидлаш жоиздир⁴⁵. («Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисидаги низом»нинг 4 банди.)

Ҳисоб палатаси гарчи тузилиши жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қисми ҳисобланмасида, Фармонга биноан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига ҳисоботлилиги белгилаб қўйилган ва қонун Конституциянинг янги қоидаларига мувофиқ Парламент палаталарига Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш ваколатини беради (78-модда. 17-банди).

Россия Конституциясида Ҳисоб палатасини эслатиш орқали амалда Федерал Мажлисининг назорат фаолиятига ягона конституциявий таъриф берилади. Хусусан, Россия Асосий Қонунининг 101-моддаси бешинчи қисмига кўра «Федерация Кенгаши ва Давлат Думаси Федерал бюджетнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун

⁴³ Қаранг: Конституионное (государственное; право зарубежных стран В 4-х тома Т 2 -Масъул муҳаррир Б.А.Страшун. - БЕК нашриёти. М. 1995. С. 240

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002 йил Лаб - 7. 14-бет

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002 йил. Х°6 - 7. 14-бет

Ҳисоб палатаси тузатилар».⁴⁶ Россия Федерациясининг Ҳисоб палатаси олти йилга тайинланадиган раис, унинг ўринбосарлари ва ўн икки аудитордан иборат таркибда бўлади. Палата раиси ва аудиторларнинг ярмини Давлат Думаси 105 тайинлайди, Раис ўринбосари ва аудиторларнинг қолган ярми Федерация Кенгаши томонидан тайинланади.⁴⁷

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига биноан Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очадиган ва Сенат Раиси сайлангунга қадар унга раислик қиладиган биринчи мажлисида муваққат котибият ва санок комиссияси сайланади. Кейин электрон тизимдан фойдаланиш устидан муваққат назорат қилиш гуруҳи сайланади ва Сенат Раиси ҳамда унинг ўринбосарларини сайлаш маросимига киришилади.

Сенат Раислигига ва унинг ўринбосарлигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан сенаторлар орасидан кўрсатилади .

Номзод, агар у яширин овоз бериш натижасида сенаторлар умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган бўлса Сенат Раиси ёки унинг ўринбосари этиб сайланган ҳисобланади. Сенат Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикаси Вакили бўлиши лозим.

Сенат Раиси ўз лавозимидан яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан унинг ўринбосарлари эса яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорига биноан муддатидан олдин озод этнлиш мумкин. Сенат Раиси ёки унинг ўринбосарларини лавозимидан муддатидан олдин озод этиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига ёки сенаторлар умумий сонининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан Сенат томонидан кўриб чиқилади.

Жаҳон тажрибасида юқори палата раҳбариятини шакллантиришнинг турли усул ва шакллари борлигини таъкидлаш лозим. Баъзан палаталарда (асосан юқори палатада) раисликни палата аъзолари томонидан сайланган унинг аъзолари эмас, лавозимига кўра бошқа шахслар олиб борадилар. Масалан, АҚШ Конституциясининг II моддаси 3-бўлими тўртинчи қисмига кўра Қўшма штатлар вице-президенти Сенат бошқаради, бироқ сенаторлар овози тенг тақсимланмаган бўлса, у овоз бериши керак эмас. Конституциянинг бешинчи қисми «Сенат вице-президент иштирок этмаётган ёки Қўшма штатлар

⁴⁶ Парламентское право России. (под. ред. И.М.Степанова.. Т.Я. Харбиевой В 4-х томах - М Юрист -2000- С182.

⁴⁷ Парламентское право России. (под. ред. И.М.Степанова.. Т.Я. Харбиевой. В 4-х томах.- М: Юрист -2000- С.201.

Президенти вазифасини бажараётган ҳоллардагина рго Ietpoge (вақтинчалик) Президентни сайлайди» дея назарда тутган. Ҳиндистон ва бошқа бир қатор мамлакатларда ҳам юқори палатани вице-президентлар ўз лавозимига кўра бошқарадилар⁴⁸.

Франция, Италия, Испания, Польша ёки Японияда юқори палата раиси палатанинг ўзи томонидан сайланади.

Масалан, Франция Миллий мажлиси раиси мажлиснинг ваколат муддатигача сайланиб, партия ёки кўпчилик иттифоқи манфаатларини ифода этса, Сенат Раиси палата қисман янгиланадиган ҳар йилда бир марта қайта сайланади. Қайта сайловлар тез-тез ўтказилганлигига қарамасдан, Сенат раиси жуда кам - ўртача 15 йилда бир марта ўзгаради. Мазкур мансабдор шахс алоҳида конституциявий ваколатлар эгасидир. Франция президенти ўзидан ваколатларини муддатидан илгари соқит этганида айнан давлат бошлиғи унинг ўрнини эгаллайди. Юқори палата раисига бундай ваколат унинг доимий равишда ҳаракат кўрсатганлиги учун берилган.⁴⁹

Италияда Сенат Раиси депутатлар томонидан палата раиси сингари депутатлар овозларининг учдан икки қисми кўпчилиги билан сайланади (учинчи бор овоз беришдан бошлаб оддий кўпчилик овозлар етарли). Палаталар раисларининг сайланиш тартиби ва ваколатлари орасида умумийлик кўп - бўлса-да, айрим тафовутлар ҳам мавжуд. Сенатнинг биринчи мажлисида ёши бўйича энг катта депутат раислик этади, раисни сайлаш бўйича овоз бериш эса бир турда ўтказилади, сайланиш учун мутлақ кўпчилик овоз олиш зарур. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда ёш жиҳатидан катта депутат имтиёзга эга бўлади. Палаталар ҳаётида Сенат раисининг ваколатлари доираси Вакиллар палатасининг раисиникига караганда бир мунча тор. Бироқ Сенат раисига палаталар ишини тартибга солиб бориш вазифасидан ташқари қандайдир сабабларга кўра Республика Президенти ўз вазифасини бажарипш мумкин бўлмаган ҳолда унинг мажбуриятларини адо этиш ҳам юклатилади.

Қозоғистон Конституциясининг 58-моддасига мувофиқ Сенатга Сенат аъзолари орасидан яширин овоз бериш орқали умумий кўпчилик овоз билан сайланадиган. давлат тилида эркин гаплаша оладиган раис бошчилик қилади. Сенат раиси лавозимига номзод Президент томонидан тақдим қилинади.⁵⁰

⁴⁸ Қаранг: Конституионное (государственное) право зарубежных стран. - В 4-х то.мах - Т. 1. - Отв.ре; Б.А. Страшун. - М: Издательство БЕК. 1993. - С.144-145.

⁴⁹ Қаранг. С.В.Пронкин. О.Е.Петрунина. Государственное управление зарубежных стран - М' Аспект Пресс. 2001.-С.241.Шбс).

⁵⁰ М.Гасанов.Сравнительный анализ законодательства зарубежных государств по отдельным вопросам связанным с формированием и деятельностью парламента. // Сборник информационно-аналитических материалов проекта «Содействие развитию

Халқаро тажрибадан парламент қонунчилик, молия, ташқи сиёсат, ижро, маъмурий (баъзи ижро органлари мансабдор шахсларини тайинлаш, ижро органлари устидан назорат ва ҳ.к.), суд (баъзи судьяларни сайлаш ва ҳ.к.), конституцияни қабул қилиш ва унга ўзгартишлар киритиш ваколатларига эгаллигини аён бўлади.⁵¹

Конституция ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонунида Қонунчилик палатасининг ваколатлари икки турга ажратилади. Булар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ҳамда Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатларидир.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг X сессиясида (2002 йил 12 декабрь) «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунларнинг қабул қилиниши билан икки палатали парламент шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасида Қонунчилик палатасининг Сенат билан биргаликдаги ваколатлари қуйидагича белгиланди:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;
- 5) Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;
- 7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;
- 8) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;

процесса демократизации в Узбекистане» программ! ЕвропаЭЙД Комиссии Европейского Союза в Олий Мажливе. - Ташкент, 2003. - С.88

⁵¹ Қаранг: Дюверже М. Политическое право. М., 1957. С. 207.

9) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

10) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;

11) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;

21) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқилади.

Сенатнинг мутлақ ваколатлар жумласига, биринчидан, Сенатнинг ички ишини ташкил этиш (масалан, Раисни, унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш; палата фаолиятини ташкил этиш ва ички тартиб қоидалари), Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини, Ўзбекистон Республикаси Олий судини, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини

тасдиқлайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Сенат Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.

Ўзбекистон Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлашни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этишни киритиш мумкин. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги хужжатларни қабул қилиш Сенатга берилган янги парламент ваколати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раисини ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлаш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президентининг такдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш;

10) Ўзбекистон Республикаси Президентининг такдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг такдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш;

13) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

14) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

Ваколат муддати тугагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тегишинча янги чақириқ Қонунчилик палатаси ва Сенати иш бошлагунига қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлислари тегишинча Қонунчилик палатасига сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай ва Сенат таркиб топганидан кейин бир ойдан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлислари сессиялар даврида ўтказилади. Сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охиригача иш кунига қадар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сената мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари, агар улар ишида барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Конституциявий қонунларни қабул қилишда барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик Суди раислари, Бош прокурори, Марказий банки бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон, Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва унинг органлари мажлисларида Қонунчилик палатаси Спикери иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати алоҳида-алоҳида мажлис ўтказдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

3-§. Сенат Кенгаши иш тартиби. Сенат қўмита ва комиссияларни сайлаш тартиби ва ваколатлари

Сенат қўмиталари ва комиссиялари конституциявий мақомга эга. Бунда қўмиталар амалда Сенатнинг доимий фаолият юритувчи таркибий бирлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонуни билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги тахриридаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 87-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ қўмиталарга икки асосий вазифа юклатилган.

Биринчиси - Сенатга киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш. Иккинчиси - Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиб бориш.

Қўмиталар раис, унинг ўринбосарлари ва қўмита аъзоларидан иборат таркибда сенаторлар орасидан палатанинг ваколатлари муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида регламент бўйича, бюджет ва ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича, ташкилий-маъмурий масалалар бўйича, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича, муҳофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича, ташқи сиёсий масалалар бўйича қўмиталар албатта тузилади.

Масалан, Японияда Парламент тўғрисидаги қонунга биноан (42-модда, 3-қисм) Маслаҳатчилар Палатасида (юқори палатада) қуйидаги доимий комиссиялар - адлия

масалалари бўйича, ташқи сиёсат бўйича. давлат молияси, таълими, Вазирлар Маҳкамаси ишлари бўйича, маҳаллий маъмурликлар, ижтимоий муаммолар бўйича, меҳнат масалалари бўйича, қишлоқ, ўрмон ва сув хўжалиги бўйича, савдо ва саноат бўйича, алоқа, транспорт, қурилиш бўйича. шунингдек, бюджет, тафтиш, интизомий ва парламент ички ишларини ташкил этиш бўйича доимий комиссиялар мавжуд".

Франция Сенатида ҳар уч йилда қуйидаги доимий комиссиялар: маданият ишлари бўйича; иқтисод ва режа; ижтимоий масалалар бўйича; ташқи ишлар, муҳофаа ва қуроли кучлар бўйича; молия, бюджет назорати ва миллий иқтисодий ҳисоблар назорати бўйича; конституциявий қонунлар, қонун ҳужжатлари, умумхалқ сайловлари, регламент ва умумий бошқарув бўйича доимий комиссиялар тузилади. А.Д.Керимов Францияда 130 кўпчиликнинг фикрича, «француз парламенти ўзининг қонунчилик ва назорат фаолияти жараёнида дуч келадиган масалаларнинг турли-туманлиги ва бундан ташқари энг асосийси комиссияларнинг ишлар билан турли даражадаги бандлиги туфайли, Францияда кўпчиликнинг ҳисоблашича, доимий комиссияларнинг сонини ошириш зарурати тақозо қилинмоқда. Бироқ буни амалга ошириш ҳам осон кечмайди. Чунки бунинг учун Конституцияга ўзгартиришлар киритиш зарур - Франция Асосий Қонунининг 43-моддаси (2-хатбоши) парламент ҳар бир палатасида доимий комиссияларнинг сонини олтидан иборат қилиб чекланишини қўзғатади»⁵² деб таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тузилиши шартлиги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган қўмиталардан ташқари бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкинлигига йўл қўяди.

Олий Мажлис Сенатининг қўмиталарини (Сенат қўмитаси раиси, унинг ўринбосарлари ва қўмита аъзоларини) шакллантириш тартиби ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Қонунчилик Палатасининг қўмиталаридан («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ депутатлар бирлашмалари раҳбарлари ўзаро келишган ҳолда ва яхлит (умумий) қарори асосида шакллантирилади) фарқли ҳолда Сенат қўмиталарининг таркиби Сенат Раисининг тақдимига биноан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

⁵² А.Д.Керимов. Постоянные комиссии и комитеты в зарубежных парламентах Аналитический вестник. Современные проблемы государственного строительства. 2001. №20 (151). С.32-33.

Ўзбекистондаги парламент ислохотлари давомида палаталар кўмиталарининг роли янада кучайтирилди

Қонунчилик палатасидан юбориладиган қонунларни кўриб чиқиш Сенат кўмиталари фаолиятидаги муҳим жиҳатлардандир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 18-моддасига мувофиқ ушбу кўмиталар Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун топширилган қонунлар юзасидан хулосалар беради (1-банд); қонунни мажлис кун тартибига киритиш ёки унинг устида ишлашни давом эттириш ёхуд асослантилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритади (3-банд); Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузади. уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотларининг. илмий муассасаларнинг Вакилларини, мутахассислар ва олимларни. хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этади (6-банд): киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек Сенат томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди (7-банд).

Кўмиталар томонидан қонунларни кўриб чиқиш тартиби ҳам ўзига хосдир. юқори палатага келиб тушган қонун Сенат Раиси томонидан кўмиталарга ўтказилади. Шу тарзда ушбу кўмита мазкур қонунни кўриб чиқиш ҳамда унинг юзасидан хулоса тайёрлаш учун масъулдир. Хулосада қонунни маъқуллаш ёки рад этак тўғрисидаги тавсия ифодаланган баҳо бўлиши керак. Қонунни рад этиш зарурлиги тўғрисидаги хулосада масъул кўмитанинг қонунни рад этиш зарур деб ҳисоблашининг вазлари баён этилиши лозим. Масъул кўмитанинг хулосаси Сенат Кенгашига тақдим этилиб, Кенгаш қонунни Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш-киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилади (11-модданинг иккинчи қисми). Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан рад этилган хулосани қайта кўриб чиқишда ҳам амалда худди шундай тартиб назарда тутилади.

Кўмиталар томонидан ўзининг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан ўз ташаббуси билан ва Сенатнинг топшириғига биноан Сенат ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ваколатларини амалга ошириш («Ўзбекистон Республикасининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 18-моддаси 2-банд) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар бериш (4-банд) фаолиятнинг кейинги йўналишидир.

Кўмиталар ўзларига берилган ваколатлар асосида Сенат ва Қонунчилик палатасининг биргаликдаги тасарруфидаги масалаларга тааллуқли хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш вазифасини ҳам бажариши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иши «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 19-моддасига мувофиқ Сенат кўмиталари иш режасига, шунингдек Сенат, унинг Раиси ва Кенгаш топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этилади. Сенат кўмиталари фаолиятининг аниқ тартиби, Қонунга мувофиқ Сенат Регламенти билан белгиланади. Юқорида тилга олинган Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ Сенат кўмиталарининг мажлислари Сенат мажлислари оралиғида заруратта қараб очиқ ўтказилади. Эҳтиёж туғилганида Сенат кўмиталари ёпиқ мажлис ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиши ҳам мумкин. Кўмиталарнинг мажлисларига давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телекўрсатув, радио эшиттириш ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин. Кўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлган тақдирда, Сенат кўмиталарининг мажлислари ваколатли ҳисобланади.

Сенатда кўмиталар билан бир қаторда комиссиялар ҳам тузилиши мумкинлигини таъкидлаш лозим.

Кўмиталардан фарқли равишда комиссиялар махсус ва албатта вақтинчалик давр учун тузилади. Чунки, янги қонун хужжатларида уларнинг муайян вазифаларни бажариш учунгина тузилишини назарда тутилган. Комиссиялар палата томонидан унинг мажлисларида тузилиб, зиммасига юклатилган вазифалар бажарилгандан кейин ўз фаолиятини тугатади. Комиссиялар агар Сенат уларни тугатиш ҳақида қарор қабул қилган ҳолларда ҳам ўз фаолиятини тугатиши мумкин (22-модда).

Деярли барча икки палатали парламентларга асосий вазифаси палаталарнинг қонун лойиҳалари бўйича қарорларни муросага келтириш (консенсус)да фойдаланиладиган келишув комиссиялари тузиш ҳосдир. Худди шу сингари, Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан юқори ва қуйи палата юзага келган келишмовчиликни бартараф этиш учун Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни 25-моддаси биринчи қисми). Келишув комиссиясини тузиш тўғрисидаги ташаббус Сенат Раисидан ёки Сенат аъзолари умумий сонининг камида бешдан бир қисмини ташкил этувчи сенаторлардан чиқиши мумки. Ушбу комиссия унинг таркибига номзодлар юзасидан

Сенат Раиси ва Қонунчилик палатасининг Спикери томонидан ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш орқали шакллантирилади (12-модда учинчи қисми). Келишув комиссиясининг Сенатдан кўрсатилган таркиби унинг мажлисида, Сенат мажлислари оралиғидаги даврда эса унинг Кенгаши томонидан тасдиқланади (12-модда тўртинчи қисми). Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссиянинг ҳамраисларини сайлайди.

Сенат қўмиталарининг қонунларни куриб чиқиш ва хулоса бериш бўйича ваколатларини алоҳида ажратиб кўрсатган ҳолда ушбу қўмиталар етарли равишда масъул ваколатларга эга эканлигига яна бир марта урғу бериш лозим.

Сенат қонунларни ишлаб чиқишда бевосита қатнашмаслигига қарамасдан, кўрсатиб ўтилган ваколатларнинг ўзиёқ унинг қўмиталари ва уларда иштирок этаётган сенаторларнинг юксак касбий маҳоратини тақозо қилади ва уларнинг палата олдида ниҳоятда масъуллиги тасдиқлайди. Чунки, айнан Сенат қўмиталари қонуннинг минтақалар манфаатига мослигидан ташқари миллий манфаатларга уйғунлигини ҳам амалда белгилаб беради.

4-§. Олий Мажлис Сенатининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатлари. Олий Мажлис Сенатини тарқатиб юбориш тартиби. Олий Мажлис Сенати девони ва матбуот органлари фаолияти

Вакиллик органи – парламентнинг табиатига назорат фаолияти хос. Назорат ваколатларини амалга ошириш шакллари ва усуллари жуда ранг-баранг. Турли мамлакатларда мазкур шакллар ва тартиб-қоидалардан бошқарув шакли, парламент конституциявий мақоми-нинг хусусиятлари ҳамда бошқа омиллардан келиб чиқиб фойдаланилади. Парламент назорати парламент (унинг палаталари), қўмиталар ва комиссиялар, парламентнинг бошқа органлари ҳамда депутатлар томонидан амалга оширилади.

Парламент, унинг палаталари турли давлат органларини шакл-лантириш, мансабдор шахсларни тайинлашда иштирок этиш билан бирга кадрлар сиёсати соҳасида назоратни ҳам амалга оширади.

Авваламбор, парламент *ҳукуматни тузишда* иштирок этиши мумкин. Аммо парламентнинг бу соҳадаги ваколатлари турли мамлакатларда ҳар хил.

Баъзи бир мамлакатларда ҳукуматни тузиш парламент сайловларидан (парламентда қайси партия ёки партиялар иттифоқи кўп ўрин эгаллаганидан) келиб чиқиб амалга

оширилади. Тузилган ҳукумат ўз дастури билан бирга парламент томонидан (икки палатали парламентларда – одатда қуйи палата томонидан, баъзан – иккала палата томонидан) қўллаб - қувватланиши лозим. Масалан, Италияда ҳукуматни президент иккала палатанинг раислари ва парламент гуруҳ - ларининг раҳбарлари билан бамаслаҳат тайинлайди. Шундан сўнг ҳукуматга парламентнинг иккала палатаси ҳам ишонч билдириши лозим: ҳар бир палата номма-ном овозга қўйиш орқали ҳукуматга ишонч билдириш ёки ёки ишонч билдиришни рад этиш тўғрисида асослангилган резолюция қабул қилади⁵³.

Бошқа мамлакатларда ҳукумат парламентдан ташқарида тузилади: давлат бошлиғи (президент) ҳукуматни ўзи, парламент иштирокисиз тузади (масалан, Колумбияда). Шу билан бирга, ҳукуматни парламентдан ташқарида тузиш усули баъзи бир мамлакатларда мазкур жараёнда парламент (унинг палаталари) иштирокини назарда тутди. Масалан, АҚШда президент ўз кабинети аъзоларини сенат билан бамаслаҳат ҳамда унинг розилиги билан тайинлайди. Россияда парламентнинг қуйи палатаси (Давлат Думаси) президент ҳукумат раисини тайинлашига розилик беради (бунда тақдим этилган номзодлар уч марта рад этилган тақдирда – уччала марта ҳам айна бир номзод тақдим этилиши мумкин – президент ҳукумат раисини тайинлайди, палатани тарқатиб юборади ва янги сайлов тайинлайди). Мазкур қоида РФ Конституциясининг 111-моддасида назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги (олдинги таҳрирдаги) Конституцияси 98-моддасига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади. Конституциянинг 89-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига 2003 йил 24 апрелда киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар мазкур масалани бир қадар бошқача ҳал қилади. 98-моддага мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг таркиби республика Президенти томонидан шакллантирилади. Бош вазир номзоди парламентнинг иккала палатаси томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимида биноан республика Президенти томонидан тасдиқланади. Палаталар тўғрисидаги Конституциявий қонунларда ҳам улар Президент тақдимида биноан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари номзодларини кўриб чиқишлари ва тасдиқлашлари белгиланган.

Президент Конституциянинг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига

⁵³ Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Т. 3. Особенная часть, с. 312.

кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини бекор қилишга ҳақли. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Президент ва парламент олдида жавобгардир. У янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Қоида тариқасида, *парламентлар бошқа давлат органларини шакллантиришда ҳам иштирок этади.*

Масалан, Польша парламентининг иккала палатаси давлат органларини шакллантиришда иштирок этади (аммо уларнинг мазкур жараёнда иштирок этиш ва унга реал таъсир кўрсатиш даражаси бир хил эмас). Чунончи, Назорат юқори палатасининг раисини тайинлашда Польша Сейми номзод бўйича қарорни Сенатнинг розилиги билан қабул қилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилни тайинлаш масаласи ҳам шу тарзда ҳал қилинади. Польша радиоэшиттиришлар ва телевидение кенгашининг аъзолари ҳам, пул сиёсати кенгашининг аъзолари сингари, тенглик асосида Сейм, Сенат ва республика Президенти томонидан тайинланади. Польша суд кенгаши таркибида тўрт аъзо Сейм томонидан депутатлар орасидан, икки аъзо – Сенат томонидан сенаторлар орасидан сайланади⁵⁴. РФ Конституциясига мувофиқ, палаталар қуйидаги давлат органларини шакллантиришда иштирок этади. Давлат Думаси (қуйи палата): а) Россия Президентининг тақдимига биноан Россия Марказий банкининг раисини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади; б) Ҳисоб палатаси раисини ва унинг аудиторлари таркибининг ярмини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади; в) Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилни тайинлайди ва лавозимидан озод қилади; г) Марказий сайлов комиссияси таркибининг учдан бир қисмини тайинлайди. Бундан ташқари, Президент иккала палатанинг тегишли кўмиталари ёки комиссиялари билан бамаслаҳат Россиянинг чет давлатлардаги ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларини тайинлайди ҳамда чақириб олади. Федерация Кенгаши (Россия парламенти юқори палатаси)нинг ваколатларига қуйи-дагилар киради: а) Россия олий федерал судларининг судьяларини тайинлаш; б) Бош прокурорни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш; в) Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосарини ва унинг аудиторлари таркибининг ярмини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш; г) Марказий сайлов комиссияси таркибининг учдан бир қисмини тайинлаш. Федерация Кенгаши Россия Президенти сайловини ҳам тайинлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги (олдинги ва янги тахрирдаги) Конституциясида парламентга давлат органларини шакллантириш соҳасида анча кенг ваколатлар берилган. Шу нарса диққатга сазоворки, Ўзбекистон Республикаси

⁵⁴ Қаранг: Институты конституционного права иностранных государств, с. 185.

Конституциясида давлат органларини тузиш, мансабдор шахсларни тайинлаш билан боғлиқ қуйидаги масалалар парламент палаталарининг биргаликдаги ваколатларига киритилган:

а) Президентнинг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

б) Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

в) Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ва унинг ўринбосарини сайлаш. Шунинг ҳам қайд этиб ўтиш керакки, ўта муҳим масала – республиканинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари тизими ва ваколатларини белгилаш масаласи палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига киритилган.

Давлат органларини тузишда Сенат, айниқса, катта роль ўйнайди. Унинг мутлақ ваколатларига қуйидагилар киради:

а) Президент тақдимига биноан республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик судини сай-лаш;

б) Президент тақдимига биноан республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш;

в) Президентнинг Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини, шунингдек Президентнинг Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

г) Президентнинг тақдимига биноан чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларни тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;

д) Президентнинг тақдимига биноан Марказий банк бошқарувининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш (78, 80-моддалар). Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон парламенти унга давлат органларини шакл-лантириш жараёнида фаол роль ўйнаш, республика Президентининг кадрлар сиёсатини назорат қилиш имконини берадиган катта ваколатларга эга.

Парламентлар ҳукумат, ижро этувчи ҳокимият бошқа органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш мақсадида ҳар хил тартиб-қоидалардан фойдаланади. Бу парламент фаолиятининг жуда муҳим йўналиши. Аммо парламентларнинг бу соҳадаги ваколатлари ҳам кўп жиҳатдан бошқарув шакли, анъаналар ва бошқа кўпгина омиллар билан белгиланади.

Айрим давлатларда ҳукумат, токи у парламент томонидан қўллаб-қувватланар экан, ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолади. Агар парламент *ҳукуматга ишончсизлик билдирса*, у истеъфо беради ёки парламент муддатидан илгари тарқатиб юборилиши

мумкин. Ҳукуматга ишончсизликни, қоида тариқасида, парламентнинг қуйи палатаси билдиради. Аммо айрим мамлакатларда, масалан, Италияда ҳукумат ҳар бир палата олдида сиёсий жавобгар бўлади. Бунда палаталарнинг исталган бири ҳукуматга ишончсизлик билдириш тўғрисида резолюция қабул қилиши мумкин. Мазкур резолюция лойиҳаси палата аъзоларининг камида ўндан бир қисми томонидан имзоланган бўлиши лозим. Резолюция лойиҳаси киритилганидан сўнг камида уч кун кейин муҳокамага қўйилиши мумкин. Резолюцияни қабул қилиш учун палата аъзоларининг оддий кўпчилик овози кифоя қилади⁵⁵. Бошқа мамлакатларда (масалан, АҚШда) ҳукумат президент олдида жавобгар: парламент ҳукуматга ишончсизлик билдириш ҳуқуқига эга эмас. Аммо мазкур давлатларда парламент ижро этувчи ҳокимият устидан кенг назорат қилиш ваколатларига эга. АҚШда назоратнинг асосан қонунчилик билан боғлиқ шакллари амал қилади, аммо назоратнинг бошқа шакллари, масалан, парламент тафтиши ҳам муҳим ўрин тутди⁵⁶. Россияда парламентнинг қуйи палатаси ҳукуматга ишончсизлик билдиришга ҳақли, аммо ҳукуматни истеъфога чиқариш масаласини Президент ҳал қилади. У ҳукуматни истеъфога чиқариши ёки қуйи палата қарори билан келишмай, уни тарқатиб юбориши мумкин (башарти қуйи палата уч ой ичида ҳукуматга қайта ишончсизлик билдирса ёки ҳукумат ўз ташаббуси билан унинг олдида ишонч тўғрисидаги масалани қўйса ва палата ишонч билдирмаса).

Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида нафақат Президент, балки парламент олдида ҳам жавобгарлиги Конституцияда бевосита мустаҳкамланган. Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади (янги таҳрирдаги 98-модда).

Ўзбекистон парламенти Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. Зеро, у, Конституцияга мувофиқ, давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди, давлатнинг стратегик дастурларини қабул қилади. Бундан ташқари, парламент Вазирлар Маҳкамасининг тақдимида биноан Давлат бюджетини қабул қилади ва унинг ижроси устидан назоратни амалга оширади. Бу ва бошқа шунга ўхшаш масалалар парламент назорати соҳасини ташкил этади. Мазкур мақсадларда парламент турли назорат тартиб-қоидаларидан фойдаланади:⁵⁷

а) тегишли органларнинг маъруза ва ҳисоботларини, шу жумладан Ҳисоб палатасининг ҳисоботини палаталарнинг (шу жумладан қўшма) мажлисларида тинглаш;

⁵⁵ Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Т. 3. Особенная часть, с. 313.

⁵⁶ Қаранг: Институты конституционного права иностранных государств, с. 336.

⁵⁷ Қаранг: Латифов А. Проблемы совершенствования парламентского контроля в Узбекистане. Кандидатская диссертация. Ташкент, 2002.

б) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунлар, бошқа қонун ҳужжатлари, қўмиталарнинг қарорлари ижроси тўғрисидаги маълумотларини палата қўмиталарида тинглаш;

в) муайян вазифаларни, шу жумладан парламент назоратини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни бажариш учун махсус комиссиялар тузиш;

г) сенаторлар тегишли органлар ва мансабдор шахсларга саволлар ва сўровлар билан мурожаат этиши.

Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Конституциявий қонунга мувофиқ, фракциялар ва депутатлар гуруҳлари ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолиятига оид масалалар юзасидан палата мажлисларида тинглаш масаласини қўйишга ҳақли. Шу билан бирга, парламент назоратини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни тўпланган тажриба ва чет эл тажрибасидан келиб чиқиб Олий Мажлис палаталари депутатлари (сенаторлари)нинг мақоми тўғрисидаги Қонунда янада муфассалроқ тартибга солиш лозим. Масалан, Россия парламентининг амалиётида нафақат депутат сўровлари (уларга 30 кундан кечиктирмай жавоб берилиши лозим), балки парламент сўровлари ҳам қўлланади (мазкур сўров билан бутун палата мурожаат этади ва унга 15 кун ичида жавоб берилиши керак).

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг (янги таҳрирдаги) Қонунига Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлар билан муносабатларига бағишланган бўлим киритилган. Қонунга мувофиқ, янги тузилган Вазирлар Маҳкамаси Президент билан келишилган ҳолда Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун ўз ваколатлари давридаги фаолияти дастурини тақдим этади. Вазирлар Маҳкамаси шунингдек Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва унга киритиладиган ўзгартишларни ишлаб чиқади ҳамда Олий Мажлисининг тасдиғига тақдим этади. Парламент палаталари Вазирлар Маҳкамаси алоҳида аъзосининг ўзи раҳбарлик қилаётган давлат ёки хўжалик бошқаруви органи фаолияти масаласи юзасидан ҳисоботини эшитиши ҳамда зарур бўлганда унинг истеъфога чиқиши тўғрисида Президент кўриб чиқиши учун таклиф киритиши мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари палаталарнинг мажлисларида, уларнинг қўмиталари йиғилишларида қатнашиш ва ахборот бериш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳолда Бош вазир шу масалалар юзасидан зарур тушунтириш, изоҳларни олиш ва беришга ҳақлидир. Вазирлар Маҳкамаси парламент қўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва таклифларини кўриб чиқади ва улар юзасидан чоратадбирлар кўради. Тавсиялар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ҳамда

кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмиталарига улар билан келишилган муддатларда ахборот беради. Мазкур Қонуннинг 9-моддасида парламент сўровига жавоб тўғрисида сўз юритилади. Парламент сўрови деганда Қонунда парламент палатаси, палата депутати (аъзоси)нинг ҳукумат ёки унга бўйсунувчи давлат ёки хўжалик бошқаруви органлари фаолиятига доир сўрови тушунилади. Жавоб тегишли палаталарнинг мажлисларида куч кундан кеч бўлмаган муддатда оғзаки ёки ёзма шаклда берилиши лозим. Фикримизча, тегишли қоидалар палаталарнинг регламентларида ҳам мустаҳкамланиши керак. Зотан, мазкур регламентларда парламент палаталарини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ барча масалалар тўлиқ ва тизимли тартибга солиниши лозим.

Парламент амалиётига *парламент тингловлари, парламент тафтиши* сингари тартиб-қоидалар ҳам маълум. Масалан, АҚШда парламент тафтиши назоратнинг энг синашта усулларида бири ҳисобланади. Ҳукумат органлари фаолиятининг парламент тафтишини Конгресснинг доимий ва тафтиш қўмиталари амалга оширади⁵⁸. Россияда парламент тингловлари ўтказиш амалиёти тарқалган бўлиб, унга палаталар регламентларининг махсус боблари бағишланган. Масалан, Россия парламенти қуйи палатаси (Давлат Думаси)нинг регламентига мувофиқ, палата ўз ваколатига киритилган масалалар юзасидан парламент тингловлари ўтказади. Улар палата кенгаши, қўмиталар ва комиссиялар, депутатлар бирлашмаларининг ташаббусига биноан ўтказилади. Қоида тариқасида, парламент тингловлари муҳокама қилинаётган масала юзасидан тавсиялар қабул қилиш билан яқунланади. Парламент ишининг мазкур шаклидан Ўзбекистон парламенти амалиётида ҳам фойдаланиш мумкин.

Парламент комиссарлари (омбудсманлар) фаолияти.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, улар давлат маъмуриятининг маълум соҳалар (инсон ҳуқуқлари, қуроли кучлар, экология, тилларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва бошқалар)даги фаолиятини текширади. Улар ўз тафтишини ўтказиш, материалларни суд, прокуратурага топшириш ҳуқуқига эга. Барча давлат органлари улар билан ҳамкорлик қилишга мажбур. Парламент комиссарларига ҳокимиятнинг анъанавий уч бўғинига бўйсунмайдиган органлар деб қаралади, аммо улар ҳар йили парламентга ҳисобот тақдим этадилар ҳамда парламент олдига ўз касбий фаолияти билан боғлиқ масалаларни қўйишлари мумкин.

12- БОБ. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати ва

⁵⁸ Қаранг: Институты конституционного права иностранных государств, с. 337-338.

Сенати аъзосининг ҳуқуқий мақоми

- 1-§. Депутат ва Сенатор фаолиятининг ҳуқуқий асослари**
- 2-§. Депутат ва Сенатор ваколат муддатлари.**
- 3-§. Депутат ва Сенаторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**
- 4-§. Депутатнинг ва сенаторнинг парламент сўрови билан мурожаат қилиш тартиби.**
- 5-§. Депутатнинг ўз сайловчилари билан олиб борадиган иш тартиби**
- 6-§. Депутат ва сенатор фаолиятининг асосий кафолатлари.**

1-§. Депутат ва Сенатор фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Мустақилликка эришилгандан кейин қисқа давр ичида Ўзбекистонда парламент ваколатларини такомиллаштиришга қаратилган, депутатлар ҳуқуқлари, мажбуриятлар ҳамда ваколатларини тўлдирадиган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, бу ислохотлар:

биринчидан, қонунчилик фаолиятини самарадорлигини ошириш;
иккинчидан, парламент назорати вазифаларини кенгайтириш ва кучайтириш;
учинчидан, парламент фаолиятида регионлар ролини кучайтириш;
тўртинчидан, парламентни барқарор ишлаши учун кафолатлар тизимини яратиш;
бешинчидан, депутатларнинг профессионал сифатларини ва умуман, парламентаризм маданиятини ривожлантиришга қаратилгандир.

Парламент ташкилий жиҳатдан кенг тармоқли бўлганлиги сабабли ҳам давлат ҳокимияти тизимида, умуман давлатчиликда алоҳида ўрин тутди.

Парламент палаталарини шакллантириш усули парламент аъзосининг номланишида ҳам маълум даражада акс этади: одатда, қуйи палаталарнинг аъзоларигина депутат деб, аксарият мамлакатларда юқори палаталарнинг аъзолари эса – сенаторлар деб аталади (улар ўз мандатларини нафақат сайлаш, балки тайинлаш орқали ва бошқа усулларда ҳам оладилар).

Қонунчилик палатаси депутатлари халқнинг ҳокимият вакиллик органларида фаолият кўрсатувчи тўлақонли вакилидир. Республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда, ҳуқуқий давлат қуришда, чин маънодаги демократияга эришишда депутатларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқшунос олим Р.Қаюмов “депутатнинг ҳуқуқий мақоми-бу депутатларнинг ҳуқуқий нормаларда белгиланган

ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва бурчлари, улар фаолиятининг шакллари ва ваколатларини йиғиндиси демакдир”¹ деб таъкидлаган.

Шундай қилиб, депутатнинг ҳуқуқий мақоми кўп ҳолларда унга юкланган вазифаларни сифатли ва белгиланган тартибда амалга ошириши унинг ҳуқуқий кафолатини қай даражада белгилаб берилганлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Депутатлик мақоми билан боғлиқ масалалар тегишли тартибда ҳуқуқий тартибга солиниши депутатлик фаолиятини тўсиқларсиз ва самарали амалга оширилишини таъминлайди, унинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш билан бир қаторда депутатнинг халқ ва жамият олдидаги мажбуриятини кучайтиради.

Қонунчилик палатаси депутати ва сенатор фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва қатор қонун нормаларида: “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги қонунларида ва бошқа қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сенатор фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ифодаловчи ҳуқуқий нормалар ичида конституциявий нормалар алоҳида аҳамиятга эга.

Конституциянинг 87-88-моддаларида депутат ва сенаторларнинг ҳуқуқий мақомининг умумий асослари белгилаб берилган, яъни депутат ва сенаторларнинг асосий вазифалари қайд қилиниб, дахлсизлик ҳуқуқи, депутатлик ва сенаторлик фаолиятига ҳақ тўлаш каби умумий масалалар тартибга солинган.

Депутат ва Сенатор мақоми 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунида кенгрок ва тўларок тартибга солинган. Ушбу қонунда депутат ва сенаторларнинг мақомига тегишли барча масалаларни - кимлар депутат ва сенатор бўлиши, уларнинг ваколат муддати, депутатликни тасдиқловчи воситалар, депутатнинг Олий Мажлисидаги иши каби масалаларни қонуний асосда мустаҳкамлагани, депутатнинг ҳуқуқ ҳамда

¹ Қаюмов Р. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Т.: Адолат. 1998 й 300бет

мажбуриятларини, депутатларнинг сайловчилар, сиёсий партиялар билан олиб борадиган ишларини, депутатнинг парламент сўровини, депутат одобини ўз ичига қамраб олган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатини ҳуқуқий мақомини асосий характерли томонларини аниқлашдан олдин, депутат - парламентарий ёки ўзининг сайловчиларининг ёхуд унинг номзодини илгари сурган ташкилотнинг вакилими деган саволнинг ечимини топиш лозим. Бу саволга аниқ жавоб бериш учун депутатлик мандатининг табиатини очиш лозим.

2-§. Депутат ва Сенатор ваколат муддатлари

Депутат ва Сенатор ҳуқуқий мақомида унинг ваколоти муддати ва ваколатини тугатилиши муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонун, 1-моддасига кўра Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси Олий Мажлис ваколатлари муддатига, яъни беш йил муддатга сайланади. Шу боисдан депутат ва сенаторнинг ваколатлари сайланган кундан бошланади ва Олий Мажлис ваколатлари тугагандан сўнг янги чақириқ сайловлар ўтказилганда тугайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг ваколатлари муддатидан олдин ҳам тугатилиши мумкинлиги белгиланган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига асосан Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

- у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда;
- у қонунга кўра депутатлик, сенаторлик ваколатларини амалга оширишига номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда;
- унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;
- у чақириб олинган тақдирда;
- суд уни муомалага лаёқатсиз деб топган тақдирда;

- у суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;

- у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

- у вафот этган тақдирда;

- палата тарқатиб юборилган тақдирда

“Депутат ва Сенатор” юксак номни обрўсизлантирувчи хатти-ҳаракатлари, унинг давлат тузилиши асосларига, ижтимоий-сиёсий вазиятни мушкуллаштиришга, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қонунга мувофиқ қабул қилинган қарорларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган ғайри конституциявий ҳаракатни содир этиши ёки шундай ҳаракатларга даъват этиши шундай масаланинг қараб чиқилиши учун асос бўлиши мумкин.

3-§. Депутат ва сенаторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Депутат ва сенаторларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида берилган.

Бу қонунга кўра, палатасининг мажлисида кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади.

Шунингдек, депутат ва сенатор:

- палатанинг органларига сайлаш ва сайланишга;

- палата мажлисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;

- палата мажлисининг кун тартиби, муҳокома қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда бу масалаларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдиришга, қарор лойиҳалари ва уларга тузатишлар киритишга, палата томонидан тузиладиган органларнинг шахсий таркиби ҳамда сайланадиган, тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдиришга;

- мунозораларда иштирок этишга, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар беришга;

- парламент сўрови билан мурожаат этишга;

- ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқишга ва овоз бериш сабаблари юзасидан изоҳ беришга;

- палата мажлисида раислик қилувчига палата мажлисида муҳокома қилинаётган масала юзасидан ўз нутқи, таклиф ёки мулоҳазаси матнини топширишга;

- палата таркибидаги ўзи аъзо бўлган тегишли органнинг қарорига қўшилмаган тақдирда ўз нуктаи назарини палата мажлисида баён қилишга ёки бу ҳақида тегишинча Қонунчилик палатасининг спикерига, Сенат раисига ёзма равишда маълум қилишга;

- палатага ҳисобдор ёки унинг назорат остидаги ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини палата мажлисларида эшитиш тўғрисида таклиф киритишга;

- Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини, шунингдек, палата қарорларининг бажарилишини текшириш ҳақида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;

- палата мажлисларининг стенограммалари билан танишишга;

- фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофоза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли.

Депутатлар қайд этилган ҳуқуқларидан ижодий ёндашган ҳолда ташаббус кўрсатиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ишида қатнашиб, давлат, хўжалик ва ижтимоий-иқтисодий қурилишнинг муҳим масалаларини ҳал этадилар, қонунларни ва Қонунчилик палатаси қарорларини қабул қилишда иштирок этадилар ҳамда давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишини назорат қилиб борадилар.

Бу ўринда, Қонунчилик палатаси депутатининг энг муҳим ҳуқуқларидан бири сифатида Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини алоҳида таъкидлаш лозим. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасида ва тегишли қонунларда белгиланган тартибда амалга оширилади. Депутат ўз ваколатларининг кўпчилигини Қонунчилик палатаси мажлисларида амалга оширади. Депутат Қонунчилик палатаси ишида доимий равишда ва интизомли қатнашиши жуда катта аҳамиятга эга, чунки бир қисм депутатлар мажлисларга келмай қолсалар қонун талаб қилган кворум йиғилмайди ва Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини тўлиқ амалга ошира олмай қолади.

Шу сабабдан, Қонунчилик палатаси, кўмита, комиссия, келишув комиссияси мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда,

депутатлар бу ҳақда Қонунчилик палатасининг Спикерига, кўмита, комиссия раисига, келишув комиссиясининг тегишли палатадан сайланган ҳамраисига олдиндан хабар қилиши шарт.

Агар Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолиятига асосланганлигини эътиборга олсак, интизомнинг бу тарзда бузилиши Қонунчилик палатаси фаолиятини маълум бир даражада издан чиқаришгача олиб келиши мумкин.

Шу сабабли, депутатнинг Қонунчилик палатасига мажлисларига бир неча мартаба узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги ҳолатлари бўйича ҳам депутатнинг ваколат муддатларини илгаридан тугатишни қонун даражасига кўтариш мақсадга мувофиқ бўлади.

4-§. Депутатнинг ва сенаторнинг парламент сўрови билан мурожаат қилиш тартиби

Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари устидан назоратни амалга оширишнинг шакли сифатида парламент сўрови ҳуқуқига эгадир.

Депутат ва сенаторнинг парламент сўрови, қонунда кўрсатилишича¹, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш ҳақида қўйилган талабидир.

Парламент сўрови парламент назоратининг энг самарали воситасидир. Шу сабабли уни амалиётда кенг қўллаш лозим. У депутатларга берилган энг кучли, таъсирчан имкониятдир. Парламент сўрови орқали депутатлар сайловчиларнинг талаб ва хохишларини рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

Парламент сўрови депутат ёки бир гуруҳ депутатлар томонидан ёзма равишда ёки оғзаки равишда киритилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси депутати ва сенаторнинг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси, Бош прокурори, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарлари номига йўлланган парламент сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас

Қонунчилик палатасининг депутатлари талаб қилиб оладиган ахборотни тегишли давлат органи, бошқа ташкилот, мансабдор шахс мурожаат олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тақдим этиши керак.

5-§. Депутатнинг ўз сайловчилари билан олиб борадиган иш тартиби

Депутатлар фаолияти амалга оширилишининг муҳим шаклларида бири уларнинг сайлов округларидаги фаолиятидир. Ўзбекистон қонунчилигида депутатларнинг бу соҳадаги фаолияти учун ҳам маълум бир ҳуқуқлардан фойдаланиш имкони яратилган. Бу депутатларнинг уларни сайловчилар билан доимий мустаҳкам алоқани ўрнатиши билан боғланган деб ҳисоблаш мумкин¹.

Хусусан, депутат сайловчилар билан алоқа ўрнатар экан, уларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси иши билан батафсил таништириб боради, бунда депутатнинг сайловчилар билан учрашуви муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунига асосан депутат сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун зарур шарт-шароит билан таъминланиши шарт.

Ушбу қонуннинг 9-моддасига асосан “Депутатларга сайловчилар билан олиб бориладиган ишлар учун Қонунчилик палатасининг регламентида белгиланадиган тартибда муайян кунлари ажратилади”, - деб кўрсатилган. Депутатлар сайлов округларида ўз ваколатларини амалга ошириш учун тегишли ҳокимият вакиллик органи назорати остидаги ташкилотларда ўз сайлов округидаги фуқароларнинг муҳим манфаатларига тааллуқли бўлган ҳар қандай масала кўриб чиқилиши чоғида иштирок этиш, округ сайловчилари билан йиғилишлар, меҳнат жамоалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партияларнинг ташкилотлари билан йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эгадир.

Амалдаги Қонунчиликда депутатларнинг ўз сайловчиларидан тушган таклиф, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиши, уларни ўз вақтида ҳал этиш чораларини кўриши, сайловчилар олдида ўз фаолияти хусусида вақти-вақти билан ахборот бериб туриши кўрсатилган. Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати йилига камида бир марта ўз иши тўғрисида сайловчиларга ўз фаолияти ва ўзи сайланган Қонунчилик палатаси фаолияти ҳақида ахборот бериб туриши шарт.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун эса, ижро этувчи ҳокимият органлари депутатнинг илтимосига кўра бино ажратилишини ташкил этишлари, депутатнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказиладиган, депутат томонидан фуқаролар қабул

¹ Тўлаганов А. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш Дарслик Т.: 2002 161бет

қилинадиган вақт ва жой ҳақида фуқароларга хабар беришлари, қабул ва учрашувларда иштирок этиш учун депутатнинг таклифига биноан ўзларининг масъул вакилларини юборишлари, шунингдек, депутатнинг жойлардаги ишига кўмаклашиш юзасидан бошқа чора-тадбирлар кўришлари лозим.

Шунингдек, депутат ўз депутатлик фаолиятига доир масалалар юзасидан матбуот органларида чиқиш, радио ва телевидение орқали сўзлаш борасида ҳам маълум даражада имтиёзли ҳуқуқларга эгадир¹.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилган тақдирда ёки қонунийлик бузилган бошқа ҳолларда депутат давлат ҳокимиятининг вакили сифатида, ўша жойнинг ўзида бундай қоидабузарликлар тўхтатилишини талаб қилишга ёки тегишли органлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилишга ҳақлидир. Қонунбузарлик ҳолати депутатнинг талаби билан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ёки назорат органининг вакили тузган баённомада қайд этилиши мумкин¹.

Депутат талаб билан мурожаат этган давлат органларининг мансабдор шахслари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари, корхона ва ташкилотларнинг маъмурияти,

шунингдек, ички ишлар вазирлиги тизими ходимлари қонун бузилган ҳолларни бартараф этиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш учун зудлик билан чора кўришлари, кўрилган чоралар ҳақида депутатга маълум қилишлари шарт.

6-§. Депутат ва сенатор фаолиятининг асосий кафолатлари

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунида депутат ва сенаторларнинг ўз ваколатларини тўлиқ ҳажмда ва мустақил равишда амалга оширишлар учун маълум бир даражада кафолатлар белгиланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва сенаторнинг шаъни ва кадр-қиммати тажовуз қилган шахслар қонунга мувофиқ маъмурий, жиноий жавобгар бўладилар. Депутат ва сенаторни ҳақорат қилган, унга нисбатан тўхмат қилган, унга атайлаб сохта маълумот берган мансабдор шахслар тегишли жавобгарликка тортилиши ҳам қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Айрим хорижий мамлакатларда парламент депутатларини шаъни ва кадр-қиммати тажовуз қилиш айбни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Хусусан, Финляндия қонунчилигига кўра, парламент, депутатини сессияга бориш ёки қайтиш

¹ Қаюмов Р. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи Т.: Адолат, 1998 300-310б

даврида уни депутатлигини билган ҳолда шаъни ва кадр-қимматига тажовуз қилиб, ҳақорат қилган шахсларни жавобгарликка тортишда ушбу ҳолат оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланиши лозимлиги белгиланган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига асосан Қонунчилик палатаси депутати ва сенатор ўзининг ваколатлари муддати мобайнида дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Депутатнинг дахлсизлиги унинг ҳуқуқий ҳолатини белгиланишида муҳим аҳамият касб этиши шунда кўринадики, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сенат аъзосининг дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (88-модда) мустаҳкамланганлигидан кўриш мумкин.

Ушбу конституциявий қоида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва сенат аъзосининг шаъни ва кадр-қимматини, шахсини муҳофоза этиш мақсадида, унинг муайян юридик жавобгарликка тортилмаслигини назарда тутди.

Тегишли палатанинг розилигисиз депутат, сенатор жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, камокқа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Депутатни, сенаторни мажбурий келтиришга, шунингдек, унинг уй-жойи, хизмат хонасини, юки, шахсий ва хизмат транспорти воситаларини, ёзишмаларини, у фойдаланаётган алоқа воситаларини, шунингдек, унга тегишли ҳужжатларни кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, қайд этилган қонунда депутат, сенатор тегишли палатада овоз бериш чоғида фикр билдирганлиги ёки нуқтаи назарини баён этганлиги учун ҳамда ўз ваколатларини амалга ошириши билан боғлиқ бошқа ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, шу жумладан ваколатлари муддати тугаганидан кейин ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Агар шундай хатти-ҳаракатлар муносабати билан депутат, сенатор ҳақорат қилишга, тухмат қилишга ёки қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган бошқа қонунбузарликларга йўл қўйган бўлса, у дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда жавобгарликка тортилади.

Депутатлар дахлсизлигига тааллуқли бу нормаларни бошқа Қонун нормаларида ҳам учратиш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ҳам депутатлар дахлсизлиги бўйича аниқ тартиб белгиланган.

Республикамизда депутатни ,сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тегишли палатаси томонидан ўн кун ичида ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг депутатни жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони қўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномаси Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади, Қонунчилик палатасининг сессиялари оралиғидаги даврда эса, унинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, Қонунчилик палатаси Кенгашининг ушбу масалага доир қарори кейинчалик Қонунчилик палатасининг сессиясида тасдиқланади. Сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала Сенат томонидан унинг мажлисида, Сенатнинг мажлислари оралиғидаги даврда эса, Сенатнинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг ёки палаталар Кенгашларининг депутатни, сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик бериш масаласига доир қарори дарҳол Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юборилади.

Депутатни, сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик олган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори иш юритиш тамомланган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида Қонунчилик палатасига ёки Сенатга ишни тергов қилиш, судда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабар қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли палатасининг депутатни, сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик беришни рад этиши унга нисбатан жиноят ишини юритишни ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони назарда тутадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни истисно этадиган ва бундай ишларни тугатишга сабаб бўладиган ҳолат ҳисобланади. Тегишли ишни тугатиш тўғрисидаги қарор фақат янги очилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда бекор қилиниши мумкин. Депутат, сенаторлик фаолиятининг ташкилий кафолатларига депутат ва сенаторнинг мансабдор шахслар томонидан дарҳол қабул қилиниши, депутат ва сенаторга ўз ваколатларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши лозим.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасига асосан депутат ва сенатор ўз ваколатларини амалга ошираётганда гувоҳномасини кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга монеликсиз кириш

ҳуқуқидан, шунингдек уларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари томонидан дарҳол қабул қилиниш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Қонун нормаларидан келиб чиққан ҳолда депутат ва сенаторлик фаолиятининг кафолатларини маълум бир гуруҳларга ажратиш мумкин. Хусусан, бу кафолатларни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва шахсий дахлсизлик каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий кафолатлари сифатида ҳарбий йиғинлардан озод қилиш, транспортда текин юриш, хизмат турар жойи бериш, пул тўланадиган йиллик таътилларни берилишини ва меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини кўрсатиш мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига асосан, депутат сенаторнинг Қонунчилик палатасида ишлаган вақти умумий иш стажига ва аввалги ихтисоси бўйича иш стажига қўшиб ҳисобланиши кўзда тутилган.

Қонунчилик палатаси ёки Сенат тарқатиб юборилган тақдирда депутатга ишдан бўшатиш нафақаси тўланади ҳамда ишга жойлашиш даврида қонунда белгиланган тартибда ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади.

Депутат ва сенаторга ҳар йили ўттиз олти иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади. Ҳар йилги меҳнат таътили, одатда, Қонунчилик палатаси сессиялари оралиғидаги даврда берилади.

Депутат, сенатор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво, темир йул ва такси ҳамда шаҳар йўловчилар транспортдан ташқари автомобиль йўловчи транспортда текин юриш ҳуқуқи кафолатланган.

Шунингдек, депутат, сенатор аэропортлар ва аэровокзаллар, темир йул вокзаллари ҳамда станцияларнинг расмий шахслар ва делегациялар учун мўлжалланган залларидан текин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўз ўрнида темир йул вокзаллари ва станцияларининг чипта сотадиган кассалари, фуқаро авиация агентлиги ёки аэропортлар депутат ўз гувоҳномасини кўрсатганидан сўнг унга поезднинг ётоқли ёки юмшоқ ўриндиқли вагонидан, самолёт салонидан навбатсиз жой беришлари шарт.

Бундан ташқари, чиптасида ўриндиқнинг тартиб рақами ҳам кўрсатиладиган шаҳарлараро, шунингдек шаҳар атрофига қатнайдиغان автобусларда депутат автовокзаллар ва автостанцияларнинг кассаларидан навбатсиз олинадиган текин чипта билан юриш ҳуқуқи кафолатланган.

Депутат, сенатор ҳар бир транспорт турида қўл юкини текин олиб юриш ҳуқуқига эгадир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг раиси, раис ўринбосарлари, қўмиталари ва комиссияларининг раислари, парламентлараро алоқалар бўлимининг мудирига ўз фаолиятларини янада тўлароқ амалга ошириш мақсадида дипломатик паспортлар берилиши ҳам қонун нормаларида белгилаб қўйилган.

Қонунчилик палатаси депутати, Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторга Тошкент шаҳрида турар жойга эга бўлмаса, улар берган аризаларига кўра ваколат муддатига оила аъзолари билан яшаш учун Тошкент шаҳрида хизмат турар жойи берилади.

Лекин шу билан бир қаторда депутат, сенатор фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий кафолатлари сифатида депутатнинг ҳаётини мажбурий суғурталаш, депутат, сенаторни ваколат муддати тугагандан сўнг унинг сайлангунга қадар ишлаган лавозимига тавсия этиш ёки бу лавозимга тенг иш билан таъминлаш, тиббий ва маиший хизмат кўрсатишни таъминлаш каби ижтимоий-иқтисодий кафолатларни қонунда мустаҳкамлаш лозим.

13- БОБ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қонунчилик фаолияти

1-§. Қонун чиқариш жараёни ва унинг босқичлари. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қонунчилик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари

2-§. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг субъектлари.

3-§. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонунни қабул қилиш

4-§. Сенат томонидан қонунни муҳокама қилиш ва қабул қилиш

5-§. Келишув комиссияси

6-§. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик жараёнида иштирокининг аҳамияти. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиши ва эълон қилиниши

1-§. Қонун чиқариш жараёни ва унинг босқичлари. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қонунчилик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари

Қонунчилик жараёни деганда парламентнинг ўз ваколатидан келиб чиққан ҳолда қонунни қабул қилиш, уни ўзгартириш ёки жамият ҳаётида узоқ муддат даомида амалда бўлиб, ижро этилиш одатий ҳолга айланган одат, ахлоқ ва бошқа ижтимоий нормаларни санкциялашга қаратилган фаолияти тушунилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, қонунчилик ниҳоятда муҳим жараён бўлиб, унинг сифатли ва самарали фаолияти натижаси бевосита жамият тараққиётига таъсир кўрсатади. Айнан парламент томонидан қабул қилинадиган қонунлар жамият ҳаётининг энг муҳим жабхаларини тартибга солишга йўналтирилган бўлади. Бу эса ўз навбатида қонунчилик жараёни механизмини пухта ишлаб чиқиш, парламентарийларга тегишли ахборот-техник имкониятларни яратиб бериш, қонунчилик жараёнининг ҳуқуқий ва назарий асосларини вужудга келтириш заруратини келтириб чиқаради.

Қонун чиқариш функцияларини амалга ошириш парламент, парламент палаталарининг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳокимиятни тақсимлаш принципи шуни назарда тутадикки, жамият барча ижтимоий табақаларининг манфаатларини, бутун миллат манфаатларини тўлиқ ифода этувчи парламентлар бошқа давлат органлари томонидан чиқариладиган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан каттароқ юридик кучга эга бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишлари лозим. Айнан парламентлар томонидан қабул қилинувчи қонунлар бошқа барча давлат органлари учун зарур ҳуқуқий негизни вужудга келтиради, мазкур органларнинг ўзаро ҳамда фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари билан муносабатларини белгилаб беради. Хуллас, қонунлар давлат ва жамият ҳаётида жуда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам қонун чиқариш жараёнини, унинг субъектлари мақомини, қонун чиқариш жараёнининг босқичларини ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга.

Расмий нуқтаи назардан қонун чиқариш жараёни ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар (тартиб-қоидалар)нинг мураккаб тизими бўлиб, уларнинг натижаси ўлароқ қонун яратилади⁵⁹. Мазкур тартиб-қоидалар мажмуи қонун чиқариш жараёнининг босқичларини ташкил этади.

⁵⁹ Бу ҳақда қаранг: Законодательный процесс. Понятие. Институты. Стадии. Научно-практическое пособие / Отв. ред. Р.Ф. Васильев. – М., 2000.

Қонун чиқариш жараёни босқичларининг аҳамияти шундаки, мазкур босқичларнинг ҳар бирининг мазмунини ташкил этувчи, ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган барча тадбирларини амалга оширишгина юқорида зикр этилган жараённинг навбатдаги босқичига ўтиш имконини беради. Қонун чиқариш жараёнининг босқичларига олим П.А. Рустамов томонидан берилган таърифга умуман олганда қўшилиш мумкин: «Мазкур жараён босқичлари - қонун лойиҳаларини тайёрлаш, киритиш, муҳокама қилиш, қабул қилиш ва қонунларни эълон қилиш бўйича юридик аҳамиятга эга бўлган ва тартиб-қоидаларга асосан расмийлаштирилган тадбирлар мажмуи». Тўғри, мазкур таъриф қонун чиқариш жараёнининг босқичларига қонун лойиҳасини тайёрлаш босқичини ҳам киритади. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, бу қараш баҳсли бўлиб, у «қонун чиқариш жараёни» тушунчасининг кенг талқинидан келиб чиқади. Қонун лойиҳасини парламентга киритиш мазкур жараённинг дастлабки босқичидир.

Қонун ижодкорлиги фаолиятининг асосларини белгилайдиган муҳим қоидалар, авваламбор, конституцияларда, махсус қонунларда мустаҳкамланади, қонун чиқариш жараёнининг босқичлари парламент ва унинг палаталари регламентларида муфассалроқ тартибга солинади.

Қонун чиқариш жараёни босқичларига қуйидагилар киради:

1. Қонунчилик ташаббуси
2. Қонун лойиҳаси муҳокамаси
3. Қонунни қабул қилиш
4. Қонунни имзолаш ва эълон қилиш

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини рўёбга чиқариш қонун чиқариш жараёнининг биринчи босқичи деб эътироф этилади.

Авваламбор, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи деганда нима тушунилишини аниқлаб олиш керак. Юридик адабиётларда мазкур масала юзасидан яқдиллик мавжуд эмас.

Биринчидан, юқорида қайд этиб ўтилганидек, айрим муаллифлар

қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичини қонун чиқариш жараёнининг биринчи босқичи деб ажратишни таклиф қиладилар, бошқа муаллифлар эса қонун қабул қилиш эҳтиёжини аниқлаш, қонун чиқариш жараёнини прогноз қилиш тўғрисида сўз юритадилар⁶⁰. Аммо шунинг назарда тутиш керакки, бу ерда икки тушунча: қатъий юридик аҳамиятга эга бўлган «қонун чиқариш жараёни» тушунчаси ҳамда умумижтимоий аҳамиятга эга бўлган «қонун ижодкорлиги» тушунчаси аралаштириб юбориляпти. Қонун қабул қилиш эҳтиёжини аниқлаш, прогноз қилиш қонун чиқариш жараёнининг босқичларига эмас, балки қонун ижодкорлиги соҳасига киради.

⁶⁰ Қаранг: Законодательный процесс, с. 179.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 66-моддасида мазкур масала қуйидагича ҳал қилинади: қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи янги қонунлар лойиҳаларини, амалдаги қонунларга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларини, янги қонунларни қабул қилиш ёки амалдаги қонунларга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни (қонун чиқариш тўғрисидаги таклифларни) киритиш шаклида амалга оширилади⁶¹.

Конституциянинг 83-моддасида «қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади», деб кўрсатилган. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг мазмунини ёритувчи мазкур таъриф янги парламент палаталарининг регламентларида ўз аксини топган. Жумладан, Қонунчилик палатаси Регламентининг 12-моддасига мувофиқ, қонун лойиҳаси палатага қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан киритилади. Бунда қуйи-дагилар тақдим этилиши керак: а) қонун лойиҳасига унинг концепцияси баён қилинган ҳолдаги тушунтириш хати; б) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек қонун лойиҳаси киритилиши билан боғлиқ қонунларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси; в) ўзгартирилиши, қўшимчалар киритилиши, ўз кучини йўқотган деб топилиши ёки қабул қилиниши лозим бўлган қонуности ҳужжатларининг рўйхати; г) моддий харажатларни талаб қиладиган қонун лойиҳалари учун молиявий-иқтисодий асослар; д) молиявий қонунларни лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи мазкур ҳуқуқ субъектлари томонидан киритилган қонун лойиҳаси парламент томонидан кўриб чиқилиши шартлигини билдиради. Тўғри, қонунни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик масаласини парламент ҳал қиладди: парламент мазкур қонунни қабул қилишга мажбур эмас, аммо у (унинг ваколатли органи) киритилган лойиҳани кўриб чиқиши шарт. Шунинг учун ҳам *қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари* доираси тўғрисидаги масала муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳуқуқ субъектлари рўйхати, қоида тариқасида, конституцияларда белгиланади.

Қонун билан тасдиқланган Қонунчилик палатасининг Регламентининг 13-моддасига мувофиқ, палатага келиб тушган қонун лойиҳасини палата Спикери қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқадиган масъул қўмига топширади. Мазкур қўмига қонун лойиҳасини кўриб чиқишга қабул қилиш мумкинлиги ёки уни қонунчилик

⁶¹ Шундай қилиб, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичлари қонун чиқариш жараёни доирасидан четда қолади. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг мазмунини ёритишга нисбатан мазкур ёндошувга қўшилиш лозим.

ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш зарурлиги тўғрисида палата Кенгашига белгиланган муддатда хулоса тақдим этади. Палата Кенгаши масъул қўмитанинг хулосаси асосида қонун лойиҳасини палата кўриб чиқиши учун қабул қилиш ёки у белгиланган талабларга номувофиқ бўлса, уни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилади. Аниқланган камчиликлар бартараф этилгандан кейин қонун лойиҳаси палата кўриб чиқиши учун янгитдан киритилиши мумкин. Агар тегишли масала бўйича қонун лойиҳаси палата томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган бўлса, айти шу масала бўйича бошқа қонун лойиҳаси палата кўриб чиқиши учун қабул қилинмайди. Қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун қабул қилинганда палата Кенгаши қонун лойиҳасини палата мажлисида кўриб чиқишга тайёрлаш муддатини белгилайди. Кўриб чиқиш учун қабул қилинган қонун лойиҳаси тегишли материаллар билан палата қўмиталарига юборилади. Қонунчилик палатасининг Регламентига «Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш» деб номланган махсус модда киритилган бўлиб, унда қонун лойиҳасини масъул қўмита томонидан дастлабки тарзда муҳокама қилиш ва уни палатада биринчи ўқишда кўриб чиқишга тайёрлаш тартиби белгилаб қўйилган. Қонун лойиҳасини қўмитада муҳокама қилиш очик, қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг вакили таклиф этилган ҳолда ўтказилади. Агар палата Кенгаши томонидан бошқа муддат белгиланган бўлмаса, масъул қўмита қонун лойиҳаси олинган кундан эътиборан икки ой ичида уни ўз хулосасини ҳамда палата Кенгашининг қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун палата киритиш тўғри-сидаги қарорининг лойиҳасини илова қилиб, палата Кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бир қатор давлатлар (Россия, Ўзбекистон ва бошқалар)да қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш парламент тажрибаси қонунчилик ташаббуси босқичидан кейин *қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш босқичини* ажратиш имконини беради. Мазкур босқич асосан киритилган қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган таклиф-мулоҳазалар ва таклифларни палатанинг бош (масъул) қўмитаси томонидан умумлаштириш ҳамда қонун лойиҳаси ҳақида хулоса тайёрлашни назарда тутаяди. Мазкур босқич қонун лойиҳасининг кейинги тақдири учун муҳим аҳамиятга эга: салбий хулоса чиқарилган тақдирда қонун лойиҳаси палатада қўллаб-қувватланиши эҳтимоли жуда кам.

Қонун лойиҳасини парламент (унинг палатаси)да кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш ҳамда уни такомиллига етказиш қонун чиқариш жараёнининг навбатдаги босқичидир. Мазкур босқич парламент, унинг палаталари мажлисларида қонун лойиҳаси устида ишлашни (одатда бу иш қонун лойиҳасини ўқиш деб аталади), шунингдек қонун лойиҳаси устида парламент қўмиталари ва комиссияларида иш олиб боришни ўз ичига олади.

Қонун лойиҳалари пленар мажлисларда, қоида тариқасида, бир нечта (икки, уч, тўрт) ўқишда кўриб чиқилади. Ҳар бир ўқишнинг ўз мақсади ва ўз вазифалари бўлади.

Масалан, ГФР Бундестагининг регламентига мувофиқ, қонун уч ўқишда кўриб чиқилади. Биринчи ўқиш таклиф қилинаётган қонуннинг маъноси ва мақсадини муҳокама қилишга мўлжалланган. Биринчи ўқишдан кейин қонун лойиҳаси овозга қўйилмасдан тегишли қўмига юборилади. Иккинчи ўқишда лойиҳа модда-модда муҳокама қилинади ва овозга қўйилади. Учинчи ўқишда муҳим масалалар ва тузатишлар муҳокама қилинади ва шундан сўнг лойиҳа якуний овозга қўйилади⁶².

Қабул қилинган қонун лойиҳасини парламентнинг иккинчи палатасида кўриб чиқиши икки палатали парламентлардаги қонун чиқариш жараёнининг навбатдаги босқичидир. Зеро, бир палатали парламентда қонунни қабул қилиш охириги марта овозга қўйиш орқали амалга оширилади (у биринчи ўқишдан кейин ҳам, иккинчи, учинчи, тўртинчи ўқишдан кейин ҳам ўтказилиши мумкин). Икки палатали парламентда эса қонун лойиҳаси айти бир таҳрирда иккала палата томонидан қабул қилинган ҳолдагина қонунга айланади (аммо баъзан палаталардан бири қайта овозга қўйиш орқали бошқа палата томонидан қабул қилинган қонун лойиҳасини маъқулламаган иккинчи палатанинг «вето»сини енгиши ҳам мумкин).

Қонун ижодкорлиги соҳасида парламент палаталарининг ваколатлари тенг бўлиши ёки жиддий фарқ қилиши мумкин. Масалан, АҚШ Конгрессининг палаталари умуман олганда ҳар хил ваколатларга эга. Айтилик, молия соҳасидаги қонун лойиҳалари фақат вакиллар палатасига киритилиши мумкин. Сенат халқаро шартномаларни ратификация қилиш, президент томонидан тайинланган давлатнинг олий мансабдор шахсларини тасдиқлаш ҳуқуқига эга. Аммо қонун ижодкорлиги соҳасида палаталар деярли тенг ҳуқуқлидир: барча қонунлар иккала палатанинг розилиги билан қабул қилинади. Барча қонун лойиҳалари уч ўқишдан ўтади. Бир палата томонидан маъқулланган қонун лойиҳаси бошқа палатага кўриб чиқиш учун юборилади ва бу ерда кўриб чиқиш ва муҳокама қилишнинг айти ўша босқичларидан ўтади. Агар лойиҳа матнига тузатишлар киритилган бўлмаса, у палаталарнинг раислари томонидан имзоланганидан сўнг Президентга топширилади. Россияда парламент палаталари қонун чиқариш фаолияти соҳасида ҳам ҳар хил ваколатларга эга: барча қонунлар қуйи палата (Давлат Думаси) томонидан қабул қилинади, яъни айти ҳолда қонун лойиҳаси ҳақида эмас, балки Давлат Думаси томонидан қабул қилинган қонун ҳақида сўз юритилади («Давлат Думаси томонидан қабул қилинган қонун» тушунчаси қонун чиқариш жараёнидаги муҳим

⁶² Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Т. 3. Особенная часть, М. «Бек»с. 387.

босқични акс этиради). Юқори палата (Федерация Кенгаши)нинг вазифаси шундан иборатки, мазкур палата Давлат Думаси томонидан қабул қилинган қонунни маъқуллайди (овоз бериш орқали ёки «сукут сақлаш» орқали (яъни ўн тўрт кун ичида Федерация Кенгаши томонидан кўриб чиқилмаса) ёки рад этади. Бунда қайси масалаларга тааллуқли қонунларни Федерация Кенгашида кўриб чиқиш мажбурийлиги Конституцияда белгилаб кўйилган (федерал бюджет, федерал солиқлар ва йиғимлар, уруш ва тинчлик масалалари ва бошқа шунга ўхшаш масалалар).

Палаталар қонун чиқариш фаолияти соҳасида тенг ҳуқуқларга эга бўлган ва улар ўртасида қонунни қабул қилиш юзасидан келишмовчиликлар чиққан ҳолларда муросага келтириш тартиб-қоидалари қўлланади.

2-§. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг субъектлари

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти ва парламентга у ёки бу қонун лойиҳаси юзасидан юбориладиган таклифлардан фарқи шундаки, ушбу ҳуқуқдан фойдаланиб тақдим этилган қонун лойиҳаси парламент томонидан кўриб чиқилиш мажбурий ҳисобланади. Бироқ, ўз навбатида, парламент тақдим этилаётган қонун лойиҳасини қонун сифатида қабул қилишга мажбур эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг анча кенг доираси белгиланган. Конституциянинг 83-моддасига мувофиқ, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эга.

Жаҳон мамлакатлари Конституциялари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар доирасини турлича белгилайди. Бу ҳуқуқ асосан парламент аъзоларига ва ҳукуматга берилади. АҚШда эса Президент фақат давлат бюджетига алоқадор масала юзасидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи билан чиқиши мумкин, қолган барча ҳолларда бу ҳуқуқ парламентарийларга тегишли ҳисобланади.

Баъзи давлатлар конституцияларида эса қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар доираси анча кенг қилиб белгиланади. Жумладан бу ҳуқуқ турли вазирликларга, давлат муассасаларига, диний ва жамоат бирлашмаларига, парламент ички органлари ходимларига берилади.

Масалан Болгарияда ташаббус ҳуқуқидан ҳар қандай даражалаги халқ вакили ва Вазирлар Кенгаши фойдаланади. Бюджетга алоқадор қонун лойиҳаси эса фақат Вазирлар Кенгаши томонидан киритилади.

Словакияда, Конституциянинг 87-моддасга мувофиқ, қонун лойиҳаси Парламент депутатлари, кўмита аъзолари ва ҳукумат томонидан муҳокамага киритилиши мумкин.

Кўп ҳолларда бу ҳуқуқ кенг жамоатчилик, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларига ҳам берилиши мумкин. Руминия, Италия, Испания каби давлатларда айнан шундай тартиб ўрнатилган. Бунинг учун фуқароларнинг қонун лойиҳасини қўллаб—увватловчи тегишли миқдордаги имзоси ва олдиндан тайёрлаб қўйилган қонун лойиҳаси мавжудлиги талаб этилади.

Японияда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига парламентарийлар ва ҳукумат эга. Маҳкама қонунчилик ташаббуси билан чиқиб, қонун лойиҳасини исталган палата муҳокамасига киритиш мумкин, парламентарий эса ўз фаолиятини юритаётган палата доирасидагина қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдалан олади. Парламент аъзоси бу ҳуқуқдан фойдаланиш жараёнида бир қатор қатъий талабларга амал қилиш лозим, жумладан, қуйи палата аъзоси қонунчилик ташаббуси билан чиқаётганда тегишли қонун лойиҳаси юзасидан 20 нафар Вакилнинг имзосини, юқори палата аъзоси эса 10 нафар Маслаҳатчи имзосини тўплаши лозим, бундан ташқари парламентарий қонун қабул қилиш заруратини ёзма тарзда асослантириши, қонунларда кўрсатилган муддатларда палата муҳокамасига киритиши лозим. Маҳкаманинг қонунчилик ташаббуси билан чиқиш жараёни унданда мураккаброқ кўринишга эга. қонун лойиҳалари, одатда, тегишли вазирлик департаментларида ишлаб чиқилади, сўнгра вазирлик раҳбариятига тақдим этилади. вазир ўз навбатида қонун лойиҳасини Бош Вазир девонига юборади, ҳукумат раҳбари томонидан тасдиқланган қонун лойиҳаси парламент муҳокамасига киритилади. Маҳкама қонун лойиҳасини палаталарнинг бирининг муҳокамасига киритади, аммо беш кунлик муддат ичида иккинчи палатага ҳам киритиш зарур.

3-§. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонунни қабул қилиш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари, агар улар ишида барча депутатлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Конституциявий қонунларни қабул қилишда барча депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Қоида тариқасида, Қонунчилик палатаси мажлисида овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланилиши устидан назоратни Қонунчилик палатаси депутатлари жумласидан бўлган гуруҳ амалга оширади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига кўра Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

Қонун лойиҳасининг асосий муҳокамаси Қонунчилик палатасининг мажлисларида амалга оширилади. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, *уч ўқишда* кўриб чиқади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида биринчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурати, қонун лойиҳасининг концепцияси, унинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек қонунни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ва молиялаш манбалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади.

Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгилаган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилиш ёки қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига қонун лойиҳасининг муқобил вариантлари киритилган тақдирда улар бир вақтда кўриб чиқилиши керак. Қонунчилик палатаси депутатларининг қарор қабул қилиш учун талаб қилинадиган энг кўп миқдордаги овозини тўплаган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган ҳисобланади. Қонун лойиҳасининг қолган вариантлари Қонунчилик палатаси томонидан рад этилган деб топилади.

Масъул қўмита қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида тушган таклифларни умумлаштиради. У асосли деб топган таклифлар қонун лойиҳасининг матнига киритилади.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишда кўриб чиқиладиганида Масъул қўмита маъқуллаган таклифлар ҳам, маъқулламаган таклифлар ҳам муҳокама қилинади. Қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш моддама-модда ўтказилади.

Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгилаган ҳолда уни иккинчи ўқишда қабул қилиш ёхуд қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Учинчи ўқишда қонун лойиҳаси муҳокама қилинмасдан яхлитлигича овозга қўйилади.

Қонун лойиҳаси биринчи ёки иккинчи ўқишда қабул қилинган тақдирда, Масъул кўмитанинг таклифига биноан, қонунни кейинги ўқиш тартиб-таомилларини истисно этган ҳолда қабул қилиш тўғрисидаги масала овозга қўйилиши мумкин.

Қонунни Қонунчилик палатаси палата депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилади. Қонунчилик палатаси қабул қилган қонун ўн кун ичида Сенатга кўриб чиқиш учун юборилади. Сенатга қонун билан бирга қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш чоғида тақдим этилган ҳужжатлар юборилади.

Ўзбекистон республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ: а) қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиши лозим;

б) Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади ва агар қонунни қайта кўриб чиқишда палата депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун парламент томонидан қабул қилинган ҳисоб-ланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига палата томонидан юборилади;

в) Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан палаталар юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқиши керак. Конституцияга ўзгартишлар киритиш, конституциявий қонунни қабул қилиш парламентнинг ҳар бир палатасидаги умумий овозлар сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овозини талаб этади. Одатдаги қонунлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунни Сенат кўриб чиқади ҳамда уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Сенат томонидан рад этилган ва Қонунчилик палатасига қайтарилган қонун, агар қуйи палата депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан шу қонунни яна маъқулласа, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун тасдиқлаш учун Сенатга юборилади.

Агар Сенат келишув комиссиясининг таклифларини қабул қилган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан одатдаги тартибда қайта кўриб чиқилиши керак. Қонунни Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқишда келишув комиссиясининг баённомасида мавжуд бўлган тақлифларгина муҳокама қилинади. Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Қонунчилик палатаси, Сенат келишув комиссиясига янги таклифларни тақдим этиш учун палата томонидан маъқулланган тузатишларни инобатга олган ҳолда ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин. Агар Сенат қонунни келишув комиссиясининг таҳририда маъқул-ламаса, у рад этилган қонун сифатида Қонунчилик палатасига қай-тарилиши керак. Қонунчилик палатаси Регламентининг 17-моддасида Сенат томонидан рад этилган, шунингдек республика Президенти томонидан эътирозлар билан қайтарилган қонунни Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиш тартиби белгиланган. Мазкур тартибга мувофиқ, масъул қўмита рад этилган қонун юзасидан хулоса беради. Масъул қўмитанинг хулосасини олганидан сўнг палата қонунни қайта кўриб чиқиш масаласини ўз мажлисининг кун тартибига киритади. Агар Қонунчилик палатаси Сенат томонидан рад этилган қонунни палата депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан яна маъқулласа, қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ва Президентга имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

4-§. Сенат томонидан қонунни муҳокама қилиш ва қабул қилиш

Қабул қилинган қонун лойиҳасини парламентнинг иккинчи палатасида кўриб чиқиш икки палатали парламентлардаги қонун чиқариш жараёнининг навбатдаги босқичидир. Зеро, бир палатали парламентда қонунни қабул қилиш охириги марта овозга қўйиш орқали амалга оширилади (у биринчи ўқишдан кейин ҳам, иккинчи, учинчи, тўртинчи ўқишдан кейин ҳам ўтказилиши мумкин). Икки палатали парламентда эса қонун лойиҳаси айни бир таҳрирда иккала палата томонидан қабул қилинган ҳолдагина қонунга айланади (аммо баъзан палаталардан бири қайта овозга қўйиш орқали бошқа палата томонидан қабул қилинган қонун лойиҳасини маъқулламаган иккинчи палатанинг «вето»сини енгиши ҳам мумкин).

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, қонун ижодкорлиги соҳасида парламент палаталарининг ваколатлари тенг бўлиши ёки жиддий фарқ қилиши мумкин. Масалан, АҚШ Конгрессининг палаталари умуман олганда ҳар хил ваколатларга эга. Айтайлик, молия соҳасидаги қонун лойиҳалари фақат вакиллар палатасига киритилиши мумкин. Сенат халқаро шартномаларни ратификация қилиш, президент томонидан тайинланган давлатнинг олий мансабдор шахсларини тасдиқлаш ҳуқуқига эга. Аммо қонун

ижодкорлиги соҳасида палаталар деярли тенг ҳуқуқлидир: барча қонунлар иккала палатанинг розилиги билан қабул қилинади. Барча қонун лойиҳалари уч ўқишдан ўтади. Бир палата томонидан маъқулланган қонун лойиҳаси бошқа палатага кўриб чиқиш учун юборилади ва бу ерда кўриб чиқиш ва муҳокама қилишнинг айна ўша босқичларидан ўтади. Агар лойиҳа матнига тузатишлар киритилган бўлмаса, у палаталарнинг раислари томонидан имзоланганидан сўнг президентга топширилади. Россияда парламент палаталари қонун чиқариш фаолияти соҳасида ҳам ҳар хил ваколатларга эга: барча қонунлар қуйи палата (Давлат Думаси) томонидан қабул қилинади, яъни айна ҳолда қонун лойиҳаси ҳақида эмас, балки Давлат Думаси томонидан қабул қилинган қонун ҳақида сўз юритилади («Давлат Думаси томонидан қабул қилинган қонун» тушунчаси қонун чиқариш жараёнидаги муҳим босқични акс эттиради). Юқори палата (Федерация Кенгаши)нинг вазифаси шундан иборатки, мазкур палата Давлат Думаси томонидан қабул қилинган қонунни маъқуллайди (овоз бериш орқали ёки «сукут сақлаш» орқали (яъни ўн тўрт кун ичида Федерация Кенгаши томонидан кўриб чиқилмаса) ёки рад этади. Бунда қайси масалаларга тааллуқли қонунларни Федерация Кенгашида кўриб чиқиш мажбурийлиги Конституцияда белгилаб қўйилган (федерал бюджет, федерал солиқлар ва йиғимлар, уруш ва тинчлик масалалари ва бошқа шунга ўхшаш масалалар).

Палаталар қонун чиқариш фаолияти соҳасида тенг ҳуқуқларга эга бўлган ва улар ўртасида қонунни қабул қилиш юзасидан келишмовчиликлар чиққан ҳолларда мурасага келтириш тартиб-қоидалари қўлланади. Амалиёт шуни кўрсатадики, қонуннинг ўзаро мувофиқлаштирилган матнини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, биринчидан, «моки» («челнок») усулида амалга оширилиши мумкин, яъни палаталардан бири бошқа палатанинг таклифларига рози бўлмагунча ёки қонун лойиҳаси узил-кесил рад этилмагунча мазкур қонун лойиҳаси бир палатадан иккинчи палатага юборилаверади (мазкур тартиб Аргентина, Боливия парламентларида амал қилади). Иккинчидан, «келишув қўмиталари» тузиш усули қўлланиши мумкин, яъни палаталар топшириғига биноан махсус комиссиялар, қўмиталар ёки бошқа органлар қонун лойиҳаси матнини мувофиқлаштиришни амалга оширадilar. Масалан, АҚШда палаталар тенглик асосида ҳеч қандай тавсиялар билан боғлиқ бўлмаган келишув қўмитасини тузади. Мазкур қўмита иккала томонни ҳам қаноатлантирадиган қарор қабул қилиш-га эришиши лозим. Қўмита палата томонидан қабул қилинган қонун (билль) лойиҳасининг қоидаларини ўзгартириши мумкин. Қабул қилинган қарор тўғрисида қўмита палаталарга маълумот беради. Палаталар қўмитанинг таклифини қабул қилади ёки рад этади. Палаталар лойиҳани келишув қўмитасига янгидан кўриб чиқиш учун қайтариши ҳам мумкин. Лекин, қоида тариқасида,

келишув қўмитасининг так-лифлари қабул қилинади. Аммо палаталарни мурасага келтиришга муваффақ бўлинмаслиги ҳам мумкин⁶³.

Парламент палаталари қонун ижодкорлиги соҳасида тенг ҳуқуқларга эга бўлмаган мамлакатларда палаталардан бири бошқа палатани «четлаб ўтиб» қонун қабул қилиши мумкин, аммо бу ерда ҳам мурасага келтириш тартиб-қоидалари қўлланади. Бунга, жумладан, Россия парламентининг амалиёти мисол бўлиши мумкин. Қуйи палата (Давлат Думаси) регламентига «Федерация Кенгаши рад этган федерал қонунларни қайта кўриб чиқиш» деб номланган махсус боб (14 боб) киритилган. Федерация Кенгашининг регламентига ҳам махсус боб киритилган бўлиб, унда Давлат Думаси қабул қилган федерал қонуннинг Федерация Кенгаши томонидан рад этилиши муносабати билан Федерация Кенгаши ва Давлат Думаси ўртасида юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш муфассал тартибга солинади (13 боб). Қуйи палата қабул қилган, Федерация Кенгаши томонидан рад этилган қонун Давлат Думаси Кенгаши томонидан масъул қўмитага хулоса чиқариш учун тақдим этилади. Масъул қўмита палатага: а) қонунни бундан буён кўриб чиқмаслик; б) қонунни илгари қабул қилинган тахрирда қабул қилиш; в) келишув комиссияси тузишни тавсия қилиши мумкин. Хуллас, юзага келган келишмовчиликлар икки палатадан бирининг ташаббусига биноан иккала палата аъзолари орасидан тенглик асосида тузиладиган келишув комиссияси ёрдамида бартараф этилиши мумкин. Федерация Кенгаши келишув комиссияси тузиш ташаббусини рад этган тақдирда қонун Федерация Кенгаши томонидан тўлиқ рад этилган ҳисобланади. Тузилган келишув комиссияси Федерация Кенгашининг ҳар бир эътирозини кўриб чиқади ва қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Комиссия қарорлари қуйи палата депутацияси ва юқори палата депутацияси томонидан алоҳида овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Агар ҳар бир депутация аъзоларининг кўпчилиги қарорни ёқлаб овоз берган бўлса, у қабул қилинган ҳисобланади. Келишув комиссияси иш якунлари бўйича баённома ҳамда қонуннинг тузатишлар киритилган моддаларининг солиштирма жадвалини тузади. Палата томонидан келишув комиссияси тахририда қабул қилинган қонун юқори палатага юборилади. Агар Федерация Кенгаши томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Давлат Думаси уни келишув комиссияси таклиф қилган тахрирда қабул қилмаса, қонун илгари қабул қилинган тахрирда овозга қўйилади. Депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми қонунни ёқлаб овоз берган бўлса, у қабул қилинган ҳисобланади. Шундан сўнг қонун президентга имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади. Давлат Думасининг раиси бу ҳақда юқори палата раисига хабар беради.

⁶³ Бу ҳақда қаранг: Законодательный процесс. Понятие. Институты. Стадии, с. 206-210.

Россия парламентида навбатдаги молия йилига мўлжалланган бюджетни киритиш ва уни кўриб чиқиш тартиби ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Авваламбор, шуни қайд этиб ўтиш керакки, маз-кур тартиб палаталарнинг регламентлари билан эмас, балки Бюджет кодекси билан белгиланади. Мазкур кодексга мувофиқ, бюджет қуйи палатада тўрт ўқишда кўриб чиқилади. Россия парламентида конституциявий қонунлар (уларни қабул қилиш учун қуйи палатада депутатлар умумий сонининг учдан икки қисми, юқори палатада эса – тўртдан уч қисмининг кўпчилик овози талаб этилади), Конституцияга тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонунлар (улар конституциявий қонунлар билан бир хил тартибда қабул қилинади, аммо Федерация субъектлари камида учдан икки қисмининг қонун чиқарувчи ҳокимият органлари томонидан маъқулланиши талаб этилади) алоҳида тартибда қабул қилинади. Россия парламенти қуйи палатасининг регламентида РФ халқаро шартномаларини ратификация қилиш, уларнинг амал қилишини тугатиш ёки тўхтатиб туриш тартибининг хусусиятлари ҳам ўз аксини топган (бунга регламентнинг махсус боби бағишланган).

Ўзбекистоннинг икки палатали парламентидаги қонун чиқариш жараёнининг кўриб чиқилаётган босқичларига тегишли бўлган айрим муҳим қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда Олий Мажлис палаталари тўғрисидаги Конституциявий қонунларда мустаҳкамланган. Энг аввало Конституцияга мурожаат этамиз. Конституциянинг 84-моддасига мувофиқ: а) қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиши лозим; б) Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади ва агар қонунни қайта кўриб чиқишда палата депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун парламент томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига палата томонидан юборилади; в) Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан палаталар юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак. Конституцияга ўзгартишлар киритиш, конституциявий қонунни қабул қилиш парламентнинг ҳар бир палатасидаги умумий овозлар сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овозини талаб этади. Одатдаги қонунлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Қонунлар қабул қилиш тартиби, шунингдек келишув тартиб-қоидалари Олий Мажлис палаталари тўғрисидаги Конституциявий қонунларда муфассалроқ тартибга солинган. Қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишув тартиб-қоидаларига

Қонунларнинг махсус бўлимлари бағишланган. Уларда, жумладан, қонун лойиҳасининг қуйи палатадан ўтиши, уни юқори палатада кўриб чиқиш тартиби, келишув комиссиясини тузиш ва унинг фаолияти асослари, келишув комиссиясининг таклифларини қуйи палатада кўриб чиқиш тартиби ҳамда қуйи палатада қайта кўриб чиқилган қонунни юқори палата томонидан маъқуллаш тартиби белгиланган. Табиийки, мазкур тартиб-қоидалар палаталарнинг регламентларида муфассалроқ тартибга солиниши лозим. Олий Мажлис палаталарининг қонунлар билан тасдиқланган регламентлари, Конституция, конституциявий қонунлар-нинг қоидаларига мувофиқ, Қонунчилик палатаси қабул қилган қонун лойиҳасининг Сенатда ўтишини, юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун тузиладиган келишув комиссияси ишининг тартиб-қоидаларини (қонун Сенат томонидан рад этилган ҳолда), шунингдек қонунни палаталар томонидан қайта кўриб чиқиш тартибини ва бошқа масалаларни тартибга солади.

Сенатга келиб тушган қонун рўйхатга олинади ва Сенат Раиси томонидан қонунни кўриб чиқадиган ҳамда унинг юзасидан хулоса тайёрлайдиган қўмигага топширилади. Сенатнинг мажлисида қонунни кўриб чиқиш маърузачининг масъул қўмига хулосасини ўқиб эшиттиришидан бошланади. Шундан сўнг қонун муҳкамаси тартибида сенаторлар сўзга чиқишлари мумкин. Қонун Сенат томонидан белгиланган кўпчилик овоз билан маъқулланса, имзоланиши ва эълон қилиниши учун белгиланган тартибда республика Президентига юборилади. Рад этилган қонун юзасидан палаталар юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун келишув комиссияси тузиши мумкин.

Мазкур комиссия тенглик асосида тузилади. Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссия ҳамраисларини сайлайдилар. Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилади. Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳа-сининг матни илова қилинади. Хулоса Сенат ва Қонунчилик пала-тасига топширилади. Сенат келишув комиссиясининг таклифларини қабул қилган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан одат-даги тартибда қайта кўриб чиқилиши керак. Қонунни Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқишда келишув комиссиясининг баённо-масида мавжуд бўлган тақиқларгина муҳокама қилинади. Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Қонун-чилик палатаси, Сенат келишув комиссиясига янги таклифларни тақ-дим этиш учун палата томонидан маъқулланган тузатишларни ино-батга олган ҳолда ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин. Агар Сенат қонунни келишув комиссиясининг таҳририда

маъкул-ламаса, у рад этилган қонун сифатида Қонунчилик палатасига қай-тарилиши керак. Қонунчилик палатаси Регламентининг 17-моддасида Сенат томонидан рад этилган, шунингдек республика Президенти томонидан эътирозлар билан қайтарилган қонунни Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиш тартиби белгиланган. Мазкур тартибга мувофиқ, масъул қўмита рад этилган қонун юзасидан хулоса беради. Масъул қўмитанинг хулосасини олганидан сўнг палата қонунни қайта кўриб чиқиш масаласини ўз мажлисининг кун тартибига киритади. Агар Қонунчилик палатаси Сенат томонидан рад этилган қонунни палата депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан яна маъқулласа, қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ва Президентга имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Конституциявий қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонун палатада қайта кўриб чиқилиб, қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади: 1) қонунни Президентнинг мулоҳазаларини ва таклифларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш; 2) қонунни бундан буён кўриб чиқмаслик; 3) қонунни аввалги қабул қилинган таҳририда маъқуллаш. Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда палата депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, Сенатга маъқуллаш учун юборилади. Сенат (сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан) қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Агар қонун Сенат томонидан маъқулланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак. Ўзбекистон Республикаси (ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган) Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ, қонунларнинг эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир. Мазкур қоидалар Олий Мажлис палаталарининг қонунлар билан тасдиқланган регламентларида ҳам ўз аксини топган.

Олий Мажлис палаталарининг регламентларида Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш, Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишнинг умумий тартиби белгиланганки, бу жуда ўринли бўлган. Аммо парламент томонидан Давлат бюджетини кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичлари регламентларда янада муфассалроқ тартибга солинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қонун чиқариш жараёни ҳақидаги сўзимизни яқунлар эканмиз, шуни қайд этиб ўтишни истар эдикки, баъзи бир давлатларнинг конституцияларида *парламент ўз ваколатларини, қоида тариқасида, ҳукуматга бериши мумкинлиги* назарда тутилади. Масалан, Франция Конституциясига мувофиқ (38-модда), парламент ўз ваколатларини маълум муддатга ҳукуматга бериши мумкин. Бунда ҳукумат маълум масалалар юзасидан

ордонанслар чиқариш ҳуқуқига эга бўлади. Агар мазкур ордонансларни тасдиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси парламент ҳукуматга ўз ваколатларини берувчи қонунда кўрсатилган муддат тугагунга қадар парламентга киритилмаса, юқорида зикр этилган ордонанслар ўз кучини йўқотади. Муайян соҳани тартибга солиш ҳуқуқини ҳукуматга бергач, парламент ҳукуматга ўз ваколатларини берувчи қонунда кўрсатилган муддат тугагунга қадар мазкур соҳада қонун чиқара олмайди. Амалда парламентнинг ўз ваколатларини ҳукуматга бериши жуда кам учрайди⁶⁴. Россияда РФ Президенти қонунчилик йўли билан ҳал қилишни талаб этувчи масалалар юзасидан ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликларни тўлдирувчи фармонлар чиқаришга ҳақли, башарти мазкур фармонлар Конституция ва қонунларга зид бўлмаса. Мазкур фармонлар парламент томонидан тегишли қонунлар қабул қилингунга қадар амал қилади. Ушбу хулоса Россия Конституциявий судининг 1996 йил 30 апрель қароридан келиб чиқади⁶⁵.

Бир қатор давлатларнинг парламент амалиётида палаталар қонун лойиҳаларини қабул қилиш ҳуқуқини ўз комиссияларига беради. Масалан, Италия парламентида палаталар ўз комиссияларига қонун лойиҳасини қабул қилиш ҳуқуқини бериши мумкин. Қонун лойиҳасини қабул қилиш учун комиссия ўзининг «қонунчилик мажлиси»ни ўтказди. Комиссияларнинг қонунчилик мажлисига берилиши мумкин бўлмаган қонун лойиҳаларининг рўйхати палаталарнинг регламентларида белгилаб қўйилади. Комиссиянинг қонунчилик мажлисида қонун лойиҳасининг ўтиши одатдаги қонун чиқариш тартиб-қоидаларидан деярли фарқ қилмайди, фақат ўтиш муддати жиддий қисқаради (расман қисқармаслиги ҳам мумкин). Комиссиянинг қонунчилик мажлисида маъқулланган қонун лойиҳаси ҳақида палата раиси барча депутатларга хабар беради. Бунда палата исталган пайтда комиссияга кўриб чиқиш учун юборилган ҳар қандай қонун лойиҳасини навбатдаги мажлисда муҳокамадан ўтказиш ва қабул қилишни талаб қилиши мумкин⁶⁶.

Ўтказилган таҳлил бошқа мамлакатларнинг қонун ижодкорлиги жараёнини демократлаштиришга йўналтирилган самарали парламент тартиб-қоидаларини шакллантириш соҳасидаги ижобий тажрибасига эътиборни қаратиш ва Ўзбекистон Республикасининг икки палатали янги парламенти фаолиятининг тартиб-қоидаларини янада муфассаллаштиришда ундан фойдаланиш имконини беради.

5-§. Келишув комиссияси

⁶⁴ Қаранг: Парламенты мира, с. 427.

⁶⁵ Қаранг: Козлова Е.И., Кутафин О.Е. Конституционное право России. – М., 1998, с. 356.

⁶⁶ Қаранг: Парламенты мира, с. 188-189; Институты конституционного права иностранных государств, с. 156.

Ўзбекистоннинг икки палатали парламентидаги қонун чиқариш жараёнининг кўриб чиқилаётган босқичларига тегишли бўлган айрим муҳим қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда Олий Мажлис палаталари тўғрисидаги Конституциявий қонунларда мустаҳкамланган. Энг аввало Конституцияга мурожаат этамиз. Конституциянинг 84-моддасига мувофиқ: а) қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиши лозим; б) Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилди ва агар қонунни қайта кўриб чиқишда палата депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун парламент томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига палата томонидан юборилди; в) Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан палаталар юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак. Конституцияга ўзгартишлар киритиш, конституциявий қонунни қабул қилиш парламентнинг ҳар бир палатасидаги умумий овозлар сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овозини талаб этади. Одатдаги қонунлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Қонунлар қабул қилиш тартиби, шунингдек келишув тартиб-қоидалари Олий Мажлис палаталари тўғрисидаги Конституциявий қонунларда муфассалроқ тартибга солинган. Қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишув тартиб-қоидаларига Қонунларнинг махсус бўлимлари бағишланган. Уларда, жумладан, қонун лойиҳасининг қуйи палатадан ўтиши, уни юқори палатада кўриб чиқиш тартиби, келишув комиссиясини тузиш ва унинг фаолияти асослари, келишув комиссиясининг таклифларини қуйи палатада кўриб чиқиш тартиби ҳамда қуйи палатада қайта кўриб чиқилган қонунни юқори палата томонидан маъқуллаш тартиби белгиланган. Табиийки, мазкур тартиб-қоидалар палаталарнинг регламентларида муфассалроқ тартибга солиниши лозим. Олий Мажлис палаталарининг қонунлар билан тасдиқланган регламентлари, Конституция, конституциявий қонунларнинг қоидаларига мувофиқ, Қонунчилик палатаси қабул қилган қонун лойиҳасининг Сенатда ўтишини, юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун тузиладиган келишув комиссияси ишининг тартиб-қоидаларини (қонун Сенат томонидан рад этилган ҳолда), шунингдек қонунни палаталар томонидан қайта кўриб чиқиш тартибини ва бошқа масалаларни тартибга солади.

Сенатга келиб тушган қонун рўйхатга олинади ва Сенат Раиси томонидан қонунни кўриб чиқадиган ҳамда унинг юзасидан хулоса тайёрлайдиган кўмитага топширилади. Сенатнинг мажлисида қонунни кўриб чиқиш маърузачининг масъул кўмита хулосасини ўқиб эшиттиришидан бошланади. Шундан сўнг қонун муҳкамаси тартибда сенаторлар сўзга чиқишлари мумкин. Қонун Сенат томонидан белгиланган кўпчилик овоз билан маъқулланса, имзоланиши ва эълон қилиниши учун белгиланган тартибда республика Президентига юборилади. Рад этилган қонун юзасидан палаталар юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун келишув комиссияси тузиши мумкин.

Мазкур комиссия тенглик асосида тузилади. Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссия ҳамраисларини сайлайдилар. Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилади. Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳа-сининг матни илова қилинади. Хулоса Сенат ва Қонунчилик палата-сига топширилади. Сенат келишув комиссиясининг таклифларини қабул қилган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан одат-даги тартибда қайта кўриб чиқилиши керак. Қонунни Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқишда келишув комиссиясининг баённо-масида мавжуд бўлган тақлифларгина муҳокама қилинади. Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Қонунчилик палатаси, Сенат келишув комиссиясига янги таклифларни тақ-дим этиш учун палата томонидан маъқулланган тузатишларни ино-батга олган ҳолда ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин. Агар Сенат қонунни келишув комиссиясининг таҳририда маъқул-ламаса, у рад этилган қонун сифатида Қонунчилик палатасига қайтарилиши керак. Қонунчилик палатаси Регламентининг 17-моддасида Сенат томонидан рад этилган, шунингдек республика Президенти томонидан эътирозлар билан қайтарилган қонунни Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиш тартиби белгиланган. Мазкур тартибга мувофиқ, масъул кўмита рад этилган қонун юзасидан хулоса беради. Масъул кўмитанинг хулосасини олганидан сўнг палата қонунни қайта кўриб чиқиш масаласини ўз мажлисининг кун тартибига киритади. Агар Қонунчилик палатаси Сенат томонидан рад этилган қонунни палата депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан яна маъқулласа, қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ва Президентга имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

6-§. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик жараёнида иштирокининг аҳамияти. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиши ва эълон қилиниши

Агар Қонунчилик палатаси Сенат томонидан рад этилган қонунни палата депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан яна маъқулласа, қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ва Президентга имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Конституциявий қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонун палатада қайта кўриб чиқилиб, қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади: 1) қонунни Президентнинг мулоҳазаларини ва таклифларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш; 2) қонунни бундан буён кўриб чиқмаслик; 3) қонунни аввалги қабул қилинган таҳририда маъқуллаш. Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда палата депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, Сенатга маъқуллаш учун юборилади. Сенат (сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан) қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Агар қонун Сенат томонидан маъқулланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак. Ўзбекистон Республикаси (ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган) Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ, қонунларнинг эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир. Мазкур қоидалар Олий Мажлис палаталарининг қонунлар билан тасдиқланган регламентларида ҳам ўз аксини топган.

Олий Мажлис палаталарининг регламентларида Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш, Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишнинг умумий тартиби белгиланганки, бу жуда ўринли бўлган. Аммо парламент томонидан Давлат бюджетини кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичлари регламентларда янада муфассалроқ тартибга солинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қонун чиқариш жараёни ҳақидаги сўзимизни яқунлар эканмиз, шуни қайд этиб ўтишни истар эдикки, баъзи бир давлатларнинг конституцияларида *парламент ўз ваколатларини, қоида тариқасида, ҳукуматга бериши мумкинлиги* назарда тутилади. Масалан, Франция Конституциясига мувофиқ (38-модда), парламент ўз ваколатларини маълум муддатга ҳукуматга бериши мумкин. Бунда ҳукумат маълум масалалар юзасидан ордонанслар чиқариш ҳуқуқига эга бўлади. Агар мазкур ордонансларни тасдиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси парламент ҳукуматга ўз ваколатларини берувчи қонунда кўрсатилган муддат тугагунга қадар парламентга киритилмаса, юқорида зикр этилган

ордонанслар ўз кучини йўқотади. Муайян соҳани тартибга солиш ҳуқуқини ҳукуматга бергач, парламент ҳукуматга ўз ваколатларини берувчи қонунда кўрсатилган муддат тугагунга қадар мазкур соҳада қонун чиқара олмайди. Амалда парламентнинг ўз ваколатларини ҳукуматга бериши жуда кам учрайди⁶⁷. Россияда РФ Президенти қонунчилик йўли билан ҳал қилишни талаб этувчи масалалар юзасидан ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликларни тўлдирувчи фармонлар чиқаришга ҳақли, башарти мазкур фармонлар Конституция ва қонунларга зид бўлмаса. Мазкур фармонлар парламент томонидан тегишли қонунлар қабул қилингунга қадар амал қилади. Ушбу хулоса Россия Конституциявий судининг 1996 йил 30 апрель қароридан келиб чиқади⁶⁸.

Бир қатор давлатларнинг парламент амалиётида палаталар қонун лойиҳаларини қабул қилиш ҳуқуқини ўз комиссияларига беради. Масалан, Италия парламентида палаталар ўз комиссияларига қонун лойиҳасини қабул қилиш ҳуқуқини бериши мумкин. Қонун лойиҳасини қабул қилиш учун комиссия ўзининг «қонунчилик мажлиси»ни ўтказди. Комиссияларнинг қонунчилик мажлисига берилиши мумкин бўлмаган қонун лойиҳаларининг рўйхати палаталарнинг регламентларида белгилаб қўйилади. Комиссиянинг қонунчилик мажлисида қонун лойиҳасининг ўтиши одатдаги қонун чиқариш тартиб-қоидаларидан деярли фарқ қилмайди, фақат ўтиш муддати жиддий қисқаради (расман қисқармаслиги ҳам мумкин). Комиссиянинг қонунчилик мажлисида маъқулланган қонун лойиҳаси ҳақида палата раиси барча депутатларга хабар беради. Бунда палата исталган пайтда комиссияга кўриб чиқиш учун юборилган ҳар қандай қонун лойиҳасини навбатдаги мажлисда муҳокамадан ўтказиш ва қабул қилишни талаб қилиши мумкин⁶⁹.

Ўтказилган таҳлил бошқа мамлакатларнинг қонун ижодкорлиги жараёнини демократлаштиришга йўналтирилган самарали парламент тартиб-қоидаларини шакллантириш соҳасидаги ижобий тажрибасига эътиборни қаратиш ва Ўзбекистон Республикасининг икки палатали янги парламенти фаолиятининг тартиб-қоидаларини янада муфассаллаштиришда ундан фойдаланиш имконини беради.

⁶⁷ Қаранг: Парламенты мира, с. 427.

⁶⁸ Қаранг: Козлова Е.И., Кутафин О.Е. Конституционное право России. – М., 1998, с. 356.

⁶⁹ Қаранг: Парламенты мира, с. 188-189; Институты конституционного права иностранных государств, с. 156.

14-БоБ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида парламент назорати

1-§. Парламент назорат фаолиятининг тушунчаси ва унинг аҳамияти.

2-§. Парламент назоратининг асосий йўналишлари.

3-§. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг парламент назоратига оид ваколатлари.

4-§. Давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати ва уни амалга оширишда кўмиталарнинг тутган ўрни

1-§. Парламент назорат фаолиятининг тушунчаси ва унинг аҳамияти

Парламент назорати нафақат қонунларнинг сифати ва самарадорлигини оширишда, балки ҳокимиятлар ўртасидаги “бир-бирини тийиб туриш ва мувозанат сақлаш” тизимининг барқарор ишлашини таъминлашда ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини муҳофаза қилишда ҳам муҳим ўрин тутаети.

Парламент назоратининг мазмун-моҳияти давлатнинг бошқарув шаклига қараб фарқланади. Жумладан, парламентлик бошқарув шаклига асосланган давлатларда парламент назорати президентлик республикалардагига нисбатан ўзининг кўлами ва таъсири жиҳатидан салмоқлироқ ҳисобланади. Бу албатта, табиий ҳол. Чунки парламентлик бошқарув шаклига асосланган республикаларда ҳукумат бевосита парламент томонидан шакллантирилади.

Президентлик республикаларида эса, парламент назорати асосан қонунлар ижроси, шунингдек парламент ваколатларига киритилган бошқа йўналишларни назорат қилишдан иборат бўлади. Бундай республикаларда ҳукумат парламент билан бир қаторда, кўпроқ Президент олдида ҳисобдордир.

Ҳуқуқий адабиётларда парламент назоратининг тушунчаси ва мазмун-моҳиятига турлича тавсифлар берилган бўлиб, парламент назорати жараёнининг илмий асосларини ривожлантиришга хизмат қиладети. Фикримизча, парламент назоратининг тушунчасини ифодалашдан олдин «назорат» тушунчасига ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқ.

Назорат деганда асосан маълум воқеа-ҳодиса ёки ижтимоий муносабатлар жараёнини ўрганиш ва текшириш мақсадида олиб бориладиган махсус фаолият тушунилади. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимида турли назорат турлари олиб борилади, яъни, давлат назорати, парламент назорати, прокурор назорати,

экология назорати, санитария назорати, тоғ-кон ва саноат назорати, молия назорати ва бошқалар.

Ушбу назорат турлари мазмун-моҳияти жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам назорат тушунчасининг доирасини аниқ белгилаш лозим. Кўпгина хорижий тилларда, хусусан, рус тилида “надзор” ва “контроль” атамалари ҳуқуқ назарияси ва амалиётида кенг қўлланилиб, муҳим аҳамият касб этади. Ушбу атамаларининг мақсади ва вазифаларида ўзаро умумийлик мавжуд, лекин, фаолият объекти, субъекти, шакл ва усуллари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. “Надзор” (назорат) атамаси асосан прокурор назорати шаклига қўлланилса, “контроль”(назорат) атамаси эса давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан амалга ошириладиган фаолият шакли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўзбек тилида ушбу атамаларнинг луғавий маъносини аниқ ифодаланиши давлат органларининг мураккаб назорат фаолияти хусусиятларини белгилашга ёрдам беради.

Парламентнинг назорат (контроль) фаолияти давлат тизимида амалга ошириладиган назорат турларидан мазмун-моҳияти жиҳатидан фарқ қилади. Парламент назорати (контроль)-қонун ижодкорлик фаолиятини амалга ошираётган субъектларнинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш даражасини ўрганиш, қонун ҳужжатлари қоида-талабларини ижро ҳокимияти органлари ва бошқа юридик ва мансабдор шахслар томонидан ҳаётга тадбиқ этиш ҳолатини кузатиш, қонунларни ижро этиш жараёнида мавжуд тўсиқ, камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид тегишли тавсиялар бериш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий фаолиятидир. Парламент назоратининг илмий-услубий асосларини янада ривожлантириш, ўз навбатида ушбу жараённинг самарадорлигини ошишига хизмат қилади.

Парламент назорати функциясининг аҳамияти шундаки, биринчидан, қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши даражасини ўрганиш, иккинчидан, қонунларнинг амалиётда қўлланилишига салбий таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни аниқлаш, учинчидан, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, тўртинчидан, тегишли қонунларга назорат-таҳлил натижаларига асосан қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, бешинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг қонун ҳужжатлари қоида-талабларига сўзсиз амал қилиш маъсулияти ва мажбуриятини оширишга хизмат қилади.

2-§. Парламент назоратининг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, конституциявий қонунлари ва қонунларига асосан Ўзбекистонда парламент назоратининг қуйидаги асосий йўналишларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари ижроси юзасидан назорат;
- инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши бўйича назорат;
- мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги назорат;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижросини назорат этиш;
- давлат бошқаруви, давлат ҳокимияти органларини шакллантириш соҳасидаги назорат;
- ташқи сиёсий фаолият бўйича назорат.

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис палаталари қарорлари юзасидан назорат парламентнинг муҳим фаолият йўналишларидан бўлиб, қонунларнинг амалиётда қўлланилиш даражасини ўрганиш, қонунларнинг ижросига таъсир этувчи субъектив ҳамда объектив омилларни аниқлаш ҳамда энг муҳими, қонунларнинг амалиётда қўлланилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 87-моддасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда ўз қарорлари ижросини назорат қилиши ва шу мақсадда депутат ва сенаторлар орасидан қўмиталарни сайлаш ваколати белгиланган. Бу қоида парламент фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва парламент палаталари қарорлари ижроси юзасидан парламент назорати тегишлича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенати Раиси томонидан ташкил этилади ва қўмиталарнинг бу борадаги фаолияти мувофиқлаштирилади.

Қонунлар ва палаталар қарорлари ижроси юзасидан парламентнинг назорат фаолияти Қонунчилик палатаси ва Сенат қўмиталарининг режаларига асосан ўтказилади. Режалар қўмиталар йиғилишларида тасдиқланиб, палаталарнинг ялпи мажлисларида маъқулланади.

Қонунлар ижроси юзасидан парламент назорати муайян бир қонун ёки бир неча қонунларнинг ижросини маълум бир ҳудуд ёки соҳа, тармоқ, вазирлик ёки аниқ бир қорхона миқёсида қамраб олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўмиталари назорат таҳлил фаолиятини амалга ошириш жараёнига тегишли мутахассисларни жалб қилиш, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахслардан тегишли ҳужжатлар, эксперт хулосалари, статистик маълумотлар ва бошқа материалларни талаб қилиб олиш, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунлар, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда қўмиталар қарорларининг ижроси ҳақидаги ахборотларини эшитиш ваколатларига эга.

Қўмиталарнинг назорат фаолияти натижасида маълумотнома тузилади ва қарор қабул қилинади. Маълумотномада текширилган ҳолат ва мавжуд муаммолар батафсил ёритилади. Қарорда эса қўмитанинг хулоса ва тавсиялари ўз ифодасини топади.

Қўмиталарнинг давлат органларига юборилаётган қарорлари улар томонидан кўриб чиқилиши шарт, натижалари тўғрисида узоғи билан бир ойдан кечиктирмай хабар қилиниши керак.

2. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши юзасидан назорат олиб бориш парламент фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, ушбу соҳада миллий қонунчилик ҳужжатлари қоида талаблари, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойил ва стандартларининг амалиётда қўлланилиш даражасини ўрганиш, аниқлаш ва тегишли чора-тадбирларни белгилаш билан боғлиқ фаолиятни ифодалайди. Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини ҳамда ўринбосарини сайлаш ва унинг ҳисоботларини эшитиш Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари жумласига киради.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 24 августдаги янги таҳрирдаги қонунининг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили мансабдор шахс бўлиб, у давлат органлари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан парламент назоратини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузаётган ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини, шунингдек нодавлат ноижорат ташкилотларининг муайян бир киши ёки бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги юзасидан берган шикоятларини башарти уларнинг бунга розилиги бўлса, кўриб чиқади ва ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқидан фойдаланади. Вакил фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш ҳуқуқига ҳам эга.

Шикоятларни кўриб чиқиш чоғида Вакил аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда кўмаклашишни сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш, уларни таклиф этиш, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳузурига монеликсиз кириш, ташкилотлар ва мутахассисларга хулосалар тайёрлашни топшириш, ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни олиш, мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан ўтказилаётган текширишларда иштирок этиш, ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган шахс билан учрашув ва суҳбатлар ўтказиш, ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга илтимоснома билан кириш каби кенг ҳуқуқлардан фойдаланади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги парламент назоратига Олий Мажлис Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиغا биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ваколатининг амалга оширилишини ҳам киритишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили текширув натижасида хулоса тузади, унда ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги аниқланган ташкилот ёки мансабдор шахсга бузилган ҳуқуқларни тиклаш юзасидан тавсиялар ифодаланади. Хулоса тегишли ташкилот ёки мансабдор шахсга юборилади. Вакилнинг хулосасини олган ташкилот ёки мансабдор шахс уни кўриб чиқиши ва бир ойдан кечиктирмай асослантирилган жавоб юбориши шарт.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги парламент назорати Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа

қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини ҳамда умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини кўриб чиқиш ва тасдиқлашда кўпроқ намоён бўлади.

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг кўриб чиқиши ва тасдиғига киритилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармони, ушбу фармон келиб тушган пайтдан эътиборан 48 соатдан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонлари эса улар келиб тушган пайтдан эътиборан 72 соатдан кечиктирмай уларнинг мажлисларида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги масала Қонунчилик палатаси ва Сенат кўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилинмасдан кўриб чиқилади.

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари дарҳол Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг муҳим молиявий ҳужжати – Давлат бюджетининг ижросини назорат этиш парламент фаолиятида алоҳида аҳамият касб этади.

Парламентимизнинг бу борадаги назорат ваколати конституция ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- Навбатдаги молиявий йил учун Давлат бюджети лойиҳасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан кўриб чиқилиши ва қабул қилиниши, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

- Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан Давлат бюджетининг чораклик, ярим йиллик ва йиллик ижроси яқунлари ҳақидаги Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботларининг кўриб чиқилиши ва тегишли қарорлар қабул қилиниши;

- Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитилиши, муҳокама қилиниши ва тегишли қарор қабул қилиниши.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларини шакллантириш соҳасидаги парламент назорати, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юбориш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат органларини тузиш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш, мансабдор шахсларни сайлаш, тайинлаш ёки тасдиқлаш ҳамда тегишли давлат органлари раҳбарлари ҳисоботларини эшитишда ифодаланади.

Қонунчилик палатаси, Сенат, шунингдек Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли. Парламент сўровига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Қонунчилик палатаси ёки Сенат мажлисларида жавоб берадилар. Парламент сўровлари бўйича ахборот Қонунчилик палатаси ёки Сенат мажлисида муҳокама қилиниши мумкин. Муҳокама якунлари бўйича қарор қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Олий Мажлис палаталари томонидан биргаликда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги таклифларни Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан киритилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Сенатга юборилади. Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисидаги қарори Сенатга келиб тушганидан кейин Сенат ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқади. Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш

масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси Қонунчилик палатаси томонидан тақдимнома киритилган кундан эътиборан етти кун ичида кўриб чиқилади. Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси Сенат томонидан Сенатнинг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқилади. Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарори ҳам мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Қонунчилик палатаси ва Сенат Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги ўз тасдиқларига киритилган фармонлари юзасидан қарорлар қабул қиладилар. Мазкур қарорлар уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади, шунингдек худди шу муддат ичида Қонунчилик палатасининг қарори Сенатга, Сенат қарори эса Қонунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик судини сайлаш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини ва Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш, Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколати бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига сайлаш учун номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатга тақдим этилганидан сўнг, номзодлар масъул қўмита томонидан ўрганиб чиқилади. қўмита ўрганишлари натижасида номзодларни сайлаш ёки сайламаслик ҳақида асослантирилган хулоса тузади.

Қўмита хулосаси тайёрлангач, Сенат Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьяларини сайлаш тўғрисидаги масалани ўзининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқади. Бу масалалар

юзасидан қарорлар Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьяларини сайлаш масаласи юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини ва Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш ҳақидаги масала ҳам шу тартибда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги масалалар ҳам Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади. Масала юзасидан Сенат қарори қабул қилинади ва қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Ҳисоб палатасининг ҳисоботини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ҳисоботларини кўриб чиқади. Қонунчилик палатаси, шунингдек Давлат бюджети ижросининг бориши ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Сенат эса ўзи лавозимга тайинланишини тасдиқлаган идоралар ва мансабдор шахснинг фаолиятини назорат қилиш тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ташқи сиёсий фаолият соҳасида ҳам парламент назоратини амалга оширади.

Парламентимизнинг бу борадаги назорати қуйидагилар билан белгиланади:

- Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;
- Халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;
- Олий Мажлис Сенатининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаши ҳамда уларни лавозимидан озод этиши.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан барча йўналишларда парламент назоратининг самарали амалга оширилиши ўз навбатида давлат ҳокимиятининг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанат қарор топишига хизмат қилади.

3-§. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг парламент назоратига оид ваколатлари

Миллий қонунчиликнинг ривожланиши – фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқларини кафолатловчи ҳуқуқий тизимни таъминлашга қаратилган шарт-шароитларнинг мавжудлиги ҳамда қонунларга барча, аниқ ва бир хилда амал қилиши каби демократик омиллар билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу вазифаларни амалга оширишда давлатнинг назорат фаолияти ва шу жумладан парламент назорати муҳим ўрин тутди.

2003 йил 24 апрелдаги Конституцияга кирган тузатишлар натижасида бу масала бошқачароқ ечим топди. Амалдаги Конституциянинг 98-моддасида Вазирлар Маҳкамаси таркиби Президент томонидан шакллантирилиши белгиланган, Бош вазир номзоди эса, ҳар иккала палата томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқланиши лозим. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Президент томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида”ги тўғрисидаги Конституциявий қонунларда палаталар Президент тақдимига биноан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари номзодларини кўриб чиқиб тасдиқлашлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида парламентнинг бир қатор давлат органларини шакллантиришдаги иштироки ваколатлари доирасини мустаҳкамлаган. Хусусан, Конституцияда: а) Президентнинг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини ташкил этишга алоқадор фармон ва қарорларни тасдиқлаш; б) Марказий сайлов комиссиясини шакллантириш; Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ва унинг ўринбосарини сайлаш каби масалалар ёритиб берилди.

Шунингдек, муҳим аҳамият касб этувчи масала – давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти органларининг тизими ва ваколатларини белгилашдир. Мазкур ваколат ҳам Конституцияга мувофиқ парламентга тегишлидир.

Олий Мажлис Сенатининг давлат бошқаруви органларининг шаклланишидаги ўрни ҳам муҳим аҳамият касб этади. Конституциянинг 80-моддасида Сенатнинг мутлақ ваколатлари белгилаб қўйилган: Унга кўра: Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш; Президентнинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди раислари, уларнинг ўринбосарларива судьяларини сайлаш; Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини, Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, Миллий хавфсизлик хизмати раисини, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини, Марказий банк бошқаруви раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; Президент тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш; Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш; ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш; сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш каби ваколатларга эга.

Парламент ижро этувчи ҳокимият фаолиятига етарли даражада таъсир кўрсатувчи ваколатларга эга. Чунончи, парламент давлатнинг ички ва ташқи, бюджет сиёсати йўналишларини белгилайди, стратегик давлат дастурларини қабул қилади.

Парламент ўз назорат функциясини амалга оширишнинг бир неча шакллари мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ҳисоб палатасининг ҳисоботларини тинглайди, палата кўмиталари томонидан давлат органлари раҳбарларининг у ёки бу қонун ижроси бўйича ҳисоботларини тинглайди, муайян топшириқларни ижро этиш ёки назорат функциясини таъминлаш мақсадида махсус комиссиялар тузади, депутатлар (сенаторлар) тегишли давлат идоралари ва мансабдор шахсларга сўровнома ва саволлар билан мурожаат қилади ва ҳоказо.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунга мувофиқ, фракциялар ва депутатлар гуруҳлари ҳукумат аъзоларидан фаолиятларига доир масалалар юзасидан палата йиғилишларида уларнинг ҳисоботларини эшитиш масаласини қўйишга ҳақлидир.

Олий Мажлис ҳузуридаги инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман), Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалда бўлган қонунларга давлат идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан риоя қилинишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатига эга бўлган шахс ҳисобланади.

4-§. Давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати ва уни амалга оширишда қўмиталарнинг тутган ўрни

Парламент давлатнинг олий вакиллик органи сифатида нафақат қонунлар, балки мамлакат ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда улар ижросини назорат қилиш ваколатларига ҳам эга. Аксарият мамлакатларда парламент томонидан қабул қилинадиган ва ижроси назорат қилинадиган ҳужжатлар орасида Давлат бюджети муҳим ўрин тутади. Зеро, Давлат бюджети фуқаролар меҳнати эвазига шакллантирилади ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини белгилашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари ҳисобланади.

Мазкур конституциявий қоида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунларда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунларида ва ҳар икки палатанинг регламентларида ҳам Давлат бюджети ижросини парламент томонидан назорат қилинишига оид нормалар белгиланган.

Мазкур қонунлардан келиб чиқиб, мамлакатимизда Давлат бюджети ижроси устидан парламент назоратини амалга оширишнинг қуйидаги уч шакли ҳақида фикр юритиш мумкин:

- дастлабки назорат – навбатдаги молиявий йил учун Давлат бюджетини муҳокама қилиш ва қабул қилиш, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

- жорий назорат – Давлат бюджетининг муайян вақт мобайнидаги ёки унинг маълум қисми ижросини тақдим этилган ҳисоботлар асосида, шунингдек парламент сўрови муносабати билан муҳокама қилиш;

- якуний назорат – Давлат бюджетининг молиявий йил мобайнидаги ижроси ҳақидаги ҳисоботни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

Давлат бюджети ижросини дастлабки, жорий ва якуний назорат қилишда парламент палаталарининг қўмиталари муҳим ўрин тутди. Улар Давлат бюджети лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш ҳамда Давлат бюджети ижросини бевосита назорат қилиш ишларини амалга оширади.

Давлат бюджети ижроси устидан дастлабки парламент назорати Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишда намоён бўлади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунларга асосан, навбатдаги молия йили учун Давлат бюджети лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига киритилади.

Давлат бюджети лойиҳаси ва у билан бирга тақдим этилган бошқа ҳужжатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши белгиланган масъул қўмита томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади. Қоида тариқасида, масъул қўмита сифатида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси белгиланади. Давлат бюджети лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва муҳокама қилишда Қонунчилик палатасининг бошқа барча қўмиталари ҳам қатнашади. Муҳокамалар одатда Молия вазирлигининг масъул шахси маърузасидан бошланади. Қўмита аъзолари масъул шахсга Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан саволлар билан мурожаат қилинади, таклиф ва мулоҳазаларини билдиради. Муҳокама якунига кўра барча қўмиталар ўз хулосаларини тайёрлайди.

Сўнгра Давлат бюджети лойиҳаси Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилинади. Муҳокама Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маърузаси билан бошланади. Муҳокамада шунингдек, масъул қўмитанинг хулосаси эшитилади.

Башарти, давлат бюджети лойиҳаси бўйича Қонунчилик палатасининг мулоҳазалари ва таклифлари бўлса, улар уч кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

Вазирлар Маҳкамаси ўн тўрт кун ичида Қонунчилик палатасининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда Давлат бюджети лойиҳасини маромига етказиши ва маромига етказилган лойиҳани Қонунчилик палатасига юбориши лозим.

Давлат бюджетининг лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилнинг 15 ноябридан кечиктирмай кўриб чиқилади ва қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида кўриб чиқиш учун Сенатга юборилади.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб Сенатга юборилган Давлат бюджети Сенатнинг масъул қўмитаси, қоида тариқасида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади ва хулоса тайёрланади.

Давлат бюджетининг Сенат мажлисидаги муҳокамаси ҳам Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маърузаси билан бошланади.

Давлат бюджети бўйича қарор Сенат томонидан жорий йилнинг 15 декабридан кечиктирмай қабул қилинади.

Давлат бюджети ижроси устидан жорий ва якуний парламент назоратини Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати амалга оширади. Бироқ, таъкидлаш керакки, амалдаги қонунларимизда Олий Мажлис Сенатининг Давлат бюджети ижроси юзасидан жорий назоратни амалга ошириш, яъни Давлат бюджетининг чораклик ва йиллик ижроси ҳақидаги Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботини кўриб чиқиши назарда тутилмаган. Фикримизча, Сенат Давлат бюджети ижросининг жорий ва якуний назорат қилишда парламент сўрови ҳамда Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш орқали иштирок этиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 31-моддасига мувофиқ, Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ижроси юзасидан жорий назоратни амалга оширади. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йилнинг ҳар чорагида Қонунчилик палатасига Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотни ва зарур материалларни юборади.

Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг йилнинг ҳар чорагидаги ижросининг боришини кўриб чиқиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини, масъул қўмитанинг хулосасини эшитади, муҳокамадан ўтказиши ва тегишли қарор қабул қилади.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Хорижий мамлакатларда давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати одатда махсус молия-назорат органи – Ҳисоб палатаси (Россия Федерацияси, Австрия, Германия, Испания, Франция), бош ҳисобот бошқармаси (АҚШ), бош аудит идораси (Канада, Швеция), давлат ҳисобот кўмитаси (Буюк Британия), ҳисобот суди (Бразилия, Руминия, Португалия, Туркия) ва бошқалар томонидан амалга оширилади.

Махсус молия-назорат органлари қонун ҳужжатларини молиявий экспертизадан ўтказиш (Австрия), текширувлар жараёнида юзага келадиган ҳар қандай низоларни кўриб чиқиш (Греция), давлат миқёсида молиявий ҳисоботлар шаклини белгилаш, молиявий маълумотлар базасини шакллантириш, бюджетга солиқ тушумлари ва ҳукуматнинг жорий харажатларига оид беш йиллик прогнозни ишлаб чиқиш (АҚШ) каби вазифаларни ҳам бажаради.

15-БОБ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ташқи сиёсий фаолияти

1-§. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ташқи сиёсий фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари

2-§. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий органи сифатида. Парламент дипломатияси – давлат ташқи сиёсий фаолиятининг муҳим таркибий қисми

3-§. Ташқи сиёсий фаолиятда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг ўзига хослиги

4-§. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги стратегияси ва тактикасининг сиёсий-ҳуқуқий негизини ташкил этувчи қонунларнинг қабул қилиниши. Ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий таркибий қисмлари.

5-§. Халқаро шартномаларни ратификация қилиш – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ташқи сиёсий фаолиятининг муҳим таркибий қисми

6-§. Умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларидан устуворлиги принципи

7-§.Олий Мажлис ва халқаро парламентлараро ҳамкорлик ташкилотлари.
Бошқа мамлакатларнинг парламентлари билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг халқаро фаолиятдаги муҳим вазифаси. Икки томонлама парламентлараро ҳамкорлиги

1-§.Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ташқи сиёсий фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор нормалари орқали Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва унинг палаталари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери, Олий Мажлис Сенати Раисининг ташқи сиёсат соҳасидаги асосий вазифалари, ҳуқуқлари ҳамда ваколатлари бевосита тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг Бешинчи бўлим, XVIII боби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятига бағишланган бўлиб, хусусан унинг 78-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари қаторида бевосита ташқи сиёсат соҳасидаги ваколатларга ҳам алоҳида эътибор берилган:

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш(4-банд);

Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши тўғрисидаги қарорларни тасдиқлаш (6-банд);

Ўзбекистон Республикасининг чегараларини ўзгартириш (10-банд);

ҳалқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш (20-банд).

Шунингдек, Конституциянинг 78-моддаси иккинчи қисмида ушбу ваколатларни амалга ошириш механизми берилган бўлиб, палаталарнинг ўзаро биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Қонунчилик палатасида, кейин эса Сенатда кўриб чиқилади.

Асосий Қонуниимизнинг 79-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатига кирадиган масалалар қаторида давлатнинг ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш назарда тутилган.

Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ташқи сиёсат соҳасида янада кенгроқ мутлақ ваколатлар берилган. Сенат давлатнинг ташқи сиёсати масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлиш билан бир

каторда (80-модданинг 14-банди) Ўзбекистон Республикаси Президентининг такдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади (8-банд). Ўзбекистон Республикасида бир палатали парламент тизими бўлган шароитда парламентда бундай ваколат йўқ эди. Бу мамлакатда амалга оширилган парламент ислохотларининг самараси ҳамда давлат ва жамият қурилишини либераллаштириш жараёнининг натижасидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери (85-модданинг 5- ва 6-бандлари) ҳамда Сенати Раиси (86-модданинг 5 ва 6-бандлари) палаталарнинг халқаро парламент ташкилотлари билан иш олиб борадиган гуруҳининг фаолияти ва уларнинг парламентлараро алоқаларни амалга ошириш бўйича олиб борадиган ишларига раҳбарлик қиладилар, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда палаталар номидан иш кўрадилар.

2-§. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий органи сифатида. Парламент дипломатияси – давлат ташқи сиёсий фаолиятининг муҳим таркибий қисми

Бикамерализм шароитида Олий Мажлис олий вакиллик органи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат хокимиятининг ташкил этилиши таърифини бошловчи орган сифатида ташқи сиёсат соҳасида тегишли ваколатларга эга бўлиб, улар ўз навбатида қонун чиқарувчи ва вакиллик ваколатларига бўлинади.

Олий Мажлисининг ташқи сиёсат соҳасидаги қонунчилик ваколатлари ҳозирда ҳар икки палата томонидан амалга оширилади, чунки қонун яратиш Парламентнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Мамлакат Парламенти қонунлар қабул қилиш орқали ташқи сиёсий муносабатларнинг барча жihatларига бевосита ёки билвосита таъсир ўтказди, чет эл инвестицияларини оқиб келиши, давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳам мамлакат ичкарисидаги, ҳам чет эллардаги ташқи иқтисодий, савдо, илмий-техникавий ва бошқа йўналишдаги фаолияти юритилиши учун зарур ҳуқуқий шароит яратади. Олий Мажлис ташқи сиёсатни амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни қабул қилади. Олий вакиллик органининг қонун чиқарувчилик фаолияти давлатнинг савдо-иқтисодий алоқаларини, инвестиция, божхона ва солиқ режимини, тегишли йигимлар (тарифлар, акцизлар ва шу кабилар) миқдорини чет эл фуқароларининг, чет эллик тадбиркорларнинг мавқеини, чет эл компанияларининг, қўшма корхоналарнинг мақомини, мухожирлик масалалари ва шу кабиларни тартибга солувчи қонунлар қабул қилиш орқали мамлакатнинг халқаро муносабатларига сезиларли даражада ўз таъсирини ўтказди.

Ташқи алоқаларни қонунчилик йўли билан тартибга солиш силсиласи ҳуқуқий тартибга солишнинг анчагина «ички» жихатлари ва со- халарини ўз ичига оладики, уларда трансмиллий корпорацияларнинг, ҳар хил молиявий -иқтисодий тузилмаларнинг, турли даражадаги хусусий бизнес намояндаларининг манфаатлари инобатга олиниши зарур. Бундай ёндашувсиз мамлакатга чет эл инвестицияларини жалб этиш муаммо бўлиб қолади. Ана шу йўналишдаги қонун ҳужжатлари жумласига биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолият олиб борган даврда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини, «Бож тарифи тўғрисида»ги, «Концессиялар тўғрисида»ги, «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида»ги, «Гаров тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги ва бошқа қонунларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги, вазирликлар, давлат кўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлашдан (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78 — моддасининг 16 ва 19 — бандларига мувофиқ) иборат умумий ваколати доирасида мамлакат парламенти ижро этувчи ҳокимият органларининг амалий ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятига таъсир этиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини тасдиқлаш тартиб-таомили парламент назорати шаклларида бири бўлиб, ташқи сиёсий фаолиятга бориб тақаладиган масалаларда ҳокимиятнинг ижро этувчи тармоғи фаолиятига тегишли норматив тузатиш ва ўзгартишлар киритиб бориш имконини беради. Бу айни бир вақтда Олий Мажлис қонунчилик фаолиятининг бир қисми ҳамдир.

3-§.Ташқи сиёсий фаолиятда ҳокимиятлар бўлиниши принципнинг ўзига хослиги

Ташқи сиёсат конституциявий механизмнинг ҳуқуқий асосини ташқи сиёсат асосларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича президентлик ва парламент ваколатлари ташкил этиб, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва ўзаро муносабат ҳокимиятнинг тақсимланиш принципини ўзида мужассам этади ҳамда бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш тизими талабларига жавоб беради. Мазкур механизмнинг ташкилий асосини тегишли давлат ҳокимияти олий органлари ташкил этади. Ушбу

тизимда Президент давлат бошлиғи сифатида алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳам бу тизимда аҳамияти салмоқли. Шу ўринда таъкидлаш керакки, парламентнинг тизимдаги ўрни, асосан, олий давлат ҳокимият органининг қонунчилик ҳамда вакиллик табиатидан келиб чиқувчи ваколатлари билан белгиланади.

Ушбу механизмнинг конституционал кичик тизими вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, департаментлар, агентликлар ва бошқа шу сингари ижро этувчи ҳокимиятнинг махсус органларидан иборат бўлиб, улар кўпроқ давлатнинг халқаро фаолияти билан боғлиқ функционал ва тармоқ вазифаларини, шу жумладан, юридик ва жисмоний шахслар манфаатларини кўзловчи вазифаларни бажаришга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг эса мамлакат ташқи сиёсатидаги ролига, энг аввало, унинг давлат ҳокимияти олий органлари тизимидаги мавқеи, шунингдек, ташқи сиёсатда давлат томонидан амалга ошириладиган вазифалар кўлами ортиб боришининг умумий принципи нуқтаи назари ёндашилади. Бу принципнинг ортиб боришига иккита асосий омил сабабдир.

Биринчидан, ривожланаётган ёш давлат бўлмиш Ўзбекистонда мазкур органнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ваколатлари эҳтиёжларнинг ўзгаришига, миллий давлатчилик ва жамият қурилишининг ривожланиши, демократик ислохотларнинг чуқурлашуви даражасига қараб кенгайиши мумкин.

Иккинчидан, давлатнинг ташқи сиёсат борасидаги фаолияти кўламининг ортиб боришига (бунинг оқибатида Олий Мажлис ташқи сиёсий вазифалари кенгайди) глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг ривожини объектив тарзда ўз таъсирини ўтказади.

Ўзбекистонда сиёсий тизимнинг ривожланиб бориши шароитида парламентнинг давлатимиз асосий ташқи сиёсий масалаларини ҳал қилишдаги, халқаро ва жумладан, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлашдаги роли ҳамда иштироки даражасида бир қатор ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, бу ўзгаришлар икки палатали парламентнинг ташқи сиёсий фаолиятини янада ривожлантириш учун жиддий негиз бўлиб хизмат қилади. Бунда янги парламент тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ташқи сиёсат соҳасидаги вазифалари доирасини кенгайтириш асосий шартлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятида ҳокимиятлар тақсимланиш принципининг конституциявий-ҳуқуқий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунининг бир қатор нормаларида,

хусусан Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларига бағишланган 93-моддасида давлатимиз ташқи сиёсатида ҳокимиятлар бўлиниш принципи намоён бўлишининг конституциявий жиҳатлари мустаҳкамлаб қўйилган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиши, Ўзбекистон Республикасига хужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиши ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритиши каби қоидалар бунга мисол бўла олади. Шунингдек, Конституциямизда назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликда амалга оширадиган ваколатлари ичида халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш сингари нормаларни келтириш мумкин.

4-§. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги стратегияси ва тактикасининг сиёсий-ҳуқуқий негизини ташкил этувчи қонунларнинг қабул қилиниши. Ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий таркибий қисмлари

Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатлардаги ўзига хос ўрни ва ролини белгилаб беришда бу борада қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти каттадир. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги стратегияси ва тактикасининг сиёсий - ҳуқуқий негизини ташкил қилувчи қонунчилик базаси ҳозирда яратилиб бўлинди. Ушбу соҳасида қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатларини, хусусан «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонунларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг

5-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикаси мамлакатнинг барқарорлигини, собитқадам ривожланиши ва миллий хавфсизлигини таъминлаш имконини берадиган, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалик алоқаларига ахборот, технология ва коммуникация жихатидан кириб боришига кўмаклашадиган давлатлараро тузилмаларга, шу жумладан, иқтисодий тузилмаларга устувор аҳамият беради». Бу ўринда 2000 йил 26 майда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрирда тасдиқланган «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур Қонуннинг 9-моддасида, жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари: халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик; ташқи савдо фаолияти; чет эл инвестицияларини жалб қилиш; Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолиятдан иборат қилиб белгиланган. Халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик деганда: ишлаб чиқариш, молия, банк ва суғурта фаолияти, таълим ва кадрларни тайёрлаш, туризм, соғлиқни сақлаш, илмий-техникавий, маданий, экология, гуманитар ва бошқа соҳаларда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали алоқалар ўрнатиши ва бу алоқаларни кенгайтириши тушунилади. Иқтисодий интеграциялашув жараёнини рағбатлантириш мақсадида ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари учун давлат кафолатлари белгилаб қўйилган. Энг аввало, бу давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ташқи иқтисодий фаолият субъектлари фаолиятига аралашуви тақиқланишидир. Бу, айтилиши мумкин, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари томонидан ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқларини бузувчи ҳужжатлар қабул қилинган тақдирда етказилган зарарнинг ўрни қопланиши мажбурияти ҳамдир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсат ҳозирги кунда етакчи халқаро иқтисодий ва молия бирлашмалари билан яқин ҳамкорлик қилишда ҳам акс этмоқда. Худди шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов⁷⁰ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида айтиб ўтганидек, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки, Ислам Тараққиёт банки ва бошқа йирик, нуфузли халқаро молия ва иқтисодиёт тузилмалари ҳамда ташкилотлари билан ҳамкорлик келгусида ҳам ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бўлиб қолаверади. Бу ташкилотларнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгилиниш ҳамда иқтисодий ислохотлардаги роли ва ўрни ғоятда муҳимдир.

⁷⁰ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишидир. Т.: «Ўзбекистон», 2005.. 34. б

«Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида бундай ҳамкорлик йўналишлари янада аниқлаштирилган. Хусусан, унда белгиланишича, «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар ишида фаол иштирок этиш, Европа, Осиё ва жаҳон хавфсизлик тузилмаларига интеграциялашув Ўзбекистон Республикаси тегишли тузилмаларининг ташқи сиёсий фаолиятидаги энг муҳим вазифадир» (4-модда). Бундан ташқари, 7-моддада «Ўзбекистон Республикаси минтақадаги ҳамда ундан ташқаридаги можароларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида ҳукуматлараро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган тузилмаларнинг ишида фаол қатнашади».

Мазкур қоидалар коллектив хавфсизлик сиёсатини давлатлараро мувофиқлаштириб боришни шакллантиришда Ўзбекистоннинг фаол мавқе эгаллаб туришини юридик жиҳатдан асослайди. Бундай мувофиқлаштириш икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномалар асосида, ана шу шартномаларга асосланган ҳолда тузиладиган ва фаолият олиб борадиган тегишли ишчи органлари орқали амалга оширилмоғи лозим.

Янги таҳрирдаги «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида мазкур принцип мудофаа соҳасидаги давлат сиёсатига асос қилиб олинган. Қонуннинг 4-моддасига биноан, мудофаа соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири сифатида, энг аввало, «бошқа давлатга қарши ҳарбий куч ишлатмаслик» принципи белгиланган бўлиб, «тажовузнинг олдини олиш ва уни даф этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси тегишли шартномалар билан боғланган давлатларга ёрдам кўрсатиш ҳоллари бундан мустасно» эканлиги алоҳида таъкидланган. Бундай ёндошув мудофаа соҳасидаги давлат сиёсатининг бошқа принципларида ҳам ўз аксини топди. Хусусан, ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик; ядровий ва бошқа турдаги ялпи қирғин қуролларини ишлаб чиқаришни, қайта ишлашни, сотиб олишни, сақлашни, тарқатишни ва жойлаштиришни рад этиш; мудофаанинг етарли даражада бўлиши (2000 йил 11 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 4-моддасининг тўртинчи, олтинчи ва саккизинчи хатбошилари) шулар жумласидандир.

5-моддага биноан, мудофаани ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси урушга ва қуролли можароларга тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий, ахборот, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар кўриш вазифаларини ҳам қамраб олади.

Куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик принципининг таъсири мазкур Қонуннинг «Уруш ҳолати. Уруш даври. Сафарбарлик. Худудий мудофаа. Қуролли

можаролар» деб номланган IV бўлимида ҳам кўзга ташланади. Жумладан, мазкур Қонуннинг 22-моддасида белгиланганидек, чекланган доирадаги ҳарбий низолар (ҳаракатлар ҳамда қуролли тўқнашувлар) юзага келгани тақдирда, уруш ҳолати эълон қилинмайди.

Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида таъкидланганидек: «Ўзбекистон Республикаси минтақадаги ҳамда ундан ташқаридаги можароларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида ҳукуматлараро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган тузилмаларнинг ишида фаол қатнашади».

5-§. Халқаро шартномаларни ратификация қилиш – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ташқи сиёсий фаолиятининг муҳим таркибий қисми

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликда амалга оширадиган ваколатлари қаторида халқаро шартномаларни ратификация қилиш берилган. Шунингдек, парламент палаталарининг бу соҳадаги ваколатлари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунларда ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида мустаҳкамланган.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги қонунларнинг 8-моддаларида бунга оид нормалар мужассамлашган. Шунинг билан бирга, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан шу шартнома расмий матнининг тасдиқланган нусхаси ва уни ратификация қилиш мақсадга мувофиқлигининг асосларини ўз ичига олган ҳужжатлар билан биргаликда киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш тўғрисидаги Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қарор Сенатга юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси Қонунчилик палатаси депутатларининг зарур овозлари сонини тўпламаган бўлса ва шу мажлис жараёнида мазкур қарор лойиҳасини Қонунчилик палатасининг қайта кўриб чиқиши учун киритиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилинмаган бўлса, Ўзбекистон республикасининг халқаро шартномаси ратификация қилиш таомилидан ўтмаган ҳисобланади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш тўғрисидаги масаланинг Сенатда кўриб чиқилиши Қонунчилик палатасининг тегишли қарори Сенатга киритилгандан кейин амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш тўғрисида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат томонидан маъқулланган қарор белгиланган тартибда эълон қилиниши лозим.

Шунингдек, Халқаро шартномаларни ратификация қилишнинг умумий тартиби 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади. Мазкур Қонун Венада қабул қилинган иккита конвенция - 1986 йил 21 мартдаги «Давлатлар билан халқаро ташкилотлар ўртасидаги ёки халқаро ташкилотлараро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида»ги Конвенция ҳамда 1969 йил 23 майдаги «Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида»ги Конвенцияга ҳамоханг тарзда яратилган.

1969 йил 23 майда қабул қилинган «Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида»ги Вена Конвенциясининг 14 -моддасига мувофиқ шартноманинг ўзи учун мажбурий эканлигига давлат томонидан розилик берилиши, агар шартномада қуйидагилар назарда тутилган бўлса, ратификация тарзида ифодаланади:

Шуни таъкидлаш жоизки, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иш даврида 70 та халқаро шартномани ратификация қилди, халқаро Конвенцияларга қўшилиш тўғрисида 64 та қарор қабул қилди.

Иккинчи чақириқдаги Олий Мажлис 2000 йилда 18 та, 2001 йилда 100та шартнома, битим ва Конвенцияни ратификация қилди.

6-§. Умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларидан устуворлиги принципи

Давлатнинг давлатлараро муносабатлар соҳасидаги ташқи сиёсати, юқорида айтиб ўтилганидек, дипломатия, халқаро тузилмаларда иштирок этиш ва бошқа шу кабилар

орқали амалга оширилади. Бундай муносабатлар халқаро ҳуқуқ нормалари ёрдамида тартибга солинади. Бироқ давлат юридадиган ташқи сиёсатнинг мазмунини миллий манфаатлар белгилайди, миллий манфаатлар эса, ўз навбатида, миллий ҳуқуқ устуворликлари воситасида рўёбга чиқарилади. Шу муносабат билан бир томондан, Конституция принципларининг устунлиги, иккинчи томондан эса, халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг устуворлиги ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари иерархияси муаммоси бугунги кунда энг мунозарали масалалардан бўлиб қоляпти. Халқаро ҳуқуқ назариясида унинг миллий ҳуқуққа нисбатан муносабатини белгилашда икки нуктаи назар кўзга ташланади. Бир нуктаи назарга кўра, халқаро ҳуқуқнинг устунлиги унинг бутун ҳуқуқ тизимидаги ҳукронлигини англатади. Иккинчи нуктаи назарга биноан эса, халқаро ҳуқуқ нормалари фақат халқаро муносабатлар доирасида, яъни давлатнинг ташқи сиёсати соҳасидагина устунликка эга. Бунда халқаро ҳуқуқнинг ташқи сиёсат муносабатларини тартибга солишдаги устуворлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди.

Шу билан бирга, халқаро ҳуқуқ нормалари бирон-бир субъектнинг хоҳиш-иродаси ёки кўрсатмаси оқибатида юзага келмайди. Улар томонлар манфаатларининг консенсусидан келиб чиқадиган ҳаммабоп ахлоқий-ҳуқуқий ва сиёсий қадриятлар, шартномалар асосида шаклланади. Шу боисдан ҳам улар ўз табиатига кўра миллий ҳуқуққа приципиал номувофиқ бўла олмайди (агар миллий ҳуқуқ ҳам худди шундай принцип асосида шаклланган бўлса). Шартнома у ёки бу конституцияга зид бўлса, у ратификация қилинмайди ёки конституция ўзгартирилади.

Бу борада давлатларнинг майл-интилиши қанчалик ижобий бўлса, зиддиятлар шунча тез ҳал этилади.

Интеграциялашувнинг ривожланиб бориши жараёнида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги принципи тобора кенг қамровли бўлиб боради ва муҳими шундаки, улар конституциявий куч касб этади. Кўпгина ҳолларда айнан конституциянинг тегишли мақоми ва миллий ҳуқуқ тизимида халқаро ҳуқуқ нормаларини киритиш тартибини белгилаш орқали халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларининг ўзаро муносабатидаги асосий муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади. Бу борада Франция халқаро ҳуқуқ нормалари устунлигини ўзаро мутаносибликда таъминлаш бўйича конституциявий ечимни топишнинг яққол мисоли бўла олади. У Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўз зиммасига тегишли мажбурият олиб, Европа Иттифоқи ташкил тошганига қадар шу мажбуриятга қатъий амал қилиб келди.

Бир қатор мамлакатларда, айниқса Европа мамлакатларида халқаро ҳуқук нормалари бошқа қонунлар олдида афзалликка эга. Халқаро ҳуқук, шунингдек ўзидан орқада қолган ёки унга зид бўлган давлат ички ҳуқуқий нормаларининг ҳар қандайини бекор қилади. Бироқ, халқаро ҳуқук нормалари миллий ҳуқук ва давлатнинг ҳар бир ички хатти-ҳаракатини белгиловчи конституция олдида устунликка эга бўлмайди. Айнан Конституция шак-шубҳасиз устуворликка эга бўлганлиги сабабли халқаро ҳуқук нормалари ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари учун мажбурий ҳисобланади. Бундай мажбурият конституциявий йўл билан мустаҳкамланган бўлмаса, халқаро ҳуқук нормаларининг устунлигини таъминлаш мушкул бўлади.

Халқаро ҳуқукнинг устунлиги конституциянинг устуворлигига боғлиқдир, зеро конституция халқаро ҳуқукнинг миллий ҳуқук тизими даражасида бўлишини таъминлайди. Конституция ҳуқуқий нормаларнинг иерархиясини ва бундай иерархиянинг миллий даражада қарор топиши механизмини мустаҳкамлайди. Давлатнинг ички ҳуқуқи билан халқаро ҳуқукнинг мувофиқлаштирилиши ўз ҳуқуқий табиатига кўра, умуман ҳуқук ва умум эътироф этилган умуминсоний қадриятлар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда миллий-ҳуқуқий тизимни тартибга келтиришдан иборатдир. Давлат ички ҳуқук тизимининг халқаро ҳуқук тизими билан ўзаро мувофиқлаштирилиши нафақат ҳуқуқий нормаларни миллий ҳуқуқий тизим билан мослаштиришни, балки, умуман ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий онг соҳасида ўзаро мувофиқликка эришувни тақозо этади.

Давлатни ўз ташқи сиёсатининг мақсади ва йўлини танлашга қандай ички императивлар, вазиятлар, сабаблар ва омиллар мажбур этаётганлигидан қатъи назар, худди шунингдек унинг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий қудратидан қатъи назар, халқаро ҳуқуқий нормалар ҳисобга олиниши керак. Бу бевосита ижтимоий ва халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг ҳозирги тарихий тараққиёти мантиғидан келиб чиқадиган объектив талабдир.

Ўзбекистон конституциявий даражада ўз миллий қонунчилигини халқаро ҳуқук билан мослаштириш мажбуриятини олган давлатлар сирасига киради.

Ўзбекистон Конституциясида халқаро ҳуқукнинг устуворлиги масаласи икки йўналишда ҳал этилган. Биринчидан, умумэътироф этилган халқаро ҳуқук нормалари миллий ҳуқуққа нисбатан устунлиги тан олинган. Иккинчидан, халқаро ҳуқукнинг умумэътироф этилган қоидалари ва нормалари давлатнинг ташқи сиёсатини юритишнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

7-§. Олий Мажлис ва халқаро парламентлараро ҳамкорлик ташкилотлари.
Бошқа мамлакатларнинг парламентлари билан ҳар томонлама алоқаларни

ривожлантириш – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг халқаро фаолиятдаги муҳим вазифаси. Икки томонлама парламентлараро ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ташқи сиёсат соҳасидаги ваколатларини амалга оширишда халқаро парламентлараро ҳамкорлик масалалари муҳим ўрин тутди. Бу борада мамлакатимиз парламенти, хусусан унинг ҳар иккала палатаси томонидан Евросиё иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти, Шанхай ҳамкорлиги ташкилоти, Парламентлараро Ассамблея доирасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Шунингдек, Олий Мажлис томонидан бошқа давлатлар парламенти ўртасида икки томонлама ва кўп томонлама муносабатлар йўлга қўйилган. Буни Ўзбекистон Республикаси парламенти юқори палатаси томонидан ратификация қилинган қатор халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилигимиз мисолида исботлаш мумкин. Ҳозирги даврда давлатимиз ва МДХнинг қатор мамлакатлари ўртасида шериклик ва ҳамкорлик алоқалари ривожланмоқда. Жумладан, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида йўлга қўйилган иттифоқчилик муносабатлари ҳар иккала давлат парламенти орасидаги ўзаро ҳамкорлик ишларини янада юксалтиришга замин бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, бу борада 2006 йил 6 март куни «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартномани (Москва, 2005 йил 14 ноябр) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг қабул қилиниши ҳар иккала давлат ўртасидаги алоқаларни ривожлатиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди.

Бинобарин, Ўзбекистон билан дунёнинг қатор мамлакатлари орасида олиб борилаётган турли соҳадаги алоқаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қуйидаги қонунлар орқали билиш мумкин: «Чехия Республикаси, Эстония Республикаси, Кипр Республикаси, Венгрия Республикаси, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Мальта Республикаси, Польша Республикаси, Словения Республикаси ва Словакия Республикасининг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда унга Аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга доир Баённомани (Брюссель, 2004 йил 30 апрель) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2005 йил 18 май); «Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорликнинг шерикчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани (Пекин, 2005 йил 25 май) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон республикаси Қонуни (2005 йил 9 сентябр); «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Республикаси Ҳукумати

ўртасида халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2005 йил 6 март) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2005 йил 13 сентябрь); “Ўзбекистон Республикасининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2006 йил 7 март); “Ўзбекистон Республикасининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2006 йил 7 март); ва бошқалар.

16- БОБ. Олий Мажлиснинг фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш бўйича фаолияти

1-§. Фуқароларнинг Олий Мажлисга аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан муурожаат қилиши тушунчаси ва унинг моҳияти

2-§. Олий Мажлиснинг фуқаролар муурожаатларига доир ишининг асосий йўналишлари. Фуқаролар муурожаатларига парламент муносабатининг асосий шакллари

1-§. Фуқароларнинг Олий Мажлисга аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан муурожаат қилиши тушунчаси ва унинг моҳияти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига фуқаролар бевосита ва ўз вакиллари орқали муурожаат қилиш ҳуқуқига эгалар. Умуман, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида, давлат органлари ва фуқаролар ўртасида келиб чиқадиган муайян зиддиятларни ҳал этиш тартиби кўрсатилган. Конституцияда тарафларнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар ёритилган. Унга кўра, “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши шарт” лиги мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ариза, таклиф ва шикоятлар билан муурожаат қилиш - бу фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишининг амалий шаклларида бири бўлиб, бу ҳуқуқ - фуқароларнинг сиёсий фаоллигини намоён қилиш, ижтимоий ишларга қизиқишини,

шунингдек ўзларини ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаларидан биридир. Шу билан бирга, фуқароларнинг мурожаатлари жамият ҳаётидаги жорий масалаларни ҳал қилиш учун зарур ахборот манбаи, давлат аппаратини аҳоли билан мулоқотини мустаҳкамлаш усули ва йўли сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"⁷¹ги (янги таҳрири) ва 1995 йил 30 августда қабул қилинган "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузادиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"⁷²ги қонунларида фуқароларнинг ҳуқуқий соҳалардаги мурожаатларининг асосий қоидалари, кўриб чиқиш тартиби, муддати ва ҳал этиш принциплари белгиланган⁷². Фуқароларнинг мурожаатлари мазмунига кўра уч шаклда бўлади.

- 1) **таклиф;**
- 2) **ариза;**
- 3) **шикоят.**

Фуқароларнинг мурожаатлари, қандай шаклда, яъни ариза, шикоят ёки таклиф шаклида бўлишидан қатъий назар, улар расмийлаштирилади.

Ўзбекистонда ҳар бир шахс бевосита ўзи ёки бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт (Конституциянинг 35-моддаси).

Фуқароларнинг ваколатли давлат органлари ва халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат этиши – бу уларнинг давлат ва жамият бошқарувида қатнашишининг амалий шаклидир. Бу ҳуқуқнинг моҳияти шундаки, ваколатли давлат органларига фуқаролар ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат қилганларида бу органларнинг раҳбарлари томонидан фуқароларнинг таклиф ва аризаларини кўриб чиқишлари рад этилиши мумкин эмас.

Ариза, таклиф, шикоятларда ташкилот, муассасалар фаолиятини яхшилаш билан бир қаторда шундай таклифлар ҳам берилиши мумкинки, уларнинг фаолиятидаги камчиликларни кўрсатувчи ва давлат ҳаётига оид ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-маданий

⁷¹ "Ўзбекистон Республикасининг фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.- Т., 2003.№1- 21м.

⁷² "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.- Т., 1995.№9- 183 м.

тавсифдаги камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳам таклиф этилиши мумкин. Бу фуқароларнинг жамият ишларини бошқаришдаги энг самарали усулдир. Ариза, таклиф ва шикоятлар ёзма шаклда ҳамда халқ депутатлари ва мансабдор шахсларнинг қабулида оғзаки ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек, ариза, таклиф ва шикоят газета, радио, телевидение воситасида ҳам мурожаат этиш орқали ифодаланиши мумкин.

Бу ҳуқуқ, биринчи ўринда, бошқарув маданияти даражаси, ваколатли давлат органларидаги ходимларнинг онги ва масъулиятига боғлиқ.

Мурожаатларда фуқаронинг исми, фамилияси, отасининг исми, фуқаронинг турар жойи тўғрисидаги маълумотлар, таклиф, ариза ёки шикоятнинг моҳияти кўрсатилган бўлиши керак. Юқорида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олмаган аризалар кўриб чиқилмайди. Мурожаатлар индивидуал ва жамоа томонидан берилиши мумкин бўлиб, оғзаки ёки ёзма равишда киритилади.

Қонунда бир қатор тамойиллар кўрсатилган бўлиб, уларга амал қилинган ҳолда қуйидагилар тақиқланади:

- 1) Фуқароларнинг ўз мурожаати учун таъқиб остига олиниши ёки мурожаатчининг оила аъзоларини таъқиб қилиш;
- 2) шахсларни бирон бир мурожаатни ҳимоя қилиш ҳатти-ҳаракатларида иштирок этишга мажбур қилиш;
- 3) фуқароларнинг мурожаатга тааллуқли бўлмаган фуқаро шахсияти ҳақида далилларни аниқлаш;
- 4) фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақида уларнинг розилигисиз тегишли органлар ва шахсларга мурожаат қилиш.

Фуқаролар таклифлар бериш ҳуқуқига эгадирлар. Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, корхоналар фаолиятини яхшилашга йўналтирилган фуқароларнинг мурожаатномаларини кўриб чиқиши ва мурожаат этувчига унинг натижаларини билдиришлари шартдир.

Фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини амалга ошириш илтимоси билан ариза (мурожаат) келиб тушганда, аризаларни кўриб чиқиш ваколати бўлган мулкый шаклидан қатъий назар, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, корхоналар масъул ходимлари, раҳбарлари ёки бошқа масъул ходимлар аризаларни объектив ва ўз вақтида кўриб чиқиш, қонуний қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш, шу мурожаатлар бўйича қабул қилинган қарорлар тўғрисида фуқароларга хабар бериш каби мажбуриятларни бажаришлари шартдир. Аризада кўрсатилган талабларга рад жавоб фуқаролар эътиборига ёзма равишда, сабаблари кўрсатилган ҳолда етказилади.

Шикоят – бу қайсидир бир органнинг ёки мансабдор шахснинг қарори ёки ҳаракатлари билан фуқароларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларига зиён етказилганда ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини тиклаш талаби кўрсатилган мурожаатдир. Шикоят фуқаронинг ўзига нисбатан давлат органи ёки жамоат ташкилотлари қарори қабул қилингани ёки ҳаракатлари ҳақида хабар топганидан сўнг, бир йилдан кечикмаган ҳолда бўйсунтиш тартибига қараб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ёки ваколатли шахсларга тақдим этади. Арзнома қонунда кўрсатилган муддатларда судга тақдим этилиши мумкин.

Шикоятга фуқаронинг олдинги мурожаатлари бўйича қабул қилинган қарорлар ёки унинг нусхалари, шунингдек, арзномани кўриб чиқиш учун керакли бўладиган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Шикоятларнинг ҳаққоний кўриб чиқилиши мақсадида ҳаракатлари ва қарорлари ўзгартирилиши мумкин бўлган органларга ва ваколатли шахсларга фуқароларнинг шикоятларини қайта жўнатиш қонун томонидан тақиқланади.

Қонунда мурожаат қилиш билан келиб чиқадиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва органларнинг мажбуриятлари аниқ кўрсатилган. Фуқаролар шикоятни текшираётган шахсга ўз талабларини шахсан билдириш, текширув материаллари билан танишиш, қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш, адвокат ёки бошқа шахснинг хизматидан фойдаланиш, шикоятини текшириш натижаси ҳақида ёзма маълумот олиш, қонунда кўрсатилган тартибда етказилган зарарнинг ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ариза, шикоят ва таклифлар фуқаролар томонидан индивидуал шаклда, шунингдек, умумжамоа шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари фактларни яширишни кўзламаганлиги ҳамда ёлғон ахборотлардан иборат бўлмаслиги керак. Бундай ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик кўзда тутилган.

Ариза ёки шикоят ҳал этиш учун махсус текширувлар ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлса, тегишли орган, корхона, муассаса, ташкилот раҳбари ёки раҳбарининг ўринбосари ариза ёки шикоятни ҳал этиш муддатини, истисно тариқасида, узайтириши мумкин, бироқ бу муҳлат бир ойдан ошмаслиги лозим бўлиб, бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш умумий муддати икки ойдан ошмаслиги керак.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқаётган давлат органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилишини юзага келтирувчи сабабларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф

этиш мақсадида аризалар, таклифлар ва шикоятларни белгиланган тартибда умумлаштирадилар ҳамда фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий ҳуқуқларини бузилиш ҳолатларини ани

2-§. Олий Мажлиснинг фуқаролар мурожаатларига доир ишининг асосий йўналишлари. Фуқаролар мурожаатларига парламент муносабатининг асосий шакллари

Бу ҳуқуқ, биринчи ўринда, бошқарув маданияти даражаси, ваколатли давлат органларидаги ходимларнинг онги ва масъулиятига боғлиқ.

Мурожаатларда фуқаронинг исми, фамилияси, отасининг исми, фуқаронинг турар жойи тўғрисидаги маълумотлар, таклиф, ариза ёки шикоятнинг моҳияти кўрсатилган бўлиши керак. Юқорида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олмаган аризалар кўриб чиқилмайди. Мурожаатлар индивидуал ва жамоа томонидан берилиши мумкин бўлиб, оғзаки ёки ёзма равишда киритилади.

Қонунда бир қатор тамойиллар кўрсатилган бўлиб, уларга амал қилинган ҳолда қуйидагилар тақиқланади:

1. Фуқароларнинг ўз мурожаати учун таъқиб остига олиниши ёки мурожаатчининг оила аъзоларини таъқиб қилиш;
2. шахсларни бирон бир мурожаатни ҳимоя қилиш ҳатти-ҳаракатларида иштирок этишга мажбур қилиш;
3. фуқароларнинг мурожаатга тааллуқли бўлмаган фуқаро шахсияти ҳақида далилларни аниқлаш;
4. фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақида уларнинг розилигисиз тегишли органлар ва шахсларга мурожаат қилиш.

Фуқаролар таклифлар бериш ҳуқуқига эгадирлар. Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, корхоналар фаолиятини яхшилашга йўналтирилган фуқароларнинг мурожаатномаларини кўриб чиқиши ва мурожаат этувчига унинг натижаларини билдиришлари шартдир.

Фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини амалга ошириш илтимоси билан ариза (муурожаат) келиб тушганда, аризаларни кўриб чиқиш ваколати бўлган мулкый шаклидан қатъий назар, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, корхоналар масъул ходимлари, раҳбарлари ёки бошқа масъул ходимлар аризаларни объектив ва ўз вақтида кўриб чиқиш, қонуний қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш, шу мурожаатлар бўйича қабул қилинган қарорлар тўғрисида фуқароларга хабар бериш каби мажбуриятларни бажаришлари шартдир. Аризада кўрсатилган талабларга рад жавоб фуқаролар эътиборига ёзма равишда, сабаблари кўрсатилган ҳолда етказилади.

Шикоят – бу қайсидир бир органнинг ёки мансабдор шахснинг қарори ёки ҳаракатлари билан фуқароларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларига зиён етказилганда ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини тиклаш талаби кўрсатилган мурожаатдир. Шикоят фуқаронинг ўзига нисбатан давлат органи ёки жамоат ташкилотлари қарори қабул қилингани ёки ҳаракатлари ҳақида хабар топганидан сўнг, бир йилдан кечикмаган ҳолда бўйсунтиш тартибига қараб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ёки ваколатли шахсларга тақдим этади. Арзнома қонунда кўрсатилган муддатларда судга тақдим этилиши мумкин.

Шикоятга фуқаронинг олдинги мурожаатлари бўйича қабул қилинган қарорлар ёки унинг нусхалари, шунингдек, арзномани кўриб чиқиш учун керакли бўладиган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Шикоятларнинг ҳаққоний кўриб чиқилиши мақсадида ҳаракатлари ва қарорлари ўзгартирилиши мумкин бўлган органларга ва ваколатли шахсларга фуқароларнинг шикоятларини қайта жўнатиш қонун томонидан тақиқланади.

Қонунда мурожаат қилиш билан келиб чиқадиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва органларнинг мажбуриятлари аниқ кўрсатилган. Фуқаролар шикоятни текшираётган шахсга ўз талабларини шахсан билдириш, текширув материаллари билан танишиш, қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш, адвокат ёки бошқа шахснинг хизматидан фойдаланиш, шикоятини текшириш натижаси ҳақида ёзма маълумот олиш, қонунда кўрсатилган тартибда етказилган зарарнинг ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ариза, шикоят ва таклифлар фуқаролар томонидан индивидуал шаклда, шунингдек, умумжамоа шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари фактларни яширишни кўзламаганлиги ҳамда ёлғон ахборотлардан иборат бўлмаслиги керак. Бундай ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик кўзда тутилган.

Ариза ёки шикоят ҳал этиш учун махсус текширувлар ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлса, тегишли орган, корхона, муассаса, ташкилот раҳбари ёки раҳбарининг ўринбосари ариза ёки шикоятни ҳал этиш муддатини, истисно тариқасида, узайтириши мумкин, бироқ бу муҳлат бир ойдан ошмаслиги лозим бўлиб, бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш умумий муддати икки ойдан ошмаслиги керак.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқаётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилишини юзага келтирувчи

сабабларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида аризалар, таклифлар ва шикоятларни белгиланган тартибда умумлаштирадилар ҳамда фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий ҳуқуқларини бузилиш ҳолатларини аниқлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томоиндан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда махсус миллий институтларнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Ўзбекистонда инсон ва фуқаролар ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилувчи тизимга, юқорида келтирилган давлат органларидан ташқари, махсус тузилган ва ривожланаётган нодавлат ташкилотлари ҳам киради. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан 1996 йилнинг 31 октябрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази ташкил этилди².

Кейинги йилларда жаҳондаги кўплаб илғор мамлакатлар сингари мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи миллий институтлар ва махсус марказ ташкил топди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази. Келтирилган миллий институтларни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатловчи институтлар деб ҳам номлаш мумкин. 2004 йил 27 августда эса “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида” қонун қабул қилинди⁷³. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш воситаси сифатида Омбудсман институти ташкил этилган. Омбудсман инсон ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйган маълум бир ташкилот устидан тушган шикоятларни қабул қилувчи ва кўриб чиқувчи мустақил, беғараз учинчи томон сифатида ўз ишини олиб боради. Омбудсман инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадини кўзлаб текширув ўтказиши ва тавсиялар бериши, маъмуриятни тўғри йўлга солиши, парламентга ва жамоатчилик эътиборига натижаларни тақдим этиши мумкин.

² Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказни тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. // Халқ сўзи, 1997, 3 ноябрь.

⁷³ Ўзбекистон Республикасининг “Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги қонун (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004, 38-сон, 420-модда.

Ўзига хос институт бўлиб ҳисобланган Омбудсман мустақил ва беғараз фаолиятни юритиши сабабли бировни қоралаш ёки оқлаш унинг вазифаси эмас. Ушбу институт текширув ўтказди, фактларни ва бошқа далилларни аниқлайди ҳамда баъзи ҳолатлар бўйича тавсиялар беради.

Омбудсманлар, давлат органлари, аввало ижроия ҳокимияти томонидан инсон ва фуқаро ҳуқуқлари бузилмаслигини кузатиб туриши шарт бўлган лавозимли (мансабдор) шахслардир. Ушбу институт (соҳа, муассаса) Швеция XIII асрдаёқ пайдо бўлган лекин фақат орадан 700 йил ўтгач эса бир қатор мамлакатларнинг конституциявий-ҳуқуқий матнларига кирган (масалан, Намибия Конституцияси). Кўп мамлакатларда ушбу муассаса (институт)нинг ўхшаш номи белгиланган: Польшада-фуқаро ҳуқуқлари бўйича Вакил ва болалар ҳуқуқи бўйича вакил, Венгрияда фуқаро ҳуқуқлари бўйича Давлат мажлиси Вакили (вакиллари) ва миллий ва этник озчиликларнинг ҳуқуқлари бўйича Вакил (вакиллари), Австрияда-Халқ ҳуқуқий муҳофазси, Руминияда-халқ адвокати (оқловчиси), Буюк Британияда-маъмурий ишлар бўйича парламент комиссари, Францияда-воситачи, Испанияда-халқ ҳимоячиси, Филиппинда-инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия, Германияда-мудофаа бўйича Бундестаг вакили.

Бу орган конституциявий ҳуқуқлар бузилганлиги ҳақидаги шикоятларни, кўпинча муаммони ҳал этишнинг барча қонуний йўллари ахтариб кўрилиб, топилмагандан кейин, кўриб чиқади ва агар зарур деб ҳисобласа, уни тегишли давлат органларида қайтадан кўзгатади, мамлакатда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари соҳасида олиб борилаётган ишларнинг аҳволини таҳлил қилади ва тегишли қонуний чора кўрилишини таклиф этган ҳолда парламентга бу ҳақда ҳисобот беради. Омбудсман ёки шунга ўхшаш бошқа орган ишни мустақил ҳал эта олмайди.

Омбудсманнинг текшириш ва суриштириш бўйича ҳуқуқлари қатъий белгиланган бўлиб, унинг бирор бир ташкилотга ёки органга буйруқ бериш ҳуқуқи йўқ, фақат бирор фактни аниқлаштириш учун маълумотлар сўраш ёки гувоҳлик беришни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлардан фаркли ўлароқ, фақат инсонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва уларни ҳуқуқларини такомиллаштириш соҳасида иш олиб боради. Зарур ҳолларда эса, Омбудсман тегишли ташкилотларга мурожаат қилиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўйича текширув олиб бориши мумкин. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда, кафолатлаш борасидаги имкониятлари, ҳуқуқ ижросини таъминловчи давлат органларига нисбатан (суд, тергов ва суриштирув органлари,

прокуратура, давлат хавфсизлиги хизмати ва ҳоказо) анча кенг ва эркиндир. Чунки, у нафақат қонун асосида ишни кўриб чиқади, балки ишни мазмунан синчиклаб ўрганади ва ўзининг хулосаларини адолат, умуминсоний меъёрлар асосида беради. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг яна бир афзал томони шундаки, агар судлар ишни ўзидан юқори турувчи ташкилотларнинг (иккинчи инстанция судьялари) талабларидан келиб чиқиб ҳал қилсалар, Омбудсман эса, маълум бир маънода, мустақилдир. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили бу борада ўз ишини юқори ташкилотлардан мустақил ҳолда олиб боради ва бу бўйича муҳим хулосаларни беради; ўз фаолиятини юритишда турли усулларни қўллаши мумкин; вакилга мурожаат қилувчи фуқаролар миллати, фуқаролиги ёки бошқа белгиларидан қатъий назар тенгдирлар; вакил ўз ишини олиб боришда Конституция ва қонунда белгиланган ҳолатлар билан чегараланмай, балки эътироф этилган ҳуқуқларга асосланиб олиб боради ва ҳал қилади. Вакил ваколатлари бу борада ҳам чекланмаган.

Вакил ўз фаолиятида буйруқ бериш ва мажбурлаш тамойили асосида эмас, балки ўрганиш ва тавсия этиш тамойилига кўра олиб боради. Омбудсман институтининг муҳим вазифаларидан бири - миллий қонунчилик асосида, инсон ҳуқуқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, уни умуминсоний ҳамда халқаро меъёрларга яқинлаштиришдан иборат. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фаолияти шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашда муҳим аҳамиятга эга, шу мақсадда у йил охирида бу соҳада олиб борилган ишлар тўғрисида Олий Мажлис ва Президентга ҳисобот тайёрлайди.

17-БОБ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ишини ташкилий-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан таъминлаш

1-§. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати девонини шакллантириш

2-§. Ҳуқуқий асосларини таъминлаш. Девоннинг асосий ваколатлари. Тузилиши. Девон ходимлари. Уларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1-§. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати девонини шакллантириш

Парламент, унинг палаталари, қўмиталари ва комиссиялари ишининг профессионализми, оқилоналиги ва самарадорлигини кўп жиҳатдан давлат ҳокимияти вакиллик органининг девони таъминлайди. Мазкур девон давлат хизматчилари орасидан профессионал асосда тузилади.

Парламент (унинг палаталари) девони деганда парламент (унинг палаталари)нинг давлат хизматчиларидан таркиб топган ва парламент (унинг палаталари) парламент қўмиталари ва комиссиялари фаолиятини ташкилий, ҳуқуқий, ахборот, ижтимоий-маиший, таҳлилий, моддий-техникавий ва ўзга тарзда таъминлаш функцияларини амалга оширувчи ички органи тушунилади.

Икки палатали парламентда ҳар бир палата ўз девонига эга бўлади. Парламент палатаси ўз девонини тузиш, унинг тузилмаси, вазифалари, ваколатларини белгилаш, унга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ масалаларни давлат хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солади.

Ўзбекистонда парламент девони ишини ташкил қилишда яқин хориж тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Жумладан, Россия парламентининг қуйи палатаси (Давлат Думаси) девонини тузиш ва унинг фаолияти масалалари амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда палата Раиси томонидан тасдиқланадиган Давлат Думасининг Девони тўғрисидаги Низом билан белгиланади. Девон юридик шахс ҳисобланади, ўз муҳри, банкларда ўз ҳисоб-китоб ва жорий ҳисобварақлари, сметасига эга бўлади. Девонда сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари (касаба уюшмасидан ташқари) тузиш тақиқланади.

Давлат Думасининг Девони ўз фаолиятини РФ Президентининг Маъмурияти, юқори палата (Федерация Кенгаши), ҳукумат девонлари, давлат ҳокимиятининг бошқа органлари билан ўзаро алоқада амалга оширади. Девонга унинг раҳбари бевосита раҳбарлик қилади. Девон раҳбари палата кенгашининг розилиги билан ва палатанинг регламент ва Давлат Думаси ишини ташкил этиш қўмитасининг тақдимига биноан тайинланади ва лавозимдан озод этилади. Девон фаолияти устидан назоратни палатанинг юқорида зикр этилган қўмитаси амалга оширади. Девоннинг тузилмаси, штатлари, ходимларининг меҳнат ҳақи миқдори ва моддий-техника таъминоти шартлари, уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар девон раҳбарининг юқорида зикр этилган палата қўмитаси билан келишилган тақдимига биноан палата раиси томонидан палатанинг ишлаши учун зарур харажатлар сметаси доирасида белгиланади.

Девон қуйидаги таркибий бўлимлардан ташкил топади:

- 1) Палата раисининг котибияти;
- 2) Палата раисининг биринчи ўринбосари ҳамда палата раиси ўринбосарларининг котибиятлари;
- 3) Палата девони раҳбарининг котибияти;
- 4) Палатадаги депутатлар бирлашмаларининг девонлари (бўлимлар);
- 5) Палата қўмиталари ва комиссияларининг девонлари (бўлимлар);
- 6) Таҳлил бошқармаси;
- 7) Ташкилий бошқарма;
- 8) Парламент кутубхонаси (бошқарма);
- 9) Ҳуқуқ бошқармаси;
- 10) Матбуот хизмати (бошқарма);
- 11) Ишлар бошқармаси;
- 12) Ҳужжат таъминоти бошқармаси;
- 13) Ахборот-технологик таъминоти бошқармаси;
- 14) Кадрлар ва давлат хизмати бошқармаси;

- 15) Парламентлараро алоқалар бошқармаси;
- 16) Давлат сирини сақлаш бўлими;
- 17) Палата қабулхонаси (бўлим)⁷⁴.

Федерация Кенгаши (юқори палата)нинг девони ҳам тузилмаси, вазифалари ва ваколатлари жиҳатидан Давлат Думасининг девонига яқин.

Қирғизистон парламенти (Жогорку Кенеш)нинг фаолияти ҳам Қонинчилик йиғилиши ва Халқ вакиллари йиғилишининг алоҳида девонлари ҳамда Қирғизистон Республикаси Президентининг Фармониغا биноан 2000 йилнинг бошида ташкил этилган Жогорку Кенеш палаталарининг моддий-техника ва молия таъминоти департаменти томонидан таъминланади. Жогорку Кенеш Қонунчилик палатасининг девони ўз фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатларига, палата регламентига ва девон тўғрисидаги низомга амал қилади. Девон палатага тўлиқ ҳисобдор ва унинг назорати остида бўлади. Девон ходимлари ўз вазифаларини хизматларининг партиясизлиги принциpidан келиб чиқиб бажаради. Девон тузилмаси палатанинг конституциявий ваколатларини оқилона таъминлаш талаблари билан белгиланади. Девон раҳбари палата қарори билан тайинланади. Девоннинг асосий вазифалари:

- пленар йиғилишлар, кўмиталарнинг мажлислари, палатанинг парламент тингловларини тайёрлаш ва ўтказишни таъминлаш;
- палата депутатларига ваколатларини амалга оширишда кўмаклашиш;
- депутатлар палата мажлисларида берган таклифлар ва билдирган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиш ва умумлаштириш;
- қонун лойиҳалари Конституцияга, халқаро шартномаларга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлигининг экспертизаси ва қиёсий таҳлилини ташкил этиш;
- палата мажлислари тўғрисида расмий хабарлар тайёрлаш, палата фаолиятининг муҳим масалалари юзасидан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан матбуот конференциялари ва брифинглар ўтказиш;
- палата раҳбарияти ва депутатлар томонидан фуқароларнинг қабул қилинишини ташкил этиш;
- палатага келган фуқароларнинг аризаларини рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш;
- палата ҳужжатларини эълон қилиш;
- чет эл давлатларининг парламент ва бошқа делегацияларини кутиб олиш ва уларни қабул қилишни ташкил этиш⁷⁵.

⁷⁴ Қаранг: Гранкин И.В. Парламент России. – М.: 1999, с. 110-111.

Парламент, унинг органлари ва аъзолари ишининг хужжатли-хроникал, ахборот-таҳлилий, ташкилий ва молия-хўжалик таъминотига йўналтирилган тузилмалар ташкил этилган ва фаолият кўрсатади. Э.Х. Халиловнинг фикрига кўра, мазкур тузилмалар қанчалик зарур ва муҳим аҳамиятга эга бўлмасин, уларни парламентнинг асосий ташкилий-институциявий тузилмаси қаторига киритиш мумкин эмас. Зеро, улар – парламентнинг тегишли хизматлари ҳисобланади. Улар жумласига қуйидагилар киради: парламент девони ҳамда унинг таркибий бўлимлари: умумий бўлим, қўмиталар билан ишлаш бўлими, назорат-ахборот бўлими, юридик бўлим, парламентлараро алоқалар бўлими, матбуот ва таржималар бўлими, молия-хўжалик бўлими.

Олий Мажлиснинг палаталари тўғрисидаги Конституциявий қонунларда Олий Мажлис палаталарининг девонига бағишланган моддалар мавжуд. Конституциявий қонунларга мувофиқ, палата девони палата, унинг органлари ва депутатлари (аъзолари) фаолиятининг ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминотини амалга оширади. Қонунларнинг мазкур қоидаларини, айтайлик, Россия парламенти қуйи палатаси регламентининг тегишли моддаларига солиштириш шуни кўрсатадики, Россия парламентининг регламентида палата девонининг вазифалари кенгроқ ва (энг муҳими) муайянроқ белгиланган: девон депутатлар, депутатлар бирлашмалари, палата кенгаши, палата қўмиталари ва комиссиялари, палата раиси ва унинг ўринбосарлари фаолиятига ҳукукий, ташкилий, хужжатли, таҳлилий, ахборот, моддий-техникавий, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишни таъминлайди. Фикримизча, палата раиси томонидан тасдиқланиши лозим бўлган палата девони тўғрисидаги Низомда девоннинг вазифаларини муайянлаштириш лозим. Палата раиси палата девони тузилмаси, штатлари, ходимларининг меҳнат ҳақи миқдори ва моддий-техника таъминоти, шунингдек уларнинг ишлаши учун зарур харажатларни ҳам тасдиқлайди. Девон тузилмасини белгилашда палата, унинг органлари, депутатлар бирлашмаларининг фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ барча ранг-баранг вазифаларни самарали бажаришга қодир бўлган девоннинг барча зарур бўлимларини назарда тутиш жуда муҳим. Қонунларда палата девони ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари палатанинг ваколат муддатига боғлиқ бўлмайди, деган жуда муҳим қоида белгиланган. Бу кадрларнинг барқарорлигини таъминлаш имконини беради, девон ишининг сифатига жиддий таъсир кўрсатади: у профессионал, омилкор бўлиши лозим. Шунингдек, девон юридик шахс ҳисобланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга: бу ҳам палата ва унинг органлари ишини таъминлашда девоннинг ролини оширади.

⁷⁵ Қаранг: Парламент и парламентаризм в Кыргызстане, с. 75-76.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девони ҳуқуқий мақоми
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг
2005 йил 18 апрелдаги 23—1-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисидаги низом билан
тартибга солинади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига, "Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми
тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан буён матнда Сенат деб
юритилади), унинг органлари ҳамда Сенат аъзоларининг фаолиятини ташкилий,
ахборот ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашни Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенатининг Девони (бундан буён матнда Сенат Девони деб юритилади)
амалга оширади.

Сенат Девони ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига,
Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Сенатнинг ва Сенат Кенгашининг
қарорларига, Сенат Раисининг фармойишларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

Сенат Девони ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб
юритилади), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг девонлари,
шунингдек ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти
органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро
ҳамкорликда амалга оширади.

Сенат Девонида жамоат бирлашмаларининг, шу жумладан сиёсий партиялар,
шунингдек диний бирлашмаларнинг тузилмалари ташкил этилиши мумкин эмас,
касаба уюшмалари бундан мустасно.

Сенат Девонининг тузилмаси, штатлар жадвали, ходимлари меҳнатига
тўланадиган ҳақ миқдори ва уларнинг моддий-техника таъминоти, шунингдек
уларнинг таъминоти билан боғлиқ харажатлар Сенат Раиси томонидан тасдиқланади.

Сенат Девони юридик шахс бўлиб, ўзининг ҳисоб-китоб варақларига,
Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган
муҳрга эга бўлади.

Сенат Девони Сенат Раисининг, Раис ўринбосарларининг (ҳамда Сенат Девони
Раҳбарининг Севосига раҳбарлигида ишлайди ва қуйидаги таркибий бўлинмаларни ўз
ичига олади;

- 1) Сенат раҳбарияти ҳузуридаги котибият
- 2) Матбуот котиби
- 3) Юридик бўлим
- 4) Назорат-ахборот бўлими
- 5) Халқаро алоқалар бўлими
- 6) Матбуот ва таржима бўлими
- 7) Умумий бўлим
- 8) Бухгалтерия.

Сенат Девони бўлимларининг таркибида шўъбалар, гуруҳлар ва бошқа таркибий бўлинмалар тузилиши мумкин.

2-§. Ҳуқуқий асосларини таъминлаш. Девоннинг асосий ваколатлари. Тузилиши. Девон ходимлари. Уларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Парламент Девонини парламент девони раҳбари бошқаради. Парламент девони раҳбари ўз ваколати доирасида:

парламентнинг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг девонлари, шунингдек ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро алоқаларда парламент девони номидан иш кўради;

парламент девони, унинг таркибий бўлинмалари самарали ишлашини таъминлайди, парламент девони зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

парламент девони таркибий бўлинмаларининг ишини мувофиқлаштириб ва фаолиятини назорат қилиб боради;

парламентда ўтказиш мўлжалланаётган тадбирлар режаларининг лойиҳалари тайёрланишини ташкил этади, парламент раҳбариятининг топшириғига биноан ва қўмиталарнинг (комиссияларнинг) таклифлари асосида Кенгаш мажлисининг кун тартиби лойиҳасини шакллантиради ҳамда бу ҳужжатларни парламент раҳбарияти кўриб чиқиши учун киритади;

парламент раҳбариятига, қўмиталарига (комиссияларига) ахборот, маълумотнома йўсинидаги ва бошқа материаллар тайёрланишини ташкил этади, Парламент ва унинг органлари фаолияти ахборотлар билан таъминланишини яхшилаш, ахборотларни қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилишнинг замонавий усул ва воситаларини жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

Сенатнинг Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда ишлашини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлислари ўтказилишини таъминлайди;

парламент девонининг таркибий бўлинмаларида тайёрланган масалалар хусусида парламент раҳбариятига ахборот бериб боради;

парламент девони ишини такомиллаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилишини таъминлайди, парламент девони тузилмаси, штатлари ва кадрлар таркибига оид масалалар юзасидан парламент раҳбарияти кўриб чиқиши учун таклифлар киритади, парламент девони ходимларининг малакасини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ишларини ташкил этади;

ушбу Низомга мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

Парламент раҳбарияти ҳузуридаги котибият:

келган хат-хабарларни саралаш йўли билан ишловдан ўтказиши ва жўнатилаётган хат-хабарларнинг ҳисобини юритади;

келган ҳужжатлар билан таҳлилий ва ахборот-маълумотнома йўналишидаги ишларни амалга оширади;

парламент ва унинг Кенгаши мажлисларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисларига тайёргарлик кўришида парламент раҳбариятига кўмаклашади;

парламент раҳбариятининг парламент кўмиталари (комиссиялари) билан ҳамкорликдаги ишларини таъминлайди;

парламент раҳбарияти томонидан кўриб чиқиладиган ахборот-таҳлилий ва бошқа материалларни тайёрлайди;

парламент раҳбарияти томонидан фуқароларнинг қабул қилиниши билан боғлиқ ишларни ташкил этади;

парламент раҳбариятининг топшириқлари бажарилиши устидан назорат олиб боради;

Сенат Раиси ва Қонунчилик палатаси Раиси қабулхонаси мунтазам равишда, шу жумладан навбатчилик жадвалига биноан дам олиш ва байрам кунлари ҳам ишлашини таъминлайди;

парламент раҳбарияти фаолиятига моддий-техника хизмати кўрсатилишини амалга оширади;

парламент раҳбариятининг топшириқларига биноан бошқа вазифаларни амалга оширади.

Матбуот котиби:

оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни амалга оширади;

парламент ва унинг органлари фаолияти ҳақида эълон қилиниши учун ахборотлар тайёрлайди;

парламент ва унинг органлари фаолияти даврий нашрлар саҳифаларида, телевидение ва радио орқали белгиланган тартибда ёритилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, шунингдек чет давлатлар ва МДҲга аъзо мамлакатлар парламентларининг фаолиятини ўрганиш билан боғлиқ таҳлилий ишларни амалга оширади;

парламент иши натижаларини умумлаштириб боради;

парламент фаолияти тўғрисида ҳисоботлар, маълумотнома йўсинидаги бошқа материаллар тайёрлайди;

парламент раҳбариятининг топшириғига биноан нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари билан алоқаларни амалга оширади.

Парламент девонининг бўлимларига бўлим мудирлари раҳбарлик қиладилар.

Юридик бўлим:

парламент ҳамда унинг Кенгаши ва кўмиталари (комиссиялари) муҳокамасига киритиладиган масалалар юзасидан материаллар ва таклифлар тайёрланишига кўмаклашади;

парламент ва унинг Кенгаши мажлислари ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишида иштирок этади;

парламент раҳбарияти ва парламент девони раҳбари топшириғига биноан бўлим ваколатига тааллуқли ҳуқуқий масалалар юзасидан хулосалар тайёрлайди, Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш учун парламент нинг қайси кўмиталари масъул бўлса, шу кўмиталар топшириғига биноан мазкур қонунларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига, шунингдек юридик техника талабларига қанчалик мувофиқ эканлигини таҳлил қилади, мазкур ҳужжатларнинг сифатини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат ва унинг Кенгаши қарорлари, Қонунчилик палатаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳисобини юритади ҳамда уларни тизимга солиб боради;

парламентнинг қонунлар базасини шакллантиради ва текшириб, тўғри ҳолатда бўлишини назорат қилиб боради;

парламент кўмиталарининг ёзма сўровига биноан қонунлар базаси асосида ҳуқуқий масалалар бўйича ахборот йўсинидаги маълумотномалар тайёрлайди;

парламент томонидан маъқулланган қонунларни ва қабул қилинган қарорлар, баёноتلарни, мурожаатномаларни, шунингдек парламент сўровларини юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришга бир хил ёндашилишини таъминлайди, парламент аъзоларига маслаҳат йўсинидаги ва услубий ёрдам кўрсатади;

парламент томонидан назорат қилиш соҳасидаги ваколатларнинг амалга оширилишига кўмаклашади.

Назорат-ахборот бўлими:

парламент кўмиталарига назорат-таҳлил ишларини амалга оширишларида ташкилий, услубий, ахборот ва маслаҳат йўсинидаги хизмат кўрсатилишини таъминлайди;

парламент кўмиталари конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этишида ҳамда ўтказишида кўмаклашади;

парламент мажлисларига ташкилий ва ахборот йўсинидаги хизмат кўрсатилишини таъминлайди, парламент аъзоларига ташкилий-техник ёрдам беради;

парламент аъзоларига ваколатларини амалга оширишларида кўмаклашади ҳамда уларни тегишли ахборот материаллари билан таъминлайди;

фуқаролардан парламентга тушаётган мурожаатлар юзасидан олиб бориладиган ишларни ташкил этади, мурожаатларнинг ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказилишини таъминлайди, уларни тегишли давлат органларига ва бошқа органларга юборади ҳамда юборилган мурожаатларнинг ана шу органларда кўриб чиқилишини назоратга олади;

фуқароларнинг қабул қилинишини ташкил этади;

фуқароларнинг мурожаатларини ҳамда бу мурожаатларнинг кўриб чиқиш натижаларини мунтазам таҳлил қилиб ва умумлаштириб боради, шикоятларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганади, зарур ахборотлар тайёрлайди;

парламент аъзоларининг рўйхатларини нашрга тайёрлайди, сўровнома йўли билан уларга оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳисобини юритади;

маъмурий-ҳудудий тузилишни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси чегараларини ўзгартириш, туманлар, шаҳарлар ва вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш масалаларига оид вазифаларни умумлаштиради ва ҳужжатлар тайёрлайди; халқ депутатлари Кенгашлари ва бошқа йўсинидаги ёрдам билан боғлиқ тегишли материаллар ҳамда таклифлар тайёрланишини ташкил этади; халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар

Кенгашларига сайловга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишга доир ташкилий-техник тадбирларда маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органларига, сайлов комиссияларига ёрдам кўрсатади.

Халқаро алоқалар бўлими: халқаро муносабатларга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация ёки денонсация қилишга тааллуқли материаллар ва таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

чет эл делегацияларининг, чет давлатлар айрим давлат ва сиёсат арбобларининг, дипломатия вакилларининг, шунингдек халқаро ташкилотлар вакилларининг парламент даги қабулини уюштиради;

парламент делегациялари ташрифининг, парламент иштирокида ўтказилаётган халқаро парламент тадбирларининг (конференциялар, семинарлар, симпозиум ва бошқаларнинг) протокол таъминоти масалаларини ҳал этади;

расмий ташриф билан чет элларга бораётган парламент раҳбариятини, делегациясини ва парламент аъзоларини ахборот, маълумотнома йўсинидаги ва бошқа материаллар билан таъминлайди;

парламентнинг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг девонлари тегишли таркибий бўлинмалари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан, дипломатик ва бошқа ваколатхоналар ҳамда Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар ваколатхоналари билан алоқани йўлга қўяди ва олиб боради;

парламентнинг парламентлараро алоқалари масалаларига доир материалларни умумлаштириб боради, халқаро парламент институтлари билан мулоқотни йўлга қўяди ва олиб боради;

халқаро шартномалар ҳисобини юритади ҳамда уларни тизимга солиб боради;

халқаро алоқаларга тааллуқли, парламент раҳбарияти назоратидаги ҳужжатларнинг ижроси назорат этилишини таъминлайди;

парламентнинг қўмиталари (комиссиялари) фаолиятига ташкилий, услубий ва ахборот йўсинидаги хизмат кўрсатилишини таъминлайди, уларга халқаро хусусиятдаги тадбирлар ўтказишда кўмаклашади;

хорижий мамлакатларга хизмат сафарига бораётган парламент раҳбариятига, сенаторларга, депутатларга ва парламент девони ходимларига ташкилий-техник, услубий ва бошқа хил кўмак беради;

Парламентга келиб тушган чет тиллардаги хат-хабарларнинг таржима қилинишини таъмин этади.

Матбуот ва таржима бўлими:

қонунлар, шунингдек парламентнинг ва парламент Кенгашининг ҳужжатлари, парламент раҳбариятининг топшириғига биноан эса бошқа материаллар матнлари таржима ва таҳрир этилишини таъминлайди;

парламент томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилинишини ташкил этади ва унинг кенгаши муҳокама қилинаётган материаллар ва тайёрлашда иштирок этади;

парламентнинг матбуот органлари фаолияти билан боғлиқ масалаларда мутасаддилик қилади, бу органлар ўз уставларида белгиланган талабларни бажариши устидан назоратни амалга оширади.

Бухгалтерия парламент ва унинг органлари фаолияти билан боғлиқ харажатлар сметаларининг лойиҳаларини, бу сметаларнинг ижросига доир ҳисоботларни тайерлайди ҳамда уларни парламент раҳбарияти ва парламент девони раҳбари кўриб чиқиши учун киритади.

Парламент девони раҳбари ва девон ходимлари Сенат Раиси ва Қонунчилик палатаси томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимдан озод қилинади.

Парламент девони бўлимларининг мудирлари ўз ваколатлари доирасида парламент девонининг тегишли бўлинмалари фаолиятига бевосита раҳбарлик қиладилар ҳамда ана шу бўлинмалар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар;

ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайдилар, иш уюшқоқлик билан ва бажариб боришини, меҳнат интизомига риоя этилишини таъминлайдилар, ходимларнинг ўз вазифаларини бажаришлари ҳамда иш юритиш тартибли бўлиши учун жавоб берадилар;

парламент раҳбарияти ва парламент девони раҳбари топшириқлари бажарилишини назорат қилиб борадилар;

бўлим ходимларининг малакасини ошириш чораларини кўрадилар,

парламент девонининг тегишли бўлимида тайерланган масалалар хусусида парламент девонининг раҳбарига ахборот бериб борадилар;

парламент Кенгашининг ҳамда кўмиталарининг (комиссияларининг) мажлисларида иштирок этадилар,

парламент раҳбарияти ва парламент девони раҳбари ҳузурида ўтказиладиган йиғилишларда парламент девонининг тегишли бўлими номидан вакиллик қиладилар ҳамда иш кўрадилар,

Ўз ваколати доирасига тааллуқли масалалар бўйича бўлимнинг парламент аъзолари, парламент қўмиталари (комиссиялари), парламент девони таркибий бўлинмалари билан, Қонунчилик палатасининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг девонлари тегишли таркибий бўлинмалари билан, давлат ҳокимияти бошқа органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлашни ташкил қиладилар. Бўлим мудирларининг ўринбосарлари парламент девони тегишли бўлинмалари раҳбарлари йўқлигида уларнинг вазифаларини бажарадилар, шунингдек ўзпарига топширилган иш жабҳасига раҳбарлик қиладилар.

Матбуот котиби, парламент девонининг катта референтлари, референтлари ва бошқа масъул ходимлари:

хизмат вазифалари ва мансаб йўриқномаларига мувофиқ тегишли жабҳада топширилган иш вақтида, сифатли бажарилишини ҳамда ташкил этилишини таъминлайдилар, бу йўналишдаги ишлар учун шахсан жавоб берадилар;

тегишинча парламент раҳбарияти, парламент девони раҳбари, бўлим мудирлари ва бўлим мудирларининг ўринбосарлари томонидан берилган вазифа ҳамда юпшириқларни бажарадилар.

Парламент девонининг техник ходимлари:

зиммаларига юклатилган хизмат вазифаларини, тегишинча парламент девони раҳбари, бўлим мудирлари ва бўлим мудирларининг ўринбосарлари томонидан берилган топшириқларни бажарадилар;

ўз ишларига тааллуқли масалалар юзасидан ўтказиладиган хизмат йиғилишларида иштирок этадилар;

ўз ишлари билан боғлиқ, масалалар юзасидан, зарурат бўлганда, парламентнинг тегишли қўмитаси раҳбарига, парламент девони бўлимларининг мудирларига таклифлар киритадилар.

18 - БОБ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолияти ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари

1-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир” мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган асосий вазифалар

2-§. Парламентнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтириш

3-§. Ҳокимият тармоқлари ўртасида мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш масалалари

4-§. Парламент фаолиятида умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш

5-§. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини такомиллаштириш масалалари

1-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир” мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган асосий вазифалар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биринчи қўшма мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан қуйидаги фикрлар билдирилган эди: Асосий мақсадим — жамиятимизни демократлаштириш ва янгилашнинг концепциясини, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислоҳ этиш бўйича олдимизга қўйиладиган асосий вазифаларни қисқача баён этишдир.

Ҳозирда асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифа —бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, эпчил ва қатъият билан боришдир. Шу маънода ҳозирда Икки палатали парламентни баро этишдан мақсад:

Биринчидан — парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш.

Иккинчидан — Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолиятининг сифатини кескин ошириш.

Учинчидан — Сенат асосан маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларида иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инобатга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш.

Тўртинчидан — аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш.

Айнан шу мақсад юқори палата — Сенатнинг вилоят, шаҳар ва туман вакиллик органлари де-путатларидан сайланиши замирида ҳам мужассам. Юқорида зикр этилган мақсад ва йўналишларнинг барчаси аввало мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилни ўзида ифода этади.

Авваламбор, ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият орган-ларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш.

Иккинчидан — сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш.

Шу муносабат билан партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етукликка интилиши ва энг муҳими, молиявий мустақилликха эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак. Дастури ва йўналишидан қатъи назар, шак-шубҳасиз, барча партияларимиз мана шундай йўлни босиб ўтиши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирда аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор берилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Депутатлар корпуси, Сиёсий партиялар ва нодавлат, ноҳукумат жамоат ташкилотларининг жамиятда обрў-эътибори ортиб бориши, мавқеи мустаҳкамланиши билан, улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг асосий воситасига айланади.

2-§. Парламентнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтириш

Ҳар бир мамлакат, бир-биридан ўзининг алоҳида манфаати, мақсади жиҳатидан фарқ қилувчи ижтимоий гуруҳлар ва табақалардан иборат бўлиб, мураккаб тузилишга эга. Бу ҳолатда мувозанатни сақлаш, жамиятдаги барча ҳудудлар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатини ифодалаш парламент томонидан муваффақиятли равишда амалга оширилиши

мумкин. Ушбу ҳокимият ўзининг алоҳида манфаатларини халқ манфаатидан устун кўйишини олдини олиш мақсадида, унга қонун нормаларини ўрнатиш эмас, балки фақат бекор қилиш ҳуқуқи берилади.

Икки палатали парламентнинг ташкил этилиши жаҳон давлатчилиги тараққиётида муҳим масала ҳисобланади. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида икки палатали парламентлар 45 тадан 70 тага кўпайди. Икки палатали парламентлар жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида самарали тарзда фаолият кўрсатиб келмоқда. Икки палатали парламент мамлакатнинг минтақалари, кичик тузилмалари, олисроқ жойлашган қисмларининг манфаатларига риоя этилишига олиб келади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида миллий парламент тараққиёти учун мутлақо ғояни – вақти келиб икки палатали Парламентни тузиш зарурлиги тўғрисидаги таклифни сурди. Президентимиз таклифи мамлакатимизда 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдумида ўз тасдиғини тўлиқ асосда топди. Бу ғоя миллий Парламентимизнинг ривожланиши учун ҳуқуқий асослардан бири бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Парламентини икки палатали тузиш тўғрисидаги ғояни асослаш учун икки палатали тизим тарафдорларининг асосий қарашларини баён этиш кифоя. Биринчидан, ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанат янада барқарор бўлишига эришилади. Яъни тамомила бошқа асосда тузиладиган иккинчи палатани яратиш орқали ҳокимиятни бирон тарзда чекланмаган бошқа палата ва замин бўлишга эришилади ва иккинчидан, «назоратчи» палатанинг мавжудлиги туфайли парламентнинг янада уйғун ишлашига эришилади. Зеро, иккинчи палата биринчи палатанинг баъзан шошмашошарлик билан қабул қилган қарорларини чуқур ўрганиб чиқиши керак бўлади. Яъни, иккинчи палата биринчи палатанинг хатолари ва шошиб қабул қилган қарорлари тузатилишига, қонун ҳужжатлари янада чуқур ва ҳар томонлама ўрганилишига ҳамда бир мунча чуқур ўйлаб чиқилган ва залворли қарорлар қабул қилинишига олиб келади.

Бундан ташқари қонун чиқарувчи органда иккинчи палатанинг тузилиши Ўзбекистон қонунларининг қабул қилинишига минтақаларнинг таъсирини сезиларли даражада оширади, парламент қабул қилаётган ҳужжатларда халқнинг хоҳиш-иродаси кўпроқ номоён бўлишига имкон беради. Бу эса ўз навбатида қонунчилик фаолияти сезиларли даражада ривожланиши учун қулай имкониятлар яратади. Парламент ишида демократия ва фикрлар хилма-хиллиги кўпроқ номоён бўлади, парламентнинг миллий давлатчилик институтлари тизими ўртасидаги нуфузи ортади.

Икки палатали Парламентда ўз фаолиятини амалга оширувчи депутатлар юқори палатада ишловчи ва қуйи палатада, яъни халқ билан ҳамнафас доимо ишлайдиган, халқнинг ҳокимиятни идора этишда қатнашишлигини таъминловчи, ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлишлигининг асосий звеноси бўлиб қолади.

Қуйи палатада фаолият кўрсатучи депутатлар маҳаллий ҳокимият вакилларидан бутунлай озод қилинишлиги, доимий, профессионал бўлган турли партиялар вакиллари ишлаб, ўз сайловчилари эрки, иродасини ва манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Юқори палатада, асосан тажрибали, ҳаётни кўрган, халқ обрў эътиборини қозона олган шахслар ишлашлари керак.

Албатта икки палата ўртасида баҳс мунозаралар бўлиши мумкин, лекин бу баҳслар хар томонлама маъқул бўлган, турли иллатлардан холи бўлган қонунларнинг қабул қилинишини келтириб чиқаради.

Парламент палаталари қонун ижодкорлиги фаолиятининг такомиллашиши, қонунларнинг пухта ва узокни кўзлаб ишланишига, енгил-елпи қонун лойиҳаларининг ўтиб кетмаслиги учун қафолат бўлиб ҳизмат қилади. Энг муҳими, бундай тизим ижроия ҳокимияти билан парламент ўртасидаги ортиқча тортишувларнинг олдини олади. Бир сўз билан айтганда, икки палатали парламент ҳуқуқий давлат барпо этишнинг, демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг яхши қуролидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг биринчи қўшма мажлисидаёқ юртбошимиз И.А.Каримов “Бизнинг бош мақсадимиз сифатида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш” мавзуаърузасида давлатнинг кейинги стратегик йўналишларини депутатлар ва Сенаторлар эътиборига тақдим этди. Маърузасида қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифалари сифатида белгиланди¹.

Дарҳақиқат, қонун чиқарувчи орган давлат механизмида асосий ўрин тутиши исбот талаб қилмайдиган ҳол. Бунинг сабаби шундаки, у ижро этувчи ҳокимият амалга ошириши лозим бўлган ва суд ҳокимиятининг фаолияти учун қонунчилик асоси бўлиб хизмат қиладиган умуммажбурий талабларни ўрнатади. Шунингдек, Олий Мажлис назорат-таҳлил, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича фаолият олиб боради.

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи, 2005 йил 29 январь, № 20 (3565).

Шубҳасиз, парламентимизнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда демократиялашга йўналтирилган йирик ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо қилди.

2005 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 63 та қонун лойҳаларини қабул қилиш режалаштирилган. Шулардан 25 таси ишлаб чиқиладиган, 6 таси янги таҳрирда киритиладиган ва 32 таси амалдаги қонунларга ўзгартишлар киритишга оид қонунлар лойиҳаларидир.

Айтиш жоизки, қонун ижодкорлиги жараёнини Регламент ва махсус Қонун билан тартибга солиниши долзарб масалага айланади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш Қонунчилик палатаси ишини тўғри ташкил этиш масалалари билан бевосита боғлиқдир. Қонунчилик палатаси ваколатларининг самарали бажарилиши уларнинг фаолиятини тўғри ташкил этилишини тақозо этади. Бу, ўз навбатида, Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва депутатлар фаолиятининг ташкилий, ахборот таъминлаш, палата ишини тўғри режалаштиришни тақозо этмоқда.

3-§. Ҳокимият тармоқлари ўртасида мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш масалалари

Биз бугун ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш ҳақида гапирар эканмиз, ўз олдимизга қўйган куйидаги устувор вазифа ва йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Биринчидан, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат. Ҳозирги ривожланиш даврида мустақил ҳокимиятларнинг фаоллигини оширишда албатта бу ҳокимиятларнинг ўзаро келишув асосида иш олиб боришига эришмоғимиз лозим. Шу борада:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларининг бир қисмини Парламентнинг юқори палатаси Сенатга ва ҳукуматга ўтказиш, профессионал, доимий асосда ишлайдиган қуйи Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш. Масалан, олдин бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентининг мутлақ ваколатига кирувчи хорижий давлатлардаги элчиларни тайинлаш, амнистия актини қабул қилиш ва

шунга ўхшаш ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси бўлмиш Сенатга ўтказилди. Шунингдек олидинги бир палатали тизимдан фарқли равишда қуйи палата бўлмиш Қонунчилик палатаси аъзоларининг доимий равишда фаолият олиб бориши ҳам қонунчилик жараёнининг янада сифатининг кескин ошишига имконият яратади;

- Иккинчидан, Бош вазир ва умуман, мамлакат ҳукуматининг ролини ва шу билан бирга, масъулиятини кучайтириш. Эндиликда Вазирлар Маҳкамаси аъзолари номзодини Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этиш тақдим этиш, Бош вазир ваколатига киритилди. Энди бевосита ҳар бир ҳукумат аъзоларининг номзодлари Бош вазир томонидан пухта ўрганиб чиқилиб, кейин Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этилади.

- Учинчидан, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирларни амалга ошириш. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида, “Ўлим жазосининг” бекор қилиниши, Прокурор ваколатига қирувчи шахсларни қамокқа олиш, ушлаб туриш ва бошқа маъмурий тарздаги жазо чораларини қўллаш учун керак бўладиган “Санкция бериш” ваколатининг судларга ўтказилиши ҳам, суд ҳокимияти ваколатларининг янада кенгайтишига, шунга яраша суд ислохотларини амалга оширишни янада тезлаштириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, биз олдимизга қўйган мақсадни соддагина ифодаламакчи бўлсак — ҳар қандай ҳокимият, у қонунчилик ёки ижро ва суд ҳокимияти бўладими, буларнинг барчаси қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт. Яъни, ҳар қайсиси ўз вазифасини англаши, ўз масъулиятини ҳис қилиши, ўз юкини кўтариши ва таъбир жоиз бўлса, ўз аравасини мустақил равишда тортиши даркор.

4-§. Парламент фаолиятида умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш.

Замонавий парламентларнинг юксалиб ва такомиллашиб бориши натижасида XX асрда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг яшаши учун муҳим бўлган - давлат ҳокимиятини учга тақсимланиши принципини амалга ошириш имконини берди. Қонун чиқарувчи ҳокимият парламент тимсолида ижро ва суд ҳокимиятлари билан ўзаро сиёсий муносабатларда ҳокимиятлар мувозанати қондасини ҳам таъминлаб туриш воситаси функциясини ҳам бажариб келмоқда. Ҳозирги даврга келиб, давлат ҳокимиятининг ҳар уч тармори нафақат бир-бирларидан мустақил

сиёсий кучларга айланди, балки улар ўзаро бир-бирларини назорат қилиш, ўзаро масъуллик асосида фаолият юритиш, фуқаролар фаровонлиги йўлида эса ўзаро ҳамкорлик қила олиш тамойилларини эгалладилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда илк парламентга асос солиниши, иккинчи ўн йилликда эса унинг икки палатали бўлишига доир ислохотларнинг бошланиши мамлакатда стратегик ва бош мақсад бўлган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишга доир туб ўзгаришларнинг энг асосий йўналишларидан биридир.

2006 йил 24 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов “Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор” мавзусида маъруза қилди.

Маърузада таъкидланганидек, Сенатнинг асосий вазифаларидан бири маҳаллий кенгашлар билан ўзаро узвий алоқаларни таъминлашдир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2000 йил 25 май куни бўлиб ўтган 2-чақирик Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида: Юқори палатага сайланган вакилларнинг асосий вазифаси Қуйи палатада тайёрланган қонунларни кўриб чиқиш ва шунга мос равишда ўзларининг қарорларини қабул қилишдан иборат бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқори палата мамлакатимизнинг барча ҳудудларига тенг кўз билан қараб, ана шу ҳудудларнинг вакиллари орқали халқимиз манфаатларини бир хилда ҳимоя қилиш керак” деб таъриф берган эди. Чунки, Сенат ҳудудий манфаатлар мутаносиблигини таъминловчи Олий вакиллик органи ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис Сенати амалга оширадиган кўпгина функциялар орасида вакиллик функцияси муҳим аҳамиятга эга. Сенат ёки сенаторлар вакиллик функциясини икки кўринишда амалга оширадилар:

1. Сенаторнинг халқ вакили сифатидаги вазифалари;
2. Сенаторнинг уни Сенатга тавсия этган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакили сифатидаги вазифалари.

Сенатор, авваламбор, халқнинг вакили бўлиб ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, сенаторлар сенаторлик ваколатини амалга оширишлари билан бир пайтда улар халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг ҳам депутатлари бўлиб ҳисобландилар. Сенатор ўзи вакиллик қиладиган Кенгашнинг давлат миқёсида ҳал қилинишини кутаётган масалаларини Олий вакиллик органи иш юритувига олиб чиқади ва унинг ечими, ҳамда шу Кенгаш томонидан унга топширилган вазифаларнинг Сенатда кўрилганлиги тўғрисида Кенгашга маълумот беради. Унинг бундай вакиллик функцияси

марказий ва маҳаллий муаммоларнинг олий ва маҳаллий вакиллик органлари томонидан ҳамкорликда ечилишида «кўприк» вазифасини бажаришида кўрилади.

Юриспруденцияда субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар ҳуқуқий муносабатнинг мазмунини ташкил этади. Муносабат субъектига ҳуқуқ мажбурият юклайди, унинг фаолиятини мақсадли равишда йўналтириб боради ҳамда бунинг учун кутилган натижага эришиш кўзда тутилади.

Сенаторлар сайловчиларни ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича чоралар кўриши, улардан тушган ариза, шикоят ва таклифларни кўриб чиқиши, ваколат доирасида улар масалаларини ўз вақтида қонуний ҳал этилишига кўмаклашиш, фуқароларни қабул қилиши, жамоатчилик фикрини ўрганиши ва зарурий ҳолларда давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларига таклифлар киритиши керак. Сенаторлар сайловчиларни ўзларининг фаолиятлари ҳақида улар билан учрашганларида ёки оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилишлари шарт.

Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан функционал алоқадорлигини янада изчил йўлга қўйиш учун қуйидаги масалаларга жиддий эътибор қаратиш лозим, яъни:

- ҳудудий муаммоларни Сенатда ҳал этиш йўллари;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг бир-бирига мос келишини таъминлаш бўйича ваколатни амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари билан ўзаро ахборот алмашилиш механизмини йўлга қўйиш.

Ҳудудий муаммоларни кўриб чиқишда маҳаллий Кенгашлари депутатлари билан учрашувларини ташкил этиш, маҳаллий масалаларни ўрганиш бўйича Сенат комиссияларини ташкил этиш ва парламент назоратининг турли хил кўринишларидан фойдаланиш ўз самарасини бериши табиий.

5-§. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар

иштирокини такомиллаштириш масалалари

Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов — демократия дегани. Демократия — бу сайлов дегани. Чунки ҳар қайси партия айнан сайлов орқали ўзининг тарафдорларини аниқлайди, ким унга овоз беряпти, ким унинг ғоя ва дастурларини қўллаб-қувватляпти —

буларнинг барчасини амалда кўришга муваффақ бўлади. Ҳамма нарса сайлов пайтида маълум бўлади. Қайси партия кимни ўз ғояларига ишонтира олгани, кимнинг манфаатларини ифода этгани, шу билан бирга, кимнинг уларга эрга-шаётгани, кимлар ишонч билдиргани фақат сайлов натижаларига кўра аён бўлади. Айнан сайлов пайтида партиялар ўзининг асосий ва устувор фикр-қарашларини, ҳаётни қандай яхшилаш, ислохотларни қандай амалга ошириш ғояларини илгари суради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи мажлисида сиёсий партиялар фаолияти хусусида қуйидагиларга тўхталиб ўтган эди: Бўлиб ўтган 2004 йил 26 декабрь сайловларда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан энг кўп номзодлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат сифатида сайланди. Бу партия нима ҳисобидан ғалаба қил-ди? Бу саволга, авваламбор амалий ишлари, аниқ дастури билан, деб жавоб бериш мумкин. Бу партия қисқа давр ичида қандай қилиб халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, Ўзбекистонни тараққий топган давлатлар қаторига қўшиш, иқтисодий юксалишга эришиш мумкин, деган масалалар бўйича ўз ғоя ва мақсадларини кўпчиликнинг онгига сингдириб, уларнинг ишончини қозона олди. Шунингдек, бу партия сайловга ташкилий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрди.¹

Халқ демократик партиясининг сайловлар арафасида аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги дастурий чиқишлари унинг ижобий натижаларга эришишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Яна бир нарсага эътиборни қаратиш лозим. Парламентимизда ўз вакилларига эга бўлган партиялар бу натижалар билан кифояланиб қолмасдан, ҳозирданок кейинги сайловлар ҳақида ўйлаши, уларга жиддий тайёргарлик кўришлари керак. Бунда сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларни парламентдаги партия фракцияси томонидан қонунчилик борасида қилинаётган ишлардан хабардор этиб, ҳисобот бериб туриш айниқса муҳим.

Ўтказилган икки палатали парламентга сайловлар натижасида 54 та ташаббускор гуруҳлардан 12 нафар депутат сайланди. Бу депутатлар ўзларини оддий одамлар орасидан чиққан, уларнинг дарду ташвишларини яхши биладиган номзодлар деб кўрсатгани, сайловчиларни шунга ишонтира олгани учун ҳам шундай натижаларга эришди. Депутат деган юксак ишончга сазовор ҳар қайси инсон аввало ўзи учун овоз берган одамлар ҳақида ўйлаши зарур. Бу ҳам демократиянинг яна бир белги-аломати, деса бўлади. Палатада қонунларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш, қонун устуворлигини таъминлаш — депутатларнинг асосий вазифаси бўлади. Бу вазифаларни тўлиқ

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13-Т: «Ўзбекистон», 2005.-166 б

адо этиш учун ҳар қайси депутат, ҳар қайси фракция мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш ишига муносиб ҳисса қўшиши лозим.

Ҳозирда ҳар бир сиёсий партия аъзоларидан ташкил топган ҳар бир фракция ўзи Қонунчилик палатасидаги қайси қўмита раҳбарлигига номзод кўрсатган бўлса, ўша қўмитанинг фаолиятига жавобгар бўлади. Шу маънода, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 3 та қўмита, Халқ демократик партияси ва Фидокорлар партияси 2 тадан қўмита фаолияти учун масъулдир. «Миллий тикланиш» партияси эса замонавий ахборот коммуникациялари бўйича иш олиб боради. «Адолат» социал-демократик партияси эса кўпроқ давлат бюджети билан боғлиқ масалалар билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эдилар: Бизнинг заиф томонимиз — ҳақиқий оппозиция йўқ. Ҳуқмронлик қилаётган кучга нисбатан оппозиция йўқ. Биз оппозиция деганда расмий сиёсатга қарши кучни тушунамиз. Қонунчилик палатасида ҳақиқий оппозиция пайдо бўлиши лозим. Бу ерда тортишувлар бўлиши керак. Бўлмаса, ҳақиқатни юзага чиқариб бўлмайди. Ҳақиқат баҳсларда туғилади, деб бежиз айтилмаган. Шу сабабли қонун лойиҳаларини шошилмас-дан, атрофлича муҳокама қилиш даркор. Такрор айтишга тўғри келади, «вақтни тежаш» деган сўз бу залда бўлмаслиги керак. Қонунлар пухта ишланиши, бу палатада ишчанлик муҳитини қарор топтириш лозим.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Т. 1.–Т.: Ўзбекистон 1996.- 364-б

2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин: Т.2.–Т.: Ўзбекистон, 1996.-380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Т3.–Т.: Ўзбекистон, 1996.-338 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан: Т.4.–Т.: Ўзбекистон, 1996.- 349 б.
5. Каримов И.А. Янгача фикрлаш ва ишлаш давр талаби: Т.5.–Т.: Ўзбекистон, 1997.- 384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6.–Т.: Ўзбекистон, 1998.-429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз: Т.7.–Т.: Ўзбекистон, 1999.-432 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз: Т.8.–Т.: Ўзбекистон, 2000.-528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз: Т.9.–Т.: Ўзбекистон, 2001.-432 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.Т.10-Т.: “ Ўзбекистон”, 2002.-432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11-Т.: “ Ўзбекистон”, 2003.-320б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12-Т.: “ Ўзбекистон”, 2004.-400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13-Т: « Ўзбекистон”, 2005.-448 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон» 2003 й. 40 б.
2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 432-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 213-модда // Ўзбекистон Республикаси 25.04.2003 й. 482-II-сонли Қонун билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 5-сон, 67-модда
3. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 522-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 136-модда

4. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 02.12.2004 й. 704-II Қонуни билан тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2004 й

5. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 434-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 215-модда // Ўзбекистон Республикаси 25.04.2003 й. 482-II-сонли Қонун билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 5-сон, 67-модда

6. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 520-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 134-модда

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 523-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 137-модда

8. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 518-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 132-модда

9. “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 04.04.2002 й. 350-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 4-5-сон, 60-модда

10. “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 13.12.2002 й. 446-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 1-сон, 7-модда

11. Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 30.08.2001 й. 265-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 176-модда // Ўзбекистон Республикаси 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонун билан ўзгартиришлар киритилган

12. “Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб

олиш тўғрисида”ги қонун

13. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги (Янги тахрири) Ўзбекистон Республикаси 27.08.2004 й. 669-П Қонуни билан тасдиқланган

Асосий адабиётлар

1. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв. ред. Б.А.Страшун. -М.: Бек. 1995. -778 с.
2. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Том 3. Отв. ред. Б.А.Страшун. -М.: Бек. 1997. - 764 с.
3. Конституционное право зарубежных стран. /В.Е. Чиркин Москва: Изд-во "Юристь", 2002. - 622 с.
4. Хамедов И.А. , Хакимов М,М. Парламентское право: Учебное пособие \ Под редакцией М.Х. Рахманкулова. – Ташкент 2003 г.
5. Конституционное Государственное право зарубежных стран./М.Ф. Чудаков. - Минск: Издательство "Харвест", 1998. - 783 с
6. Парламентское право России: Учебные пособие / Под ред. И.М. Степанова, Т.Я. Хабриевой. М.: Юристь, 1999. 224 с.
7. Булаков О.Н. Парламентское право Российской Федерации: Учебное пособие. Ростов н/Д: Феникс, 2000.
8. Конституционное право зарубежных стран в схемах.А. Щ.Якушев. - Москва: Издательство "Приор", 1999. - 334 с.
9. Конституционное право зарубежных стран в схемах. А. Щ .Якушев. - Москва: Издательство "Приор", 1999. - 334 с.

Қўшимча адабиётлар

- 1.Кузнецова Л.Л. Сравнительно-правовой анализ основных форм парламентского контроля // Журнал российского права. 2004. № 2.
- 2.Начева С. Болгарская конституционная модель процедуры реализации вотума недоверия (правовое регулирование и парламентская практика) // Парламентские процедуры: процедуры России и зарубежный опыт: Материалы научной конференции (Москва, 21–23 марта 2002 г.). М.: Изд-во МГУ, 2003.
- 3.Николаев А. Разделение властей в условиях парламентской формы правления // Право и жизнь: Независимый правовой журнал. 2001. № 33.

- 4.Онишко Н.В. Парламентаризм как конституционно-правовой институт // Журнал российского права. 2003. № 4.
- 5.Пиголкин А.С. Парламентское право становится учебной дисциплиной // Журнал российского права. 1999. № 10.
- 6.Бельсон Я.М. Проблемы современного английского парламентаризма в буржуазной правовой науке // Советское государство и право. 1957. № 12.
- 7.<http://www.legislature.ru/parliam.html>
- 8.<http://www.parliament.gov.uz/www/low007.htm>
- 9.<http://www1.parliament.gov.uz/main.aspx>
- 10.www.media-online.ru
- 11.www.mnogo-info.ru
- 12.www.parlam.kz/Dokkaz1/inf14.doc
- 13.www.portalus.ru/modules/internationallaw/rus_readme.php
- 14.www.respublica.elcat.kg/arc/2002/021022/5.htm
- 15.www.zakon.kz

МУНДАРИЖА

1-БОБ. Парламент ҳуқуқи юридик фан ва ҳуқуқининг мустақил тармоғи сифатида.

1-§. Парламент ҳуқуқи предметиинг тушунчаси ва хусусияти

2-§. Ижтимоий фанлар тизими ва ҳуқуқ тизимида парламент ҳуқуқининг роли, аҳамияти ва ўрни

3-§. Конституциявий ҳуқуқ ва парламент ҳуқуқи

4-§. Парламент ҳуқуқи ҳуқуқий тадқиқотларнинг мустақил йўналиши сифатида.

Ўзбекистон Республикасининг парламент ҳуқуқи – янги махсус ўқув юридик фан

5-§. Парламент ҳуқуқи ўқув курсини ўқитишнинг мақсадлари ва асосий вазифалари.

Парламент ҳуқуқи курсининг тизими. Юристарни тайёрлашда парламент ҳуқуқининг аҳамияти

2 -БОБ. Парламент ҳуқуқи: асосий тушунчалар

1-§. «Парламент» тушунчаси. Парламентни тавсифловчи асосий хусусиятлар. Парламентнинг асосий вазифалари. Парламент фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

2-§. Парламентаризм тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Парламентаризм назарияси ва амалиёти. Давлат тузуми шакллари ва парламентаризм. Бошқарув шакллари ва парламентаризм.

3-§. Парламент республикаси

3-БОБ. Парламент ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланиши.

1-§. Парламент ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва унинг манбалари.

2-§. Парламент ҳуқуқи ривожланишини даврларга бўлиш.

3-§. Антик дунёда вакиллик муассасалари тўғрисидаги ғояларнинг ривожланиши.

4-БОБ. Парламент ҳуқуқи манбалари.

1-§. Парламент ҳуқуқи манбаи тушунчаси ва турлари

2-§. Парламент ҳуқуқининг асосий ва қўшимча манбалари

5 -БОБ. Парламентни шакллантиришнинг асосий принциплари ва тартиби

1-§. Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари ҳамда парламентни шакллантириш

2-§. Сайлов тушунчаси ва унинг ижтимоий вазифаси

3-§. Сайлов тизимлари: мажоритар, пропорционал, аралаш

4-§. Сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш тартиби

5-§. Сайловларнинг даврийлиги, актив ва пассив сайлов ҳуқуқи

6- БОБ. Олий қонун чиқарувчи органнинг конституциявий моделлари

1-§. Қонун чиқарувчи органлар умумий тавсифи

2-§. Парламентнинг тузилиши (структураси)

3- §. Парламент аъзолари

4-§. Парламентнинг асосий ваколатлари

7-БОБ. Парламентлараро ҳамкорлик

- 1-§.Халқаро парламентлараро ҳамкорлик ташкилотлари. Парламентлараро иттифоқ.
- 2-§.ЕХХТ Парламент ассамблеяси .Европа парламенти.
- 3-§. Халқаро парламентлараро ташкилотларнинг халқаро демократик институтлар тизимидаги ўрни.

8-БОБ.Олий Мажлис ташкил топишининг ҳуқуқий асоси

- 1-§.Мустақил Ўзбекистон Конституцияси демократик сайлов тизимининг ўзаги ,асоси сифатида. Олий Мажлисга ўтказиладиган сайловнинг асосий принциплари .
- 2-§.Биринчи чақириқ Олий Мажлисга сайлов ва сиёсий кучлар манфаатларининг ҳисобга олиниши.Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши.
- 3-§.Марказий сайлов комиссияси ваколатлари ва иш тартиби .Иккинчи чақириқ Олий Мажлисга сайлов –Ўзбекистоннинг янги қонун чиқарувчи органи ва унинг доирасида юзага келган асосий партиявий сиёсий кучлар жойлашувининг ўзига хосликлари ва ғоявий сиёсий табақалашуви хусусиятининг мустаҳкамланиши ва янада ривожлантирилиши

9- БОБ. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳокимиятидаги изчил ислохотлар –икки палатали парламентга ўтиш зарурияти

- 1-§. Ўзбекистон Республикасида парламент ислохотларининг тарихий зарурияти
- 2-§. Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти - изчил ислохотлар самараси
- 3-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати – янги ҳуқуқий институт сифатида
- 4-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг шаклланиш тартиби. Парламент фаолиятининг ҳуқуқий асослари

10–БОБ. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми

- 1-§. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Конституциявий ҳуқуқий мақоми
- 2-§. Қонунчилик палатаси Спикери ва ўринбосарлари ваколатлари
- 3-§. Қўмита ва комиссияларни сайлаш тартиби ва ваколатлари
- 4-§. Сиёсий партия фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг Қонунчилик палатасидаги иштироки

11- БОБ. Олий Мажлис Сенатининг конституциявий – ҳуқуқий мақоми

- 1-§. Олий Мажлис Сенатининг ҳуқуқий асослари. Олий Мажлис Сенати - янги ҳуқуқий институт сифатида
- 2-§. Олий Мажлис Сенати ваколатлари ва ташкилий шакллари. Сенат раиси ва ўринбосарлари ваколатлари
- 3-§. Сенат Кенгаши иш тартиби. Сенат қўмита ва комиссияларни сайлаш тартиби ва ваколатлари
- 4-§. Олий Мажлис Сенатининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатлари. Олий Мажлис Сенатини тарқатиб юбориш тартиби. Олий Мажлис Сенати девони ва матбуот органлари фаолияти

12- БОБ. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати ва Сенати аъзосининг ҳуқуқий мақоми

- 1-§. Депутат ва сенатор фаолиятининг ҳуқуқий асослари
- 2-§. Депутат ва Сенатор ваколат муддатлари.
- 3-§. Депутат ва сенаторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- 4-§. Депутатнинг ва сенаторнинг парламент сўрови билан мурожаат қилиш тартиби.
- 5-§. Депутатнинг ўз сайловчилари билан олиб борадиган иш тартиби
- 6-§. Депутат ва сенатор фаолиятининг асосий кафолатлари

13- БОБ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қонунчилик фаолияти

- 1-§. Қонун чиқариш жараёни ва унинг босқичлари. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қонунчилик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари
- 2-§. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг субъектлари.
- 3-§. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонунни қабул қилиш
- 4-§. Сенат томонидан қонунни муҳокама қилиш ва қабул қилиш
- 5-§. Қелишув комиссияси
- 6-§. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик жараёнида иштирокининг аҳамияти. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиши ва эълон қилиниши

14-БОБ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида парламент назорати

- 1-§. Парламент назорат фаолиятининг тушунчаси ва унинг аҳамияти.**
- 2-§. Парламент назоратининг асосий йўналишлари.**
- 3-§. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг парламент назоратига оид ваколатлари.**
- 4-§. Давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати ва уни амалга оширишда қўмиталарнинг тутган ўрни**

15-БОБ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ташқи сиёсий фаолияти

- 1-§. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ташқи сиёсий фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари**
- 2-§. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий органи сифатида. Парламент дипломатияси – давлат ташқи сиёсий фаолиятининг муҳим таркибий қисми.**
- 3-§. Ташқи сиёсий фаолиятда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг ўзига хослиги.**
- 4-§. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги стратегияси ва тактикасининг сиёсий-ҳуқуқий негизини ташкил этувчи қонунларнинг қабул қилиниши. Ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий таркибий қисмлари.**
- 5-§. Халқаро шартномаларни ратификация қилиш – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ташқи сиёсий фаолиятининг муҳим таркибий қисми.**
- 6-§. Умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларидан устуворлиги принципи.**
- 7-§. Олий Мажлис ва халқаро парламентлараро ҳамкорлик ташкилотлари. Бошқа мамлакатларнинг парламентлари билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг халқаро фаолиятдаги муҳим вазифаси. Икки томонлама парламентлараро ҳамкорлиги**

16- БОБ. Олий Мажлиснинг фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича фаолияти

- 1-§. Фуқароларнинг Олий Мажлисга аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиши тушунчаси ва унинг моҳияти**
- 2-§. Олий Мажлиснинг фуқаролар мурожаатларига доир ишининг асосий йўналишлари. Фуқаролар мурожаатларига парламент муносабатининг асосий шакллари**

17-БОБ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ишини ташкилий-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан таъминлаш

- 1§ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ишини ташкилий-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан таъминлашнинг асосий механизмлари.**
- 2§ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати девонини шакллантириш.**
- 3§ Ҳуқуқий асосларини таъминлаш. Девоннинг асосий ваколатлари. Тузилиши. Девон ходимлари. Уларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

18 - БОБ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолияти ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари

1-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир” мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган асосий вазифалар

2-§. Парламентнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтириш

3-§. Ҳокимият тармоқлари ўртасида мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш масалалари

4-§. Парламент фаолиятида умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш

5-§. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини такомиллаштириш масалалари

Фойдаланган адабиётлар рўйхати